ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Э. ФОЗИЛОВ

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ МОРФОЛОГИЯСИ

Масъул муҳаррир
филология фанлари доктори
*Ғ. АБДУРАҲМОНОВ*

ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ—1965

153434

www.ziyouz.com kutubxonasi

4
Ф 79

*Ушбу китоб туркий тилларнинг энг қадимий ёдгорликлари морфологиясини ёритишга бағишланган. Бунда бой фактик материаллар асосида сўз туркумларининг форма ва маъно тараққиёти бирма-бир баён этилади. Бу китоб туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихий тараққиёти процессини аниқлашда катта аҳамиятга эга.*

*Китоб тил ўқитувчилари, турколог мутахассислар, илмий ходимлар ва филология факультети студентларига мўлжалланган.*

Фозилов Э.

**Ўзбек тилининг тарихий морфологияси.** Масъул муҳаррир филология фан. д-ри Ғ. Абдураҳмонов. Т., «Фан» нашриёти, 1984.

144 бет. (ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## КИТОБДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

ЕнПТ — С. Е. Малов. Енисейская письменность тюрков М.—Л., 1952.
ПМК — С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.—Л., 1959.
ОнгП — Онгинский памятник. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.—Л., 1959.
Мн — *Памятник хану Могиляну.* С. Е. Малов. *Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии.* М.—Л., 1959.
КТм — Памятник в честь Кюль-Тегина (малая надпись). С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.—Л., 1951.
КТб —Памятник в честь Кюль-Тегина (большая надпись). С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.—Л., 1951.
Тон. —Памятник в честь Тоньюкука. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.—Л., 1951.
Гкн. — Гадательная книжка. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.—Л., 1951.
Хуаст. — Хуастуанифт. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.—Л., 1951.
Сувр. — Суварна („Золотой блеск"). С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.—Л., 1951.
ПВ — Поклонение волхвов. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.—Л., 1951.
Юр. — Юридические документы. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.—Л., 1951.
T T I — W. Bang und A. von Gabain. Türkische Turfantexte I, SPAW, Phil. hist. Kl. XV, Berlin, 1929.
T T II W. Bang. und A. von Gabain. Türkische Turfantexte II SPAW, Berlin, 1929.
T T III — *W. Bang und A. von Gabain. Türkische Turfantexte,* III, SPAW, Berlin, 1930.
T T IV — Bang und A. von Gabain. Türkische Turfantexte, IV, SPAW, Berlin, 1930.
T T V — W. Bang und A. von Gabain. Analytischer Index zu den fünf ersten Stückchen der Türkischen Turfan texte. SPAW, XVII—XX, Berlin, 1931.



www.ziyouz.com kutubxonasi

T T VI — A. von Gabain und G. R. Rahmeti. Türkische Turfantexte VI. Das Buddhistische sutra „Säkiz Jükmäk", SPAW. X, Berlin, 1934.

T T VIII — A. von Gabain. Türkische Turfantexte VIII, Texte in Brahmischrift. ADAW, 1954.

T T IX — A. von Gabain. Türkische Turfan texte IX, Ein Hymnus an den Vater Mani auf „Tocharisch" B mit alttürkischer Übersetzung. DAWB, Berlin, 1958.

T T X — A. von Gabain. Türkische Turfan — Texte X, Das Avadana des Dämons Atavaka, Bearbeitet von Tadeusz Kowalski, Berlin. 1959.

M E — W. Bang. Manichäeische Erzähler. Museon, t. XLIV. Louvain, 1931.

Ман., I — A. Le Coq. Türkische Manichaica aus Chotscho, I, APAW, Berlin, 1912.

Ман., II — A Le Coq. Türkische Manichaica aus Chotscho, II APAW Phil-hist. Kl. Nr 3, Berlin, 1919.

Ман., III — A. Le Coq. Türkische Manichaica aus Chotscho, III, ARAW Phil. — hist. Kl., Nr 2, Berlin, 1922.

A F — A. Gabain Alttürkische Grammatik, Leipzig, 1950.

U Sp. — W. W. Radloff. Uigurische Sprachdenkmäler. L., 1928.

Zwei uig. Runeninschriften — G. J. Ramstedt. Zwei uigurische Runeninschriften in der Nord Mongolei, JSFOu XXX, Helsingfors, 1913, pp. 1—63.

Сувр. — Suvarnaprabhasa (Сутра „Золотой блеск"). Текст уйгурской редакции, изд. В. В. Радловым и С. Е. Маловым. Bibliotheca Buddhica, XVII, вып. I — VIII, СПб., 1913-1917.

Тш — W. Radloff. Tišastvustik. Ein in türkischer Sprache bearbeitetes buddhistisches Sutra. Bibliotheca Buddhica, XII, СПб., 1913—1917.

T C — W. Bang ve R. R. Arat. Türlü Cehennemler üzerine Uygurca parcalar. T M.

Уйг. Шт. — W. Bang und A. von Gabain. Ein Uigurisches Fragment über den Manicheischen Windgott, U J b, 1928.

K P — P. Pelliot. La version ouigoure de l'histoire des princes Kalyamamkara et Papamkara. Leiden, 1914.

M Г — W. Bang. Manichäeische Hymnen. Museon, t. XXXVIII, Louvain, 1925.

U I — Müller F. W. K. Uigurica (I), APAW. Berlin, 1908.

U II — Müller F. W. K. Uigurica II, APAW. Berlin, 1910.

U III — Müller F. W. K. Uigurica III, Uigurische Avadanabruchstücke (I—VIII), APAW, 1920, Phil. — hist. Kl. N 2, Berlin, 1922.

U IV — Müller F. W. K. Uigurica IV. SPAW, Phil.-hist. Kl. XXIV. Berlin, 1931.

Л T — W. Bang und G. R. Rachmati. Lieder aus Alturfan. AM, 1933.

Орк. — Hüseyin Nâmik Orkun. Prens Kalyanamkara ve Papamkara. Istanbul, 1940.

E T Y — Hüseyin Orkun. Eski türk yazitlari. Istanbul, 1941, cilt I, II, III, IV.

Л. — W. Bang und G. R. Arat. Die Legende von Oghur Qaghan. Berlin, 1932.

M Л W. Bang. Manichäische Laienbeichtspiegel. Muséon, 1923.

ИСГТЯ I, II — Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, часть первая, М., 1955; часть вторая, М., 1956.

APAW — Abhandlungen der K. Preuss. Akademie der Wissenschaften, Berlin.



www.ziyouz.com kutubxonasi

JSFOu — Journal de la Société Finno-Ougrienne, Helsinki.
KCsA — Körösi Csoma — Archivum, Budapest.
KSz — Keleti Szemle, Budapest
MSFOu — Mémoires de la Société Finno-Ougrienne, Helsinki.
NSoS — Mitteilungen des Seminars für orientalische Sprachen, Berlin.
R O — Rocznik Orientalistyczny, Kraków.
SBAW — Sitzungsberichte der Bayerischen Akademie der Wissenschaften, Berlin.
SPAW — Sitzungsberichte der Preu ssischen Akademie der Wissenschaften, Berlin.
STO — Studia Orientalia, Helsinki.
ZDMG = Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft, Leipzig.

* * *

бошқ. — бошқирд тили
грек — грек тили
ж. — журнал
кар. — корейс тили
нғ. — ноғой тили
санскр., скр. — санскрит тили
сб. — сборник
ср. — пер. — средне-персидский
сўғд. — сўғд тили
тат. — татар тили
турк. — турк тили
туркм. — туркман тили
тўх. — тўхор тили
уйғ. — уйғур тили
хак. — хакас тили
хит. — хитой тили
чув. — чуваш тили
шор. — шор тили
яп. — япон тили
ўзб. — ўзбек тили
қозоқ — қозоқ тили
қум. — қумиқ тили
қ. қалп. — қорақалпоқ тили
NF — Neue Folge

www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЎЗ БОШИ

Маълумки, ўзбек миллий тили ўз тараққиётида мураккаб процессларни кечирди. Ўзбек миллий тилининг тараққиёт қонунлари ва унинг бошқа тиллар билан бўлган алоқаси ва муносабати ҳанузгача тўлиқ ва мукаммал ўрганилмаган.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу проблемани илмий ҳал қилишда эски обидалар тилини ўрганиш, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади.

«Ўзбек тилининг тарихий морфологияси» деб номланган китоб уч қисмдан иборат:

I. Эски обидалар тилининг морфологияси

II. XI—XIV аср ёдномалар тилининг морфологияси

III. XV—XIX аср ёдгорликлар тилининг морфологияси.

Бу иш — «Эски обидалар тилининг морфологияси» — туркий тиллар учун муштарак бўлган қадимги обидалар тилини ёритишга бағишланади.

Ушбу ишнинг ёзилишида ўзларининг самимий маслаҳатлари ва дўстлик ёрдамларини аямаган барча ўртоқларга автор чин қалбдан миннатдорчилик изҳор этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## КИРИШ

Узбек тилининг тарихий морфологиясини илмий асосда ўрганиш тилшуносликнинг актуал проблемаларидан саналади. СССР ФА корреспондент аъзоси Б. А. Серебренников жуда тўғри қайд қилганидек, туркий тиллар тарихий морфологиясини яратишда, дастлаб бу тиллар учун энг қадимда муштарак бўлган муҳим хусусиятларни аниқлаш керак бўлади. Бу эса ҳар бир конкрет туркий тилнинг кейинги тараққиёт процессини тўғри ёритишда, уни чуқур илмий таҳлил қилишда катта аҳамият касб этади.

Айрим морфологик формаларнинг архитипларини аниқлашда, қатор туркий тилларнинг морфологик қурилишининг такомиллашишини ўрганиш борасида энг қадимги обидалар тили жуда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Одатда қадимги текстлар дейилганда ўрхун-енисей обидалар тили тушунилади. Ҳақиқатан ҳам ўрхун-енисей текстлари тил тарихи учун жуда қимматлидир. (Мазкур текстларнинг топилиш, ўқилиш ва ўрганилиш тарихи совет турколог олимлари С. Е. Малов, И. А. Батманов, В. М. Насилов, А. М. Щербакларнинг асарларида тўла ёритилган).

Ўрхун-енисей текстлари билан бирга уйғур, турфон, манихей ёдномалари ҳам беқиёс муҳим манбалардан саналади. Шуни айтиш керакки, мазкур текстларни баъзан қадимги уйғурларники деб баҳолайдилар. Бизнингча, масалага бундай қараш етарли асосга эга эмас.

Уйғур, манихей, турфон текстларини уйғурларники деб қараш мазкур текстларни чуқур ўрганмасликдан келиб чиқади. Аслида бу текстлар Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг ҳам умумий мулки деб баҳоланиши керак.

Юқорида қайд қилинган барча текстларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлсада, улар орасида тил жиҳат-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ўхшашлик ва яқинлик ҳам мавжуддирки, бу нарса ўз вақтида Альберт Лякок, П. Пелльо, В. Банг, А. Габэн каби олимларнинг диққатини жалб этган эди.

Бу ишда қуйидаги обидаларнинг морфологик қурилиши ўрганилди:

С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951; Енисейская письменность тюрков, М.—Л., 1952; Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959; Таласские эпиграфические памятники, Материалы Узкомстариса, 7; Два уйгурских документа, Сборник статей В. В. Бартольда, Ташкент, 1927; Древнетурецкие надгробия с надписями бассейна р. Талас, «Известия АН СССР», Отдел гуманитарных наук, 1929.

П. М. Мелиоранский, Памятник в честь Кюль-Тегина, ЗВО, т. XII, вып. II—III, СПб., 1899; Документ уйгурского письма Султана Омаршейха, ЗВО, т. XVI, вып. I, СПб., 1904.

В. В. Радлов, Ярлыки Токтамыша и Темир-Кутлуга, ЗВО, т. III, СПб., 1888.

В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, Древнетюркские памятники в Қошо-Цайдаме, Труды Орханской экспедиции, вып. IV, СПб., 1897.

И. А. Батманов, З. Б. Арагачи, Г. Ф. Бабушкин, Современная и древняя Енисеика, Фрунзе, 1962.

И. А. Батманов, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959.

ФЭН Из-я-Шэн (КНР) и Э. Тенишев, Три новых уйгурских документа из Турфана, «Проблемы востоковедения», 1960, № 5.

Иштван Эрдейи, Новая руническая надпись из Венгрии, «Эпиграфика Востока», XII.

З. Б. Арагачи, Памятник с Элеиста, Ученые записки Тувинского научно-исследовательского института языка, литературы и истории, вып. IX.

А. М. Щербак, Новая руническая надпись на камне, Ученые записки Тувинского научно-исследовательского института языка, литературы и истории, вып. IX; Знаки на керамике из Саркела, «Эпиграфика Востока», XII.

Э. Р. Рыгдылон, О знаках на плитах с руническими надписями, «Эпиграфика Востока», IX; К древнетюркским рунам Прибайкалья, «Эпиграфика Востока», VIII. «Эпиграфика Востока» (IV, V, XI, XII) журналида А. Н. Бернштам, Э. Р. Ригдилон, Ю. Л. Аранчин, Э. Р. Тенишевлар руник обидаларидан айрим текстларни келтиришган.

W. Radloff. Uigurische Sprachdenkmäler, L., 1928

W. Radloff und S Malof. Suvarnaprabhasa. Bibliotheca Buddhica. XVII, вып. 1 — XVIII, СПб., 1913—1917.

A. von Gabain. Alttürkische Grammatik, Leipzig, 1950.

F. W. K Müller. Uigurica — I—IV. ABAW 1908; ABAW 1010; ABAW 1922; ABAW 1931.

A. von Gabain. Türkische Turfan — Texte VIII—X; ABAW 1954; ABAW 1958; ABAW 1959.

A. V. Le Coq. Türkische Manichaica aus Chotscho I—III, ABAW, Berlin, I 1922; II 1919; III 1922.



www.ziyouz.com kutubxonasi

W. Bang und A. von Gabain. Türkische Turfan — Texte I—VII, 1929—1936.
W. Bang und A. von Gabain. Analytischer Jndex zu den fünf ersten Stücken der Türkische Turfan — Texte SPAW, Berlin, 1931.
W. Bang und A. von Gabain. Ein uigurisches Fragment über den Manicheischen Windgott, uj. Bd. VIII, н. 3—4, Berlin 1928.
W. Bang. Manichaeische Hymnen. Museon, t. XXXVIII, Louvain, 1925.
G. R. Rachmati. Zur Heilkunde der Uiguren, SPAW, Phil — hist — Kl., XXIV, Berlin, 1930.
W. Radloff. Tiuastvustik. Ein in türkischer Sprache bearbeitetes buddhistisches Sutra. Bibliotheca Bouddhica, XII, СПб., 1910.
G. J. Ramistedt. Zwei uigurische Runeninscriften in der Nord Mongolei, JSFOU, XXX.
W. Bang ve R. R. Arat. Türlü Cehenemler üzerine Uygurca Parcalar.
Vilh. Thomsen. Dechiffrement des inscriptions de l'Orkhon et de l'Lehissei. Copenhague, 1894.
W. Radloff. Die Alttürkischen Inschriften der Mongolei; 1—3, СПб., 1895; Neue Folge, СПб., 1897.
V. Thomsen. Turcica. Helsingfors, 1916 кабилар.

Китобда фойдаланилган обидалар ҳақидаги тўла маълумот „Библиография"да келтирилган.

Юқорида кўрсатилган обидаларнинг тил хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий ишларни уч группага бўлиш мумкин:

1. Кўпчилик тадқиқотчилар эски текстларни нашр қилганда баъзи грамматик формаларни изоҳлаб ҳам берганлар: В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, С. Е. Малов, И. А. Батманов, А. М. Шчербак, Э. Р. Тенишев, В. Томсен, Ю. Немет, В. Котвич, Т. Ковальский, А. Лекок, В. Банг, А. Габэн, Р. Арат, М. Рясянен, Г. И. Рамстедт, Х. Н. Оркун ва бошқалар.

2. Баъзи тадқиқотчилар мазкур текст тилининг грамматик характеристикасини берадилар: И. А. Батманов, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959; И. А. Батманов, З. Б. Арагачи, Г. Ф. Бабушкин, Современная и древняя Енисеика, Фрунзе, 1962; В. М. Насилов, Язык орхоно-енисейских памятников, М., 1960.

Юқорида келтирилган ёдномаларнинг баъзилари А. М. Шчербак асарида ҳам кўрилган („Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана", М.—Л., 1961). Чет давлатларда чиққан ишлардан проф. А. Габэн асарлари диққатга сазовор „Alttürkische Grammatik", 2. verbesserte Auglage, Leipzig, 1950. A. von Gabain, Alttürkische. Philologiae turcicae fundamenta. Jussu et auctoritate Unions Universae Studiosorum rerum orientalium, ediderunt J. Deny, K. Grönbech, H. Schell, Zeki Velidi Togan. 1, 1959, Wiesbaden.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ишларда жуда бой фактик материал билан бирга, илмий-назарий жиҳатдан қимматли фикрлар ҳам баён қилинган.

3. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг ишлари эса, қадимги текстларнинг айрим морфологик, синтактик, фонетик масалаларига бағишланган: А. Н. Кононов, А. М. Шчербак, А. Исломов, Г. Айдаров, Д. Насилов, В. Г. Кондратьев, А. Габэн, А. Темир ва бошқалар.

Биз ўз ишимизда бу олимларнинг қимматли илмий тадқиқотлари натижаларидан фойдаландик.

Ишимизда ёдгорликлардан олинган кўпгина мисоллар ҳозирги замон ўзбек тилига таржима қилиб берилди, айрим ҳоллардагина таржима қилинмади. Техник сабабларга кўра *ң* кўпинча *н*, *ө* базан *ő*, *у*-*ў* билан берилган ва ёдномалардан олинган мисоллар анча соддалашган транскрипцияда келтирилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОТ

Отлар гуруҳини ташкил қилган сўзлар семантик нуқтаи назардан турли-туман бўлиб, грамматик жиҳатдан сўз ясовчи аффикслар, эгалик, сон, келишик қўшимчалари билан характерланади.

Ёдгорликлардаги от туркумига кирувчи барча сўзларни икки группага, яъни атоқли ва турдош отларга ажратиш мумкин.

Булардан турдош отлар мазкур баҳснинг асосини ташкил этади. Атоқли отлар эса нисбатан кичик бир гуруҳни ўз ичига олади. Масалан: одамларнинг шахсий номлари [*Култигин*, *Қапаған*, *Тоṅуқуқ*, *Чур*, *Йағлақар қан ата*, *әл Туған Тутуқ*, *Тәнси*, *Хиродис қан*, *Қутаи*, *әрклиг қан*, *М(а)ғаради*, *Қолуды Бинтуṅ*, *Толу қара*, *Мысыр Улуғ*, *әнч қара*, *Қол қара*, *Қудлуғ Тәмўр*], географик номлар[1] [*Кӧгмән*, *Тәмир қапығ*, *Шантуṅ йазы*, *Амры*, *Аны*, *Байырқу*, *Бәṅлигәк*, *Бидилҳым*, *Қочу*, *Тоғу*], киши, ҳайвон лақаблари [*Азман ақ* 'от лақаби', *Ѳгсиз* 'от лақаби'), астрономик номлар (*Утарид* 'Меркурий') каби.

Отлар гап структурасида эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи каби функцияларда келади.

Отлар гапда бирлик ёки кўпликда, у ёки бу келишик, ё эгалик аффикси билан қўлланади.

### КЎПЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Отлар сон жиҳатдан бирлик ва кўпликка бўлинади. Бирлик маъносини ифодалашда махсус кўрсаткич иштирок этмайди.

---

[1] A. von Gabain. Über Ortsbezeichnungen im Alttürkischen. Berlin, 1950.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Отларда кўплик маъноси морфологик, синтактик, лексик йўл билан ифода этилади. Ёдгорликларда отларнинг кўплик шакли асосан ***-лар, -лəр***дир[2].

Саноқли ўринлардагина кўплик аффикси ***-ла, -лə*** кўринишига эга: ***йерлəтə йатмыш кəрəк*** 'ерларда етиши керак' (ТТ VIII, 58).

Баъзан ***-лар*** аффикси эгалик қўшимчасидан сўнг келади: ***тəнримлəрим*** 'тангриларим' (Сувр., 155).

***-лар, -лəр*** бир қатор маънолар билан қўлланади:

Эркалаш маъносида (Pluralis honorificus): ***тöрт бин атларым йылқым*** 'тўрт минг отим, йилқим' (ЕнПТ., 183); ***тайларым*** 'тойларим' (ЕнПТ., 74); ***əмрəк öкÿклəрим*** 'севимли болаларим' (Сувр., 622); ***огланларым*** 'ўғлоним' (ПВ., 134); ***əй əдгулəрим, тəнримлəрим*** 'эзгуларим, тангриларим' (Сувр., 155) каби.

---

[2] ***-лар*** аффиксининг этимологияси ҳақида бир қатор олимларнинг фикрлари билан қуйидаги ишларда танишиш мумкин: Н. А. Баскаков, К вопросу о происхождении условной формы на *-са, -се* в тюркских языках, Сб. „Акад. В. А. Гордлевскому" М., 1953, стр. 57—58; В. А. Богородицкий, Введение в татарское языкознание в связи с другими тюркскими языками, 2-е изд., Казань, 1953, стр. 167—168; А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, М.—Л., 1956, стр. 99; А. F. Fуломов, Ўзбек тилида кўплик категорияси, Тошкент, 1944, 3—10-бетлар; Г. И. Рамстедт, Введение в алтайское языкознание, Морфология, М., 1957, стр. 25. I. Deny, Türkçede „ler" edatinin menşei Üçüncü Türk Dil Kurultayl, 1936, Istanbul, 1937, S. 291—295. A. C. Emre, Türkçede çogul belgisi—lerin etimolojesi üzerine bir araştirma Türk Dili, seri II N 5—6, 1941, S. 105; Fuat Koseraif. Çogul takimizin çikanagi (—menşel) nedir? Türk Dili, seri III, N 10—11, 1947, S. 13—15; W. Bang, Studien zur vergleichenden Grammatik der Türksprachen. SPAW, XXXXII, 1916, S. 924, T. Kowalski. Zur semantischen Funktion des Plural suffixes lar, lär in den Türksprachen. Krakow. 1936. O Pristak Tschuwaschische Plural suffike. Studia Altaica, v, 1957, S 137—155; C. Brockelmann. Osttürkische Grammatik der islamischen Litteratursprachen Mittelasiens, Leyden, *1954, S. 150—152*; G. J. *Ramstedt, Die* Pluralendung mo.—nar tü—lar. ISFO, N 55, 2, Helsinki, 1951, S 35—36' M. Räsänen. Aus der türkischen Formenlehre I, Das türkische Pluralsuffix lar—lär. Helsinki 1939; M. Räsänen. Materialen zur Morphologie der türkischen Sprachen. Helsinki, 1957, S. 52—56; K. Grānbech, Der türkische Sprachbau, I, Kopenhagen, 1936, Kapitel II, Die Mehrzahl, S. 65—111; P. Aalto Altaistica, II. The suffixes — lar, — nar — lär. Studia Orientalia, XVIII, 7, Helsinki, 1952, S. 10—17; N. Poppe. Plural suffixes in the Altaic Languages. UAJ, Bd. XXIV, 1952 N 3 — 4, S. 65 — 83. N. Poppl. studies on Altaic and Uralic Plural Suffixes. Finnischugrische Forschungen. Helsinki, Bd. 31, 1953 S. 26—31, Э. Sinor. On some ural—altaic plural suffixec. Asia Majior, 1952 new series, vol. II, part 2; W. Kotwicz. Les pronoms dans les langues altaiques. Krakow, 1936, S. 23—30.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маънони кучайтириш учун: *кӧркլә оғлағу кӧзләри* 'гўзал кўзлари' (ТТХ, 449); *кинари, гнтрвита улаты тнриләр ырын ойунын ырлайў бўдийу айаларын қавшуруп ырақтын тнры бурханығ ӧгә йыва турдылар* 'Кимнари Гандарви ва бошқа тангрилар куй, ўйин қилиб, оёқларини қовуштириб узоқдан тангри Бурхонни мақтадилар' (ТТХ, 143-147); қиёсланг: *айасын қавшур* (ТТХ, 262); *ӧз әтӧзләри* 'ўз вужуди' (ТТVIII, 69); *ики әмигләри* 'икки эмиги' (ТТХ, 446); *кимләр* 'кимдир' (ТIII, 69).

Гиперболик-кучайтириш маъносида: *оз ӧз кӧнулләри* 'ўз юраги' (Сувр., 609); *қунчуйларнын йўрәкләри* 'бекаларнинг юраги' (ТТХ, 12) каби.

Тахмин маъносида: *қырқ йыллар* '40 йилча' (ЕнПТ., 81).

Бирор нарсанинг кўплиги, ортиқлигини кўрсатади: *тоз топрақлар* 'тўзон' (ТТVIII, 9); *инанчлар* 'ишончлар' (Сувр., 625); *тсанлары ағылықлары* 'бойлик ва дон омбори' (Сувр., 607).

Киши ёки предметнинг бирдан ортиқлигини билдиради: *бәгләри* 'беклари' (Тон.); *бурқанлар* 'бурхонлар' (Хуаст., 118); *әрләр* 'ботирлар' (ЕнПТ., 26); *йәкләр* 'руҳлар' (Сувр., 154); *тапығчылар* 'хизматчилар' (Сувр., 620); *сӧзләр* 'сўзлар' (Юр., XIII, 210); *сӧнўкләр* 'суяклар' (Сувр., 618).

Кўплик аффикси кўпинча уюшиқ бўлак составидаги сўзларнинг ҳар бирига қўшилиб келади: *йәкләр ичкәкләр* 'арвоҳлар' (ТТХ, 328); *ӧгузләр тоғлар* 'дарё ва тоғлар' (Сувр., 618); *қуртлар қонузлар* 'қурт-қўнғизлар' (Сувр., 614) каби.

Баъзан уюшиқ бўлакнинг биринчи сўзига қўшилиб, маъноси бошқа сўзларга ҳам тегишли бўлади: *бристиләр ғратағ пдвахтағ* 'бристаглар, храстаглар ва падвахтаглар' (Хуаст., 119); *тӧрт атларым йылқым* 'тўрт отим, йилқим' (ЕнПТ., 83) каби.

Айрим ўринда аниқловчи бўлиб келган сифатга қўшилади: *ақлар булут* 'оқ булутлар' (ЛТ., 5); *қаралар булут* 'қора булутлар' (ЛТ., 1).

Кўплик аффикси *-лар, -ләр* эски руник ёдномаларида феълларга қўшилиб келмайди. Феъллар билан *-лар, -ләр* аффиксининг келиши (эга билан кесимнинг сонда мослашуви) сўнгги давр тилида, чунончи, турфон, манихей, уйғур текстларида мавжуд: *дындарлар инчә кигинч бирдиләр* 'диндорлар шундай жавоб бердилар' (ТТII, 2); *тынлығлар бардылар* 'жониворлар келдилар' (ТТХ, 12); *бәгләр ынанчлар ӧгләнтурдиләр* 'беклар ишончли одамларни ўзига келтирдилар' (Сувр., 625) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Текшираётган давр ёдгорликларида кўплик, жамлик маъносида *-(ә)н*, *-(а)н*, *-т*[3] аффикслари ҳам қўлланади. Буларнинг истеъмол доираси жуда тор бўлган: *әрән* 'эр' (КТб., Гкн., U III); *әрән қырқын* 'эр ва қизлар' (U III, 45); *оғлан* 'ўғил', *öртән* 'оташ' (АГ., 61) каби.

*-т* аффиксини қуйидаги сўзларда учратдик: *тарқат* 'рутба' (КТм., 28, *тарқан*); *алпаут* 'ботир(лар)' (U III, 65); қиёсланг: *алпағу* 'рутба' (КТб., 47); *тигит* (*тигин* ; *шадапыт* 'рутба, титул' (КТм., 28); *урунут* 'аскар' (Сувр., 401); *урунғу* 'кураш, уруш'; *байагут* 'бой' (U II, 36, 37); *байағу* 'бойлик'; *ташғут* 'шеър' (Ман., II, 7; 2; қиёсланг: *тағшур* 'шеър ўқимоқ') *қыйыт* 'қийинчилик' (Сувр., 51), *қыйын* 'азоб'; *сўт* (*сўн*) 'сут' каби.

*-т* билан келган айрим сўзлар шу давр тилида бирлик маъносини англатади: *тигитләр*, *тигинләр* (Сувр., 414, 608, 609, 416).

Кўплик маъноси бошқа усуллар билан ҳам берилади (феъл бяҳсига қаранг).

Иккинчи усулда сўзнинг ўзак-негизи орқали ифодаланган маъно жамлик, кўпликни кўрсатади: *будун* 'халқ', *сў* қўшин, *қавраг* 'тўда', *эл* 'эл', биз, сиз каби.

Булар қаторига *кöз*, *кöгуз*, *муйуз*, *икиз*, *тиз*, *мўнўз* каби сўзлар ҳам киради.

Шуларда ва шунга ўхшаган сўзларда *-з* аффикси жуфт ёки кўплик маъно англатувчи қўшимча сифатида қаралади[4].

Синтактик йўл билан кўплик маъноси отнинг сон ёки миқдор билдирувчи сўз билан бирикиши натижасида ҳосил бўлади: *ўч әчим* 'уч акам' (ЕнПТ., 61); *йўз тиләким* 'юз тилагим' (ТТ VIII, 53);

Сўзларнинг такрорланиши натижасида: *мунча мунча* 'кўп', *öкўш öкўш* 'жуда кўп'; *әрўш öкўш браман* 'жуда кўп брахманлар' (U II, III, 16); *өлгусуз өкуш* 'сон-саноқсиз' (U III, 12—15).

## Эгалик категорияси

Бир предметнинг маълум шахсга ёки предметга қарашли эканлигини ифодалаш уч йўл билан берилади: морфологик, синтактик, морфологик-синтактик.

---

[3] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, Тошкент, 19-бет; K. Grönbech. Der türkische Sprachbau. Kopenhagen, 1936, S. 58; A. von Gabain. Alttürkische Grammatik, Leipzig. 1950, S. 61; D. Sinor. On some ural—altaic plural suffixes, AM, N 5, vol. II, pt. 2, Leipzig, 1951, S. 208.

[4] *-з* аффикси ҳақида С. Е. Малов, А. Н. Кононов, Н. К. Дмитриев, Н. А. Баскаков, А. Ғулом, Т. Ковальский, В. Банг, М. Рясянен, Г. И Рамстедт. Б. Мункачи, Ю. Немет, Л. Лигети каби олимларнинг ишларида батафсил маълумот берилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Морфологик усул махсус эгалик аффикслари билан ифодаланади. Булар қуйидагилар:

**Бирлик**

I шахс ***-м, -ым, -им, -ум, -ӱм***[5]***, (-ам, -әм)***
II шахс ***-ң, -ың, -иң, -уң, -ӱң, (-аң, -әң)***
III шахс ***-сы, -си, -зы, -зи, -ы, (-н), -и, (-н).***

**Кўплик**

I шахс ***-мыз, -миз, -муз, -мӱз, -ымыз, -имиз, -умуз, -ӱмӱз, (-амаз, -әмәз)***
II шахс ***-ңыз, -ңиз, -ыңыз, -иңиз, -уңуз, -ӱңӱз (-аңаз, -әнәз)***
III шахс ***-сы, -си, -зы, -зи, -сылар, -силар, -зылар, -зиләр, -ылар, -иләр.***

Мисоллар: *алтмыш йашымда* 'олтмиш ёшимда' (ЕнПТ., II); *сӱси* 'аскари' (КТб., 32); *Илтәреш қаған билиг осин ӱчӱн, алпын ӱчӱн Табғачқа йәти йәгирми сӱкӱшди* 'Элтереш хоқон билими, баҳодирлиги учун Табғочқа 17 марта қўшин тортди'. (Тон., 64); *кӧнӱлӱм* 'кўнглим' (ТТ II, 41); *әдин таварын* 'мол-мулкинг' (ТТ I, 9).

Эгалик аффиксларининг ***-ам, -әм, -амаз, -аң, -амыз*** каби вариантлари жуда кам қўлланилади: *қанамаз* 'отамиз' (Ман., I, 10); *адашамыз* 'адашимиз' (U IV, 19); *қылмышамаз* 'қилганимиз' (U IV, 112); *сачымаз* 'сочимиз' (U III, 55); *айған* 'сўзинг' (Ман., III, 23) каби.

Шуни ҳам айтиш керакки, ***-ым, -им, -ум, -ӱм, -уң, -ӱң, -умуз, -ӱмӱз, -ымыз, -имиз*** каби вариантларнинг қўлланилишида муайян мунтазамлик сақланмайди. Ҳатто бир сўзнинг ўзида ҳар хил вариантлар келади: *ӧзӱм* 'ўзим' (ПМК., 34; ТТ X); *ӧзим* (МН., 19; КТм).

Баъзи туркологларнинг фикрича, эгалик аффикслари кишилик олмошларидан келиб чиққан. Кишилик олмошларининг ***(мән, сән, ол, биз, сиз)*** эгалик аффиксларига айла-

---

[5] Н. К. Дмитриев, Категория принадлежности, ИСГТЯ, II т. М., 1956, стр. 22-27; Э. В. Севортян, Категория принадлежности, ИСТГЯ, II т. М., 1956, стр. 38—44; Г. И. Рамстедт, Введение в алтайское языкознание, Морфология, М., 1957, § 38; В. Котвич, Исследование по алтайским языкам, М., 1962; W. Radloff Die Alttürkische Inschriften der Mongolei, Neue Folge, Спб, 1897, S. 73—74 O. Böhtlingk, Über die Sprache der Jakuten, SPb., 1851; W. Kotwicz. Les pronoms dans les langues altaiques, Krakow, 1936, S. 10. 87.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ниш процессида I шахс олмошидан *(-мән)* *-ән*, II шахс олмошидан *(сән)* *-сә* элементи тушиб қолган деб изоҳ берилади. Бу фикрга қўшилиш қийин.

Чунки нима сабабдан биринчи шахс олмошидан *-ән* элементи, яъни *сўнгги бўғин, иккинчи шахс олмошидан* биринчи элемент *-сә* тушиб қолган ва *н* бурун товушига айланган деган саволга қониқарли жавоб берилмайди. Шунинг учун юқоридаги фикр ҳақиқатдан узоқдек туюлади.

Бизнингча, эгалик аффикслари асосида кишилик олмоши эмас, бошқа бир элемент бор. Бу элемент қаратқич келишиги аффикси билан ҳам боғлиқ бўлса керак. Қиёсланг: I ш.-м. II ш.-*ң*; I ш. к. *-м+з*, II ш. к. *-ң+з*, демак, эгалик асосан *м* ва *ң* бўлиб, булар тарихан бир манбадан пайдо бўлган қадимги сўз ясовчи *-ң*, *-ғ*, *-к*, *-м* аффикслар билан ҳам боғлиқ бўлса керак.

III шахс эгалик аффиксини баъзи олимлар *III шахс олмошига*, баъзилар эса, *-сын* || *-син* элементига боғлайдилар[6].

**Синтактик йўл.** Бунда қаратқич келишигидаги от эгаликни, унга мансуб бўлган предмет эгалик аффиксисиз келиб, қаралмишни ифодалайди: *мәниң әр* 'менинг ботирларим' (ПМК., 36); *бәгиң от* 'бекнинг оти' (КТб., 31); *қара тәмирниң борлуқ* 'Қора темирнинг узумзори' (Юр., XIII, 210); *ол йәкниң йумышчы* 'у руҳнинг хизматчиси' (Сувр., 156) каби.

**Морфологик-синтактик йўл.** Бунда эгаликнинг икки усули қайтарилади, яъни биринчи марта қаратқич келишиги билан, иккинчи марта эса эгалик аффикси билан берилади: *мәниң будуным* 'менинг халқим' (МН., 17); *аның савы* 'унинг сўзи' (Хуаст., 117); *сәниң савың* 'сенинг сўзинг' (U III, 10); *бизиң кылынчымыз* 'бизнинг қилмишларимиз' (ТТ IV, 37); *бизиң әмгәкимиз* 'бизнинг қийинчилигимиз' (ТТХ, 68); *сизиң илиңиздә* 'сизнинг элингизда' (ТТ II, 17) каби.

Абстракт эгалик маъноси қаратқич келишиги билан вужудга келади: *биз сизиң* 'биз сизники' (ТТ III, 8); *сизиң мән* 'мен сизники' (Ман., III, 24); *мәниңләр ол* 'меники' (U III, 27).

Ёдномаларда асосан биринчи ва учинчи усул билан эгаликни ифодалаш кенг қўлланилган. Бошқалари эса жуда кам ўринда учрайди.

---

[6] В. М. Насилов, Язык орхоно-енисейских памятников. М., 1960, стр. 27.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Отлар гапда бирор келишикда келиб, бошқа сўзлар билан турли муносабатда бўлади. Бу муносабатнинг шаклланиш тарихи жуда узоқ ўтмишга эга.

Қадимги ёдномалардаги келишиклар баҳсини текширган олимлар обидалар тилида мавжуд бўлган келишиклар сонини турлича кўрсатадилар: В. В. Радлов қадимги туркий ёдгорликлардаги келишикларни 8 тага бўлади: Indefinitus, Genitiv, Dativ, Accusativ, Instrumental, Locative (Ablativ), Quantitativ, Directiv[7].

И. А. Батманов қадимги енисей ва бошқа текстларнинг келишиклари ҳақида ёзар экан, унда 6 та келишик мавжудлигини қайд қилади: именительный (основной), родительный, винительный, дательно-направительный и инструментальный, местный.[8] В. М. Насилов ўрхун-енисей ёдномаларидаги келишикларни 7 тага бўлади: основной (прямой), винительный, инструментальный (творительный), дательный, направительный, местно-исходный[9]. Келишикларни бундай бўлиш А. Исломовнинг эски ёдномалар тилининг келишиклар системасига бағишланган асарида ҳам учрайди[10].

Баъзан бу келишиклар грамматик (бош, қаратқич, тушум, восита) ва пайт-макон (жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш) келишикларига ажратилади.

Ёдномаларни текшириш натижасида келишикларни грамматик ва пайт- макон группаларига бўлиш ўринсиз топилди, чунки қадимги ёдномаларда улар маъно ва функцияси жиҳатидан бири иккинчиси ўрнида кенг қўлланган. Эски оби-

---

[7] W. W. Radloff, Die Alttürkische Inschriften der Mongolei, N. F. SPb., 1897, S. 60.

[8] И. А. Батманов, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959, стр. 110–111.

[9] В. М. Насилов, Язык орхоно-енисейских памятников, ИВЛ, М., 1960, стр. 24–34.

[10] А. Ислямов, *Употребление падежей в языке древнетюркских памятников*, „Ученые записки Семипалат. гос. пед. ин-та", вып. 3, Семипалатинск, 1957, стр. 244.

Проф. А. Габэн эски ёдгорликлардаги келишикларни қуйидагича бўлади: Kasus Indefinitus, Genetiv, Dativ, Accusativ—Ablativ, Instrumental, Aguativ, Direktiv. A von Gabain. Alttürkische Grammatik, Leipzig, 1950, S. 88–89. Ҳозирги замон туркий тиллардаги келишиклар системасини текширган олимлар ҳам келишиклар сонини турлича белгилашади. Қиёсланг: Э. В. Севортян, Категория падежа. ИСТТЯ, т. II, М., 1956, стр. 45–65.

А. Ғулом, Ўзбек тилида келишиклар, СССР ФА Ўзбекистон филиалининг асарлари, II том, филология, 2-китоб. Ўзбек тилининг илмий грамматикаси учун материаллар, Тошкент, 1941.



www.ziyouz.com kutubxonasi

далар тилида ҳар бир келишик ўзининг асосий функциясида ишлатилганда эди, у вақтда юқоридаги классификациядан фойдаланиш мумкин бўлур эди. Қадимги ёдгорликлар тилида қуйидаги келишиклар мавжуд:

1. Бош келишик (махсус кўрсаткичга эга эмас).
2. Қаратқич келишиги *-ның, -ниң, -нуң, -нўң, -нaң, -нәң, -ың, -иң, -уң, -ўң.*
3. Тушум келишиги *-ғ, -г, -ығ, -иг, -уғ, -ўг, -ағ, -әг, -ы, -и, -н, -ны, -ни.*
4. Восита келишиги *-н, -ын, -ин, -ун, -ўн, -ан, -ән.*
5. Жўналиш келишиги *-ғару, -гәрў, -қару, -кәрў, -ғар, -гәр, -ру, -рў, -ра, -рә, -қа, -кә, -ға, -гә, -а, -ә.*
6. Ўрин-пайт келишиги *-да, -дә, -та, -тә.*
7. Чиқиш келишиги *-дан, -дән, -дын, -дин, -дун, -дўн, -тан, -тән, -тын, -тин, -тун, -тўн.*

Келишиклар аффикси ўзак ёки негизга привативлик, сон, эгалик аффиксларидан сўнг қўшилиб келади. Бир ўзакка икки келишик аффикси қўшилиб келиши ҳам учрайди: *мунтада* 'бунда' (U III, 69; Ман., III 25); *бизинә* 'бизга' (КТб., Сувр.) *бизинтә* 'бизда' (Тон., Ман., 33); *бизнидә* 'бизда' (Сувр., 611); *антада* 'унда', ўша ерда' (Хуаст., 118; Usp., 14, Ман., II); *сәнтадә* 'сенда' (U IV, 36); *таңтақа* 'эртага' (Usp.. 13) каби.

Ёдномаларда қаратқич келишигидан сўнг жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш каби келишикларнинг қўлланиши кўп мисолларда учрайди. Қадимги текстларда ўрин пайт, жўналиш (асосан- *ра* кўрсаткичидан сўнг) келишикларидан сўнг *-ғи, -ғы, -қы, -ки* аффиксларининг келиши мумкин:

Келишик аффиксларининг айрим маънолари кўмакчи сўзлар орқали ҳам ифодаланади (бу ҳақда кўмакчилар бахсига қаранг).

Келишик аффиксларини қабул қилган бир талай сўзлар вақт ўтиши билан равишлашиб (адвербиализация) кетган.

Отдан бошқа сўзларнинг олмош, от маъносига кўчган (отлашган) келишиклар билан турланиши кенг тарқалган ҳодисадир (келишикларнинг бу ҳолатда ўзига хос маъно ва функцияларга эга эканлиги ҳақида тегишли ўринда ёритамиз.)

### БОШ КЕЛИШИК

Бош келишикдаги сўз шахс, предмет ва ҳодисаларнинг номини кўрсатиб, бошқа келишиклар унга қўшилиб келади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бош келишикнинг махсус кўрсаткичи бўлмай[11], гап структурасида бир кўп маъно ва функцияларга эга. Бу маъно ва функциялар айниқса эски руник обидалари тилида мавжуд бўлиб, ёдномаларда бош келишик бошқа келишикларнинг деярли ҳамма функциясини бажариб келади. Бу ҳол эски ёдномаларда келишиклар системасининг маъно ва функциялари ҳали тўла шаклланиб етмаганлиги, феълларнинг бошқариш функциялари ҳали бирмунча тугалланмаганлиги, гап структураси, сўз тартиби ва уларнинг тузилиши каби ҳолатлар билан изоҳланади.

Бош келишикдаги сўзлар ёдномаларда эга вазифасида қўлланади. Унинг бу функцияси энг кенг тарқалган функция саналади. *ол ат анта öлти* 'у от ўша жойда ўлди' (КТб., 31); *Табғач қаған йағымыз эрти* 'Табғоч хоқон душманимиз эди' (Тон., 62); *бурқанлар кәлмиш* 'бурхонлар келди' (ТТ VI, 06); *ол ймә барти* 'у ҳам борди' (ТТ VIII, 13); каби.

Эски ёдномалар учун шу нарса характерлики, эга вазифасида кўпинча жонли предметлар қўлланади. Масалан: Тўнюқуқ ёдномасидаги 122 гапнинг фақат 11 тасида эга вазифасида жонсиз предмет келади[12]. Жонли предметнинг эга вазифасида кўп келиши Култегин ёдномасида ҳам қайд қилинади. Юқоридаги ёдгорликларда жонли предметнинг бунчалик кўп қўлланиши ёдномаларнинг мазмуни билан изоҳланади. Руник ёдномаларда эга вазифасида кишилик олмошларининг келиши жуда сийрак учрайди. Кишилик олмошининг қўлланиши иш-ҳаракатнинг бажарилишида субъектнинг ҳаракатини алоҳида қайд қилиш тақозоси билан боғлиқ.

А. Исломовнинг кузатишича, 144 шахсли гапнинг фақат 18 тасида эга кишилик олмошлари билан ифодаланган. Руник обидалар тилида иш-ҳаракатни бажарувчи субъектнинг ҳаракати ***öз, öзўм*** олмоши билан алоҳида кучайтирилади.

Бош келишикдаги сўз гапда қўшма кесим составида унинг от қисми вазифасида қўлланади. Қўшма кесим *әр* 'эмоқ', *бол* 'бўлмоқ' феъллари ёрдамида ифодаланади: *öзўм шад әртим* 'ўзим шод эдим' (КТб., 30); *аз будун йағы болты* 'аз халқи душман бўлди' (КТб., 32); *отлы сувлы*

---

[11] Шу сабабли бўлса керак, баъзи тадқиқотларда мазкур келишик ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. С. М. Муталлибов, Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк, Тошкент, 1959, 35—36-бетлар.

[12] А. Исламов, *Употребление падежей в языке древнетюркских памятников*, „Уч. зап. Семипалат. гос. пед. ин-та", вып. 3, Семипалатинск, 1957, стр. 244.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*тәг тўтўшлўг болурлар* 'ўт ва сувдек бир-бирига қарши бўладилар' (ТТ VI, 64—5).

Предикатив аффикслар билан кесим бўлиб келади: *ол барча йәкләрнин қылынчы ол* 'у барча руҳларнинг ишидир' (ТТ VI, 66-7).

**Бош келишик қаратқич келишиги функциясида.** Бунда бош келишикдаги от изофанинг биринчи компоненти бўлиб келади. Изофали конструкцияда қатнашган қаралмиш эгалик аффикси ёки эгалик аффиксисиз келиши мумкин. Эгалик аффиксини олмай келган изофали бирикма келиб чиқиши жиҳатидан энг қадимийдир.

Бунинг сўнгги тараққиёти натижасида изофали бирикмадаги кейинги компонент (қаралмиши) эгалик аффикси билан қўллана бошлаган.

Эски ёдномалар тилида иккала ҳолатнинг қўлланишини учратамиз: *тоқуз оғуз будун* 'тўққиз ўғуз халқи' (Тон., 61); *турк будун* 'турк халқи' (Тон., 61); *изгил будун* 'изгил халқи' (КТб., 32); *турк оғуз бәгләри будун* 'турк ва ўғуз беклари, халқи' (КТб., 30); *қырқыз будуны* 'қирғиз халқи' (Тон., 63).

Изофали бирикмадаги бош сўзда қаратқич келишигининг қўлланилиши тил тараққиётининг сўнгги даврига тааллуқлидир.

**Бош келишик тушум келишиги функциясида.** Бундай вақтда бош келишикдаги сўз объектни билдиради: *Табғач қанта бәдизчи кәлўртўм* 'Табғоч хондан наққош келтирдим' (КТм., 28); *ўч отуз балық сыды* 'йигирма уч шаҳарни йўқ қилди' (Тон., 62); *Бәнгў таш тоқытдым* 'мангу тош тикдим' (КТм., 28); *босўш кӧнўл қотғыл* 'қайғули кўнгилни қўйгил' (ТТ I, II); *Тәтрў сақынч тарқарғил* 'ёмон хаёлни қўйғил' (ТТ, II); *ӧз ӧдўнўз биртиниз* 'ўз маслаҳатингизни бердингиз' (ТТ III, 101) каби.

**Бош келишик восита келишиги функциясида.** Бу ҳолат руник ёдномаларида кўп учрайди: *әки ўч бин сўмўз кәлтигимиз* 'икки-уч минг аскар билан кетишимиз (керак)' (Тон.,62); *сў барын тиди* 'қўшин билан бор деди' (Тон., 63); *оғузғару сў ташыкдымыз* 'ўғуз томон қўшин билан чиқдик' (КТб., 33); *сў сўләпән* 'аскар билан чиқиб' (КТб., 29); *тил талашур* 'тил билан талашади' (ТТ I, 10);

**Бош келишик жўналиш келишиги функциясида.** *Сиз дындарлар йарлықасар* 'сиз диндорларга буюрсангиз' (ТТ II, 49).

**Бош келишик ўрин-пайт келишиги функциясида.** *Мағы Қурған қышлап йазына оғузғару сў ташықдымыз* 'Мағи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрғонда қишлаб, ёзда ўғузлар томон қўшин тортдик' (КТб., 33); *ўч әлиг йашым адырылдым* 'қирқ уч ёшимда айрилдим' (ЕнПТ., 43); *Öтўкән йир олурып* 'Ўтикан ерда қолиб' (КТм., 28); *öкуш тәлим öгрўнч кöнўл тутғыл* 'жуда кўп шодлик, хурсандлик кўнгилда тутгин' (ТТ I, 11).

**Бош келишик чиқиш келишиги функциясида.** *Қадашым адырылдым, ыйу қунда қунчуйым, сәкиз оғлым адырылдым* 'дўстларимдан айрилдим, қасрдаги канизакларимдан айрилдим, саккизта ўғлимдан айрилдим' (ЕнПТ., 68); *әдгў қадашым адырылдым* 'эзгу дўстларимдан айрилдим' (ЕнПТ., 36); *йол азсар* 'йўлдан адашса' (ТТ I, 18); *ажун ажунта узун öдўн тәгинўрләр* 'ҳаётдан ҳаётга узун вақт олиб борадилар' (U III, 4); *кöнўлтәки әдгўләри кўн кўнинә öнтих* 'кўнгилдаги эзгу (ниятлари) кундан кунга ўсди' (ТТ III, 131).

**Бош келишик изоҳловчи функциясида.** *Иним Кўлтигин* 'иним Култегин!' (КТб.)

**Бош келишик ундалма (вокатив) функциясида.** *Тўрк бәгләр будун, буны әшидин!* 'Турк беклари, халқи буни эшитинг!' (КТм., 28).

## ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ

Қаратқич келишиги қуйидаги аффикслар билан ифодаланган: **-ның, -ниң, -нуң, -нўң, -наң, -нәң, -ың, -иң, -уң, -ўң**[13]. Бу аффикслардан **-ның, -нуң, -наң, -ың, -уң, -уң** шакллари қаттиқ ўзакли сўзлар билан, **-ниң, -нўң, -нәң, -иң, -ўң** юмшоқ ўзакли сўзлар билан келади. Масалан: *қанның, Байырқунуң, бурханларнаң, тадықың. Чурың, кимўң, йўлтўзниң, кәнтўнўң, кишинәң, бизиң.*

Брахми ёзувли турфон текстларида **-нөң** шакли ҳам учрайди *öгнöң* 'онанинг' (ТТ VIII, 30).

Бу аффиксларни ишлатишда маълум бир мунтазамлик, аффикс қўшилган сўз билан қатъий уйғунлашиш каби ҳолат бир қоидага келмаган. Юқорида санаб ўтилган вариант-

---

[13] С. В. Ястремский, Падежные суффиксы в якутском языке. Иркутск, 1898; В. А. Богородицкий, Имя существительное: склонение (простое и притяжательное) и сравнительный очерк падежных окончаний татарского языка. Введение в татарское языкознание в связи с другими тюркскими языками. Изд. 2-е, Казань, 1953; Э. В. Севортян, К истории падежной системы в тюркских языках. Уч. зап. Воен. инст. иностр. языков, № 6, 1948, стр. 95. Н. А. Баскаков, Соотношение значений местоимений в тюркских языках, Институт языкознания. „Доклады и сообщения, т. 1, М., 1952, стр. 135. M. Räsänen. Materialien zur Morphologie.... S. 56—57. J. Deny Grammaire de la langue turque, Paris, 1921.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг қадимги обидаларда қўлланиши маълум бир сўз туркумига кирган сўзлар билан белгиланмайди, яъни сўнгги давр тилларида, масалан, „Қутадғу билик" „Девону луғотит турк" да қаратқич келишигининг *-ың, -иң, -уң, -ӱң* шаклларининг қўлланилиш доираси олмошлар билан чегараланган бўлиб, улар бошқа сўзлар билан ишлатилмаса[14], ўрхун-енисей, уйғур, турфон, манихей ёдномаларида эса бундай чегараланиш кузатилмайди. Масалан: *мәнин, бизин, бәгин, әвин, бәгнин, бурханларнан, бурханларнин* каби.

Қаратқич келишигининг руник обидалар тилида қўлланиш доираси тор бўлган, сўнгроқ уйғур, манихей, турфон текстларида ва бошқа ёдгорликларда кенгайган. Унинг маъноси қаралмиш билан ифодаланган предметнинг маълум шахс, предметга тегишли, қарашли эканлигини англатади: *Билгә қағаның будуны* 'Билга хоқоннинг халқи' (Онг., П. 9); *мәнин сӱм* 'менинг аскарим' (ПМК., 37); *мәнин сабым* 'менинг сўзим' (КТм., 28); *Кӱлтигинин алтунун кӱмӱшин* 'Култегиннинг олтинини, кумушини' (КТб., 30); *мәнин кӱчӱм* 'менинг кучим' (Сувр., 613); *бу мәнин әтӧзӱм* 'бу менинг вужудим' (Сувр., 611); *мәнин сақынчым* 'менинг фикрим' (ТТ VIII, 28); *мәнин синлим* 'менинг синглим' (ТТХ, 484); *бурханларнан әрдиниси* 'бурханларнинг шеърлари' (U III, 30; 32-3); *улуғларның қылынчларыг қылтымыз* 'улуғларнинг ишларини қилдик' (ТТ IV, 2-3) каби.

Юқоридаги мисолларда қаратқич келишиги билан келган сўз қаралмиш билан шахсда мослашади. Қаратқич келишигидаги сўз ўз қаралмиши билан мослашмай келиши ҳам мумкин: *әнин киши'* уйнинг кишиси' (Хуаст., 117); *Сизин әр ат'* сизнинг эр отингиз' (ЕнПТ., 50); *Қууш бақшынун оқ йир'* Қууш бахшининг ери' (Юр. II, 206); *Қул қара Қобузнын йир* 'Қул қора Қўбузнинг ери' (Юр., II, 206); *Хормузда тәнринин дидим тәг* 'Ҳўрмузда тангрининг Дидим тек' (ТТ IX, 11); *бодиствнын сӱнӱкләр* 'бўдисатванинг суяклари' (Сувр., 625) каби.

**Бутуннинг бўлагини — қаратқич бутунни, қаралмиш унинг бир қисмини, бўлагини англатади:**

*адығын қарны* 'айиқнинг қорни' (Гкн., 80); *тӧнӱзӱн азығы* 'тўнғизнинг озиқ тиши' (Гкн. 80); *бодиствнын ӧмгәни*

[14] Қ. Каримов, „Қутадғу билик" тилида келишик аффикслари ва уларнинг ишлатилишидаги фонетик қонуниятлар. „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 1962, № 2.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*'бўдисатванинг томоғи'* (Сувр., 618); ***кишиләрнин бойунлары*** 'кишиларнинг бўйинлари' (Сувр., 156); ***бишикнин булуны*** 'бешикнинг бурчаги' (ПВ., 135).

**Қаратқич келишиги турли муносабат ва алоқани билдиради**: ***тўрк будунын илин тӧрўсин тута бирмиш*** 'турк халқининг элини, давлатини қувватлади' (КТм., 28); ***атаваки йәкнин кўвәнчлиг тағы*** 'атаваки руҳнинг қувончли тоғи' (ТТ X, 21); ***әрклиг қаннын бу йарлықы*** 'эрклик хоннинг бу буйруғи' (Сувр., 156); ***хамағнын умуғы ынағы*** 'ҳамманинг ишончи, умиди' (ТТ X, 111); ***нәчә-нәчә кишиләрнин сансыз сақышсыз ӧзлўгўг ӧлўрмәкләрин кӧртўм*** 'сон-саноқсиз кишиларнинг ўлганини кўрдим' (Сувр., 155).

**Қаратқич келишигидаги сўз тўдадан қисм, партитив маъноларини англатади**: ***ол уч оғрыларнын бирин аз низвани оғрынта олурмиш айығ кишиләр*** 'у уч ўғрилардан бирини аз низвани (бахиллик) юзасидан ёмон кишилар ўлдирдилар' (ТТ II, 16).

**Қаратқич келишиги абстракт эгалик маъносини англатади**: ***ол мәнин*** 'у меники' (ТТ X, 291); ***пышығ әрсәр сәнин теп*** 'агар пишган бўлса сеники деб' (ТТ VIII, 12); ***қайу мәнин әрдиләр әрсәр*** 'қайси бири меники бўлганда эди' (ТТ VIII, 29); ***бу нишан биз икәгўнин ол*** 'бу нишон иккowимизникидур' (Юр., XVI, 213); ***бу нишан мән Илчинин ол*** 'бу нишон мен элчиники' (Юр., XXVIII, 216); ***бу нишан мән Мәркиднин ол*** 'бу нишон мен Маркидники' (Юр., III, 210) каби.

**Қаратқич келишиги тушум келишиги функциясида қўлланади**: ***айығлы савыннын айлырты йоқ*** 'яхши ёмон сўзингнинг фарқи йўқ (ТТ I, 10); ***ол айығ қылынчнун билмәз әртим*** 'у ёмон ишларни билмас эдим' (Сувр., 155) каби.

**Қаратқич келишиги нисбат бериш, қиёслаш маъносида**: ***бодиств тигиннин улуғы*** 'бўдисатва тегиндан энг улуғи' (Сувр., 618); ***қаннын улуғы***, 'хондан улуғи' (Сувр., 607); ***баш башнын ймә ананд*** 'бошлиқларнинг бошлиғи — Ананд' (ТТ VIII, 12).

Ёдномаларда қарашлилик муносабатини ифодалашнинг қаратқич келишигидан бошқа усуллари ҳам мавжуд.

Қаратқич билан қаралмиш ўртасидаги муносабат ***-лик, -лық, -лиг, -лўг, -лығ, -луғ*** каби аффикслар орқали ифодаланади. Бунда қаратқич келишигининг аффикси маъно ва функция жиҳатидан ***-лық -лығ*** шаклларига мос келади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қанлық суси* 'хоннинг аскари' (Гкн., 84); *билиглиг шату* 'билимнинг шотиси' (ТТ III, 15); *ӧтӱнмәклиг ӧрт* 'ўтинчнинг оташи' (U III, 51); *әтӧзлӱг ағылық* 'вужуднинг хазинаси' (U III, 15); *ишиг ӧзлӱг әрдини* 'ҳаётнинг қимматбаҳолиги, устунлиги' (U III, 11); *амранмақлығ кӱч* 'севгининг кучи' (ТТ VIII, 10); *Бурхан эсанки — лығ йолта* 'Бурхон эсанкининг йўлида' (ТТ X, 10) каби.

## ТУШУМ КЕЛИШИГИ

Тушум келишиги қуйидаги аффикслар орқали ифодаланган: *-ғ, -г, -ығ, -иг, -уғ, -ӱг, -аг, -әг, -ы, -и, -н, -ни, -ны*[15].

Ёдномалар тилида *-ғ, -ығ, -уғ, -аг* (қаттиқ унли ўзакда), *-г, -иг, ӱг, -әг* (юмшоқ унли ўзакда) аффикслари тушум келишигининг бошқа аффиксларига нисбатан кенгроқ қўлланган.

*-ығ, -иг, -уғ, -ӱг, -аг, -әг* шаклларининг қўлланишида маълум бир мунтазамлик сақланмайди.

Ҳатто бир ёдноманинг ўзида ҳам бу формаларнинг қўлланишида изчиллик сақланмайди: *савығ* 'сўзни '(ТТХ, 10 61) *саваг* 'сўзни' (ТТ X, 477, 466, 21); *бурханаг* 'бурхонни' (ТТ X, 333, 367); *бурханығ* 'бурхонни' (ТТ X, 147, 320/321); *субуғ* 'сўзни' (Тон., 63); *сабығ* 'сўзни' (Тон., 63); *қарағуғ* 'соқчиларни' (Тон., 64); *йағығ* 'душманни' (Тон., 64); *номуғ* 'китобни' (Хуаст., 117); *номығ* 'китобни' (Хуаст., 118); *алтунуғ* 'олтинни' (ТТ I,9); *номуғ* 'китобни' (ТТ IX, 18) каби.

---

[15] И. А. Батманов, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. Фрунзе, 1959, стр. 106. Э. В. Севортян, К истории падежей, стр. 52–53; Г. И. Рамстедт, Введение в алтайское языкознание, М., 1957, стр. 37, 229.

N. Poppe. Bemerkungen zu G. J. Ramstedts Einführung in die altaische Sprachwissenschaft, STO 19; M. Räsänen. Materialien zur Morphologie der türkischen Sprachen, Helsinki, 1957.

С. Муталлибовнинг фикрича XI аср тилида тушум келишиги аффикси феълларга ҳам қўшилиб келган: *Кечар кун ичиндан керагинг олин*. Бу мисрада ***керагинг*** сўзида тушум келишиги аффикси қисқарган ҳолда ўзидан кейинги ***ол*** сўзига қўшилиб келган; керагингни ол демакдир' („Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк", 37-бет).

Шуни қайд қилиш лозим бўладики, тушум ва бошқа келишик аффикслари ҳеч бир ёдномада феъл ўзагига қўшилиб келиб, ўша феълнинг турланишида иштирок этмаган. Феъллар умуман келишиклар билан турланмайди. Келишиклар от ва отлашган сўзларга қўшилади, холос.

Юқорида С. Муталлибов келтирган мисолда ***ол*** феълига тушум келишиги аффикси қўшилмаган. Бунда ўзлик аффикси ***-ин*** орқали ***олин*** ҳосил бўлган ва 'ўзинг учун ол' деган маъно ифодаланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир ўринда тушум келишиги аффикси *-ғ* сўзнинг сўнгги бўғинидаги унлини ўзгартиради: *сутруғ* 'сутрани' (ТТ VIII, 30; санскритча: сутра).

Бу формалар отлардан олдин кўрсатиш, кишилик-кўрсатиш олмошлари келганда қўлланади: *ол сабығ эшидип* 'ўша сўзни эшитиб' (Тон., 63); *ол йылқығ алып* 'ўша йилқиларни олиб' (Мн., 18); *ол сабығ алып* 'ўша сўзларга қулоқ солиб' (КТм., 28); *бу сабағ эшитип* 'бу сўзни эшитиб' (U III, 10-7); *бо қызығ мунда оқ титэйин* 'бу қизни шу ерда қолдирайин' (ТТХ, 543); *бу мунча савығ ичилэринэ сöзлэп* 'акаларига бу сўзларни сўзлаб' (Сувр., 611); *Мағылар ол ташны алып*, 'Малилар ўша тошни олиб' (ПВ., 135) кабилар.

Тушум келишигидаги сўз сон билан келганда: *йитинч эриг қылычлады* 'еттинчи эрни қиличлади' (КТб., 32); *эки эриг удышру* 'икки эрни кетма-кет санчди' (КТб., 32); *тоқуз эрни санчды* 'тўққиз эрни санчди' (КТб., 33); *он эриг öлўртимиз* 'ўнта эрни ўлдирдик' (КТб., 33); *ики йилтизиг ўч öдки номуғ билтимиз* 'икки илдизни (асосни) у замонли китобни билдик' (Хуаст., 118); *5 ўчмэклэриг* '5 учишни' (ТТ VIII, 14).

Тушум келишигидаги сўз ***бир*** сони билан келади. Бунда ***бир*** саноқ маъносига эга: *бир эриг санчды* 'бир эрни санчди' (КТб., 32); *бир оғушығ* 'бир қабилани' (Мн., 17); *бир эриг* 'бир эрни' (ЕнПТ., 79) каби.

Тушум келишигидаги сўз аниқловчи билан бирга келганда: *Қырқыз қаған öлўрти қиз, илин алтымыз* 'қирғиз хоқонини ўлдирдик, элини олдик' (КТб., 32); *Тўргиш будунығ уда басдымыз* 'Тургаш халқини уйқуда босдик' (КТб., 32); *тўкэл билгэ тэнри бурханығ йоқ йодун қылмазун* 'жуда билимли тангри бурхонни йўқ қилмасун' (ТТХ, 320); *ким эрди эрки бо бўтўн йиртинчў йир сувдақы алқу элпларығ утмыш йигэдмиш* 'ким экан (у) бу бутун ер юзидаги баҳодирларни йўқотган' (ТТХ, 22); *Сансыз сақышсыз öзлўгў* 'сон-саноқсиз жонлиларни' (Сувр., 155); *улуғларнынн қылынчларығ қылтымыз* 'улуғларнинг қилганларини қилдик' (ТТ IV, 2-3).

Тушум келишигидаги сўз атоқли от бўлганда: *аз элтэбэриг тутды* 'аз элтабарни тутди' (КТб., 32); *Кўлтигининг аз эрин иртўрў ытымыз* 'Култегинни оз эр билан юбордик' (КТб., 32); *öтрў анта бултылар Мсиха тэнриг* 'шундан сўнг Мсиха — тангрини топдилар' (ПВ., 134).

Тушум келишигидаги сўз жонли предметни билдирганда: *тылығ кэлўрти* 'жосусни келтирди' (Тон., 63); *тигиниг тилэп* 'шаҳзодани қидириб' (Сувр., 621) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тушум келишигидаги сўз билан кесим ўртасида бир ёки бир неча сўз келганда: *қыйнығ кӧнлүнчә ай* 'жазони кўнглингдагидек эт' (Тон., 63); *будунығ анта буздым* 'халқини ўша жойда тор-мор қилдим' (МН., 16).

***-ны, -ни***[16]. Таркибида тил орқа унлилари мавжуд бўлган қаттиқ ўзакли сўзларга ***-ны***, юмшоқ ўзакли сўзларга ***-ни*** қўшилиб келади. Руник обидаларида бу шакл камроқ учрайди. Мазкур аффикс кишилик олмошлари билан (бизни— ЕнПТ., 3+; бизни — Сувр.), эгалик аффиксининг кўплигини қабул қилган сўзлар билан (*билигимизни кӧнӱлӱмӱзни* — Хуаст., 118; *ӧзӱмӱзни* — ТТХ, 183; *мунумузни* — Сувр., 154), бирор аниқловчи билан келган сўзларда (*йӱз элиг бӧзни*— Юр. XVI, 210 *ол битигләрни* — Юр., I, 102, *қатун кишини* Юр. XVI каби) учрайди.

***-н*** аффикси биринчи, иккинчи, учинчи шахс бирлик эгалик қўшимчасини олган сўзлардан сўнг қўшилиб келади: *әлп Шалчы ақын бинип* 'алп Шолчи оқ отига ўтириб' (КТб., 32-33); *иниси әчисин билмәз эрти, оғлы қанын билмәз әрти* 'укалари акаларини билмас эди, ўғиллари оталарини билмас эди' (КТб., 33); *бу сабымын әшид* 'бу сўзимни эшит' (КТм., 27); *Мәниң сабымын сымады* 'менинг сўзимга қулоқ солмади' (КТм., 28); *Илиңин тӧрӱңин* 'элингни давлатингни' (КТб., 30); *тылтақымын* 'сабабини' (Сувр., 154); *бу әтӧзӱмин* 'бу вужудимни' (Сувр., 613); *ӧгӱмин кӧнӱлӱмин* 'фикру хаёлимни, кўнглимни' (ТТ X, 463); *савын* 'сўзини' (ТТ I, 7); *ӧзӱңин* 'ўзингни' (ТТ I, 7); *кӧнӱлӱңнин* 'кўнглингни' (ТТ I, 8) каби.

***-ы, -и***. Бу аффикс муайян бир доирадаги сўзлар билан ишлатилади. *Кими* (ТТ.); *аны* (Тон., МН); *мәни* (ТТ, Юр.); *сини* (ТТ, Сувр.); *бини* (Тон.).

Баъзан *мәнни* ҳам учрайди (ТТ VIII, 61) каби.

**Тушум келишигининг асосий функцияси иш-ҳаракатни ўз устига олган объектини ифодалашдир.** Бу келишикдаги сўзларнинг кўпчилиги шу маънода қўлланади: *аз*

---

[16] Проф. А. Габэн ***-ны, -ни*** формаси ***-г, -ыг, -иг*** аффиксларидан кейин пайдо бўлиб бошқа тиллардан кирган сўзлар билан қўлланади деб ёзади: A. von Gabain. Das Altürkische, S. 28; A. von Gabain, Alttürkische Grammatik, Leipzig. S, 87. А. Габэннинг фикрича энг қадимги ёдгорликлардан бошлаб ҳозиргача бу форма қўлланилган. Ҳозирча маълум бўлган ёдномалардан энг қадимийси „Хуастуанифит“ саналади. Бу ёдномада ҳам ***-ны, -ни*** мавжуд бўлиб, ***-г, -г*** аффикслари билан параллел келади: *йириг тәңриг ким йаратмыш* 'ер-кўкни яратди' (Хуаст., 118) *билигимизни кӧңүлүмүзни* „илмимизни, билимимизни, кўнглимизни“ (Хуаст., 118).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*әлтә бәриг тутоы* 'аз элта барни тутди' (КТб., 32); *ол сабығ алып* 'ўша сўзга кириб' (КТм., 28); *бу савағ эшитип* 'бу сўзни эшитиб (U III, 107); *улуғларнин қылынчларығ қылтымыз* 'улуғларнинг ишларини қилдик' (ТТ IV, 2-3); *йана қамағ тәмирәг кәнтў йанчар* 'яна ҳамма темирни ўзи янчар' (Ман., 1,8) каби.

**Тушум келишиги иш-ҳаракат ёки воқеа-ҳодисанинг мавжуд бўлишини, эгаллашини англатади:** *қаным қағанығ эчим қатунығ кӧтўрмиш тәнри* 'отамни хоқон қилиб, онамни бекач хоним қилиб кўтарган тангри' (КТб., 31); *азығ ўкўшиг кӧртиг* 'озни кўп кўрдик' (Онг., П, 9).

**Тушум келишигидаги сўз бор бўлиш, ҳозир бўлиш, мавжудлик (яъни бунда тушум келишиги *-ла* аффиксига тўғри келади), қурол, восита маъноларини англатади:** *баз қағаныг балбал тикмиш* 'Баз хоқонли балбал тикди' (КТб., 30); *қуғ сәнўниг балбал тикә биртим* 'қуғсенгунли балбал ўтқаздим' (МН., 18); *будунығ тәнри* 'халқи бор тангри' (ПМК., 35); *қықырмыш ўнўг* 'қийқирган ун билан' (ТТ X, 365); *билгә билигиг кўчўг кўчләндўргўлўк толу тўгәл пышрунмақлығ әдгўг әксўксўз бўтўргўлўк йўз буйанлығ итигин интингўлўк, толу тўгәл билгә билигиг тўпкәргўлўк, алғу бурқанлар ўзә ӧгитмиш* (Сувр., 155).

**Тушум келишиги қаратқич келишиги, эгалик маъносида қўлланади.** *Тўрк будунығ аты кўси йоқ болмазун* 'турк халқининг оти, шуҳрати йўқ бўлмасин' (КТб., 31); *нән бунуғ йоқ* 'ҳеч ғаминг йўқ' (КТм., 28); *мәнин әр* 'менинг кишиларим' (ПМК., 36); *бизин кишиләркә* 'бизнинг кишиларга' (Юр., II. 106); *қолурбиз сизин* 'сизники бўлиб қолурмиз' (ТТ IX, 9); *сәнин тәп* 'сеники деб' (ТТ VIII, 12).

**Тушум келишиги жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари маъносида қўлланади:** *ӧтўкән йәриг қонтым* 'ўтикан ерига қўндим' (Тон., 62); *Қара сәнәриг йәрләдим* 'Қора сенгерда жойлашдим' (ЕнПТ., 44); *Чуғай қузын, Қора қумуғ олурур әртимиз* 'Чуғай қуз, Қора қумда жой қилдик! (Тон., 6'); *Аны субуғ баралым* 'Ани сувидан борайлик' (Тон., 62); *ишләмиш тонлараґ кәтмиш кәрәк* 'тўқилган тўнлардан воз кечиш керак' (ТТ VIII, 58); *айығ қылынчымны кәнтў ӧкўнўп* 'ёмон ишларимдан ўзим койиб' (Сувр., 155); *ўчәгўни бирисин қабып* 'учовидан бирисини тутиб' (Сувр., 627); *бизни та адын ким болғай* 'биздан бошқа яна ким ҳам бўлади' (Сувр., 611).

Руник ёдномаларида тушум келишигидаги сўзлар уюшиб келганда уларнинг ҳаммасига тушум келишиги қўшимчаси



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшилиб келади: *йабғуғ шадығ анта бәрмиш* 'ябғуни шодни ўшанда берган' (КТб., 30); *сачын қулақын, йанақын бычды* 'сочини, қулоғини, ёноқнни кесди' (МН., 19); *суйумузны йазуқумузны босуйу бтўнмәк кәргәк әрти* 'айбимиз, гуноҳларимиздан қутулиш учун ўтиниш керак эди' (Хуаст., 119); *әбин барқин йылқысын йулмадым* 'уйини, қасрини поймол қилмадим' (ПМК., 35) каби.

Руник обидалари тилида жуда кам ҳоллардагина тушум келишиги гапнинг сўнгги бўлагига қўшилиб келади: *анта бтру түргәш қарлуқығ табарын алып* 'шундан сўнг тўргаш қарлуқнинг мол-мулкини олиб' (ПМК., 36); *алтун кўмўшиг әгритәб әлдә киши қазғандым* 'олтин-кумушни, қимматбаҳо газмолларни ва кишиларни олдим' (ЕнПТ., 33).

Сўнгги давр ёдгорликларида иккала ҳолатнинг параллел қўлланишини кўрамиз. *Мўн қатағларығ қартығ бәзиг йириниг қаныг игиг ағрығығ қорқынчығ айманчығ* 'қайғу ғам, яра, жароҳат, қон, йиринг, касал, оғриқ, қўрқинч, хавфсирашни' (Сувр., 614); *кәң алқығығ* 'кенглик ва бепоёнликни' (ТТ VIII, 25) каби.

Қуйида тушум келишиги билан келган феълларнинг айримлари келтирилади: *бләр-* 'ўлдирмоқ'; *санч-* 'санчмоқ'; *қырмалаш-* 'қирмалашмоқ'; *тарқар-* 'тарқамоқ'; *кбзўн-* 'кўринмоқ' *сбзлә-* 'сўзламоқ'; *әшид-* 'эшитмоқ'; *турғур-* 'турғазмоқ'; *оқы* 'ўқимоқ'; *ут-йигәд-* 'енгмоқ'; *бул-* 'топмоқ'; *кбтур-* 'кўтармоқ'; *кбр-* 'кўрмоқ'; *бил-* 'билмоқ'; *тит-* 'титмоқ'; *ти-* 'демоқ'; *бгит-* 'мақтамоқ'; *йар-* 'ёрмоқ'; *кишә-* 'кишанламоқ'; *артат-* 'йўқотмоқ'; *қон-* 'турмоқ, ҳаёт кечирмоқ'; *кәл-* 'келмоқ'; *айт-* 'жавоб қилдирмоқ'; *қонтур-* 'жойлаштирмоқ'; *башғур-* 'бошқармоқ, ўргатмоқ'; *ит-* 'қилмоқ, этмоқ'; *әлсирә-* 'давлатини йўқ қилмоқ'; *қағансыра-* хонликни йўқотмоқ'; *әр-* 'эмоқ'; *баз қыл-* 'тинчлантирмоқ'; *кәч-* 'кечмоқ'; *бан-* 'боғламоқ'; *ал-* 'олмоқ'; *башла-* 'бошламоқ'; *қылычла-* 'қиличламоқ'; *бин-* 'минмоқ'; *ур-* 'урмоқ'; *бир-* 'бермоқ'; *бас-* 'босмоқ'; *йоры-* 'юрмоқ'; *ыд, ыт-* 'юбормоқ'; *йи-* 'емоқ'; *сы-* 'синдирмоқ': *олур-* 'қолмоқ'; *йәрлә-* 'уй-жой қилмоқ'; *сақын-* 'ўйламоқ'; *йаратыт-* 'яраттирмоқ'; *сбкўр-* 'чўктирмоқ'; *игид-* 'кўтарилмоқ'; *йағыла-* 'уришмоқ'; *қыс-* 'қисмоқ'; *йығ-* 'йиқитмоқ'; *аш-* 'ошмоқ'; *кәлтўр-* 'келтирмоқ'; *йўгўрт-* 'югуртирмоқ'; *буз-* 'енгмоқ'; *суқ-* 'урмоқ'; *йўкўнтўр-* 'юкинтирмоқ'; *бол-* 'бўлмоқ'; *тик-* 'тикмоқ'; *адырыл-* 'айрилмоқ'; *йоқ йодун қыл-* 'йўқотмоқ'; *тилә-* 'тиламоқ'; *адыр-* 'айирмоқ'; *қаб-* 'ушламоқ, қамамоқ'; *қод-* 'қўймоқ'; *сат-* 'сотмоқ'; *ач-* 'очмоқ'; *бошу* 'бўшалмоқ'; *тут-* 'тутмоқ'; *йиби-* 'елпимоқ'; *йоққыш-* 'йўқ қилмоқ' каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, тушум келишиги ўтимли ва ўтимсиз феъллар билан қўлланган.

## ВОСИТА КЕЛИШИГИ

Восита келишиги ***-н, -ын, -ин, -ун, -ўн, -ан, -ән***[17] аффикслари билан ифодаланган. ***-ан, -ән*** шакллари жуда кам учрайди: *тәмирән, қамуған.*

***-н*** унли товуш билан тугаган ўзакдан сўнг, ***-ын, -ун*** қаттиқ ўзаклардан сўнг, ***-ин, -ўн*** юмшоқ ўзакли сўзлардан сўнг қўшилиб келади.

**Восита келишиги иш-ҳаракатнинг содир бўлиш, рўёбга чиқиш, воқеа-ҳодисанинг юз бериш ўрнини билдиради:** *Ӧтукән ирин қышладым* 'Ўтикан ерида қишладим' (ПМК., 36); *киши ажунын булмыш йалнукларығ* 'киши дунёда топган хатоларини' (ТТ X, 16-17); *тәнридәм кут буйан кәнтўн орпанды* 'улуғ тангри бахти давлати ўзингда ўрнашди' (ТТ I, 72); *бағрын йатып* 'бағрида ётиб' (ТТ IV, 6) каби.

**Восита келишиги иш-ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси, чиқиш, ўтиш ўрни, процесснинг юз берган ўрни каби маъноларни билдиради:** *бу йолын йорысар* 'агар бу йўлдан юрса' (Тон., 62); ол йолын йорысар' у йўлдан юрса' (Тон., 62); *кергўн сақышын Шып башын йўрә кәлти* 'Кўргу, Сақиш Син — бошидан юриб келди' (ПМК., 35); *бу қылычын ўзўти бошунмағай* 'бу ишидан вужуди бўшалмагай (ТТ II, 31-32); *тукәл билгә тнри тнриси бурхан әсанкилығ йолта бодиствлар йорығын йорыйур әркән...* 'тугал билимли тангриларнинг тангриси бурхон Асанкининг йўлида Бўдисатва йўриғидан юрар экан... (ТТХ, 10) каби.

**Восита келишигидаги сўз ҳаракатнинг ўзига йўналганлигини, процесснинг восита келишигидаги сўзга қаратилганлигини, сабабини билдиради:** *ичин тышын адынчығ бәдиз уртуртым* 'ичига, ташқарисига бошқача нақш урдирдим' (КТм., 28); *бәгләрин будуным әртәнў этимағ итди.* 'бекларига, халқига юқори мартаба мойил қилди' (Мн., 19); *бунқа ташын бәнкун тикәр бән* 'ғамда тошга мангу ёдгорлик ўрнатаман' (ЕнПТ., 95); *йадылып орун орун сайу*

---

[17] W. Radloff. Alttürkischen Jnschriften der Mongolei, Nene Folge, SPb,, 1897, S. 83; А. К. Боровков. Очерки истории узбекского языка, Советское востоковедение, VI, М—Л., 1949, стр. 29; В. М. Насилов. Язык орхоно-енисейских памятников. М., 1960, стр. 26; Р. И. Рамстедт. Введение в алтайское языкознание. М., 1957, стр. 49; M. Räsänen. Materiallen zur Morphologie der türkischen Spachen, S. 69.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар жойга ёйилиб' (Сувр., 622); *ач барс ачмақ сувсамақ эмгэкин эртингӳ сықылып унакниа ӧлгэли турур* 'оч барс очиқиш, сувсаш қийинчилиги туфайли жуда сиқилиб ўлаёзди' (Сувр., 610); *анын қорқды, бэзди* 'шу сабабли қўрқди, безди' (ТТ II, 32) каби.

**Восита келишиги пайт маъносини англатади:** *ол йыл кӳзӳн илэрӳ йорыдым* 'ўша йил кузда илгари (шарққа)га юрдим (ПМК., 36); *отуз артуқы сэкиз йашыма қышын қытан тапа сӳлэдим отуз артуқы тоқуз йашыма йазын татабы тапа сӳлэдим* 'ўттиз саккиз ёшимда қишда қитанглар томон қўшин тортдим, ўттиз тўққиз ёшимда ёзда Татабилар томон қўшин тортдим' (Мн., 18); *йарын йанра—йур* 'эрталаб яғлар' (Гнк., 81); *кӳнин сайу тэнрикэ* 'ҳар куни тангрига' (Хуаст., 119); *йайын сӳлэдим* 'ёзда қўшин тортдим' (Мн., 18) каби.

**Иш-ҳаракатнинг давом қилиш пайтини билдиради:** *йылын айын туркару эв барқ ичинтэ* 'йил, ой бўйи уй—қаср ичида' (ТТ VIII, 71).

**Восита келишиги кўпинча биргалик (комитатив) маъносини билдиради.** *Тӳрк будун қанын болмайын* 'турк халқи хони билан бўлмай' (Тон.. 61); *қағанымын сулэтдимиз* 'хоқон билан қўшин тортдик' (Тон., 64); *Улуғ Иркин азқына эрин тэзип барды* 'Улуғ Эркин озгина эр билан қочиб кетди' (КТб., 31) *утру эки айлығ киши оғлын соқушмыш* 'сўнгра икки ойлик фарзанди билан учрашди (ГКн.. 80); *басқуқын кэлӳрӳп* 'басқуқ билан келиб' (ТТХ., 366); *савларын сэзлэшип* 'ўзаро сўзлашиб' (Сувр.. 609);

**Восита келишиги иш, процесснинг юз беришидаги қурол, восита маъноларини англатиб келади.** Бу маъно кенг истеъмолда бўлган семантика саналади: *тилин сӧзлэп.. қолқақын эшидип* 'тили билан сўзлаб... қулоғи билан эшитиб'... (Хуаст., 119); *адақын йорып... элигин сунуп...* 'оёғи билан юриб... қўли билан пайпаслаб'... (Хуаст., 120); *сӳнӳгин ачдымыз* 'найза билан очдик' (Тон., 662); *элигин тутды* 'қўли билан тутди' (КТб., 32); *оқын атып* 'ўқ билан отиб' (ТТ IV, 12); *қарақлықын кӳтэ тӳрӳрлар* 'қўшин билан сени кутиб турурлар' (Сувр., 155); *кӳчин тутиб* 'куч билан тутиб' (Юр., XVI, 213); *йашлығ кӧзин йығлайу* 'ёшли кўз билан йиғлаб' (ТТХ, 298); *қылычын санчғалы оғрады* 'қилич билан санчгани отилди' (ТТХ, 353); *қаттығ ӳнин қықырты* 'қаттиқ ун овоз билан қийқирди' (ТТХ. 361); *қолын бӳдийӳ* 'қўли билан ўйнаб' (U II, 24) каби.

**Восита келишиги иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги ҳолатини, бажарилиш усулини ифодалайди:** *эртиш ӳгӳ-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*зӱг кәчигсизин кәчдимиз* 'Иртиш дарёсини кўприксиз кечдик' (Тон., 63); *тәнрикә арығын тәгмәди* 'тангрига тоза (бўлиб) етмади' (Хуаст., 118); *Кўлтигин йадағын оплайу тәгди* 'Култегин яёв ҳужумга отилди (КТб., 31); *тоз топрақ бзин сбнди* 'тўзон ўзича сўнди, тушди' (ТТ I, 7); *айанчан кбнўлин йўкўнгу* 'ҳурмат, эҳтиромга тўлган кўнгил билан ўтиниш керак' (ТТ III, I); *кбзин қуванып* 'кўзи билан қувониб' (ТТ X, 438); *сақынчлыг кбнўлин алпын әмгәкин ил орнынта олурғалы тынлады* 'уйчан хаёл ва машаққат билан тахтга ўтиришга розилик берди' (U III, 10-8) каби.

**Восита келишиги бирор нарсанинг предметда мавжудлигини, бирор нарсадан юзага келганини англатади:** *әрин улғатым* 'эр бўлиб улғайдим' (ЕнПТ., 57); *тәмирән итил* — 'темирдан қилинмоқ' (Ман., 8, 11); *адайын лачын* 'оёқли лочин' (Сувр., 67); *тўзўн қанларым* 'ҳимматли оталарим' (U III, II, 11) каби.

Айрим мисолларда восита келишиги аффикси ***-луг*** аффикси билан қўшилиб келиб, мураккаб форма ҳосил қилади: ***-лугун***. Бу шакл восита маъносида қўлланади: *йәкләрлўгўн сәнўш* 'руҳлар билан урушмоқ' (АГ., 30).

Руник ёдномаларида мавжуд бўлмаган ***-ла, -лә*** аффикси уйғур, турфон текстларида восита келишиги аффикси ўрнида қўлланган. Мазкур аффикснинг истеъмол доираси чекланган бўлиб пайт, ҳолат каби маъноларда ишлатилади: *тўнлә елўмлўг огры кәлип* 'тунда ўлим келтирувчи ўғри келиб' (U III, 14; 8—10); *қара тўнлә* 'қора тунда' (U III, 25, 18); *кимләрнин тўнлә йәмә кўндўз йәмә* 'кимларнинг тунда ҳам, кундуз ҳам' (TT VIII, 14); *бркла кәвсәк тоқылық инимиз әртин* 'кўркка эга қоматли инимиз эдинг' (Сувр., 619) каби.

Руник ва бошқа қадимги ёдгорликларда восита келишиги аффикси уюшиқ бўлакни ташкил қилган ҳар бир сўзга қўшилиб келади: *йадағын йоланын* 'яёв яланг' (КТб., 31); *сақынчын сбзин қылынчын йәмә кбзин кбрўп...* 'хаёл иш ва кўз билан кўриб (Хуаст., 119) каби.

Сўнгги даврда уюшиқ гапнинг ҳар бир компонентига ёки унинг энг кейинги сўзига қўшилиб келишини кузатамиз: *кўсўшин сақынчын ыдмыш* 'орзу-умид билан юборди' (TTX, 501); *кәнўл ўнин* 'кўнгул ва овози билан' (Сувр., 155); *пусуслуг қадғулуқын* 'ғам-қайғу билан' (Сувр., 627) каби.

Восита келишиги билан феълларнинг рўйхатини келтиришдан аввал шуни ҳам қайд қилиш керакки, текширилаётган давр ёдномалари тилида восита келишигининг маънолари *бирлә, ўзә* каби кўмакчилар билан ҳам берилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу кўмакчиларнинг истеъмол доираси кейинги давр тилида кенгайиб, восита келишигининг маънолари ва функциялари қисман кўмакчиларга ва қисман бошқа келишикларга: жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларига аста-секин ўтади.

Анализ қилинаётган даврда буларнинг параллел истеъмолда бўлганини кузатамиз.

Қуйида восита келишиги билан феълларнинг баъзиларини келтирамиз: *қышла-*'қишламоқ': *йоры-*'юрмоқ; *сўлә-*'уришмоқ, қўшин тортмоқ', *-ыд, ыт-*'юбормоқ', *йанра-*'ҳўнграмоқ', *ары-*'пок бўлмоқ, оримоқ', *йурә кәл-*'юриб келмоқ, *тут-*'тутмоқ', *бол-*'бўлмоқ', *кәл-*'келмоқ', *ташық-*'қарши чиқмоқ, тошиқмоқ', *сӧзлә-*'сўзламоқ, гапирмоқ', *әшид-*'эшитмоқ', *ӧплә-*'атака, ҳужум қилмоқ', *ач-*'очмоқ'. *бар-*'бормоқ', *қабыш-*'қовушмоқ', *бин-*'минмоқ', *ур-*'урмоқ', *ит-*'этмоқ', *бир-*'бермоқ', *кәч-*'кечмоқ', *соқуш-*'учрашмоқ', *тәк-*'тегмоқ', *тик-*'тикмоқ', *қыл-*'қилмоқ', *урсық-*'урилмоқ', *сықыл-*'сиқилмоқ', *тит-*,титмоқ', *қолун-*'сўрамоқ, тиланмоқ', *қықыра-*'қийқирмоқ', *бир-*'бермоқ', *салын-*'солинмоқ', *тоқы-*'урмоқ' *улы-*'улимоқ', *тәбрә-*'тебрамоқ', *те-*'демоқ', *ӧлур-*ўлмоқ', *кир-*'кирмоқ', *тынла-*'тингламоқ', *йығла-*'йиғламоқ', *оқы-*'ўқимоқ', *кувән-*'қувонмоқ', *титрә-*'титрамоқ', *кӧр-*'кўрмоқ', *қал-*'қолмоқ', *санч-*'санчмоқ', *бил-*'билмоқ' кабилар.

Восита келишиги ўтимли ва ўтимсиз феъллар билан келган.

## ЖЎНАЛИШ КЕЛИШИГИ

Жўналиш келишиги аффикслари *-ғару,-гәрў, -қару, -кәрў, -гäр, -ғар, -ру, -рў, -ра, -рә, -қа, -кә, -ға, -гә, -йа, -йә, -а, -ә*[18] дир. ***-ғару, -гәру, -қару, -кәру*** истеъмол дои-

[18] W. Radloff. Die Alttürkische Jnschriften der Mongolei, NF, SPb., 1897, S. 63. С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, стр. 45; В. М. Насилов, Язык орхоно-енисейских памятников, М., 1960; Э. В. Севортян, Категория падежа. ИСГТЯ II, стр. 60; А. Исямов, Употребление падежей в языке древнетюркских памятников, стр. 276; О. В. Захарова. Дательно-направительный падеж в языке „Кутадгу билиг", стр. 74; А. М. Щербак, Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана, М.—Л., 1961, стр. 85; Ф. Г. Исхаков, Имя существительное, ИСГТЯ II, стр. 103; J. Deny. Grammaire de la langue turgue. Paris, 1921.

Баъзи тадқиқотларда жўналиш келишиги қўшимчаларига *таба, табару* кўмакчиси киритилади, бу ҳақда С. Муталлибов „Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк" асарида қуйидагиларни ёзади: „XI аср тилида жўналиш келишиги яна бошқа формалар билан ҳам ифодаланган. Масалан: *ул манинг тобору келди. Тобору* қўшимчаси ишнинг тамом бўлганлигини ҳам англатади. *Манинг тобо келди. Бақа кўрман аймиш* бу сўзлар *тобо* гапларида *тобору, тобо* сўзлари жўналиш келишиги



www.ziyouz.com kutubxonasi

раси кенг бўлган аффикс саналади. Бу аффикс охири унли, жарангли ва жарангсиз ундошлар билан тугаган сўзларга қўшилиб келади. Мазкур шаклларнинг жарангли ундош билан бошланган варианти (*-ғару, -гәрӱ*) Култегин, Тӱнюқуқ обидалари тилида учраса, бошқаларида иккала вариант қўлланади: *тәнрикәрӱ* 'тангрига, тангри томон' (Хуаст., 119), *тәнригәрӱ* (Гкн., 84) каби.

**Жўналиш келишигининг *-ғару, -гәрӱ* шакллари ҳаракатнинг ташқарига бўлган йўналишини кўрсатади.** Жўналиш келишигида келган сўз ҳаракатнинг жўналиш ўрнини билдиради: *Табғачғару Куны сәнӱнгӱ ыдмыш Кытаңғару Тонра сәмиг ыдмыш* 'Табғоча Куни Сенгунки, Қитангга Тўнграсемни юборган' (Тон., 61); *Магы қурған кышлап йазына оғузғару сӱ ташықдымыз* 'Магиқўрғонда қишлаб, ёзда ўғузлар сари қўшин тортдик' (КТб., 33); *тәнри йирингәрӱ барғаймән* 'тангри ерига бораман' (ТТII, 1); *кәнтӱ тойынғару* 'ўз шаҳари томон' (Le Coq, S. 13, AW 1909, 1210)

Агар кесим тугалланган ҳаракатни англатса, бунда жўналиш келишигидаги сўз ишнинг сўнгги чегарасини, нуқтасини кўрсатади: *биз уйғурғару кәлтӱк* 'биз уйғур мамлакатига келдик' (Ман., III, 46); *ол ӧдӱн тәнри илиг бӧгӱ хан қувраҕару кәлти* 'ўшанда тангри Илиг — Бўгу хон йиғилишга келди' (TT II, 33-34).

Жўналиш келишигидаги объект узоқ ёки яқин бўлиши мумкин ва шунга кўра ҳаракат узоқдаги ёки яқиндаги предметга қаратилган, йўналтирилган бўлади. Умуман *-ғару, -гәру* аффикси ҳаракат қайси нуқта, чегарада бўлиши унинг узоқ, яқинидан қатъий назар қўшилаверади: *бизинәру кәлӱрди* 'бизга келтирди' (Хуаст., 119); *әбинәру кәлмиш* 'уйига келди' (Гкн., 30); *уйасынару ӧгирә сәбинӱ кәлир* '(барс)

---

қўшимчаси *-га* аффикси функциясида келган (38-бет). Келтирилган сўзлардан кўринадики, „Очерк" автори форма, қўшимча ва сўз ўртасидаги тушунчаларнинг фарқига бормасдан *тобо, тоборуга* нисбатан қўллаган. Даставвал шуни қайд қилиш керакки, *тобо, тобору* (тўғри ўқилиши: *тапа* ‖ *таба* тапару ‖ табару) форма ҳам эмас, қўшимча ҳам эмас. *Тапа, тапару* соф қўшимчадир. Мазкур кўмакчилар С. Муталлибов ёзганидек, ишнинг тамом бўлганини англатмайди. Эски ёдномаларда, жумладан, XI аср тилида бу кўмакчи ҳаракатнинг бирор томонга йўналганлигини кўрсатиб, *сари, томон, қараб* маъноларига тўғри келади (ПМК., 37, ТТХ, 71; 152; U III, 53). Бундан ташқари *тапа* қарши маъносида (*огуз будун тапа* 'ўғузларга қарши' КТб., 31; *Табғач тапа* 'Табғочларга қарши' КТб., 31), мақсад маъносида (*отун сансар тапа тоғмыш тәг му* 'гўё гуноҳли Сансар учун туғилгандекми?' U III, 20; *иг тапа кӧвәргән* 'касал тўғрисида сўрасанг' TTII, 10) қўлланади.

уясига томон қувониб севиниб келур' (Гкн., 82); *тәбәсинә-рӱ бармыш* 'теваси томон келди' (Гкн, 80); *сизинәру* 'сиз томон' (Ман., III, 24); *ханғару* 'хонга' (Ман; III, 31); *öзӱ-нӱзгарӱ* 'ўзингизга' (Ман., III, 27); *қӱтунузғару* 'бахтингиз томон' (Ман., III. 31) каби.

**Мақсад маъносини англатади**: *кӱчиг бәртӱкгәрӱ сақын-маты* 'куч беришни ўйламади' (КТб., 29).

***-ғару, -гәрӱ*** аффикси сўзлар жонли предмет англатувчи отлар (*қағанғару, оғузғару, уйғурғару, ханғару, илиггәрӱ, апа тарқанғару, тәбәсинәру* 'туясига', *бәгинәрӱ, йонты-нару* каби), ўрин, жой, макон англатувчи отлар (*йиркәрӱ, йышғару, Табғачғару, уйасынару, әбингәрӱ* каби), абстракт маъноли отлар *(тәнригәрӱ), öзӱтгәрӱ* 'руҳга' (Ман., III, 31), қутунузғару 'бахтингизга' (Ман., III, 25), олмошлар (*бизинә-рӱ, санару, банару, сизингәрӱ* ва ҳоказо) каби сўз груп-паларига қўшилиб келган. Бу сўзлар ёдномалар лексикаси-нинг катта бир гуруҳини ташкил қилади. Демак, бу давр ёдномалар тилида ***-гару, -гәру*** шакллари жўналиш келиши-гининг маҳсулдор аффикси саналади.

Мазкур аффикс кўпинча ҳаракат, юриш феъллари (les verbes de mouvement) бошқарган сўзларга қўшилиб келган: *бар-*'бормоқ', *ыд-*'эргашмоқ', *аш-*'ошмоқ', *кәл-*'келмоқ', *та-шық-*'тошиқмоқ', *сӱлә-* 'қўшин тортмоқ', *қон-*'қонмоқ', *йәт-*етмоқ', *тӱш-*'тушмоқ' каби.

Баъзан бошқа феъллар билан бошқарилган сўзларга қў-шилиб келган: *öтӱн-*'ўтинмоқ', *сақын-*'ўйламоқ', *айыд-*'айт-моқ', *тут-*'тутмоқ' каби.

***-ғару, -гәрӱ*** аффиксини қабул қилган баъзи сўзлар шу келишик қўшимчаси архаиклашиб ўз функциясини йўқот-гандан сўнг равиш қаторига ўтиб кетган.

***-гар.*** Бу аффикс ***-гару*** шаклининг редукцияга учраши натижасида ҳосил бўлган кўрсаткич бўлиб, асосан, ***мән, сән, ол, бу*** олмошлари билан ишлатилган. Бу аффикс ***ол*** олмошига қўшилганда, олмошнинг сўнгги ундоши ***н*** га ай-ланади ва жўналиш келишигининг бош ундоши ***г*** билан би-рикиб, бурун (***ң***) товушини ҳосил қилади: *анар* 'унга'. ***Мән, сән*** олмошларига қўшилганда, буларнинг ўзаги каттиқлаша-ди: ***маңар, саңар.***

Ёдномаларда *анар* баъзан *анару* шакли билан параллел қўлланган: *анар кöрӱ билин*'уни кўриб билинг' (КТм., II); *анару сӱләмәсәр* 'унга қарши чиқмаса' (Тон., 20); *анару* ТТХ. 503) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-ру, -рӯ, -ра, -рә.* Бу аффикс жуда кам қўлланган. Шу сабабли баъзи тадқиқотларда мазкур форманинг мавжудлигига шубҳа билдирилади[10].

Ёдномалар анализи шуни кўрсатадики, бу аффикс қадимда мавжуд бўлган ва ёдномалар ёзилган даврларда анча арханклашган кўрсаткичлардандир.

Бунга қуйидаги мисолларни келтирамиз: *ташру этилти* 'ташқарига чиқилди' (ЕнПТ., 73); *әбрӯ кәлӯртим* 'уйга келтирдим' (МН., 16); *әбимрӯ барды* 'уйимга борди' (ПМК., 36); *қатығ йасын қоруп ағулуғ оқын йӯрәкрә уруп* 'қаттиқ ёйини қуриб, ағули ўқини юракка уриб' (U III, 55); *бодисвт оғушлуғ йананин йӯрәкрә урды'* Будисатва туркумига қарашли бўлган (фил)нинг юрагига урди (U III, 59, 4).

Бир қатор сўзларда *-ра, -рә, -ру, -рӯ* келишик аффикси функциясини йўқотиб, ўша сўзлар билан бирикиб бир маъно англатувчи сўз бўлиб кетган. Булар ёрдамчи, кўмакчи сўзлар, равишлар группасига ўтган сўзлардир. Масалан: *ичрә, нару, бәрӯ* кабилар.

*-а, -ә* аффиксининг истеъмол доираси тор бўлиб, у биринчи шахс эгалик аффикси *-м* билан келган қаттиқ ўзакли сўзнинг сўнггига *-а*, юмшоқ ўзакли сўзнинг сўнггига *-ә* тарзида қўшилиб келган; *орнума*; *сизимә*.

Айрим ўринларда эгалик аффиксини олмаган сўзлар билан келишини учратиш мумкин: *сизә* 'сизга' (ЕнПТ., 76, 80, 100; ПМК., 63); *тағa* 'тоққа' (Мн., 17); *кичә* 'кечқурун' (Гкн., 80).

Уйғур, манихей — брахми ёзув ёдгорликларида ҳам *-а, -ә* шакллари асосан биринчи шахс бирлик эгалик аффикси билан қўлланади. Унинг эгалик аффиксини қабул қилмаган сўзлар билан ишлатилишини фақат бир мартагина учратдик. Бу мисолда *-а* восита маъносини билдиради: *сизни әмгәттим ача сувсамақа* 'очлик', сувсаш билан сизни қийнадим' (ТТ II, 37).

*-қа, -кә, -ға, -га, -гә.* Жўналиш келишигининг энг кўп қўлланувчи аффикси бўлган *-қа, -кә, -ға* охири унли, жарангли ва жарангсиз ундошлар билан тугаган сўзларга қўшилиб келади, *-га* шакли учинчи шахс бирлик эгалик аффиксини олиб келган қаттиқ ўзакли сўзлар билан ишлатилади. *-гә* аффикси эса иккинчи ва учинчи шахс бирлик эгалик аффиксларини қабул қилиб келган юмшоқ ўзакли сўзларга қўшилиб келади. *Мән, сән* олмошларига қўшилиб келганда булар регрессив ассимиляция натижасида *маңа, саңа* шакл-

---

[10] W. W. Radloff. Die Alttürkische Jnschriften der Mongolei, NF., SPb., 1897, S. 59.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларига эга бўлади. Саноқли сўзлардагина жўналиш келишиги аффиксларининг икки марта такрорланиб келгани мавжуд: *кунчуйымғақа* (ЕнГТ., 22).

Жўналиш келишигининг бошқа формалари қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. **Ҳаракатнинг умуман ташқи объектга бўлган йўналишини, ташқарига қаратилганлигини кўрсатади:** *Табғач қанға бардым* 'Табғоч хонига бордим' (ЕнГТ., 33); *илгэрў кўн тоғсыққа* 'илгари кун чиқиш (шарқ) томонга' (КТм., 27).

Бу маъно жўналиш келишигининг энг асосий ва қадимий семантикаларидан биридир. Бу ўринда проф. А. Габэннинг: „Жўналиш келишиги қадимги вақтда ўрин келишиги бўлган", — деган фикрига[20] қўшилиш қийин. Чунки бу келишикнинг макон маъноси унинг йўналиш маъносидан ташкил топган.

Йўналиш маъноси кўмакчи сўзлар билан конкретлашади. Чунончи ўрхун-енисей, турфон, манихей обидалари тилида йўналиш маъносини конкретлаштириш учун ***тэги*** сўзи қўлланади.

Макон-йўналиш маъносининг аниқлашишида, конкретлашишида ***тэги*** кўмакчисидан бошқа сўзлар ҳам иштирок эта бошлайди. Сўнгги давр тилида, руник ёдномаларида учрамаган, *йақын* сўзини қайд қилиш мумкин: *Мамыка қызқа йақын кэлип...* 'Мамика қизга яқин келиб' (ТТХ, 471); *барзқа йақын барты* 'барсга яқин борди' (Сувр., 616) каби.

**Жўналиш келишиги процесс қаратилган, йўналган предметни кўрсатади.** Бунда кесим орқали англашилган процесс жўналиш келишигидаги объектга қаратилган бўлади. *Табғач қағанқа көрмиш* 'Табғоч хоқонга бўйсунди' (КТб.); *Табғач қағанқа йағы болмыш* 'Табғоч хоқонга ёв бўлди' (КТб.); *йасы ташқа йаратытдым* 'ясси тошга ёздирдим' (ПМК., 36).

**Жўналиш келишиги мақсад маъносини билдиради:** *қанлық сўси авқа ўнмиш* 'хон аскари овга чиқди' (Гкн., 84); *Қан сўкэ бармыш* 'хон урушга борди' (Гкн., 82); *эр абқа бармыш* 'эр овга борди' (Гкн., 81); *илинчўкэ барты* 'дам олишга борди' (Сувр., 608) каби.

**Жўналиш келишиги пайт маъносини билдиради.** Бу келишикнинг қўшимчасини олган сўзнинг семантикасига қараб пайт маъноси узоқ муддатли ёки маълум даражада чекланган бўлади. Пайт маъносини ифодалашда бу келишик аффикслари *йыл*, *ай*, *од* (вақт), *кўн*, *йаш*, *йаңық* (число), *йаз*

---

[20] A. von Gabain, Das Alttürkische, S. 29.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қыш* каби семантикаси пайт-вақт тушунчаси билан боғлиқ бўлган сонларга қўшилиб келади.

*Кўл тигин қон йылқа йити йэгирмикэ учды* 'Култегин қўй йили ўн еттинчида учди (ўлди)' (КТб., 33); *Сэкизинч ай бир йаныќа сў йорыйын* 'саккизинчи ой биринчи числода аскар тортайин' (ПМК., 35); *бўкўнки кўнкэ тэги* 'бугунги кунгача' (ТТХ, 97); *Йаны йылнын ики йгрминч айына* 'янги йилнинг 12 ойида' (ТТ I, 10) каби.

**Баъзан пайтнинг давомлилигини билдиради:** *кўнинэ айына* 'кун бўйи, ой бўйи' (АГ., 30).

Жўналиш келишигининг пайт маъноси ўрхун-енисей ёдномалари тилида жуда кенг тараққий қилган. Кейинчалик эса бу семантиканинг нисбатан торая боришини кўрамиз. Чунки бу семантика энди ўрин-пайт келишиги ёрдамида берила бошлайди.

**Ишнинг, процессининг, ҳолатнинг юз беришидаги сабабни билдиради:** *нэкэ қорқурбиз* 'нега қўрқамиз' (Тон., 63); *турук болмышымқа ики йаным йиркэ кирип уйулуп тэлингэли турур* 'чарчаганим учун икки ёним ерга кириб уйилиб тилиниб турар' (U III, 37, 2-3);

*азу ӧни сӧзлэшмэккэ* 'ёки турли нарсалар ҳақида сўзлашгани туфайли' (ТТ VIII, 49); *ағрымышқа* 'оғригани туфайли' (U III, 37) каби.

**Қурол, восита комитатив, яъни биргалик маъноларини англатади:** *тоқуз оғузқа йэти сўнўш сўнўшдўктэ* 'тўққиз ўғуз билан етти марта урушганда... (ПМК., 27); *бӧрикэ соқушмыш* 'бўри билан учрашган' (Гкн., 182); *эдгўгэ бӧкмэдим* 'эзгуга тўймадим' (ЕнПТ, 38); *Тигуй Тайшы башлап Кыдай тайшыларқа кэнэншэрмэн* 'Титуй Тайшидан тортиб қидай тайшилар билан кенгашаман' (Юр., I, 202); *ол қамышлығ арыққа тавраќ бардылар* 'ўша заҳот қамишли ариқдан бордилар' (Сувр., 625); *йўккэ йаралмыш* 'юк билан ортилган' (ТТ VIII, 16) каби.

**Ишнинг бажарилишидаги ҳолат маъносини билдириб келади:** *қырқызығ уқа басдымыз* 'қирғизларни уйқусида босдик' (Тон., 62).

**Жўналиш келишиги ўрин, макон маъносини англатади:** *нэн йэрдэки қағанлығ будунқа бўнтўги бар эрсэр* 'бирор ердаги хоқоннинг халқи орасида иш ёкмаси бор бўлса... (Тон., 64); *Табғач илинэ қылынтым* 'Табғоч элида илм олдим' (Тон., 61); *нэлўк тонғай ол кўнэшкэ олурур ол* 'нима сабабдан музласин, қуёшда ўтирса' (Гкн., 84); *Бу бу-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*луққа экин турса...* 'бу узумзорга экин экилса*' (Юр., X, IX, 214); *икинди ажуна* 'иккинчи дунёга' (ТТ VIII, 31).

Баъзан макон маъносини ифодалашда жўналиш келишигининг **-йа**, **-йә** шакллари қўлланилган: *бәрйиә* 'берида' (Тон., 61); *йырайа* 'шимолда' (Тон., 61); *курыйа* 'ғарбда' (ПМК., 35) каби.

Бу форма кейинги давр ёдгорликларида учрамайди.

**Бирор нарсадан ажралиш, маҳрум бўлиш, тарк этиш каби маъноларни англатади:** *уйар бәгимкә адырылтым, уйар қадашымқа адырылтым* 'донгдор бегимдан айрилдим, машҳур дўстларимдан айрилдим' (ЕнПТ., 21); *әгўк қатун йәримкә адырылтым* 'эгук — қатун еримдан айрилдим' (ЕнПТ., 19) каби.

**Ўхшатиш, қиёслаш, нисбат бериш каби маъноларни англатади:** Бу маъно ўрхун-енисей обидалари тилида учрамайди. Асосан, турфон текстларида келади: *öз қорқынчына артуқрақ қорқуп...* 'ўз қўрқинчидан ортиқроқ қўрқиб' (ТТХ).

**Жўналиш келишиги изоҳлаш маъносида:** *улаққа бәрдим* 'кира учун арава ҳақи бердим' (USp., 31); *каланқа әлчигә бәрмишим* 'элчига солиқ юзасидан бердим' (Usp., 38).

**Жўналиш келишиги аниқловчи вазифасида:** *быңа башы* 'минг боши' (АГ., 29); *турнайа қуш* 'турна қуш' (Гкн., 84); *пусус қадғуқа кöнўли* 'тўла қайғули кўнгли' (Сувр., 623) каби.

Жўналиш келишигининг юқорида келтирилган маъноларидан кўриниб турибдики, бу келишик гапда мақсад, сабаб, равиш ҳоли, воситали тўлдирувчи, кесим каби функцияда қўлланади.

Жўналиш келишиги уюшиб келган сўзларнинг ҳар бирига ёки уларнинг энг сўнггисига қўшилиб келади: *будунымa кўнимә қадашыма адырылдым* 'халқимдан, қабиламдан, дўстларимдан ажралдим (ЕнПТ., 31); *инимә оғлыма öтләдим* 'инимга, ўғлимга насиҳат бердим' (Онг., П, 9); *қаным элимкә тапдым* 'хонимга, элимга хизмат қилдим' (ЕнПТ., 37); *бағым будунымқа адырылдым* 'қабила, бўлинмам, халқимдан ажралдим' (ЕнПТ., 52) каби.

Сўнгги давр тилида ҳам бу ҳолат сақланган: *öчкә қаңқа* 'онамга, отамга' (Сувр., 619).

Жўналиш келишиги билан келган феълларнинг баъзилари қуйида келтирилади: *қылын* — 'қилинмоқ'; *қорқ-*'қўрқмоқ'; *қазған-*'эришмоқ'; *бар-*'бормоқ'; *тайан-*'таянмоқ'; *адырыл- адырын-*'айрилмоқ'; *бöк-*'баҳр олмоқ, баҳраманд бўлмоқ'; *йоры-*'юрмоқ'; *тап-*'топинмоқ'; *йағы- бол-*'душман



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмоқ'; *сўлә-*'қўшин тортмоқ'; *әр-*'эмоқ'; *кит-*'кетмоқ'; *кир-*'кирмоқ'; *өл-*'ўлмоқ'; *тәг-*'тегмоқ'; *өтүн-*'ўтинмоқ'; *уч-*'учмоқ'; *көр-*'кўрмоқ'; *ай-*'айтмоқ'; *кәл-*'келмоқ'; *ти-*'демоқ'; *тургур-*'турғизмоқ'; *ал-*'олмоқ'; *оқы-*'ўқимоқ'; *эгирт-*'бақирмоқ'; *илин-*'илинмоқ'; *қыл-*'қилмоқ'; *йәрлә-*'куйламоқ'; *йалбар-*'ёлвормоқ'; *ынан-*'ишонмоқ, инонмоқ'; *сад-*'сотмоқ'; *бити-*'ёзмоқ'; *қон-*'қўнмоқ'; *илт-*'элтмоқ'; *сық-*'сиқмоқ'; *йорыт-*'юритмоқ'; *йәт-*'ётмоқ'; *тәгур-*'тегизмоқ'; *алсық-*'олдирмоқ'; *сәвит-*'севдирмоқ'; *тоқы-*'ёрмоқ'; *уч-*'учмоқ'; *тәз-*'югурмоқ'; *әмгән,— әмкән-*'қийналмоқ'; *соқууш-*'учрашмоқ'; *тик-*'тикмоқ'; *тарқар-* 'тарқамоқ'; *бас-*'босмоқ'; *урсуқ-*'урилмоқ'; *бан-*'боғланмоқ, боғламоқ' кабилар.

## √ЎРИН-ПАЙТ КЕЛИШИГИ

Ўрин-пайт келишиги қуйидаги аффикслар билан ифодаланган: ***-да***, ***-дә***, ***-та***, ***-тә***[21].

Охири жарангли ва жарангсиз ундошлар билан тугаган қаттиқ ўзакли сўзлардан сўнг ***-да***, ***-та***, юмшоқ ўзакли сўзлардан сўнг ***-дә***, ***-тә*** аффикслари қўлланилган.

**Ўрин-пайт келишиги иш-ҳаракатнинг содир бўлиш, рўёбга чиқиш, воқеа-ҳодисанинг юз бериш ўрнини билдиради:** *Тайған көлтә тирилтим* 'Тайған йўлда аскар тўпладим' (ПМК., 36); *Бурғуда йәтдим* 'бурғуда етдим, (ПМК., 35); *исиг қумга аганамыш тәг* 'иссиқ қумда оғанагандек' (Сувр., 626); *бурханда* 'бурханда' (ТТХ, 54); *бойнинда* 'бўйнида' (ТТ VIII, 53) каби.

**Иш-ҳаракатнинг ёки ҳодиса-воқеанинг бажарилиш пайтини билдиради;** *ол кунтә тәгди* 'ўша куни етди' (Тон., 64); *алты йашымта қан адырылдым* 'олти ёшимда отасиз қолдим' (ЕнПТ., 64); *уч йашымда қансыз болдым* 'уч ёшимда отасиз бўлдим' (ЕнПТ., 21); *қырқ йашымда адырылдым* 'қирқ ёшимда айрилдим' (ЕнПТ., 80) каби.

Бу маъно асосан енисей ёдномалари тилида учрайди. Бошқа руник ёдномалар тилида худди шу маънода жўналиш келишиги ишлатилади.

Шуни қайд қилиш керакки, енисей обидаларида вақт, пайт маъносида ўрин-пайт билан параллел равишда жўналиш келишиги ҳам қўлланади. Баъзан бир жумлада иккала келишик ҳам учрайди: *бэш йашымтә қансыз қалып тоқуз*

---

[21] A. von Gabain. Alttürkische Grammatik, Leipzig; M. Räsänen. Materialien zur Morphologie der türkische Sprache, S. 61. I. Nemeth. Probleme der Türkischen Urzeit Analecta Orientalia Memoriae Alexandri Csoma Körös Dicata, Budapest, 1942—1947.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*йэгирми йашымға өгсўз болтум қатығланып отуз йашымға оғо болтым* 'беш ёшимда отасиз қолиб, 19 ёшимда онасиз қолиб қатиғланиб, 30 ёшимда ўға бўлдим' (ЕнПТ., 81); *бир йэтмиш йашымға көк тэнридэ* '61 ёшимда кўк осмон' (ЕнПТ, 81); *бэш йэгирми йашымда табғач қанға* '15 ёшимда Табғоч хонга' (ЕнНТ., 33) каби.

Ўрин-пайт келишигининг вақт маъносида келиши турфон, манихей, уйғур ва бошқа ёдгорликларида ҳам мавжуд: *бўкўнки кўнтэ* 'бугунги кунда' (Сувр., 622); *ол оғурта* 'ўша вақтда' (Сувр., 607).

Юқоридагилардан маълумки, бу келишикнинг пайт маъноси ўзаги пайт-вақт семантикаси билан боғлиқ бўлган сўзлар орқали ифодаланади. Шу билан бирга, пайт маъноси ҳаракат, ҳолат, воқеа-ҳодиса билдирувчи отлар орқали ҳам берилади.

*Кўл тэгин ол сўнўшдэ отуз йашайур эрти* 'Култегин ўша уруш вақтида ўттиз ёшда эди' (КТб., 3?); *Тургэш будуныг уда басдым* 'Тургаш халқини уйқусида босдим' (МН., 17).

Бу давр тилида мазкур маъно айниқса сифатдошнинг *-дук*, *-дўк* формалари билан кенг учрайди.

**Иш-ҳаракатнинг, воқеа-ҳодисанинг бошланиш ўрни, чиқиш нуқтасини билдиради.** Бу маъно текширилаётган давр ёдномаларида жуда кенг истеъмолда бўлган; *Тўнўт қағанда бөлбн кэлти* 'Тебег хоқонидан қул келди' (КТб.,33); *қырқызда йантымыз* 'қирғизлардан қайтдик' (Тон., 61); *йағыда бошана бошаналадым* 'душмандан қутулдим' (ПМК., 36); *олғлы өгинтэ қанынта өбкэлэпэн* 'ўғли онаотасидан ўпкаланиб' (Гкн., 84) каби.

Енисей ёдномаларида бу маъно кўпроқ *адырыл*- 'айрилмоқ' феъли билан қўлланади.

Ўрин-пайт келишигининг шу маъноси уйғур, турфон, манихей текстларида ҳам кенг қўлланилган: *кўзинтэ исиг йашы төкўйў*...'кўзидан иссиқ ёш тўкиб'...(Сувр., 624); *ймэ тсуп йазуқларынта озты* 'тез орада гуноҳларидан қутулдилар' (ТТ IV,14); *өдўн кўнтўн булунда өгрўнчлўг йил йилтирди* 'атрофдан майин шамол эсди' (ТТ I, 3); *ағыр эмгэктэ қуртулзунлар* 'оғир қийинчиликдан қутулсинлар' (ТТ VI, 21); *бэг эбинтэ өнўп бардылар* 'бег уйидан қайтиб кетдилар' (U III, 10-9); *ичиг өзўнтэ адрылғалы анук турғыл* 'иссиқ жонингдан ажралишга тайёр тургил' (U III, 56,11); *тўкэл билгэ тэнри тэнриси бурханта адын кимни*... 'тўла билимли тангри тангриси бурхондан ўзга кимки' (ТТХ, 107-110) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Процесснинг юз берган, пайдо бўлган жойини билдиради:** *тәнридә болмыш* 'осмонда пайдо бўлган' (КТм., 27); *йағыз йирдә тикә бнти* 'қора ердан ғовға кўтарилди' (TT I, 10); *ағызларынта йалын бнти* 'оғизларидан олов чиқди' (TT IX, 10); *қатунынта тоғмыш* 'хотинидан туғилган' (Сувр., 607) каби.

**Ўрин-пайт келишиги қиёслаш, нисбат бериш, ўхшатиш маъносида:** *бизинтә әки учы сынарча артуқ әрти* 'икки учи бизга қараганда ярим марта кўп ортиқ эди' (Тон. 63); *бзумтә йигләр* 'ўзимдан яхши' (АГ, 30); *йаруқта йаруқ* 'энг ёруғ' (АГ., 30) каби.

**Иш-ҳаракатнинг бирор предметга йўналганлигини кўрсатади:** *Тинәси оғлы йатығма тағда тәгмиш* 'Тинеси ўғли ётган тоққа етди' (Тон., 64); *тўнқәр тағда тәгип тоқыдым* 'Тунгкер тоққа етиб ҳужум қилдим' (МН., 18); *Уларны барча бир йирдә йығынлар тиринләр* 'уларни барчасини бир ерга йиғинглар, тўпланглар', (U III, 28; 5—6); *Кбнўл ичинтә от кирди* 'кўнгил ичига ўт кирди' (TT I, 7); *әтбзўндә айагчил тәг орнағу бирди* 'сенинг ўзингга тўрдан жой берди' (TT I, 11); *кәнту бзи бк кбнўлинтә келти* 'ўзининг кўнглига келди' (TT X, 36); *йўрәкимтә санчыг кирип* 'юрагимга санчиқ кириб' (U III, 37,7).

**Ўрин-пайт келишиги сабаб, восита, қурол, комитатив каби маъноларни билдиради:** *идишимта айақымта бн и қанча барырмән* 'идишсиз қандай бораман' (Гкн., 63); *оғланым әрдә марымынча бол* 'ўғлим ботирликда устозинг каби бўл' (ЕнПТ., 84); *анын кўчинтә* 'унинг кучи билан' (TT IX, 18); *бириси толғақта тынымын алты* 'бириси тўлғоқ билан нафасимни олди' (Сувр., 154); *тойын тбрўсинтә йорықай му мән* 'руҳий қоидалар билан юраманми?' (Юр., I, 202) каби.

Ўрин-пайт келишигидаги сўзлар гап таркибида ўрин, пайт ҳоли, воситали тўлдирувчи, кесим каби функцияларда келади.

**Ўрин-пайт келишиги жўналиш келишиги функциясида келади:** *әр әрдәмимдә ббкмәдим* 'эрдамимга, ботирлигимга тўймадим' (ЕнПТ., 80); *башын йирдә йойды* 'бошини ерга бекитди' (U III, 64; 17) каби.

Руник ёдномаларида бу келишик қўшимчалари уюшиқ бўлакли сўзларнинг деярли ҳар бирига қўшилиб келади: *ыда ташда қалмышы* 'дарахтзор тошда қолгани' (Тон., 61).

Сўнгги давр тилида уюшиб келган сўзларнинг ҳар бирига ёки уларнинг охиргисига қўшилиб келади: *тағда арық-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*та* 'тоғда арикда' (Сувр., 608); *бурханнин кӱчинтә кӱсӱнинтә* 'бурхоннинг кучида, истагида (ТТ X, 246); *йалбармақ ағырынмақ мӱнрәмәк ынчықламақта улаты әшиткәли умағулуқ ӱнләри ӱзә йанғура турур* 'ёлвориш, оғриқ, дод-вой, эшитиб бўлмайдиган товушлар билан янграр' (Сувр., 156).

Қуйида ўрин-пайт келишиги билан келган феълларнинг баъзиларини келтирамиз: *öбкәлә-* 'ғазабланмоқ'; *тәз-* 'югурмоқ'; *оз-* 'ўзмоқ'; *қал-* 'қолмоқ'; *бол-* 'бўлмоқ'; *бар-* 'кетмоқ'; *тилә-* 'тиламоқ'; *қыл-* 'қилмоқ'; *әр-* 'эмоқ'; *соқуш-* 'учрашмоқ'; *тамқала* || *тамғала-* 'тамғаламоқ'; *азы-* 'сезмоқ'; *йәт-* 'етмоқ'; *қатыл-* 'қўшилмоқ'; *контур-* 'қўндирмоқ'; *йәрлә-* 'жойлашмоқ'; *санч-* 'санчмоқ'; *бәр-* 'бермоқ'; *тоқы-* 'тўқнашмоқ'; *олур-* 'ўтирмоқ'; *соқуш-* 'уришмоқ'; *қо-* 'қўймоқ'; *öл-* 'ўлмоқ'; *тәк-* 'тикмоқ'; *буз-* 'бузмоқ'; *йантур-* 'қайтармоқ'; *қабыш-* 'қовушмоқ'; *йöгтӱр-* 'кўтармоқ'; *тәг-* 'тегмоқ, етмоқ'; *кöр-* 'кўрмоқ'; *тәкзин-* 'кезмоқ'; *бöк-* 'тўймоқ'; *адырыл-* 'айирмоқ'; *бошун-* 'бўшалмоқ'; *öтӱн-* 'ўтинмоқ'; *кәл-* 'келмоқ'; *йан-* 'қайтмоқ'; *ай-* 'айтмоқ'; *тут-* 'тутмоқ'; *кит-* 'кетмоқ'; *адыр-* 'айирмоқ'; *бан-* 'боғламоқ'; *қубран-* 'қўшилмоқ'; *олур-* 'бўлмоқ'; *истә-* 'изламоқ', истамоқ'; *тапыш-* 'топишмоқ'; *бӱрт-* 'бўртмоқ'; *сачыл-* 'сочилмоқ'; *ағына-* 'ағанамоқ', *қал-* 'қолмоқ', *тöк-* 'тўкмоқ', *тоғ-* 'туғилмоқ', *тапыш-* 'топишмоқ', *қод-* 'қўймоқ'; *арыт-* 'аритмоқ'; *йапын-* 'ёпинмоқ'; *йӱри-* || *йоры-* 'юрмоқ', *илт-* 'элтмоқ', қуртул-'қутулмоқ' кабилар.

## ЧИҚИШ КЕЛИШИГИ

Чиқиш келишиги қуйидаги аффикслар билан ифодаланган: ***-дан***, ***-дән***, ***-дын***, ***-дин***, ***-дун***, ***-дӱн***, ***-тан***, ***-тән***, ***-тын***, ***-тин***, ***-тун***, ***-тӱн***[22].

Ўрхун-енисей ёдномалари тилида чиқиш келишиги В. В. Радловнинг фикрича, мавжуд бўлмаган[23]. Бу фикрни кейинчалик бир қатор олимлар ҳам тасдиқлади[24].

---

[22] W. Bang. Ungarische Jahrbücher V, S. 392—408; M. Räsänen. Aus der türkischen Formenlehre, ISFOu, S. 45; M. Räsänen. Materiallen zur Morphologie der türkischen Sprachen, S. 62; Y. Benzing. Tschuwassische Forschungen, 2 DMg, 96; N Poppe. Türkisch — tschuwassische vergleichende Studien, Islamica 1, s. 421. A. von Gabain. Uber Ortsbezeichnungen im Alttürkischen, STO 14, 5, 5, 13. G. Y. Ramstedt. A Korean Grammar, M. SFOu 82, 5. 154. Г. И. Рамстедт. *Введение в алтайское языкознание*, стр. 33.

[23] W. W. Radloff. Alttürkischen Inschriften der Mongolei, NF, SPb, 1898 p. 64—65.

[24] Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, стр. 61; Грамматика кумыкского языка, стр. 67. Л. Н. Харитонов, Современный якутский язык, АКгиз, 1947, стр. 108. А. И. Исхаков, Қазырғі қазақ tili, Алматы, 1954, 232-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейинги текширишлар натижасида ўрхун-енисей ёдномалари тилида мазкур келишикнинг мавжудлиги аниқланди*.

Руник обидаларда чиқиш келишиги жуда кам учрайди: *йарықлығ қантан* (В. Радловда *кандын*) *кәлип йана әлтди?* 'қурол-яроғлик қайдан келиб сени тарқатди, тор-мор қилди' (КТб., 30; Мелиоранский 70; Радлов 136); *сўнўглиг қантан кәлипән сўрә әлтди* 'найзалик қайдан келиб суриб кетди' (КТб., 30; Мелиоранский 70; Радлов 136); *öндән қағанғару сў йўрылым тимис* 'ўнгдан (шарқдан) хоқон томон қўшин тортайлик деди' (Тон., 63).

Баъзан чиқиш келишиги тошларга икки марта ўйилган: *оғуздан тан* (В. Радловда *оғуздындын*) *кöрўг кәлти* 'ўғузлардан жосус келди' (Тон., 61); *ташдындын* 'ташқаридан' [G. Ramstedt Zwei Uig. Runenschriften] каби.

Уйғур, манихей, турфон ёзув ёдгорликларида чиқиш келишиги кенг истеъмолда бўлган. Буларда чиқиш келишиги иш-ҳаракатнинг бошланиш нуқтасини, чиқиш ўрнини, жойини билдиради: *ол аның ким таштан ашқа ичкўкә қаттап әрўр* 'уни ким ташқаридан ошга, ичкиликка таклиф қилмоқда' (Ман., III, 6-6); *балықдын балыққа улушдын улушқа әлдин әлкә тынчы савчи болуп йорыдымыз* 'шаҳардан шаҳарга, қабиладан қабилага, элдан элга эшитувчи, сўз ташувчи бўлиб юрдик' (ТТ IV, 20—21); *тәнри йәринтән инти* 'тангри ўз еридан тушди' (Ман., III., 35); *әвтин барқтын öнтиләр* 'уйдан, қасрдан чиқдилар' (ТТ, III., 137); *тоны баштан адақа тәги* 'тўни бошдан оёққача' (Ман., 13) каби.

**Ҳаракат ёки процесс кимдан ёки нимадан бошланганини билдиради**: *öз қонўлўнизләртин* 'ўз кўнгилларингиздан' (ТТ VIII, 43); *кәнтў öлләринтин* 'ўзларингдан' (U II 48); *ики кöзўнтин* 'икки кўзидан' (ТТ X 339); *тәнридән тамыдан йоқару ағдуқта* 'осмондан, жаҳаннамдан юқори кўтарилганда...'(Ман., 13) каби.

**Ҳаракат ёки процесснинг бошланиш пайтини, вақтини билдиради**: *мән илкисиздин бәру* 'бошидан бошлаб' (Сувр., 612); *öнўнч айынтын бәру* '10 ойдан бери (USp., 532); *анындын бәрў* 'ўшандан бери' (Юр., I, 202) каби.

**Бирор нарсадан ажралиш, холос бўлиш, қутулиш маъносини билдиради**: *балық сувынтын адырылып* 'балиқ

---

* Э. В. Севортян, К истории падежной системы в тюркских языках, стр. 96. А. Исламов, Употребление падежей в языке древнетюркских—текстов, стр. 283. A. von. Gabain. Alttürkische Grammatik, S. 88—89.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сувдан айрилиб...' (Сувр., 626), *эмкэклэринтин* 'мушкулликларидан қутулиб' (Сувр., 155).

**Ҳаракат ёки процесснинг содир бўлган ўрнини билдириб, ўрин-пайт келишигига мос келади:** *илтин қантын босуш бар* 'элда, хонда қайғу бор' (ТТ I, 9).

**Сабаб маъносини билдиради:** *ағрығтын* 'оғриқ туфайли' (ТТ VIII, 67).

**Ҳаракат ёки процесснинг йўналишини билдиради;** *қайудын йынақ* 'қайси томондан' (ТТ X 83); *тағдын йынақ* 'тоғ томондан' (Сувр., 156); *ташдын сынар* 'ташқаридан' (ТТ IX, 42); *тöртдин сынар* 'тўрт томондан' (U II, 37); *қайудын сынар* 'қайси тарафга' (U IV, 36); *кўнтин йынақ* 'жанубга' (U II, 45).

Чиқиш келишигининг ***йынақ, сынар*** каби сўзлар билан келиши қуйироқда батафсил изоҳланган.

**Бир предметни бошқа бир предмет билан чоғиштириш маъносини билдиради:** *бу сэн антан кэркэк* 'бу сен ундан кераксан' (ТТ VIII, 65); *тэнри-а анмынтын ўстўнки* 'тангри Ангминдан юқориси' (ТТ X, 303).

**Чиқиш келишигидаги сўз тўдадан қисм, бутундан бўлак каби маъноларни билдиради:** *ол таштын алып öнрэни ташқа қат* 'у тошдан олиб олдиндаги тошга ташла!' (ТТ VIII, 64).

**Тушум келишиги функциясида қўлланади:** *бэгтин ишитин кэрсэрсэн савқа қирқ-элирсэн* 'бекдан иши ҳақида сўрасанг, мақтовга сазоворсан' (ТТ I, 14).

Уюшиқ бўлакли гапларда кўпинча ҳар бир сўзга қўшилиб келади: *бэгтин ишитин* (ТТ I, 14); *эвтин барқтын öнтилэр* 'уй-жойдин кетдилар' (ТТ III, 137) каби.

Қуйида чиқиш келишиги билан келган феълларнинг баъзилари келтирилади: *олур-* 'ўтирмоқ'; *тэг-* 'ҳужум қилмоқ'; *кэл-* 'келмоқ'; *эр-* 'эмоқ'; *ал-* 'олмоқ'; *ўн-* 'унмоқ, пайдо бўлмоқ'; *бар-* 'бормоқ'; *кöр-* 'кўрмоқ'; *тўш-* 'тушмоқ'; *адырыл-* 'айирмоқ,; *тоғ-* 'туғилмоқ'; *тарқар-* 'тарқамоқ' каби.

## АКУАТИВ ФОРМАСИ

Акуатив формаси сифатида ***-ча, -чэ*** шакллари ва ***-тэг, -тэк, -тағ*** кўмакчилари қўлланади. Буларни баъзи олимлар (В. В. Радлов, А. Габэн) келишик бобида кўришади.

*-ча, -чэ*[25] **формаси ўхшатиш, қиёслаш маъноларида:** *қанын субча йўгўрти сöнўкун тағча йатды* 'қонинг сув-

[25] С. Ф. Фузаилов, А. Зайончковский, Г. И. Рамстедт, М. Рясянен, К. Брокельман каби олимларнинг фикрлари ҳақида-

дай оқди, суякларинг тоғ бўлиб ётди' (КТб., 31); *қушча* 'қушдай' (ЕнПТ., 95); *ӧтчә борча кәлти* 'ўт ва олов каби келди' (КТб., 32); *кӱн тәнричә* 'кун тангридай' (Ман., III, 33).

**Тахмин, чама маъносида:** *йӱзчә әр* 'қарийб юзга яқин киши' (Мн., 18); *әлигчә әр* '50 га яқин киши' (Тон., 43); *азча* 'озгина' каби.

**Иш-ҳаракатнинг бажарилиш усули, йўли:** *торусинчә* 'қонун бўйича' (КТб., 30); *номча тӧручә* 'қонда- қонун бўйича' (Хуаст., 119); *кӧнлӱнчә* 'истаганича' (Тон., 63); *кӧнлӱнчә* 'кўнглингдек' (ТТ I, 7); *қанча* (*қанынча*) 'қандай қилиб' (ГКн., 83); *кучум йитмишинчә* 'кучим етганча' (Юр., I, 203); *тәнинчә* 'тенг қилиб' (Юр., XIII) каби.

Сифатдошга (***-қун, -қын, -ғын, -гин, -кин***) қўшилиб пайт маъносини билдиради: *бузқунча* 'ўлганча' (Онг., П, 9); *биркинчә* 'берганча' (Юр., XXVII, 215); *ймә тарҳан кигинчә* 'Тархон келганча' (ТТ II, 19) каби.

Пайт маъноси бошқа сўз туркумидан ҳам ҳосил бўлади: *бурунча* 'бурунги (одат) бўйича' (Юр., I, 202); *анчақынча* 'шу орада' (Сувр., 620) каби.

**Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини англатади:** *йоғурча* 'кетиши билан' (Тон., 27); *улуғ оғлым ағрып йоқ болча* 'катта ўғлим оғриб йўқ бўлганда' (МН., 18).

**Восита, сабаб маъносида:** *сәвикинчә йорып* севгандан юриб (Хуаст., 118); *они йолча бармыш* 'бошқа йўлдан борган' (ПВ., 136); *сизин савынызча ӧтӱнӱзчә йорығаймн* 'сизнинг сўзингиз, маслаҳатингиз билан юраман' (ТТ II, 49-50); *ӧни йолча йорутды* 'бошқа йўлдан юритди' (ПВ., 136).

**Кўплик, жамлик, кучайтириш маъносида:** *қалты билишинизләрчә* 'худди билимингиздай' (ТТ VIII, 8); *қалты амрашмышынызләрчә*' худди сизнинг севгингиздай' (ТТ VIII,8); *кимчә ким* 'кимда ким' (Юр., XVI, 213) каби.

Бир қатор сўзлар равиш гуруҳига ўтган.

***-тәг, -тәк, -тағ***[26]. Бу аффикс ўхшатиш, қиёслаш, таққослаш маъносида қўлланади: *қаған суси бӧри тәг* 'хоқон аскари бўридек' (КТб., 29); *йағысы қон тәг* 'душмани қўй-

---

ги маълумот А. Н. Кононовнинг „Грамматика современного узбекского литературного языка" асарида келтирилган, 363-бет; А. Н. Кононов ва Ж. Дени этимологияси бўйича: *-ча* < *чағ* — вақт, чоғ. Ж. Дени, Грамматика, стр. 918. B. Kombuc-za < zala W. Kotvitz. Studia nad Jezykami *altajskimi, RDI—318 Krakow*, 1953, S. *15; 2. Korkmaz. Türk dilinde caeki* ve bu ek ile yapilan isim teskilleri üzerine bir deneme, TDAJB, 1948. S. 43.

[26] Бунинг этимологияси А. Н. Кононов, Н. К Дмитриев, Ж. Дени, Ю. Банг, К. Броккелман, Г. И. Рамстедт, М. Хартман каби олимлар томонидан текширилган; Н. А. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 285.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дек' (КТб., 29); *Умай тәг* 'Умай каби' (КТб., 31); *кәйик муйузи тәг* 'кийик шоҳидек' (ТТ I, 8); *қас тини тәг* 'қас товушидек' (ТТ I, 11); *әм — тықы тәк* 'эндигидек' (Сувр., 116); *антағ* каби.

Ўхшатиш, қиёслаш маънолари юқоридаги аффиксларнинг иштирокисиз ҳам берилади. Бу усул энг қадимий бўлса керак. Масалан: *атын кўн йатылды* 'отинг хушбўй модда каби ёйилди' (ТТ I, 13); *ачығ ўнин сығта йағмур йағытдылар* 'қаттиқ товуш билан йиғлаб ёмғир каби ёш оқиздилар' (U III, 13, 5-6).

## ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Маълумки, тилдаги янги сўзларнинг кўпчилиги қадимдан мавжуд бўлган ўша тилнинг ички воситалари орқали ясалади. Бу воситаларга синтактик, морфологик, фонетик лексик каби усуллар киради.

Бу давр тилида морфологик ва синтактик йўл билан сўз ясаш кенг истеъмолда бўлган.

**Синтактик йўл билан от ясаш.** Икки (баъзан ундан ортиқ) сўз ўзаги ўзаро бирикишидан қўшма сўзлар пайдо бўлиб, буларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд.

Икки синоним сўзнинг ўзаро қўшилиши натижасида ташкил топган жуфт сўзлар: *әтӧз* (Сувр., Ман., U, 11); *йыд йыпар* 'хушбўйлик' (U I, 30); *адманал* 'шуҳрат, (USp., 60); *ағы барам* 'бойлик' (Ман., I, 15); *қуа чәчәк* 'гул' (U I, 30); *умуқ ынақ* 'дўст, ўртоқ' (Сувр., 612).

Компонентлари бир-бирига зид маъноли сўзларнинг бирикишидан ташкил топган жуфт сўзлар: *оғул қыз* (Ман., I, 15); *ақа ини* (USp., 22).

Баъзан жуфт сўзлар *-лы, -ли* жуфт боғловчиси билан қўлланади: *тўнли кўнли* 'туну кун, сутка' (МН., 19); *инили әчили* (КТб., 29); *тәрсли онлы әдгули айығлы* 'ўнг-тескари ва яхши-ёмон' (ТТ VI, 196) каби.

Сифатловчи синтагма типидаги қўшма сўзлар: *тиши киши* 'хотин, аёл' (Ман., III., 22); *удчы әр* 'чўпон' (КР., 35); *йултузчы әр* 'мунажжим' (Ман., III, 30); *кәйикчи әр* 'овчи' (U III, 58); *қарабаш* 'чўри, асира' (USp., 110), Кул тәгин 'киши исми' (КТб.,); *оғулумын ӧлтўрўп анын әти узә кәсмә аш кигўрў тәгинтим* 'ўғлимни ўлдириб, унинг этидан қийма ош пиширдим' (U III 65, 1-2).

**Морфологик усул билан от ясаш.** Ёдномаларда аффиксация йўли билан от ясаш жуда кенг истеъмолда бўлган. Қуйида бу аффиксларни келтирамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-чы, -чи*[27]. Бу аффикс шахс билдирувчи отлар ясайди. Ёдномаларда *-чи, -чы* қўшимчаси жуда маҳсулдордир.

**Отларга қўшилиб шахснинг маълум фаолиятига мансуб эканини кўрсатади:** *тәнричи* 'тангрига хизмат қилувчи, воисгўй' (Хуаст., 117), *тәнри* > хит. *тәнри* 'тангри, худо, осмон'; *номчи* 'шариат йўлининг тарғиботчиси' (Хуаст., 117) ном 'китоб, қоида', (тўх, сўғд., ном, грек. номос); сабчы; 'воисгўй; оратор' (Гкн., 81, саб' сўз, гап'); төтүкчи 'судья, қонуншунос' (ТТ VIII, 29, төр — т + әк); тапығчы, тапағчы 'хизматчи' (Сувр., 620); тапығ 'хизмат' (ТТ X 249); әлчи 'элчи' (Юр., XIX); буйанчи динга эътиқод қилувчи' (Юр., I, 202, буйан < скр. бунйа 'хизмат);

**Бирор характер-хусусиятига кўра шахс номини билдиради:** *армақчы* 'йўлдан оздирувчи, васваса қилувчи' (КТб., 29; арбақ, армақ < арба — 'аврамоқ'); *өчәшчи* 'учакувчи' (ТТ IX, 41; *очәш* — учрашув); *тағунчы* 'тилёғламачи' (ТТ X 457, *тағун* 'хушомад') каби.

**Қурол, ускуна англатувчи отларга қўшилиб, ўзак орқали ифодаланган маънонинг эгаси эканлигини кўрсатади:** *қобузчы* 'қўбузчи' (ПМК., 79); *сүнүгчи* 'найзачи, (ПМК., 83); сүнүг 'найза' каби.

**Предмет англатувчи сўзларга қўшилиб, шахснинг ўзак орқали ифода этилган иш билан шуғулланишини кўрсатади:** *бәдизчи* 'наққош' (КТб., МН., *бәдиз* 'нақш,' *тамғачы* 'тамғачи' (КТм.); *ығаччы* 'ёғоч (билан) ишловчи' (ТТ VII, 90, *игач* 'ёғоч'); *қанлычы* 'аравакаш' (ТТ VIII, 95); *қанлы* 'извош, арава', *тузчы* 'туз ишлаб чиқарувчи' (ТТ VIII, 100); *битигчи* 'хаттот' (ТТ IX, 40; *битиг* — 'хат'); *әмчи* 'табиб' (ПВ., 135; *әм* ўсимлик); жуфт ҳолда: *отачы әмчи*; *тарығчы* 'деҳқон' (ТТ X, 14); *овчы* 'овчи' (КР., 8); *балығчы* 'балиқчи' (КР., 8); *бағчы* 'боғбон' (USp., 22) каби.

**Шахснинг вақтинча ҳолатини ёки предмет орқали ифодаланган маънога муносабатини кўрсатади:** *йуғчы сығытчы* 'азада йиғловчи' (КТб., 29); *өтәгчи* 'қарздор' (Хуаст., 117; *өтәг* қарз'); *турушчы* 'ҳимоячи, ҳомий' (Сувр., 156; *туруш* 'ҳимоя'); *алымчы* 'кредитор' (Сувр., 155); *биримчи* 'қарздор' (Хуаст., 119) каби маъноларда келади.

*-чы, -чи* аффикси *-ғу, -гў* сифатдошига қўшилиб қўшма аффикс *-ғучы, -гучи* аффиксини ясайди. Бу сифатдош ор-

---

[27] Бу аффикснинг этимологияси бир қатор олимлар, чунончи В. Банг, А. К. Боровков, А. Ғ. Ғуломов, Ф. А. Абдуллаев, Н. Ф. Катанов, Ш. М. Мелиоранский, Ж. Дени, Г. И. Рамстедт, М. Рясянен томонидан текширилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қали ясалган отларнинг айримлари отлашиб келиши ҳам мумкин.

***-чы, -чи*** аффикси ***-да, -дә, -та, -тә*** шаклларига қўшилиб ***-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи*** сифатдош аффиксини ясайди.

***-хан, -қан*** (ҳит < хуан 'администратор'); *қаған* 'улуғ хон, хоқон'[28]; *бурқан* 'будда' (Хуаст., 117); *ҳит* < *бийәт*, *бур* 'будда'; *Илиққан* 'киши оти' (ПВ., 135); *Тарқан* 'киши оти' (Тон., КТм., ЕнПТ.); кар < *тар* 'билимдон; эксперт'.

***-даш***: *қа қадаш* 'катта ва кичик ака' (ТТ VI, 63-4); *адаш қадаш* 'дўст, биродар, қариндош' (Хуаст., 90); *қақадаш* 'қариндош' (U III 6; 2).

***-гўн, -ғун, -қун, -гўн***: *кәлинўн* 'келин (лар)' (КТб., 49); *инийўгўн* 'ини (лар)' (КТб., 51); *кунчуйғун* 'бека (лар)'; *әлгин* 'ҳиммат' (ЕнПТ.,) каби.

***-ч***: *огучим* 'онажоним' (АГ., 59); *атачым* 'отажоним' (АГ., 59).

***-чға, -чқа***: *авычға* 'ота, кекса чол' (КР., 19), *абучқа* (USp., 32) 'қари, кекса чол, ота'.

***-лығ, -лиг, -луқ, -лук, -луғ, -луг***:[29]

Руник ёдномаларни дастлаб ўқиган олим В. Томсен, бу ёдномалардан ***-лық, -лик*** абстракт маъноли отлар, ***-лығ, лиг*** сифатлар ясалишини қайд қилади.

П. М. Мелиоранский Култегин текстини анализ қилиш асосида ***-лық, -лик*** абстракт отлар, ***-лығ, -лиг*** нисбий сифатлар ясаши ҳақида ёзади.

В. В. Радлов юқорида зикр этилган аффиксларни от ва сифат ясовчи кўрсаткич сифатида қарайди[30]. Бу аффикслар от ва сифат ясашда иштирок қилади.

---

[28] G. J. Ramstedt. Alttürkische und mondolische titul, JSFOu, 1939.

[29] Бу аффикснинг этимологияси ҳақида В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, Е. В. Корш, Н. К. Дмитриев, А. Н. Кононов, Н. А. Баскаков, В. Банг, В. Котвич, Ж. Дени, Г. И. Рамстедт, А. У. Элове каби олимларнинг фикрлари мавжуддир.

[30] W. Radloff, Alttürkische Inschriften der Mongolei, NFs 47—49. П. М. Мелиоранский, Памятник в честь Кюл-Тегина, ЭВО, Т., XII., вып. II—III, СПб., 1899, 95-бет. Ф. Е. Корш бошқачароқ фикрда бўлган: Ф. Е. Корш По поводу второй статьи проф. П. М. Мелиоранского о турецких элементах в языке „Слово о полку Игореве". Известия Отделения русского языка и словестности АН, т. XI, кн. I, СПб., 1906, 32-бет. А. Габэн от ва сифат ясовчи аффикс деб қарайди A. von Gabain, Alttürkische Grammatik, S. 60.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Бу давр тилида энг кенг тарқалган маъно ўзак орқали ифодаланган семантикага эгаликни билдириш:**[31] *йарақлығ* 'қуролли' (КТб., Тон.,); *сӱнӱглиг* 'найзали, найзабоз' (КТб., 30); *кӱчлиг* 'кучли' (Тон., 62)., *бәгилик* 'қаттиқ' (КТб., 32); *тӧрт бутлуғ* 'тўрт оёқли' (Хуаст., 117); *ағулуғ* 'заҳарли' (Хуаст., 117); *сәкиз адақлығ* 'саккиз оёқли' (ЕнПТ); *туғлығ* 'байроқдор, байроқли' (ПМК., 35); *тамғалық* 'тамғали' (ЕнПТ., 49); *алтунлығ* 'олтинли' (ЕнПТ, 26); *қутлуғ* 'қутли, бахтли' (ЕнПТ., 84); *қанатлығ* 'қанотли' (Гкн., 80); *булутлуғ* 'булутли' (Гкн., 84); *мәнилиг* 'қувончли' (Гкн., 84); *әрдәмлиг* 'эрдамли' (Гкн., 81); *йағлығ* 'ёғли (Гкн., 81); *тәнрилиг* 'тангрили' (Гкн., 81); *айлығ* 'ойли' (Гкн., 81); *бәглиг* 'бегли' (Гкн., 84); *әрклиг* 'кучли' (Гкн., 81); *тонлуғ* 'тўнли' (Сувр., 154; тон < скр. thauna 'кийим'); *сәвиглиг* 'севимли' (Сувр., 607) каби.

*Йалтрықлығ* 'ялтироқ' (Сувр., 155); *атлығ* 'отли' (Сувр., 156); *бәлгӱлӱг* 'белгили' (Сувр., 155); *бусушлуғ сақынчлығ* 'қайғу ғамли' (ТТ X, 64); *пақырлығ кӧзлӱгләр* 'пақирли кўзлилар' (ТТ IX, 16); *бутлуғ* 'бутли' (ТТ IX, 17); *орнағлығ* 'жойли' (ТТ VIII, 12); *иглиг* 'хаста' (ТТ VIII, 12); *асығлығ* 'фойдали' (ТТ VIII, 43) каби.

Юқорида келтирилган мисолларнинг кўпчилиги нисбий сифатлардир. Эгалик маъносидаги отларга қуйидагиларни ҳам келтириш мумкин: *башлығ* 'бошлиқ' (КТб., 29—30); *қуллығ* 'қулдор' (КТб., 30); *кӱнлиг* 'қул эгаси' (КТб., 30); *атлығ* 'отлиқ' (Сувр., 154) каби.

**Белги, хусусият, ҳолат каби маъноларни англатади:** *кӱрлиг* 'алдам' (КТб., 29); *тәблиг* 'ғаламислик' (КТб., 29); *ичлиг* 'ҳомиладор' (ТТ X, 36); *ӧлмәклиг* 'ўлим' (Сувр., 613); *тынлығ, тынләг* 'жонивор' (ТТ X 524); *кӧнӱлӱг, кӧнӧллӧг* 'ахлоқ, онг, фикр, хаёл' (ТТ VIII, 68); *адғырлық* айғир подаси' (Гкн., 80); *сувлуг* 'тошқин' (ТТ VIII, 15); *чихшапатлиг* 'онглилик, ахлоқ кодекси' (ТТ VIII, 85 < сўғд, чихшапат < тўх. šiksanađa 'қонда, ахлоқ'); *урғуғ йӱзлӱг* 'қавм-қардош' (Юр., XVI); *уғулуқ* 'имконият' (Сувр., 154) каби.

**Сўзнинг ўзагида ифодаланган предметнинг тўпланган, жам бўлган ўрнини кўрсатади:** *ӧбрлӱк* 'узумзор' (Юр., XXII, XIX); *қамышлығ* 'қамишзор'; *этлик* 'гўшт дўкони' (ТТ V, 12); *йәмишлик* 'боғзор' (U I, 28; Сувр., 31); *қушлуғ* 'қушлар жойи' (Гкн., 84) каби.

---

[31] Ахмед Джеват Эмре қадимги ёдгорликларда асосан ўрин маъносини англатган аффикс деб санайди. Бу фикрга қўшилиш қийин. A. E. Amre. Türkede isim temelleri. Istanbul, 1943, S. 168.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Бирор нарсанинг сақланиш ўрнини, жойини кўрсатади:** *ағылық* 'қимматбаҳо нарса сақланадиган жой' (Сувр., 607); *барымлығ* 'омбор' (Сувр., 607) каби.

**Бирор предметни англатади:** *узунтонлуғ* 'кийим' (Хуаст., 117); *кӧрӯклӯг* 'дераза' (Гкн., 81); *буруилуғ* 'бурундуқ' (Гкн., 81) каби.

**Сўз ўзагининг модификацияси учун хизмат қилади:** *нәгӯлӯн* 'нимага' (ПВ., 135); *қылынчлығ* 'қилиқ' (ТТ VIII, 30); *қамағлық* 'ҳамма' (ТТ VII, 41) кабилар. Сифат бобида қайтариқ бўлишига йўл қўймаслик мақсадида мазкур шаклларнинг сифат ясовчи маънолари от бобида берилди.

**Феълдан от ясаш. -чақ:** *брунчақ* 'жой' (U III, 31, 9, 10).

**-нч, -нчу:** *сақынч* 'фикр, ўй, хаёл, сезги' (Хуаст., ТТ., Сувр., ва бошқалар); *сәвинч* 'севинч' (ТТ., Сувр.,); *қылынч* 'иш, қилиқ, кирдикор' (Хуаст., ТТ); *кӯвәнч* 'қувонч' (ТТ VIII); *иринч* 'бахтсизлик' (Сувр., ТТ); *қорқынч* 'қўрқинч' (Гкн., ТТ, Сувр. ва бошқалар); *айынч* 'хавфсираш' (Сувр.); *кӧзунч* 'армуғон, совға' (ПВ., 135); *ӧтӯнчӯ арз*, доклад, илтимос' (Тон.,); *бусанч* 'ғам, қайғу' (Гкн., 80); *булғанч* 'изтироб, гангиш, эсанкираш' (Тон.,); *тарқанч* 'тарқаш' (Тон.,); *абынчу* 'овунч' (Гкн.); *алқынчу* 'ўлим' (Ман.); *тайанч* 'таянч' (U III); *айманч* 'қўрқиш' (Сувр.) кабилар.

**-ш:** *йумыш* 'иш' (Сувр.); *ағыш* 'оғиш' (ТТ); *иниш* 'тушиш' (ТТ); *бӯгӯш* 'оқлик' (U II, 9, 12); *тәркиш* 'шошилинч' (Ман., III, 17, 14); *кӧшӯш* 'истак' (Сувр., 615).

**-м:** *батым* 'ботим' (КТб., МН.); *ӧлум* 'ўлим' (Гкн., 81); *бирим* 'қарз' (Сувр.,); *бирим алым* 'солиқ' (Юр., XIX); *йәйим* 'озиқ-овқат' (USp., 3); *йарым* 'ярим' (Юр., XXIV) каби.

**-тық:** *йантық* 'ён бағир, қиялик' (Тон., 26).

**-т:** *сығыт* 'қаттиқ йиғи' (КТб., 29); *йығыт сығыт* 'йиғи-сиғи' (Сувр., 154); *ӧлӯг* 'ўлим' (U III, 4, 12); *арт* 'довон ошиш' (Гкн., 10) каби.

**-дәк:** *бәлиндәк* 'паралич' (Сувр., 154); *әм йӯрӯндәк* 'дори-дармон' (Сувр., 615).

**-мур:** *йағмур* 'ёмғир' (U III, 13); *алмыр* 'олғич'.

**-қақ -кәк, -ғақ:** *йәк ичкәк* 'демон, руҳ' (Хуаст., 57); *йумғақ* 'думалоқ' (ПВ., 135); *қызғақ* (ЕнПТ, 693); *йалпырақ* 'барг, япроқ' (Тш., 32) каби.

**-қ, -к, -ғ, -г, -ық, -ик, -уқ, -ӯк:**[32] *йышмақ* 'юмшоқ' (КТм., 27); *орнақ* 'жой' (Сувр., 614); *отруғ* 'орол' (ТТ V, 30); *орнағ* 'тахт' (ТТ V, 30); *қарақ* 'кўз корачиғи' (ТТ V, 35);

---

[32] В. В. Радлов бу аффиксларни *-ку, -қу, -ғу, -гу, -ға,-гә* шакллардан ташкил топган деб ёзади: W. W. Radloff. Dia Alttürkische Inschriften der Mongolei, NF, 1897, S. 56.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қылық* 'қилиқ' (ТТ V, 37); *билик* 'билим' (ТТ V, 9), *йаруқ* 'ёриқ' (Гкн., 39, Сувр.); *қышлағ* 'қишлоқ' (Гкн., 78, ТТ V); *йайлағ* 'яйлов' (Гкн., 86).

**-қу, -ку, -ғу, -гӯ**: *бәлгу* 'белги' (Сувр., 612); *бәлинләгӯ* 'қўрқинч, даҳшат' (Сувр., 608); *кутрулғу* 'қутулиш' (Сувр., 10); *тапынғу йӯкӯнгӯ* 'топиниш, юкиниш' (ПВ., 135); *орнанғу* 'жой' (ТТ V, 30).

**-н, -ын, -ин, -ун, -ӯн, -ан, -эн**: *йалын* 'ёлқин, аланга' (Сувр., 616); *йаран* 'яроқли' (Гкн., 59); *экин* 'экин' (Юр., 19); *қарын* 'қорин' (Гкн., 10); *қойун* 'қўйин' (Сувр., 6); *йалан* 'ёлқин' (U III, 30, 31); *толун ай* 'тўлин ой' (АГ., 79).

**-ған, -гэн, -ғын, -гин, -ғун, -гун, -қан, -кэн, -қун, -кӯн, -қын, -кин:**[33] *қузғун* 'ботир' (Гкн., 83); *базған* 'босувчи' (Ман., 1, 8, 10); *тиркин* 'кўпчилик' (Сувр., 614) каби.

**-ға, -гә, -қа, -кә**: *қысқа* 'қисқа' (АГ.); *бзгә* 'ўзга' (USp., 32); *бошқа* 'бошқа' (АГ., 62);

**-ғач, -гәч, -қач, -кәч**: *қысғач* 'қисқич' (Ман., 1,8); *ачқач* 'очқич' (АГ., 71).

**-а, -ә, -ы, -и, -у, -ӯ**: *әгә, угә*, 'мақтов' (USp., 288); *қайа* 'қоя' (Гкн., 99); *кбзӯнӯ* 'кўзгу' (ЕнПТ.,); *йахшы* 'яхши' (USp., 234); *әгри* 'эгри' (Тон., 48); *қалысыз* 'қолдиқсиз' (АГ., 70); *қутада* 'бахт' (U II, 86, 38) каби.

**-д**: *йыд* 'ҳид' (Сувр.); *тод* 'тўла' (АГ., 70); *кид* 'кет' (Сувр.).

**-гӯл**: *тирнәгӯл* 'йиғувчи' (МЛ., 36).

**-п**: *толп* 'бари', *топ* 'ҳамма'; *қоп* 'ҳамма' каби.

**-л**: *ынал* 'рутба' (АГ., 72); *тӯкәл* 'тугал' (ТТ).

Бир кўп отлар бошқа сўз туркумларининг субстантивацияси (отлашиши) натижасида пайдо бўлган. Бу давр тилида **-мақ, -мәк** ҳам от ва ҳаракат номи ясаган: *бтӯнмәк* 'ибодат, дуо, намоз; пушаймон, тавба' (Хуаст., 124); *бузулмақ* 'бузилиш' (Сувр., 613); *артамақ* 'йўқ қилиш' (Сувр., 613); *унытмақ* 'унутиш' (ТТ VII, 10); *йанылмақ* 'адашиш' (ТТ VIII, 10); *атқанмақ* 'сўкиниш' (ТТ VI, 462); *ачмақ* 'очлик' (Сувр., 610); *кuванмақ* 'қувониш' (ТТ VIII, 34) каби.

---

[33] К. Брокельман **-қан** < **ық, -ын**; О. Бётлингк **-қын** < **-қы, -н**; Н. К. Дмитриев **-қын, -қан, -ған** сифатдошидан. Н. К. Дмитриев, Аффикс غان в новоосманском языке Қаранг: Н. К. Дмитриев. Строй тюркских языков М., 1962, стр. 109.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## СИФАТ

Сифат предметнинг белгисини билдириш учун хизмат қилади. Одатда предметнинг белгиси бевосита ёки билвосита (предметнинг бошқа бир предметга бўлган муносабати орқали) ифодаланади. Шунга кўра сифатлар икки группага бўлинади: аслий сифатлар, нисбий сифатлар.

Ёдгорликларда аслий сифатларнинг қўлланилиши характерлидир. Уларнинг предметга хос бўлган қуйидаги маъноларда келишини учратамиз.

**Предметнинг рангини, тусини билдиради**: *ала* 'ола'; *ақ* 'оқ'; *боз* 'бўз'; *қара* 'қора'; *йашыл* 'яшил'; *кӧк* 'кўк'; *йағыз* 'қорамтир, кулранг, қўнғир'; *ӧрӱн* 'оқ, оқиш'; *йӱрӱн* 'оқ'; *қызыл* 'қизил'; *ӱләз* 'қора, қоп-қора'; *тӱнәриг* 'қора, даҳшатли' каби.

**Предметнинг хусусиятини билдиради:** *исиг* 'иссиқ'; *тӱлӓ* 'тўла'; *ачығ* 'аччиқ'; *қары* 'қари', *йаш* 'ёш'; *сәмиз* 'семиз'; *арығ* 'тоза'; *йӱйқа* 'юпқа'; *қуруғ* 'қуруқ'; *улуғ* 'улуғ'; *йымшақ* 'юмшоқ'; *соғуғ* 'совуқ' каби.

**Предметнинг сифати хусусиятини, характерини билдиради:** *али* 'қаҳрамон; *билгәл* 'билимли'; *қузғун* 'ботир' каби.

**Предметнинг пайт-маконга нисбатан сифатини билдиради:** *идиз* 'катта, новча', *ӧн* 'ўнг'; *кӧни* 'тўғри'; *тӱз* 'тўғри'; *әгри* 'эгри'; *асра* 'паст'; *қалын* 'қалин'; *сол* 'чап'; *шӱк* 'тўғри'; *қын* 'тўғри'; *ырақ* 'йироқ' каби.

**Предметнинг ички сифатини билдиради:** *сӱ әсән* 'омон-эсон'; *йәг* 'яхши'; *кәд* 'бағри тош, раҳмсиз, шафқатсиз'; *айығ* 'ёмон'; *йабыз йаблақ* 'ёвуз'; *йавуз* 'ёвуз'; *әдгӱ* 'эзгу'; *игид* 'ёмон, сохта' каби.

**Предметнинг сонини, миқдор ва даражасини билдиради:** *аз* 'оз'; *қабы* 'оз'; *ӧкӱш* 'кўп'; *сансыз ӧкуш* 'жуда кўп'; *тәлим* 'кўп'; *қоп ишин* 'ҳамма ишинг' (ТТ, 13) каби.

**Предметнинг ташқи сифатини билдиради:** *арық* 'ориқ'; *тәглӱк* 'кўр', *туруқ* 'озғин' каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Сўз ўзагида ифодаланган предметга, бирор хусусиятга эга эканликни билдиради:** *эрдэмлиг* 'ёрдамли'; *эрклиг* 'кучли'; *йылсығ* 'бой' каби.

**Сўз ўзагида ифодаланган предмет, хусусиятга эга эмасликни билдиради:** *йазуқсуз* 'гуноҳсиз'; *этлигсиз* 'этсиз'; *қорқунчсуз* 'қўрқинчсиз' каби.

Эстетик тушунчани билдиради: *кӧвсэк* 'чиройли, келишган'; *силиқ* 'чиройли'; *сӱсӱк* 'пок, тоза' каби.

**Предметнинг бошқа бир қатор сифат хусусиятларини билдиради:** *бай* 'бой'; *чығай* 'камбағал'; *ач* 'оч'; *йугурук чопонғич бош* 'бўш'; *ӧлӱг* 'ўлик'; *чыған* 'камбағал' каби.

Булардан ташқари ёдгорликларда бошқа маънода келган сифатларни ҳам учратиш мумкин.

**Пайт маъносида келувчи сифатлар:** *бӱгӱнки* 'бугунги'; *эмтықы* 'эндиги, ҳозирги'; *йаңы* 'янги'; *йайлығ* 'ёзги'; *бэнгу* 'мангу'; *мэнгу* 'мангу' каби.

**Предметнинг ўрнига, пайтга муносабатини билдиради:** *битигдэки* 'хатдаги'; *йэрдэки* 'ердаги'; *кӧнӱлтэки* 'кўнгилдаги'; *балықтақы* 'шаҳардаги'; *ажунтақы* 'дунёдаги' каби.

Ёдгорликларда учраган сифатлардан юқорида санаб ўтилганларнинг состави туб ва ясама сўзлардан иборатдир.

Предметнинг белгиси ўта ортиқлигини кўрсатувчи интенсив формалар ёдгорликларда сифатнинг биринчи бўғинини маълум тартибда такрорлаш ёки сифатларнинг олдидан махсус сўзларни келтириш йўли билан берилади.

Оддий даражадаги сифатнинг биринчи бўғинини маълум тартибда такрорлаш йўли орқали интенсив маънони бериш эски руник ёдномалари тилида учрамайди. Бу усул уйғур, турфон текстларида саноқли ўринларда келади: *қап қара тӱнлэ* 'қоп-қора тунда' (TT III, 28); *қып қызыл* 'қип-қизил' (U IV, 8, 38) каби.

Интенсив, орттирма маънонинг оддий даражада келган сифатлар олдида махсус сўзларнинг келиши билан берилиш усули ёдномаларда кенг истеъмолда бўлган. Масалан: *эн, ан*: *эн илки* 'энг биринчи, биринчи' (КТб., 31); *ан бирэ ӧз орнынта йатып* 'энг аввал ўз ўрнида ётиб' (U III, 43,29); *ан башлайу* 'энг аввал' (Сувр., 154) каби.

**аңығ:** *аңығ йаблақ* 'жуда ёмон' (Гкн., 53); *аңығ эдгӱ* 'жуда соз, эзгу' (Гкн., 9).

**кэд, кэт** (В. Банг бу сўз сўғд тилидан ўзлаштирилган деб ёзади): *кэд кэнӱл тэгӱрӱп тилэнлэр* 'жуда ўтинчли кўнгил билан тиланглар' (ПВ., 134).

**тӱз;** *тӱз кэринчсиз бурдан қутын бултунуз* 'ҳеч нарса билан тенглаша олмайдиган Бурхон бахтини топди' (TT,



www.ziyouz.com kutubxonasi

III, 66); *тӯз кәринчсиз* 'жуда юқори' (ТТ IV, 57); *тӯз кәринчсиз* 'ҳеч тенглаша олмайдиган' (ТТ II, 13).

**йиг:** *йиг ӯстӯнки бурхан қутын булуп* 'энг юқоридаги Бурхон бахтин топиб' (ТТ IV, 57); *йиг ӯстӯнки тәнримиз* 'энг юқоридаги тангримиз' (ТТ III, 166); *йиг бахшысы* 'энг уста ўқитувчиси' (U III., 62,9).

**чуң:** *балықта чуң силк туруп арқышларқа сав тӯтӯзӯб инчә тип тидиләр* (U III, 29, 14—5).

**әртингү, әртингӯ;** *әртингӯ ағыр* 'ўта оғир' (ПВ., 135); *әртингӯ улуғ бай* 'жуда кучли, улуғ бой' (ТТ VI, 72); *әртингӯ улуғ тӯрлӯг иш* 'жуда кўп турли иш' (U III, 27,8); *сақалы әртингу кӧп әрди* 'соқоли жуда кўп эди' (U III, 30, 30).

**әртүдин:** *әртӯдин ачуғын* 'жуда очиқ' (ПВ., 134).

**бәдүк:** *бәдӯк улуғ* 'жуда катта' (Сувр., 338).

**артуқ:** *артуқ әрӯш әрӯр* 'жуда кўп эди' (ТТ II, 61); *артуқ кӯчлӯг* 'жуда кучли' (ТТ VI, 73).

**чоқ:** *чоқ йалынлығ* 'жуда оташли' (USp., 46).

**түгәл:** *тӯгәл билгә тәнри* 'жуда билимли тангри' (U III, 62, 29).

**үр:** *ӯр кич ӧдун* 'жуда кеч вақт' (U III., 14, 12); *ур кич болты* 'жуда кеч бўлди' (U III, 90, 19).

**қоп:** *қоп тӯрлуг* 'жуда кўп турли' (U III., 27).

**эти, ады, иди:** *эти* 'жуда, ўта' (КТб., 33); *иди әсӯк* 'жуда қалбаки' (Сувр., 627); *иди адыран* 'жуда бошқа' (Сувр., 612); *ады* (ТТ II 30).

Орттириш, кучайтириш маънолари синтактик бирликлар орқали ҳам берилади: *йаруқта йаруқ улуғ әрдәмлиг* 'ёруғлардан ёруғ улуғ санъатли' (АГ., 172); *тӯкәл билгә тәнри тәнриси бурхан* 'илмида етишган тангриларнинг тангриси бурхон' (ТТ X, 10); *улуғ тәнриләр улуғы* 'буюк тангриларнинг улуғи' (АГ., 172); *тәнри тәнриси бурхан* 'тангриларнинг тангриси Бурхон (Будда)' (ТТ IV, 46-7); *улуғ улуғы тӯкәл билгә билиглиг тәнри тәнриси* 'улуғларнинг улуғи, тўла билимли тангриларнинг тангриси (ТТ VI, 05—6) каби.

Бундай ҳолат ёдгорликларда кам учрайди.

Сифатнинг қиёслаш, чоғиштириш маъноси *-рақ, -рәк* аффикслари ва аналитик йўл билан ифода этилади: *-рақ, -рәк* аффиксларининг руник обидалар тилида қўлланишига дуч келмадик.

Бу форма манихей, турфон, уйғур текстларида учрайди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*йігрәк* 'яхшироқ' (Сувр., 154); *öкўшрәк* 'кўпроқ' (Ман., 31); *ортуқрақ* 'ортиқроқ' (ТТ II, 71).

Чоғиштириш, қиёслаш маъносини ифодалашда ўрин-пайт келишиги билан ***-рак, -рәк*** қўшимчаларини қабул қилган ёки бу аффиксларни олмаган сифатлар иштирок этиши мумкин: *вәжирдә ймә қатығрақ сәнин кöнўлўнин утғурақ билтим* 'диамантдан ҳам қаттиқроқ кўнглинг борлигини энди яхши билдим' (U III, 26; 14-6); *бу йиртинчўдә синидә ўстўн сәвгўлўк таплағулуқ эд тавар булмазман* 'бу дунёда сендан устун севимли, итоат қилишли молу мулк топмасман' (U III, 83; 3-4); *мунтада йәгрәк* 'бундан яхши (роқ)' (КР., 23).

Текширилаётган давр тилида оз бўлса-да, сифатларнинг отлашиш ҳодисасига дуч келамиз: *кичиккә тәги* 'кичиккача' (Хуаст., 117); *әдгўси уйуры* 'бойи ва зўри' (Гкн., 42); *öрўнўм қарам* 'оқ қора отим' (ЕнПТ., 63); *öрўнки қотықы севинти* 'юқоридагилар, пастдагилар севинди' (ТТ I, 12).

## СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

**Синтактик усул билан сифат ясалиши.** Бу усулда икки (баъзан уч) сифат ўзаклари ўзаро бирикиб жуфт, қўшма сифатлар ташкил этади: *йабыз йаблақ* 'ёмон' (ТТ III, 15); *чоғлуғ йалынлығ* 'оташли, оловли' (ТТ I, 11); *аруқ туруқ* 'озғин' (ТТ I, 10); *ач туруқ* 'оч' (Сувр., 612); *иринч йарлығ* 'камбағал, қашшоқ' (Сувр., 612); *йоқ чығай* 'қашшоқ' (ТТ II, 13); *асан тўкәл* 'соғ' (КР., 19); *әдгу öгли* 'донишманд' (КР., 18); *адасыз тудасыз* 'хавфсиз' (КР., 18) каби.

**Морфологик усул билан сифат ясалиши.** Сифат ясовчи аффикслар асосан от ва феълларга қўшилиб келади: ***-чығ, -чық, -чик, -чиг***: *адынчығ* (*адын* 'бошқа') 'бошқача, махсус' (КТм., МН.); *танланчығ* (*танлан* 'ҳайратда қолмоқ') 'ажойиб, ажабланарли' (ПВ., 135; ТТ X, 450); *мунадынчығ* (*мунадын* 'ҳайрон қолмоқ,) 'ҳайрон қоларли' (ТТ X, 21, U IV, 28); *қорқынчығ* 'қўрқинчли' (Сувр., 613), *йарсынчығ* 'қўрқинчли, даҳшатли' (Сувр., 613); *танланчығ мунадынчығ* (жуфт ҳолда) 'ажойиб, ғаройиб' (U III, 39, ТТ X, 21), *йарсынчық* 'қўрқинчли, даҳшатли (Сувр., 613); *йарынсық йарынчық* (жуфт ҳолда) (Сувр., 614); *кәйиргәнчик* 'ҳаяжонли, ташвишли' (Сувр., 633); *кöзләнчиг* 'истакли' (АГ., 66), *қасынчығ қорқынчығ* 'қўрқинчли' (ТТ VI, 91) каби.

***-дам, -тәм***: *әрдәм* 'эр хусусиятига эга' (ЕнПТ., Гкн., ТТ VIII); *йинтәм* 'доимий' (Сувр., 157); *биртәм* 'тўла'



www.ziyouz.com kutubxonasi

(Сувр., 157); *кўндэм* 'қуёшли' (TT V, 27), *тэнридэм* 'илоҳий' (TT V, 46) каби.

*-чыл*: *атчыл* 'отга кўнгли мойил' (ЕнПТ., 98).

*-ғы, -ги, -қы, -ки*: *йырйақы* 'шимолий' (Тон., 61); *сув ичрэки* 'сувдаги' (Ман., 1,35); *ажундақы* 'дунёдаги' (Сувр., 155); *ўстўнки* устидаги' (TT IV, 57); *ўстўнги'* баланддаги' (TT III, 166); *анкўнги ажунда* 'энг сўнгги дунёда' (U III, 90, 19); *йазғы* 'ёзги' (U I, 32) каби.

*-кэн*: *тэнрикэн* 'илоҳий' (Ман., I, 31); *пэрикэн* 'париваш' (Ман., II, 32), *йэтикэн* 'етти юлдуз (катта айиқ)' (TT VII, 65);

*-қ, -қа, -ғ, -г*: *артуқ* 'ортиқ' (TT II, 61); *тунэриг*'ашаддий' (TT IX, 41); *қанығ* 'даҳшатли' (TT III, 67); *қуруғ* 'қуруқ' (TT); *арыз* 'тоза' (U I); *ötўг* 'ўтинчли' (TT I, 8); *йағуқ* 'яқин' (TT V, 54); *ақсағ* 'шал' (Ман., III, 49); *соғыч* 'совуқ' (TT I, 11); *исиг* 'иссиқ' (Сувр., 623) каби.

*-ил, -ыл, -ал, -эл*: *қызыл* 'қизил' (Тон., 52); *тўгэл*'тугал, тўла' (TT IV, 55; U III, 62; 9); *йӧрунил* 'ёрқин' (Сувр.,28).

*-ғун, -қын*: *қузғун* 'ботир' (Гкн., 83); *асқын* 'осилган'

*-мыр*: *алмыр* 'қизғанч' (TT VI, 71).

*-ыз, -из, -з*: *идиз* 'баланд' (Сувр., 616); *йабиз*, *йавуз* 'ёвуз' (КТб., 26).

*-ғу, -гў,-ку, -кў*: *адынағу* (Сувр., 611); *эдгў* 'эзгу' (Хуаст., 118);

*-ң*: *қазан* 'қозонган' (ЕнПТ., 38); *булун* 'бурчак, эл, чегара' (КТб., 28); *ӧрўн* 'оқ' (Гкн., 83); *отун* 'ўтин' (АГ., 65); *айанчан* 'ҳурматли' (TT V, 9); *кӧвэнчэн* 'қувончли' (TT VI, 72).

*-та, -тэ*: *қанта* 'қонли' (АГ., 66).

Ёдномаларда бир қатор сифатлар мавжудки, булар келишик, равишдош ва бошқа сўз ясовчи аффикслар орқали ясалган: *кӧрклэ* 'чиройли'; *толул* 'тўлин'; *адын* 'бошқа'; *эски* 'эски'; *устун* 'баланд'; *алдын* 'пастки'; *толу*, *тола* 'тўла' каби (равиш баҳсига қаранг).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОЛМОШ

Ёдгорликларда мавжуд бўлган олмошларни ўзига хос маъно ва функциялари жиҳатидан қуйидаги олти группага бўлиш мумкин:

Кишилик олмошлари
Кўрсатиш олмошлари
Ўзлик олмоши
Сўроқ олмошлари
Биргалик олмошлари
Белгилаш олмошлари

### КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

Тарихан туркий тилларда кишилик олмошлари биринчи ва иккинчи шахсда махсус сўзлар билан ифодаланган, учинчи шахс кишилик олмоши кўрсатиш олмоши сифатида қўлланган.

Биринчи шахс кишилик олмоши ёдномаларда ***мэн*** ва ***бэн***[1] шаклларига эга. Бу сўзларнинг ўзаро фарқи ***б* ‖ *м*** дан иборат бўлиб, маъно ва функция жиҳатдан адъекватдир. ***Бэн*** шакли текширилаётган давр обидаларидан Тўнюқуқ, Моюнчур, енисей каби текстларда учрайди. Бу сўз келиб чиқиши жиҳатидан ўғузчадир. ***Мэн*** ёдномаларда ***бэн***га нисбатан кўпроқ учрайди. У Култегин, Моғиланхон, „Ирқ би-

[1] А. Н. Кононов, И. А. Батманов фикрича, бу икки вариантдан ***бэн*** қадимий бўлиб, ***мен*** эса бурун товуши ***н***-нинг таъсири натижасида пайдо бўлган. А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 172, И. А. Батманов, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959, стр. 70. ***Мэн*** ҳақида қаранг: Г. И. Рамстедт. Введение в алтайское языкознание, М., 1957, стр. 69—70.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тиг". „Суварна", манихей, уйғур, турфон текстларида кенг истеъмолда бўлган.

Иккинчи шахс кишилик олмоши сифатида ***сән*** қўлланади. Биринчи ва иккинчи шахс кўплиги ***биз, сиз*** сўзлари орқали ифодаланади. Демак, кишилик олмошлари ***мән, бән, сән, биз, сиз*** билан ифода этилган. Булардан ***н, з*** ундошлар ва ***ә, и*** унлиларнинг табиати ҳақида бир қанча олимларнинг (чунончи В. Шотт, В. В. Радлов, В. Мункачи, С. Е. Малов, А. Н. Кононов, Н. А. Баскаков, В. Котвич, Л. Лигети, В. Банг, А. Габэн каби) фикрлари мавжуддир[2].

Кишилик олмошларининг келишиклар билан турланиши отларга ўхшайди.

Кишилик олмошларининг ёдгорликларда турланиши тубандагича: мән, бән.

**Бош келишик** *мән, бән*

**Қаратқич келишиги** *мәниң* (баъзан *мәнин* ПМК., 36); *миниң* (КР., 80); *бәниң.*

**Тушум келишиги** *мини* (Сувр., Юр., ТТХ каби); *мәни* (TT IX, 12) *мәнни* (TT VIII, 61), *бини*

**Жўналиш келишиги** *маңа, баңа*

**Ўрин-пайт келишиги** *минтә* (Ман., 29); *мәнтә, миндидә* (U IV, 286), *минтәдә* (U II, 21)

**Чиқиш келишиги** *мәндин, минтин, мәнтин*

***сән***

**Бош келишик** *сән, сн*

**Қаратқич келишиги** *сәниң* баъзан *синиң* (U III, 8).

**Тушум келишиги** *сини, сәни*

**Жўналиш келишиги** *саңа*

**Ўрин-пайт келишиги** *синтә, синтәдә* (TT X, 32, U IV); *синдә* (TT, V), *синтидә* (Сувр., 326).

**Чиқиш келишиги** *сәнтин, синитин* (TT X 536, U III, 48).

***биз***

**Бош келишик** *биз*

**Қаратқич келишиги** *бизиң* (сўнгги даврда *бизниң* TT VII).

**Тушум келишиги** *бизни*

---

[2] W. Radloff. Die Alttürkische Inschriften der Mongolei, SPb., 1897, S. 572. С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, стр. 51—52; И. А. Баскаков, О соотношении значений личных и указательных местоимений в тюркских языках, Ин-т языкознания, Доклады и сообщения, I, М., 1952, стр. 132—142.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Жўналиш келишиги** *бизкә* (ЕнПТ., 66, КТб.,); *биз*(*и*) *нә*, *бизинә* (КТб., Сувр., ПВ. ва бошқалар), *бизинәрў*, *бизинәр*

**Ўрин-пайт келишиги** *биз*(*и*)*нтә* (Тон.,); *бизинтә* (Ман., 1, 35); *бизнидә* (Сувр., 611); *бизтә*

**Чиқиш келишиги** *биздин*, *бизнидин*, *бизиндин*

**сиз**

**Бош келишик** *сиз*, *сизләр*

**Қаратқич келишиги** *сизин*, *сизнин* (Ман., 1, 10); *сизләрнин*

**Тушум келишиги** *сизни*, *сизләрни*

**Жўналиш келишиги** *сиз*(*и*)*ңә*, *сизинә*, *сизә*, *сизимә*, *сизләркә*, *сизләринә*

**Ўрин-пайт келишиги** *сиздә*, *сизинтә* (Ман., 1, 10); *сизнидә*, *сизиндә*, *сизләрдә*

**Чиқиш келишиги** *сиздин*, *сизнидин*.

Кишилик олмошларининг *мән*, *сән* шакллари кўплик қўшимчаси *-ләр* ни қабул қилиб келмайди. Фақат сўзловчи, тингловчи шахсни билдиради. Биринчи шахснинг кўплиги ҳам *-ләр* аффиксини олмайди ва *мән*, *сән* каби шахслардан иборат бўлган бир гуруҳни кўрсатади. Бу сўз фақат кўпликни ифода этади. *Сиз*[3] олмоши кўплик ва ҳурмат маъноларида келади. Руник обидалар тилида унинг кўплик маънода қўлланиши қайд этилади. Сўнгроқ ҳурмат маънода келишини учратамиз: *сиз тәнрим* 'сиз тангримсиз' (ТТ III; 42); *сизләр киртинизләр* 'сизләр кирдингизлар' (ПВ., 135).

Шахсга нисбатан ҳурмат маъносида қўллана бошлаши сабабли *сиз* бирлик деб тасаввур этилиб, кўплик семантикасини англатишда *-ләр* қўшимчасини қабул қилади. Кишилик олмошларининг восита келишигида қўлланишини учратмадик.

Кишилик олмошлари ёдномаларда жуда кенг истеъмолда бўлган. Балки уларнинг бунчалик кўп қўлланиши феълларда шахс билдириш ҳали тўла шаклланмаганлигидандир. Биринчи, иккинчи шахс предикатив аффикслар тарихан биринчи, иккинчи шахс кишилик олмошларидан келиб чиққан.

---

[3] *биз*, *сиз* олмошларидаги *з* ни кўпчилик олимлар қадимда кўплик ясовчи аффикс деб қарашади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрсатиш олмошлари ***ол, бу (бо)***лардан иборатдир. Ўрхун-енисей обидалар тилида ***шу*** олмоши йўқ даражада. ***Ол*** олмошининг морфологик состави туркологияда қуйидагича тахминланади: ***ол қадиман ан, ин, ын*** бўлиб, булар ***и/ы*** ўзагига бориб тақалади. Қадимда туркий тилларда ***и, ы*** олмоши мавжуд бўлган. Бу ҳақда О. Бётлинг дастлаб маълумот берган. Кейинги текширишлар бу фикрни тасдиқлади.

Эски ёдгорликларда ***ы/и*** олмошидан бир қанча дериватлар сақланган, чунончи инчип ‖ ынчып — dann, aber, nämlich (TT VIII, UII, TTX); aber, trotz (TTV); ынча ‖ инчә — so (TT VIII), ein solcher (TTX)[4]; ***инчәк*** ‖ ***ынчақ***, (U II, Ман., I. TT II) яъни 'шундай қилиб, лекин, бироқ' каби маъноларга эга: ***ынарӯ*** ‖ ***инәрӯ*** 'нари' ва бошқалар. Мазкур олмош билан ***а*** ҳам боғлиқ.

„Суварна"да бир ўринда ***ан*** учратдик: ***ан битиг*** 'бу китобда' (Сувр., 155).

***а***[5] ҳам дериватларда сақланиб қолган: ***анча—та*** ‖ ***анчада*** 'шундан сўнг, ўшанда' (TT V, Сувр.,); ***антағ*** ‖ ***атәг*** 'шундай' (Тон., КТб., Гкн., Сувр., ЕнПТ.; Ман., II); ***анчағынча, анчақынча*** 'шу орада' (Сувр.,); ***анчулайу*** 'шундай' (TT IX), ***антырдын*** 'ўшандан' (U II, 45); ***андыран, антран*** 'шундан бошлаб' (Сувр., 612) каби.

Шундай қилиб ***ол*** олмоши қадимги ёдгорликларда мавжуд бўлиб, унинг архитипи обидаларда сақланиб қолмаган. ***Ол*** олмоши ***бу*** каби асосан кўрсатиш маъносида қўлланилган. Мазкур олмошлар отлар каби келишиклар билан турланган:

**Бош келишик** *ол, бу (бо)*

**Қаратқич келишиги** *анын, мунун*

**Тушум келишиги** *аны, буны* (Мн., КТп.,); ***муны***

**Жўналиш келишиги** *анар, ана, анару* (TT X, 32); ***муна***

**Ўрин-пайт келишиги** *анта, анда, антада* (Хуаст., 118, U I, 30, Ман., II, U III); ***антадата*** (АГ., 94); ***мун-***

---

[4] O. Böhtlingk. Über die Sprach der Jakuten, SPb., 185, S. 171. Э. К. Пекарский, Словарь якутского языка, СПб., 1907, I, стр. 938 W. Bang. Vom Kӧktürkischen zum Osmanischen 1. APAW, 1917, N. 6, S. 36. Г. И. Рамстедт, Введение в алтайское языкознание, стр. 74. Ф. Д. Ашнин, Указательные частицы в тюркских языках, Известия АН СССР, Оля, 1958, том XVIII, вып. 5, стр. 420-421.

[5] Қиёсланг: чув., анчаг, ўзб., ундай бошқ., қозоқ., ққалп., нг., тат., турк., туркм., ўзб., ана, уйг., хак., тат., энә., уйг., айна, әйнә қум., она, шўр., оно каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*тада* (Сувр., U III, Ман., III); *мунта* (Сувр.); *бунта* (ЕнПТ, 98, КТм., 28); *мунда* (ТТ VIII), *мунтуда* (КР., 37).

**Чиқиш келишиги** *антын*

**Восита келишиги** *анын* *олар, булар*

**Бош келишик** *олар, булар (болар)*

**Қаратқич келишиги** *аларнын, буларнын*

**Тушум келишиги** *оларны, буларны*

**Жўналиш келишиги** *оларқа, буларқа*

**Ўрин-пайт келишиги** *оларда, буларда*

**Чиқиш келишиги** *олардын, булардын*

Ўрхун-енисей обидалар тилида ***ол*** ва ***бу*** олмошлари бир семантик қаторни ташкил қилади: ***ол — бу.***

Ёдгорликларда бу олмошлар дейктик ва анафорик маъноларни билдиради: *ол сабығ әшитип, қағанғару ол сабығ ыттым* 'у сўзни эшитиб хоқонга буларни айтдим' (Тон., 62); *ол ат анта öлти* 'бу от ўша жойда ўлди'(КТб., 31); *ол öдӱн ол икки тигитләр'* ўшанда бу икки маликлар' (Сувр., 176); *ол öдӱн бу ӱч тигитләр* 'ўша вақт бу уч маликлар' (Сувр., 174) каби.

***Ол*** ёдномаларда предикатив аффикс вазифасида келади: *бардуқ йирдә әдгӱг ол әринч* 'борган ерда мартаба топдик' (КТб., 39).

Худди шу функцияда ***бу*** олмоши ҳам учрайди[6]: *бирӱк битиг оқымыш әдгу қылынч әрдәми бу* 'хат, китоб ўқиган эрдамлилардир.'

Ёдномаларда ***ол*** ва ***бу*** олмошлари ўрин-макон, восита келишиклари билан келганда, кўпинча, равиш бўлиб қўлланади (ТТ VI, 70).

## ЎЗЛИК ОЛМОШИ

Текширилаётган давр тилида *öз, кәнтӱ, кәндӱ* кўпинча от бўлиб келади. Бу сўзлар шахс, вужуд, умр, ҳаёт, ўзлик каби маъноларда қўлланган: *öзӱн узун болсун* 'ёшинг, ҳаётинг узун бўлсин' (Гкн., 83) ; *амрағ исиг öзин ӱзгил* 'унинг севимли жонини узгил' (U III, 55; 5).

Шу сабабли бўлса керак ёдномаларда *öз*[7] кўпинча *әт* сўзи билан жуфт, баъзан такрорий сўз бўлиб келади; *öтöз*

---

[6] A. von Gabain. Alttürkische Grammatik, S. 95

[7] А. Н. Кононов, Юқорида кўрсатилган асар. 178-бет; М. Рясянен, Морфология... 38-бет. Буларга яна қуйидагиларни қўшиш мумкин: В. Банг икки ўринда бу сўзнинг этимологиясига тўхталган әз<ә+з бунда ө 'ўйламоқ, эсга олмоқ'; өз 'ўйловчи, ўйлаш' сўнгра 'вужуд, ҳаёт'; өтәз 'эт ва руҳ'; W. Bang. Das negative verbum, S. 115. әз<ә 'эсга ол-



www.ziyouz.com kutubxonasi

(U III, 54); *этəзӱм* 'вужуд' (Сувр., 175); *öз өз* (U III, 54); *öз этöзӱнӱзлəркə* (TT VIII, 43); *öз этöзкə* (TT VIII, 46) каби.

*öз*, *этöз* отлар каби турланади:

***öз, этöз***

**Бош келишик** *öз, öз этöзлəри* (ПВ., 135).

**Қаратқич келишиги** *öзӱн* (Мн., 19, Гкн., 83); *этöзӱн* (Сувр.).

**Тушум келишиги** *öзин* (Гкн., Ман., 1); *öзӱмизни öзӱлин* (КТм., ТТХ 539); *этöзлӱг* (TT VIII, 32; Сувр.,); *этöзин* (U III, 54); *этöзӱмин* (Сувр.).

**Восита келишиги** *öзин* (ЕнПТ., TT I, 7); *этöзин* (Сувр., 179).

**Жӱналиш келишиги** *öзимə* (Мн., 19); *өзинə* (Гкн., 82); *öзинə* (TT V Сувр.), *öзӱмкə* (ТТХ, 537); *öзикə* (Гкн., 82).

**Ӱрин-пайт келишиги** *öзтə* (Сувр., 611); *öздə* (ЕнПТ., 22); *этöзинтə* (TT VIII, ТТХ, U, II).

**Чиқиш келишиги** *öзлəринтин* (U II, 48); *этöзӱмтин* (Сувр.). *кəнтӱ*, *кəндӱ* (TT, VIII).[a]

Бу сӱз ӱрхун обидаларида ***öз*** олмоши билан параллел қӱлланган. Енисей ёдномаларида бу олмошларнинг қӱлланишига дуч келмадик, ***кəнтӱ öз*** сӱзига нисбатан камроқ учрайди.

Агар ***öз*** бир қатор дереватларга эга бӱлса, (*öзлӱк*, *öзгə*, *кəнтӱ* сӱзидан ясалган бирорта ясама сӱз мавжуд эмас. ***Кəнту*** ҳам жуфт сӱз ясашда иштирок қилади: *кəнтӱöзи* (U II, 48); *кəндӱ öзи* (TT VIII, Сувр.); *əзкəнтӱ* (TT I, 40). Баъзан такрорланиб ҳам келади.

***Кəнтӱ*** сӱзи тубандагича турланади:

---

моқ, ӱйламоқ'; W. Bang, Türkologische Briefe IV Л. Лигети бу сӱзнинг этимологиясини бошқачароқ берган: оч

oir + oйys ~ øvür || cp. obeş — ün

ør

oper > øjyp ∾ ovüz

[<øβes — ün < ryb + ŷvar > var || cp. монг. øber, eger < oβer] L. Ligeti A. török hosszu maganhdnzok. 3—4, 75. Гомбоц мӱғул тилидаги öчи, ӥч 'юрак артерияси' сӱзи билан солиштиради: 2 gombocz. Az albaji nyelve... 1905, S. 248—249.

[a] Бу сӱз ҳақида бир қатор олимларнинг (чунончи, С. Е. Малов, Е. И. Убрятова, А. Н. Кононов) фикри мавжуд. Ф. Крэлитц фикрича, венгер тилидан ӱзлаштирилган: F. von Kraelitz Türkische § 132—133



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОЛМОШЛАРНИНГ КЕЛИШИКЛАР БИЛАН ТУРЛАНИШИ

| бош.к. | қарат. к. | тушум к. | восита к. | жўналиш к. | ў.-п. к. | чиқиш к. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| *мән* | *мәниң, миниң* | *мини, мәни мәнин* | | *маңа* | *минтә, мәнтә, миндидә, минтәдә* | *мәндин, минтин, мәнтин* |
| *бән* | *бәниң* | *бини* | | *баңа* | | |
| *сән, сн* | *сәниң, синиң* | *сини, сәни* | | *саңа* | *синтә, синтәдә, синидә, синтидә* | *сәнтин синитин* |
| *биз* | *бизиң, бизниң* | *бизни* | | *бизкә, бизиңә бизиңәрү, бизиңәр* | *бизтә, бизинтә, бизнидә* | *биздин, бизнидин, бизиңдин* |
| *сиз, сизләр* | *сизиң, сизниң, сизләрниң* | *сизни, сизләрни* | | *сизиңә, сизә, сизимә, сизләркә, сизләриңә* | *сиздә, сизинтә, сизнидә, сизләрдә* | *сиздин, сизнидин* |
| *ол* | *аның* | *аны* | *анын* | *аңар, аңа, аңару* | *анта, анда, антада* | *антын* |
| *бу(бо)* | *мунуң* | *буны, муны* | | *муна, муңар* | *бунта, мунта, мунда, мунтада, мунтуда* | |
| *олар* | *аларның* | *оларны* | | *оларқа* | *оларда* | *олардын* |
| *булар болар* | *буларның* | *буларны* | | *буларқа* | *буларда* | *булардын* |
| *өз* | *өзүң* | *өзин, өзимизни* | *өзин* | *өзимә, өзиңә, өзүмкә, өзикә* | *өзтә, өздә* | *өзләринтин* |
| *кәнту* | *кәнтүнүң* | *кәнтүни, кәнтүңин* | *кәнтүн* | *кәнтүкә, кәнтүңкә* | *кәнтүтә* | *кәнтүдин* |



www.ziyouz.com kutubxonasi

**бош келишик** *кэнтӱ*
**қаратқич келишиги** *кэнтӱнӱн*
**тушум келишиги** *кэнтӱни, кэнтӱнин* (ТТ I, 8)
**восита келишиги** *кэнтӱн* (ТТ I, 7)
**жўналиш келишиги** *кэнтӱкэ, кэнтӱнкэ* (ТТ I, 40)
**ўрин-пайт келишиги** *кэнтӱтэ*
**чиқиш келишиги** *кэнтӱтин*

## СЎРОҚ ОЛМОШИ

Сўроқ олмошлари ўзига хос семантика билан фарқланади. Кўпчилик сўроқ олмошлари асосан уч ўзак билан боғлиқ, яъни ***қа, нэ, ким***. *Нэ* 'нима' *нэ бар эрмиш* 'нима бор эди' (Хуаст., 118), **кучайтириш маъносида:** *бар му нэ* 'ахир борми?' (Тон., 62); **қайси маъносида:** *нэ қағанқа ишиг кӱчиг бэрурмен* 'қайси хоқонга ишимни, кучимни бераман' (КТб., 29); *нэ киши* 'қайси киши' (Мн., 17); **'нима бўлибди' маъносида:** *сӱт оқып кэлти нэ* 'сут оқиб кетди, нима бўлибди?' (Сувр., 621); **'қандай' маъносида:** *нэ ойун* 'қандай ўйин' (Сувр., 157) каби.

Бу олмошнинг турли аффикслар, жумладан, келишик аффикслари ва кўмакчилар қўшилиб келган қуйидаги ҳолатлари учрайди:

***нэ учун***: ўрхун-енисей обидаларида бу бирикма қўлланмайди. Турфон, „суварна", манихей текстларида қўлланиши қайд этилади: *нэ ӱчӱн тип тисэр* 'нима учун деб сўраса' (ТТХ 544, ТТ VIII, 40); *нэ ӱчӱн* 'нима учун' (Ман., I, 23, 29) каби.

***нэ йанлығ***: *нэ йэнлығ имэ. .* 'қандай қилиб' (ТТ VIII, 8).

***нэ йирдэ***: *нэ йирдэ* 'қай ерда' (Хуаст., 118).

***нэгӱ***: *биз икэгӱ нэгу тип ӧтӱнэлим* 'биз иккаламиз қандай қилиб ўтинайлик' (Сувр., 620); *бу барс нэгу йийур* 'бу барс нима емоқда' (Сувр., 610); *нэгӱ ишкэ оғрылар мэн* 'қайси ишга ўзимни йўлласам' [Юр., I, 202].

***нимэ***: *нимэ* 'нима' (ТТ VIII).

***нэгӱлӱк***: сизлэр *нэгӱлӱк анча кэд качарсизлэр* 'сизлар нима сабабдан бунча тез қочасизлар?' (Сувр., 154).

***нэлӱк***: *қанығ нэлӱк ол бэглиг ол кӧнэки нэлӱк тонғай ол* 'қандай қилиб сув қурисин, агар у бекники бўлса, қандай қилиб ариқ қурисин' (Гкн., 84); *сэн нэлӱг кэлдиң* 'нима учун сен келдинг' (Ман., 33).

***нэгӱл***: бу олмош нэлук олмошининг метатезага учраган вариантидир. нэгул 'нима учун' (ТТ VI, 32).

***нэкэ***: *нэкэ қорқурбиз* 'нимага қўрқармиз' (Тон., 63).



www.ziyouz.com kutubxonasi

***нәдә***: *нәдә бтрӱ йоқ* 'нима учун йўқ' (Ман., III, 12).

***нәчә***: *нәчә йазынтымыз* 'қанчалик адашсак' (Хуаст., 51); *нәчә тәнлиг* 'неча танлик' (ТТ X, 37).

Баъзан такрорланиб ҳам келади: *нәчә нәчә кишиләрнин...* 'неча -неча кишиларнинг...' (Сувр., 155).

***нәчәдә***: *нәчәдә Аниmи атлығ* 'шунда Анити отлик' (ТТ X 539); *нәчәдә Инчӱ атлығ* 'шунда Инжу отлик' (Сувр., 619).

***нәчәкәтәги***: *нәчәкәтәги* 'қачонгача, қандай қилиб' (ТТ VIII, 43).

***нәчӱк***: *нәчӱк йорыйын* 'қандай юриб' (Гкн., 83); әмти нәчүк қылайин 'энди қандай қилай' (Сувр., 155).

***нәчӱкин***: *нәчүкин турур муны тәг* 'қандай қилиб бундай турур' (Сувр., 626); *нәчӱкин әрсәр...* 'на бўлса ҳам' (Сувр., 609).

***нәтәг***: *нәтәг ол* 'қандай' (Гкн., 81); *нәтәг қылмыш* 'қандай қилган' (Сувр., 155).

***нәмән***: *нәмән* 'қандай қилиб' (Ман., I, 10, 9).

***нәгӱдә***; *нәгӱдә* 'қайда' (U II, 5, 17).

***қач***: *қач кӱн* 'неча кун' (ТТ V, КР, 6); *қач қата* 'неча марта' (КР., 8). Ўрхун-енисей ёдномаларида *қач нән әрсәр* бирикмаси кўп учрайди: *қач нән әрсәр* 'нима бўлса ҳам' (Тон., 63).

***қачан***: Бу олмош асосан уйғур, турфон, манихей обидаларида келади: *қачан ӧлӱм йағы* 'қачон ўлим—душман (ёв)' (Сувр., ТТ X 547); *қачан йиркә тәндӱктә* 'қачон ерга етганда' (Сувр., 627) каби.

***қайу***: Бу олмош уйғур, турфон, манихей обидалар тилида кенг истеъмолда бўлган: *қайу ол ӱч* 'қайси ол уч'... (ТТ VIII, 67); *қайу йултуз* 'қайси юлдуз' (U II, 4, 22); *қайуда* 'қай ерда' (U IV, 8); *қайулар* 'қайсилар' (ТТ V, 13); *қайутын сынар* 'қай томондан' (U II, 19; 2) каби.

Баъзан *қанйу* шаклида ҳам учрайди: *қанйу* 'қайси' (Ман., III, 20, 4); *қанйуда* 'қайда' (U II, 6; 13); *қанйуғару* 'қай ерга' (ТТ VI, 23); *қанйуда* 'қайерда' (ТТ II, 11) каби.

***қаны***: *әлим амты қаны* 'элим энди қани?' (КТб., 29); *қағаным қаны* 'хоқоним қани?' (КТб., 29).

***қанта, қанда***: *кичиг оғлум қанта* 'кичик ўғлим қайда?' (Сувр., 624); *қанда* 'қайда' (ТТ VIII, 45).

***қалты***: Бу олмош 'Хуастуанифт', уйғур, манихей, турфон текстларида кенг истеъмолда бўлган.

***қалты***: *қалты* 'қандай қилиб' (Хуаст., 118); *қалты турк* (U IV, 41); *қалты* 'қандай, ўхшаш, шундай' (Сувр., 608, 613, 625; U I 58) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ким*: Бу олмош ўрхун ёдномаларидан Култегин, Моғилонхон текстларда қайд этилган. Сўроқ олмоши сифатида 'Хуастуанифт', уйғур, манихей, турфон каби текстларда кенг истеъмолда бўлган.

***ким арттаты*** 'ким йўқ қилади' (КТб., 30); ***ким йаратмыш*** 'ким яратган' (Хуаст., 118); ***кимкә*** 'кимга' (ТТ VIII, 15); 'кимни' (ТТ X 107); ***кимләр*** (ТТ VIII 41) каби.

Юқорида санаб ўтилган олмошлардан ***қачан***, ***қайу***, ***қанйу***, ***ким*** ўрхун-енисей ёдномаларидан сўнг яратилган обидалар тилида нисбий боғловчилар вазифасида ҳам қўлланади (бу ҳақда боғловчилар баҳсига қаранг).

## БИРГАЛИК ОЛМОШИ

Шахс ва предметнинг иш-ҳаракатда умумий иштирокини ва ҳаракат шахс ва предметга тўла оид эканлигини кўрсатувчи сўзлар сифатида ***алқу***, ***қоп***, ***бўтўн йумқы***, ***бунча***, ***қамағ***, ***тӧзӱ*** кабилар учрайди.

***қоп***: руник обидалар тилида кенг истеъмолда бўлган: *қоп йағы әрмиш* 'ҳамма душман эди' (КТб., 30); *қоп йазуқда* 'ҳамма гуноҳлардан' [Хуаст., 119]. Айни маънода сўнгги обидаларда келади (Ман., 9, ТТ IX, 11, Ман., 36; ТТ VIII) каби.

***бунча***: Бу сўз кўп маъноларни англатиб келади. Бу маъноларга ***бари***, ***барча*** ҳам киради (КТб., 33, ПМК., 37).

***барча*** (<***ба*** + ***р*** + ***-ча***): Бу олмош манихей, турфон, уйғур текстларида келади: *барча* 'ҳамма, бутун, бари' (ТТ, Ман., Сувр.) каби.

***қамағ*** (қиёсланг: ср. пер<hamāg 'ҳамма'). Бу сўзнинг ёдномаларда қуйидаги вариантлари бор: ***қамығ***, ***қамуғ***, ***қамағу***, ***қамағун***, ***қамығун***. Бундаги сўнгги ***-н*** восита келишиги аффиксидир. Буларнинг маъноси 'ҳамма барча, бари' дир (Хуаст., Гкн., Сувр., U, Ман., ТТ. Гкн., Usp ва бошқалар).

***тӧзӱ*** 'ҳамма, барча' (Сувр., 624).

***алқу*** (<***ал***+***қу***). Бу сўз бир неча вариантга эга: ***алғу***, ***алқуғу***, ***алқа алқуғун***; *алқу тынлығ* 'ҳамма, барча жониворлар' (ТТ X 98).

Айни маънода уйғур, турфон, манихей текстларида учрайди.

***йумқы*** (<***йум*** + ***қы***) 'бирга, бари' (Сувр., 622).

*бўтўн* (<*бўт* + *ўн*): *бўтўн әтӧзи* 'бутун вужуди' (Сувр., 156), қаранг: (ТТ X, 251, 293; ТТ VIII, 88) каби.

Баъзан юқорида санаб ўтилган белгилаш олмошлари жуфт ҳолда келади: *қамағ* 'барча ҳамма' (ТТ IX, 41) каби. *тӧзӱ*, ***тӧзә***, ***тӧзӱн*** 'ҳамма' (Ман., I, ТТХ 51, ТТ V каби).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БЕЛГИЛАШ ОЛМОШЛАРИ

Белгилаш олмошларига ***сайу***, ***тэгмэ***, ***нэң*** каби сўзларни киритса бўлади. ***Сайу*** сўзи белгилаб, аниқлаб келган сўзлардан сўнг келади. У руник, уйғур, турфон, манихей обидаларида учрайди: *кўн ай сайу* 'ҳар кун ва ҳар ой' (Хуаст., 119); *йир сайу* 'ҳар ерда' (Сувр., 625); *сайу* 'ҳар' (ТТ X, 436) каби.

***тэгмэ***: енисей ёдномалари, турфон, манихей текстларида келади.

***нэң***: *нэн йэрдэки* 'ҳар қандай ёрдами' (Тон., 64).

Бу сўз биргалик маъносида ҳам келади (ТТ VIII). Баъзан такрорланиб қўлланган: *нэн нэн сабым эрсэр* 'қандай сўзим бўлса ҳам' (КТб.). Шуни қайд қилиш керакки, ***нэң*** бўлишсизлик маъносини кўрсатмайди. Бўлишсизлик семантика ***нэң*** орқали берилмасдан, шу ***нэң*** келган гапнинг кесими билан ифодаланади: *нэн бунығ йоқ* 'ҳеч ғамим йўқ (КТм., 27).

## СОН

Тил системасида маълум бир группа сўзлар борки, булар абстракт сонни, миқдорни, саноқни, тўғрироғи, предметнинг санаш, жойлашиш, бажарилиш тартибини билдиради. Шуни қайд қилиш керакки, туркий тилларда сон системаси, ҳар қайси халқ тилида бўлгани каби, бирданига эмас, балки аста-секин *пайдо бўлиб, ўзгариб келган*. *Шунинг учун сонлар*, умуман, тил системасида энг қадимги ингредентлардандир, деган қараш унчалик ишонарли эмас. Чунки бу фикр баъзи тиллар учун тўғри бўлса-да, лекин бошқа баъзи тиллар учун тўғри бўлиб чиқмайди, чунки айрим тилларда сон категориясига нисбатан янги ёки бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар саналади[1]. Маълумки, ҳозирги туркий тилларда ***миллион, миллиард*** каби сўзлар ҳинд-европа системасидаги тиллардан ўзлашган. Қадимги ёдномалар тилида астрономик катта сонларни ифодаловчи сўзлар хитой, санскрит каби тиллардан ўзлашган.

**Саноқ сонлар.** Текширилаётган давр обидаларида саноқ сонлар қуйидаги формада қайд қилинади:

*бир* (баъзан *бирр, пирр*) —1
*ики* (*эки*) —2
*ўч* —3
*тӧрт* 4 (бир ўринда *чар* сўзига дуч келдик U III, 30, 26)
*биш* (баъзан *бш, бэш*)

*элик, элиг* —50
*алтмыш* (*алтмыс*) —60
*йитмиш* (*йэтмиш*) —70
*сэкиз он* —80
*тоқуз он* —90
*йўз* —100

---

[1] Масалан, ҳозирги япон тилининг сон системаси тарихан хитой тилидан ўзлашган. Шундай тиллар ҳам борки, уларда иккитадан ортиқ саноқ сон бўлмайди, қолган сонлар ўрнида қўшма сўзлар, мураккаб иборалар ишлатилади. Морис Сводеш, К вопросу о повышении точности в лексикостатическом датировании, Сб. „Новое о лингвистике", вып. 1. Издательство иностранной литературы, М., 1960, стр. 61.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*алты* — 6
*йити* (баъзан *йти*, *йәти*, *йитих* — TT III, 79)
*сәкиз* — 8
*тоқуз* — 9
*он* — 10
*йигирми* (*йәгирми*) — 20
*отуз* — 30
*қырқ* — 40

*мин* (баъзан *бин*, *бын*) — 1000
*тўмән* — 10000
*бан* (хит. wan яп. <man — ) 10000
*тўк тўмән* сон-саноқсиз
колти (<санскр. коти); найут (<санскр. найута)
асанки (<санскр. асамкхйейа).
Булар жуда катта астрономик сонларни билдиради.

Юқорида келтирилган саноқ сонлардан аксарияти туб сонлардир. Бу сонлар ёрдамида саксон, тўқсон каби ясама сонлар ҳосил қилинади: *сәкиз он*, *тоқуз он*.

Тарихий жиҳатдан 20, 60, 70 сонлари ҳам ясамадир.

Ёдномаларда ҳамма саноқ сонлар бир маънолидир. Бироқ ***бир*** сони бундан мустасно. Бу сон ўзининг асл маъносидан ташқари ***қандайдир***, ***кимдир***, ***нимадир*** каби маъноларни ҳам билдиради. Бундай ҳолларда предмет ёки белгини умуман ёки тахминан кўрсатиб, конкрет моҳияти, сони аниқланмайди.

Масалан: *бир тапығчы* 'қандайдир хизматчи' (Сувр., 177); *бир балық* 'қандайдир бир шаҳар' (Сувр., 156).

***Бир*** саноқ сон яна қуйидаги маъноларни ҳам билдиради, чунончи **'айрим, баъзи бир'** [*бир киши йаңылсар* КТм., 28]; **'ўхшаш'**, **'бир хил'**, **'айни ўзи'** [*сабы бир* Тон., 63]; **'катта'** [*бу бир йумғақ таш* ПВ., 135]; **'қўрқинч'**, **'ашаддий'** [*бир антағ сав* Сувр., 177]; **'марта'**, **'фақат'**, **'ёлғиз'** [*бир тодсар* КТм., 28; *кәгмән йолы бир эмиш* Тон., 62]; **'жуда'**, **'жуда ҳам'**, **'фақатгина'**[*бир тәгурмәди* КТб., 31; *бир улуғ* Сувр., 173; *бир көзингә тәш* TT II, 29]; **'бу даражада'** [*бир йаруқы* TT VIII, 32] кабилар.

Юқоридаги маъноларнинг ишлатилишида контекстнинг ҳам роли бор. ***Бир*** сонининг қайд қилинган семантик функцияларидан асосий ўринни ўз маъноси 'бир' ташкил этади ундан сўнг 'ноаниқлик' маъноси туради.

***Бир, икки, ўч, төрт, биш, алты, йити, сәкиз*** каби саноқ сонлар катта миқдордаги сонларни ясаш учун хизмат қилади. Ёдгорликларда катта миқдордаги сонлар ясалишида паст миқдордаги сондан сўнг ўнликлар келади:

11 — *бир йәгирми* (Хуаст., 118, ПМК., Сувр. каби)
12 — *ики йәгирми* (КТб., TT III, TT IV, TT X каби)
13 — *ўч йәгирми* (КТб. каби)
14 — *төрт йәгирми* (Хуаст. каби)



www.ziyouz.com kutubxonasi

15 — *биш йэгирми* (ЕнПТ., ТТ VIII каби)
16 — *алты йэгирми* (КТб., ЕнПТ., ТТ IV, U III каби)
17 — *йэти йэгирми* (КТм., ЕнПТ., МН., ТТ III каби)
18 — *сэкиз йэгирми* (МН., ПМК., ТТ I, ТТ III)
19 — *тоқуз йэгирми* (МН., ТТ I).

Саноқ сонларнинг *йигирми* (*йэгирми*) — 20 дан ортиқ миқдордагилари ҳам мавжуд: 21 — *бир отуз* (ЕнПТ., КТб., ТТ VIII); 22 — *ики, эки отуз* (МН., ПМК.); 23 — *ӯч отуз* (Тон.,); 24 — *тӧрт отуз* (ТТ II, ТТ III); 25 — *биш отуз* (ТТ IX); 26 — *алты отуз* (ПМК., ЕнПТ., ТТ IX); 27 — *йэти отуз* (КТб., МН., ТТ IX), 28 — *сэкиз отуз* (ТТ IX); 29 — *тоқуз отуз* (ТТ IX); 31 — *бир қырқ* (КТб.); 32 — *ики қырқ* (ТТ I), 33 — *уч қырқ* (ТТ I); 35 — *бэш қырқ* (ЕнПТ.); 36 — *алты қырқ* (ТТ I); 38 — *сэкиз қырқ* (U III ЕнПТ); 39 — *тоқуз қырқ* (ЕнПТ., U III); 42 — *ики* (*эки*) *элиг* (ЕнПТ., ТТ VIII); 43 — *ӯч элиг* (ЕнПТ., ТТ IX); 45 — *биш* (*бэш*) *элиг* (ТТ I, ТТ VIII); 46 — *алты элиг* (ТТ I); 49 — *тӧкӯз элиг* (ТТ I, ЕнПТ.); 61 — *бир йэтмиш* (ЕнПТ., U III); 63 — *уч йэтмиш* (ЕнПТ.); 65 — *бэш йэтмиш* (Онг., II.); 67 — *йэти йэтмиш* (ЕнПТ.); 68 — *сэкиз йэтмиш* (ЕнПТ.); 79 — *тоқуз сэкизон* (U III); 115 — *йӯз бэш йигирмэ* (ЕнПТ.); 145 — *йӯз биш илиг* (U III); 162 — *йӯз ики йитмыш* (U III.); *тоқуз он тӧрт* — 94 (U III); *тоқуз он биш* — 95 (U III.) каби.

Санашнинг бу хил системаси билан бирга Култегин, Моғилонхон обидаларида ва бошқа обидалар тилида параллел равишда бошқа бир хил санаш усули, яъни ўнликдан сўнг аниқ маънога эга бўлган бирлик келади. Бунда ўнлик ва бирлик сонлар ўртасида *артуқ* 'ортиқ' сўзи келади: *қырқ артуқы йити йолы* 'қирқ етти марта' (КТб., 30); *отуз артуқы тӧрт* 'ўттиз тўрт' (МН., 18); *отуз артуқы бир* 'ўттиз бир' (МН., 17); *отуз артуқы уч* 'ўттиз уч' (МН., 17); *отуз артуқы сэкиз* 'ўттиз саккиз' (МН., 18); *бир тӯмэн артуқы йэти бин* '17 минг' (МН., 18) каби.

Сўнгги пайтлардаги обидаларда бу иккинчи хил санаш системаси аста-секин биринчи хил санаш системасини сиқиб чиқара бошлаб, ўзи кенг қўллана бошлайди. Тилнинг тараққиёти натижасида *артуқ* сўзи аста-секин истеъмолдан чиқа бошлайди.

Шундай қилиб, ҳозирги туркий тилларда мавжуд бўлган санаш системасининг шаклланиши учун жуда кўп вақтлар ўтган. Биринчи типдаги санаш системаси фақат уйғурлар тилида 11 дан 30 гача бўлган сонларда сақланиб қолган[2].

[2] С. Е. Малов, К изучению турецких числительных, Сб. Академия Наук СССР акад. Н. Я. Марру, Л., 1935, стр. 271—277. С. Е. Малов, Язык желтых уйгуров, Алма-Ата, 1957, стр. 178.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёдномаларда 102, 105, 190, 250, 300, 350 каби саноқ сонлар қуйидаги тартибда ҳосил қилинади: аввал бирлик, кейин юзлик, минглик ва бошқалар келади, масалан *алты йўз*— 600 (ЕнПТ., 73); *йэти йўз* — 700 (КТб.); *минг* — 1000 (Гкн.,); *йўз ики* — 102 (Юр., XIII); *йўз биш* — 105 (U III); *ики йўз элиг* — 250 (U III); *тöрт йўз тоқуз он олты* — 496 (TT IV); *йўз тоқуз он* — 190 (TT X); *тöрт тумэн* — 40000 (МН.,); *он тумэн* — 10000 (Тон.) каби.

**Тартиб сонлар**. Тартиб сонлар предмет сирасини, тартибини билдириб ***-нч***, ***-инч***, ***-ўчн***, ***-унч*** ва ***-нти***, ***-нди*** аффикслари ёрдамида ясалади. Ҳамма тартиб сонлар саноқ сонлардан юқоридаги аффикслар орқали ясалади.

Бироқ ***бир*** сонининг ўзи тартиб сон ясашда деярли иштирок этмайди. Қадимги обидаларда биринчи сўзи ўрнида илки (ил олдинги томон, олд"+ки сўз ясовчи аффикс). ***Илки*** сўзи биринчи маъносида Култегин, Моғилонхон „Хуастуанифт" каби ёдномаларда учрайди: илки кӱн 'биринчи кун' (МН., 18), илки сӱ 'биринчи, олдинги аскар' (МН., 17) каби.

Нисбатан кейинги даврлардаги ёзув обидалар тилида ***илки*** сўзи билан бирга биринчи маъносида *баштынқы*, *баштын* сўзи қўлланади: *баштынқы* (Сувр., 155); *баштын* (Сувр.,493); *баштынқы ўлўш* 'биринчи бўлим' (U III 4) каби.

Айрим ўринларда ***бир*** сўзининг ўзи ***биринчи*** маъносида келади: бир Кушал эдгӱ 'биринчи Кушала эзгу' (U III 5) каби.

Бир сонининг ***-нчи*** аффикси билан келиши анча кейинги давр тилларида учрайди.

***-нти***, ***-нди***[3] кўрсаткичлари фақат ***ики*** сони билан қўлланади. Ёдномаларда тез-тез ***кинти*** || ***экинти*** формалари, баъзан эса ***икинди*** формаси учраб туради; ҳатто баъзи бир ёзув ёдгорликларида иккала вариант ҳам учрайди *икинти*, *икинди* 'иккинчи' (TT VIII, 31, 60, 72).

Мазкур сон жўналиш келишигининг кўрсаткичи билан қўлланиб, икки хил кўринишга эга: *бир икиндикэ*, *бир икиндишкэ* 'бири иккинчисига'. Бу форманинг турфон текстлари, „Олтун ёруқ", „Уйгурика"да учраши ҳам қайд этилган. Баъзи ҳолларда бу формалар параллел ҳам қўлланади: *бир*

---

[3] Проф. Кааре Гренбекнинг фикрича, ***-нти***, ***-инди*** аффикси ***-н*** ва ***-т -д*** қисмларга бўлинади. Кейинги элементни у ***-ти*** аффикси билан боғлайди. Бу аффикс *эдгут* каби сўзларда учрайди. А. М. Шчербак бу фикрга қўшилмаган ҳолда, мазкур аффиксни қадимда кенг тарқалган сифатдош формаси ***-инди***, ***-инти*** билан боғлаш керак дейди; А. М. Щербак, Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв..., стр. 121.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*икиндикә*, *бир икиндишкә* 'бири иккинчисига' (TT VIII, 71, 80). Бу бирикмада феъл биргалик даража аффиксини олади: *бир икинтикә қарышур* 'бири иккинчиси билан қоришар' (TT VIII, 71); *бир икинтикә тәтиләр* 'бир-бирига гапирдилар' [U III, 65]; *бир икинтикә савлашып* 'бир-бирига сўзлашиб' (TT II 55-56); *бир икинтишкә оқышу* 'бири иккинчисига ўқиб' [U III, 68] каби.

Лекин ушбу бирикмада феъл ҳар вақт биргалик даражада келавермайди: *бир икинтишкә тидиләр* 'бир-бирига дедилар' (TT X, 250, 25).

Бирикмаларнинг параллел қўлланиши, буларнинг семантик оттенкалари билан изоҳланади, бошқача қилиб айтганда, феъл биргалик даража формасида келганда, биргалик (ўзаро) ҳаракатнинг маълум даражада кучайиши кўзга яққол ташланади. Маънонинг бу оттенкаси биргалик даража кўрсаткичи *-ш* билан ифодаланади.

Шуни айтмоқ керакки, ёдгорликларда 'иккинчи' маъносида *адын* 'бошқа иккинчи' (қиёсланг: ёқутча *атин*) қўлланади: *икинти ажун* [U III 86], *адын ажун* (TT X 12).

3, 4, 5, 6, 7 ва шу каби тартиб сонлар ёдгорликларда *-нч* аффикси ёрдамида ҳосил қилинади:

*илки* (*баштынқы*) — биринчи
*икинти* (*икинди*) — иккинчи
*ўчўнч* — учинчи
*тӧртўнч* — тўртинчи
*бишинч* — бешинчи
*алтынч* — олтинчи
*йитинч* — еттинчи
*сәкизинч* — саккизинчи
*тоқузунч* — тўққизинчи
*онунч* — ўнинчи

*бир йигирминч* — ўн биринчи
*ики йигирминч* — ўн иккинчи
*ўч йигирминч* — ўн учинчи
*тӧрт йигирминч* — ўн тўртинчи
*биш йигирминч* — ўн бешинчи
*алты йигирминч* — ўн олтинчи
*йити йигирминч* — ўн еттинчи
*сәкиз йигирминч* — ўн саккизинчи
*тоқуз йигирминч* — ўн тўққизинчи
*йигирминч* — йигирманчи

Обидалар тилида жўналиш келишигининг аффикси саноқ соннинг аниқланмиши, нумератив сўзи йўқ бўлган тақдирда унга қўшилиб келади ва тартиб маъносини англатади: *бир отузқа* — 21-нчида (ПМК., 37); *йәти отузқа* — 27-нчида (КТб., 33) каби. Бу ҳодиса 20 дан ортиқ бўлган сонларда ҳам учрайди: *бир йәгирмикә* — 11-нчида (ПМК., 36); *йити йәгирмикә* — 17-нчида (КТб., 33); *биш йәгирмикә* — 15-нчида



www.ziyouz.com kutubxonasi

(ПМК., 35); *алты йэгирмикэ* — 16-нчида (ПМК., 38); *сэкиз йигирмикэ* — 18-нчида (Юр., XXVIII) каби.

Сўнгги давр ёдгорликларида бу хил тартиб сонлар истеъмолдан чиқади. Тартиб сонлар ***-нч*** орқали ифодаланади: *ики йигирминч* '12-нчи' (ТТ I, 10); *беш йўз артуқы ики отузунч* — 523-нчи (Ман., I, 12) каби.

**Жамловчи сонлар.** Ёдномаларда жамловчи сонлар ***-гў, -эгў, -агў, -ўкў, -кў*** аффикслари ёрдамида ҳосил қилинади.

***-гў*** аффикси тарихий жиҳатдан қадимги сўз ясовчи ***-гў*** аффиксига бориб тақалади. Жамловчи сон маъносида кўп ҳолларда бирдан ўнгача бўлган саноқ сонлар қўлланади. Жамловчи сон аффиксининг ***бир*** сонига қўшилиб келиши ***бир***нинг қадимда кўп маъноли бўлиши билан изоҳланади. Жамловчи сонларга мисоллар: *бирэгў* — биров (Сувр., 154); *икэгў, икигў, иккикў* 'икков' (Юр., XVI, 212; Юр., XXVIII, 216; ТТ VIII, 64; U III, 82); *ўчэгў, ўчўкў* (Тон., 61; ТТVIII, 10; Сувр., 177) каби.

Жуда спорадик тарзда ***-эгў*** аффикси 10 дан юқори сонларга қўшилади: *йўз йўзэгу* 'юз-юз бўлиб' (ТТ III, 76).

Айрим мисолларда ***-гўн, -н, -гўлўк*** аффикслари ҳам жамловчи сон ясайди: *икигўн* 'икков' (Ман., III, 14); *экўн* икков (Ман., 8); *биргўлўк* 'ҳамма' (U III, 15, 19) каби.

**Айирувчи сонлар.** Булар саноқ сонларга ***-рэр, -ар, -эр, -сар*** аффиксларини қўшиш билан ясалади: *бирэр* 'биттадан' (ТТ VII, 28); *бирэр бирэр* 'битта-биттадан' (U III, 37); *ики ўчрэр* — икки учтадан (ТТ VIII, 65); *икирэр* — иккитадан (ТТ VIII, 68); *ўчэр* 'учтадан' (U II, 29); *бишэр* 'бештадан' (КР., 24); *алтырар* 'олтитадан' (USp., 34); *тоқусар* — тўққизтадан (ТТ VIII, 64); *онар* 'ўнтадан' (ТТ II, 91).

Восита келишиги кўрсаткичи ***-ин, -ын*** ҳам айирувчи сон ясайди: *бирин* 'биттадан' (ТТ VIII, 30); *экин* 'иккитадан' [Онг II, 9] каби.

***-и, -си, -иси*** каби эгалик аффикслари ҳам айирув сони ясайди: *бирин* 'бириси' (Сувр., 154); *бири экиси* 'бири иккиси' (КТб. 32); *тöртўнчи* 'тўртинчиси' (Сувр., 154); *икинтиси* 'иккинчиси' (Сувр., 173) каби.

***-дин*** ҳам айирувчи сон ясайди: *икидин* 'иккитадан' [Ман., III, 8].

Баъзи ҳолларда айирув маъноси такрор йўли билан ифодаланади: *бир-бир* 'биттадан' [ТТ VIII; 64]; *бир бир эр* 'биттадан киши' (ТТ II, 91) каби.

**Доналик сон.** Булар ***-та, -да*** ёрдамида ясалади. Ўрхун-енисей ёдномаларида бу аффикс учрамайди. Булар қадимги обидалардан турфон текстларида келади: *бирта* 'битта'



www.ziyouz.com kutubxonasi

(TT VIII, 73); *йәтмиш икида* 'етмиш иккита' (TT VIII, 65) каби.

**Чама сонлар.** Тахминий саноқ тушунчасини билдириш учун аффиксация усули билан ҳосил қилинган формалар эски ёдномалар тилида учрамайди. Бу маъно синтактик усул билан берилади, яъни қуйи тартибдаги бирлик сони юқори миқдордаги сон билан келади: *бир ики* 'бир иккита' (ПМК., 36); *әки ўч* 'икки уч' (Тон., 62); *төрт, бәш* 'тўртта, бешта' (TT VIII, 65) каби.

**Ноаниқ сонлар.** Бу сонлар шу билан характерланадики, булар саноқ маъносини равиш функцияси билан, баъзилари эса сифат функцияси билан бирлаштиради. Бунинг туб сабаби (фақат) сифат ва миқдорнинг ички боғланишидадир[1].

Текстларда ноаниқлик маъносида кўпинча қуйидаги равиш ва белгилаш олмошлари қўлланади: *ўкўш* 'кўп', *тәлим* 'кўп', *сансыз* 'сонсиз', *әруш, ўлўксўз, әрўш әлгўсўз өкўш сансыз өкўш* 'сон-саноқсиз', *бунсуз* 'сонсиз'; *коп* 'кўп', *аз* 'оз', *анчакыйа* 'озгина', *барча* 'барча', *қамаг, қамуг, қамыг* 'ҳамма', *қамагу, қамагун, алқу, бўтўн, йумқы* 'барча, ҳамма' кабилар. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, бир группа сўзлар борки, булар 'қисм', 'ярим', 'ҳовуч' каби маъноларни ифодалайди: *ўлўг* 'қисм' (Тон., 61); *ўләсик* (П. М. Мелиоранский ўқишича *өлсик* 'қисм' (КТм., 28); *йарым, бөлўк ўлўш* 'ярим' (TT X, 63; Юр., XXVIII); *сынар* 'ярим' (МН., 17); *ўч йарим төрт йарым* (TT VIII, 63); *айача аш бирмиш, атудча сув тутмыш* 'бир ҳовуч ош берган; бир ҳовуч сув тутган' (Сувр., 168) каби.

**Нумератив сўзлар.** Саноқ системасида нумератив сўзлар сонлардан сўнг қўлланади. Ёдномаларда нумератив сўзлар вазифасида қуйидагилар келади:

*йолы* — марта: *уч йолы* 'уч марта' (U II, 41); *төрт йолы* 'тўрт марта' (МН., 17); *биш йолы* 'беш марта' (КТб., 32); *алты йолы* 'олти марта' (МН., 17); *бир йолы* 'бир марта' (TT VIII, 51); *қырқ артуқы йити йолы* 'қирқ етти марта' (ЕнПТ., 61); *бир икинти ўчўнч йолы арызун, алқынзун* 'бир, икки, уч марта тоза бўлсин, йўқолсин' (TT IV, 65).

*қат, қата* 'марта': *ики қата* 'икки марта' [ЕнПТ., TT VIII, USp]; *ўчўнч қата* 'учинчи марта' (Сувр., 156); *ўчәр қата* 'уч марта' [U I, 29]; *биш қата* 'беш марта' (ПМК., 72); *алты қат* 'олти марта' (TT X 24); *биш қат* 'беш марта' (TT III, 59): *тоқуз қат* 'тўққиз марта' (Гкн., 83);

---

[1] В. В. Виноградов, Современный русский язык, М., 1936, стр. 142.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*он қат* 'ўн марта' (TT I, 11); *тоққуз тўрлўг қат* '9 марта' (TT IV, 42-43); *бирәр отуз қата* '21 марта' (U I, 45).

***қалын, баг, баглық*** 'боғ': *йўз ики баг, йўз ики баглық* '102 боғ' (Юр., XIII, 210); *алты баг* 'олти боғ' (ЕнПТ); *йўз әлиг қалын* '150 боғ' (Юр., XVI, 212).

***тас, кўри, кўр, бадыр*** 'ўлчов'; *отуз тас* '30 ўлчов' (Юр., II, 206); *бир кўр бор* 'бир қумғон май' (Юр., II, 206); *ики кўри* 'икки ўлчов кюри' (Юр., VII, 208); *он ики бадыр* '12 бадир' (Юр., XXVII, 215); *йәгирми ики бадыр* '22 бодир (ўлчов)' (Юр., XXVII, 215).

***әңим*** 'қисм' *ўч әним* 'уч қисм' (TT X, 216).

***тўрлўг*** 'тур, турли': *ики тўрлўг* (TT VIII); *ўч тўрлўг* (U III, TT X 42); *тӧрт тўрлўг* (TT VIII, 46); *бәш тўрлўг* (TT IV, 26); *алты тўрлўг* (TT X, 18); *йити тўрлўг* [Хуаст., 118];

***тўрлўгин*** 'марта' *миң тўрлўгин титрәйур* 'минг марта титрамоқда' (TT I, 13); *йўз тўрлўгин* 'юз марта' (TT I, 17) каби.

***қурлайу*** 'марта'; *ўч қурлайу* 'уч марта' (Тш., 29).

***йапаг*** 'қат': *биш йапаг* 'беш қат' [U III, 33, 37].

***қуврағ*** 'тўда'; *миңлиг тўмәнлиг қуврағ* 'минглик туманлик тўда' (TT II, 57);

***йаңлыг*** 'хил': *бир йаңлыг* 'бир хил' (АГ., 105).

Эски ёдгорликларда ҳам *марта, қатларда* англашиладиган маъно нумератив сўзларсиз ҳам берилган: *йәти сўнўшди* 'етти марта уришди' (Тон., 64); *тоқуз тәзгинип* 'тўққиз марта айланиб' (ЕнПТ., 61); *он йәт сўнўшди* '17 марта уришди' (Тон., 64); *ики қата тамырым тоқып ўчўнч тоқыйу уматын тинә турур* 'икки марта юрагим уриб учинчи марта ура олмасдан, нафасим тўхтайди' (U III, 37; 27-8); *тӧрт алқыш* 'тўрт карра мақтов' (Хуаст., 118).

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, нумератив сўзлар сўнгроқ тараққий этган ва вақтлар ўтиши натижасида сонлар билан қўллана бошлаган.

Текширилаётган давр обидаларида сонлар субстантивлашган (отлашган) от функциясида қўлланган ва от сингари турланган: *икәгўнин, икәгўнўн* (Юр., XVI, 213); *икәгўкә* (Юр., XVI); *бир йигирминчқа* '11 га' (ПМК.); *ўчәгўни* (Сувр., 179); *биш йигирмидә* '15 да' [U III, 46, 14-5] каби.

Қадимги текстларда тартиб сонлар равишлашган ҳолда, яъни равиш функциясида учрайди: *ўчўнч* 'учинчидан' (Гкн., 80); *тӧртўнч* 'тўртинчидан' (Хуаст., 117); *бишинч* 'бешинчидан' (Хуаст., 117) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сонларга махсус аффикслар қўшилиб равиш ясалади: *икиләйў ўчләйў* 'икки уч марта' [U III, 59, 5]; *бирлә* 'бирга'; *икирчкў* 'икки марта'; *биргәрў* 'бирга'; *икинтиш* 'қарама-қарши' [U III, 23, 4] каби.

Баъзи ёдгорликларда саноқ сонлар отлар билан бирга бир тушунчани ифодалашда иштирок этади. Бу ҳол хитой, санскрит тилларидан қилинган таржима асарларда учрайди. Бундай тушунчалар калька йўли билан пайдо бўлган: *алты қачығ* (U II, 12); *сәкиз тўрлўг әмгәк* [TT III, 27]; *тöрт тоғум биш ажун алты йолтақы тынлығлар бирлә* (Сувр., 133) каби.

Ёдномаларда 'мангу' тушунчаси аналитик тарзда берилади: *бын йиллық тўмән кўнлик* 'мангу' (ПМК, 36); *мин йыл тўмән кўн* 'мангу' (Юр., XIII; XVI).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФЕЪЛ

Обидалар тилида феъл формалари кенг тараққий этган. Обидаларда феъл формалари ранг-баранг ва мураккаб системани ташкил қилади.

**Феъл аспектлари.** Ҳар бир феъл категориясида мавжуд бўлган тўрт аспектдан бири бўлиши мумкин; яъни: тасдиқ ёки инкор, бўлишли ёки бўлишсиз.

Феълнинг тасдиқ формаси II шахс буйруқ шаклига тўғри келади.

Инкор формаси феъл ўзагига ***-мә, -ма*** аффиксининг қўшилиши билан ҳосил бўлади: *қылма, кәлмә, кәрмә* каби.

Феълнинг бўлишли формаси феъл ўзак-негизига равишдош формалари ва ***у*** феълининг (бу феъл иш- ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бўла олиши, юзага чиқишини билдириб келади) қўшилиши орқали ясалади. *Тимин ӧк* әдгү қылынчығ адыртлағалы уйур 'ҳозироқ яхши ёмон ишларни ажрата олади' [U III, 12]; сатығ биргәли уғайму әрки си 'сота оласанми?' [U III, 51; 11] каби.

Феълнинг бўлишсизлик формаси феъл ўзак-негизига равишдош қўшимчалари, ***+у*** феълига ***+ма, -мә*** аффиксларининг қўшилиши билан ҳосил бўлади: ***учар қуш учу умадын турды*** 'учар қуш уча олмасдан турди' (TT I, 7); ***тәбрәтгәли қамшатғалы умазлар*** '***тебрата олмаслар***' (TT X, 329); ***анынтынлғлар бпкә нызбанныларын ыйа баса умадын..*** 'шу сабабли нафасликлар юрак ғазабини боса олмасдан' (TT II, 17) каби.

**Феълнинг шахс, сон формалари.** Шахс ва сон формаларининг қуйидаги кўринишлари учрайди. I группа парадигмаларида I-II шахс кишилик олмошлари, I-II шахс предикатив аффикси сифатида келади. III шахс бирлик учун эса ***ол, бу, турур*** сўзлари иштирок этади. III шахс кўп-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лиги учун сўнгги давр ёдномаларида *-лар*, *-лэр* шакллари қатнашади:

| бирлик | кўплик |
|---|---|
| I ш. *-мэн* (*бэн*) | I ш. *-биз* |
| II ш. *-сэн* | II ш. *-сиз* |
| III ш. -баъзан *ол*, *бу*, *турур* | III ш. (*-лар*, *-лэр*) |

Мисоллар: *бэн кўн тикэр бэн* 'мангу тош тикаман' (ЕнПТ., 95); *тапынур биз эшидурбиз* 'топинамиз эшитамиз' (ТТ IV, 24); *бу йан эдгу қылынч қылғу ол* 'яхши ва эзгу ишлар қилиш керак' (ТТ I, 9) каби.

Мазкур группани ташкил қилган I-II шахс кишилик олмошларининг состави қадимда тор унлилардан иборат бўлган.

II группа парадигмаси эгалик аффикслари иштирокида тузилади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I ш. | *-м* | *-°мыз*, *-°миз*, *-муз*, *-мўз*, *-°мэз*, *°маз* |
| II ш. | *-°н* | *-°ныз*(*лар*), *-°низ*(*лэр*) |
| III ш. | *-ы*, *-и* баъзан *ол*, *турур* | *-ы*, *-и* (*-лар*, *-лэр*). |

Мисоллар: *санчдым* (ПМК); *кэлўртўм* (ЕнПТ., 57) *бэртин* (Онг., II 9), йағды (Гкн., 84); *басдымыз* (КТб., 32); *йўкўнтўмўз* (Хуаст., 117); *болтумуз* (Хуаст., 117); *бардыныз* (Онг., II 9); *кэлтўнизлэр* (U III, 9, 4); *ажунларығ кўркиттиниз* 'дунёларни кўргаздингиз' (ТТ III, 58); *кэнўлинтэки йиг номуғ уқытыныз* 'кўнгилдаги ток билимини ўргатдингиз' (ТТ III, 58) каби.

Баъзан бир феъл формасида I-II тип парадигмалари формалари бирга келиши мумкин. Бу ҳодиса кесимлик аффиксларининг қўлланишида қатъий мунтазамликнинг йўқлигини кўрсатади. Энг қадимги даврларда туркий тилларда кесимлик аффикслари бўлмаган. Кейинроқ бориб, кишилик олмошлари ва эгалик формалари кесимлик аффиксига ўтган.

III группа парадигмаси эса буйруқ феълининг қўшимчалари воситаси билан тузилади:

II шахс *-ғыл*, *-гил*, *-қыл*, *-кил*, *-ың*, *-иң*, *-ыңыз*, *-иңиз*. IV группа парадигмаси истак-хоҳиш майлининг қўшимчалари воситаси билан тузилади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

I ш. ***-ай, -әй, -айын, -әйин*** ***-алым, -әлим***
III ш. ***-сун, -зун, -сўн, -зўн,*** ***-сун***[лар], ***-зун***[лар], ***-сўн***
***-су, -зу, -сў, -зў, -чун*** [ләр], ***-зўн***[ләр].

Ёдномалар тилида инфинитив қўшимчаси ***-мақ, -мәк*** ҳаракат номи, от маъноларини англатиб келади. Баъзан инкор формаси ***-ма, -мә*** ни олиб келиши мумкин: *қылмамақ* (TT III, 137) каби.

**Майл категорияси.** Ёдномаларда феъл майлларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. буйруқ майли
2. истак майли
3. шарт майли
4. аниқлик майли

## ИСТАК МАЙЛИ

Истак майлининг формаси I шахс учун ***-айын, -әйин, -йын, -йин***дир. I шахс кўплик формаси ***-алым, -әлим*** ва ***-лым, -лим*** тарзидадир. Истак майлининг III шахси ***-зун, -зўн, -сун, -сўн*** орқали ифодаланади. Бу форманинг қисқарган ***-зу, -зў, -су, -сў*** вариантлари ҳам учрайди. Саноқли ўринларда ***-чун*** варианти ҳам бор. III шахс кўплиги ***-зунлар -зўнләр, -сунлар, -сўнләр***дир. Истак майлининг парадигмаси қуйидагичадир:

| шахс | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I | ***-айын, -әйин, -йын, -йин*** | ***-алым, -әлим, -лым, -лим*** |
| II | — | — |
| III | ***-зун, -зүн,- -зу, -зү, -чун, -сун, -сүн, -су, -сү*** | ***-зун, -зүн, -зунлар, -зүнләр, -сун, -сүн, -сунлар, -сүнләр*** |

**I шахснинг бирлик ва кўплик формаси истак, хоҳиш, ҳаракатнинг муқаррарлиги, бажарилиши лозимлиги каби маъноларни билдиради.** У ёки бу маъноларнинг ишлатилиши конкрет контекст билан боғлиқ: *йазы қонайын* 'чўлда қолайин (КТм., 28); *тўрк будун ӧлўрәйин уруғсыратайын* 'турк халқини ўлдирайин, уруғсиратайин (КТб., 29); *йынақ сочайын* 'ҳар томонга сочайин' [U III, 12; 5]; *адынағуны ӧлўрмәйин* 'бошқани ўлдирмайин' (U III, 1-3); *ашайын йәйин* 'емоқчиман' (TT I, 14-8); *йулайын алайын* (Юр., XVI, 213) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи шахснинг кўплиги Тўнюқуқ, Мағилонхон, Моянчур, онегин, уйғур, турфон, манихей каби ёдномаларда кенг истеъмолда бўлган: *нә басыналым тәгәлим тидим* 'нимага енгилайлик, қўшин тортайлик' (Тон., 63); *адырылмалым азмалым* 'айрилайлик, озмайлик' (Онг., II, 9); *қабышалым* 'бирга бўлайлик' (ПМК., 37); *бтўнәлим сбзләлим* 'ўтинайлик, сўзлайлик' (Сувр., 620); *барып йўкўнәлим* 'бориб ўтинайлик' (ПВ., 134); *бош болалым* 'бош бўлайлик' (ТТ IV, 32-33); *йазуқлуғ болмалым* 'гуноҳлик бўлмайлик' (ТТ IV, 65); *биз басутчы болалым* 'биз ёрдамчи бўлайлик' (U III, 9-4).

III шахс истак майлининг қўшимчалари истак, хоҳиш маънолари III шахсга қаратилган бўлади: *йир суб идисиз болмасун* 'ер-сув эгасиз бўлмасин' (КТб., 30); *тбритзўн* 'терлатсин' (Гкн., 83); *ынча болмазун* 'шундай бўлмасин' (Сувр., 608); *әмгәксиз болсун* 'қийинчиликсиз бўлсин' (ТТ IV, 60); *йўкўнмиш сайу арызун* 'юкинган сари тоза бўлсин' (ТТ III, 5) каби.

Бу шаклнинг қисқарган вариантлари ***-зу***, ***-зў*** ва ***-чун*** ёдномаларда истеъмол доираси чекланган форма саналади: *тәнри йарлықазу* 'тангри ёрлиқласин' (Тон., 64; КТб., 31); *болзу* 'бўлсин' (ПМК., 80); *будун болчун* 'халқ бўлсин' (КТб., 28).

***-сун***, ***-сўн*** шакллари руник обидаларида учрамайди. Булар сўнгги давр тилида қайд қилинган: *сатсун* 'сотсин' (Юр., XIII, 210); *сбзләри йорымасун* 'сўзлари амалда бўлмасун' (Юр., XVI, 213); *қалсун* 'қолсин' (ПМК., 85).

Руник обидаларида III шахс кўплиги ***-зун***, ***-зўн*** билан берилади (Онг., II, 9; ЕнПТ., 95; Тон., 63) каби.

***-зунлар***, ***-сунлар***, ***-зўнләр***, ***-сўнләр*** вариантлари сўнгги даврларда қайд қилинган: *сбзләри йорымасунлар* 'сўзлари ўтмасин' (ТТ I, 17); *йинтәм нырбанта тоғзунлар* 'Нирвонда ҳар вақт туғилсинлар' (ТТ III, 166-167); *кбни бирсўнләр* 'тўғри берсинлар' (Юр., VII, 208); *қылмасунлар* 'қилмасинлар' (Юр., XIII, 210) каби.

## БУЙРУҚ МАЙЛИ

Буйруқ асосан II шахсга қаратилади ва иш-ҳаракатни бажаришга ундайди. Буйруқ майлининг ифодаланиши қуйидагича:

1. **Феъл асоси (ўзак-негизи) билан:** *қорқма әдгўти бтўн, айынма әдгўти йалбар* 'қўрқма, яхши ўтин, яхши ёлвор' (Гкн., 81); *оғланым қанқа тап, қатығлан* 'ўғлоним хонга топин, қатиғлан' (ЕнПТ., 84); *уч қата оқы* 'уч марта ўқи' (ТТ VIII, 72); *сбзлә* [ТТ VIII, 19] каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзан ўрхун-енисей ва бошқа обидаларда юқоридаги усул билан ифодаланган буйруқ формаси кўплик маънода ҳам ишлатилган: *атлат* 'отланинглар!' (Тон., 62); *тоқуз оғуз бәгләри будуны бу сабымын әдгӱти әшид, қатыгды тынла* 'тўққиз ўғуз беклари халқи бу сўзимни яхшигина эшитинг, қаттиқ тингланг (КТм., 28); *қатыгты ба, әдгӱти ба!* 'қаттиқ боғланг, яхши боғланг!' (Гкн., 81).

2. **Буйруқ маъноси *-ғыл, -гил, -қыл, -кил* шакллари орқали ифодаланади**: *қатығланғыл* 'қаттиқлангин' (ЕнПТ,, 29); *қылғыл* 'қилгин' (ТТ X, 279); *турғыл* 'тургин' (U III, 56); *алғыл* 'олгин' (ТТ VIII, 65) *тутғыл* 'тутгил' [U I, 7]; *әшидгил* 'эшитгин' (U III, 5); *биргил* 'бергин' (ПМК., 35); *олурқыл* 'ўтиргин' (U III, 83; 5-6); *öтӱнгил* 'ўтингин' (ТТ X, 91); *сақлану кöргил* 'сақлаб кўр' (ТТ X, 426); *иткил йаратқыл* 'этгин яратгин' (Сувр., 156) каби.

**Баъзида бу аффикс кўплик маънода келади**: *сабымын тӱкәти әшидгил* 'сўзларимни тўла эшитинглар' (КТм., 27; қиёсланг: КТб., 30; КТм., 28).

Буйруқ майлининг кўплиги ***-ың, -иң*** формаси ёрдамида ифода этилади: йәмә игидиң! әмгәтмәң; толғатмаң! 'яна кўтаринг, қийнатманг, тўлғатманг' (МН., 19); буны көру билиң! 'буни кўриб билинг!' (КТм., 28); қара будуным қатығланың 'бутун халқим қаттиқланинг!' (ЕнПТ., 26): ймә амранмақ билигин ағрлаң айаң тапың 'севги, муҳаббат тимсолини ҳурматланг, аянг, иззатланг' (ТТ III, 3); алың әмти 'олинг энди' (ТТ III, 13) каби.

Баъзи ўринларда бу форма якка шахсга нисбатан ҳам қўлланади: сӱ барың 'аскар билан бор!' (Тон., 63).

3. Буйруқ формаси ***-ыңлар, -иңләр, -уңлар, -ӱңләр*** тарзида ҳам қўлланади.

Бу форма руник обидалар тилида учрамайди. Мазкур форма „Ирқ битиг" асари, уйғур, манихей, брахми ёзув ёдномаларида истеъмолда бўлган. „Ирқ битиг"да ***-ыл, -иң, -ыңлар, -иңләр*** ўртасида фарқ йўқ даражада.

Буйруқ ***-уңлар, -ӱңләр, -ыңлар, -иңләрдә*** кўпчиликка қаратилгандир: маңа кәлӱрӱнләр 'менга келтиринглар' [U III, 12, 14]; кәрӱнләр аның ачығ әмгәникин 'унинг аччиқ ғурбатини кўринг' [U III, 24, 4]; әшидиңләр 'эшитинглар' (Сувр., 154); барыңлар 'боринглар' (Сувр., 154).

## ШАРТ МАЙЛИ

Шарт майлининг формаси ***-сар, -сәр*** руник, уйғур, манихей, брахми ёзув обидаларида учрайди. Ушбу форманинг қисқарган варианти ***-са, -сә, -за, -зә*** турфон текстлари,


www.ziyouz.com kutubxonasi

юридик ҳужжатларда (Юр., XIX) *-сар*, *-сәр* билан параллел истеъмолда бўлган: *йарлықасар кәрсәр кәлса* (*кәлзә*), *тудса (тудза)*, *таплаза тапламаза* каби. Бу давр ёдномалари тилида *-са*, *-сә* шаклларининг истеъмол доираси жуда чекланган. Масалан, брахми ёзувли турфон текстида фақат икки ўринда *-са*, *-сә* келади: *барсалар* 'борсалар' (ТТ VIII, А 17); *әшитсәләр* 'эшитсалар' (ТТ VIII, А 25). Бошқа феъллар билан *-сар*, *-сәр* қўлланади: *болмасар* 'бўлмаса' (ТТ VIII В 1); *болсар* 'бўлса' (ТТ VIII, Е44), *әрсәр* 'эса' (ТТ VIII, 33); *бушанмасар* 'бўшамаса' (ТТ VIII, А 36); *алсар* 'олса' (ТТ VIII, А 38); *қыл ар* 'қилса' (ТТ VIII, А 45); *татмасар* 'татмаса' (ТТ VIII, С9); *сақынмасар* 'ўйламаса' (ТТ VIII, Д 16); *кәтмәсәр* 'кетмаса' (ТТ VIII, К 10); *оқытсар* 'ўқитса' (ТТ VIII, О 16); *кәлсәр* 'келса' (ТТ VIII, А 41); *әрмәсәр* 'эмаса' (ТТ VIII, Д 26); *кўсәсәр* 'хоҳласа' (ТТ VIII, Е 45); *тәсәсәр* (ТТ VIII, К 1); *тәсәр* (ТТ VIII, Н 6); *тўкәрмәсәр* 'тугамаса' (ТТ VIII, 43); *тўкәмәрсәр* 'тугамаса' (ТТ VIII, 36); *усар* (ТТ VIII, 14); *тәрсәр* (ТТ VIII, 33); *синмәсәр* 'синмаса' (ТТ VIII, М 21); *ичсәр* 'ичса' (ТТ VIII, М 21) каби.

Ўрхун-енисей ёдномаларида шарт феълининг предикатив аффикслар билан келиши учрамайди. Шарт майлининг тусланиши уйғур, манихей, турфон текстларида қайд қилинади. Руник ёдномаларини текширган олимлар шарт формасининг белгиси сифатдош, от ясашда қўлланган деб тахмин қилишади.

Шарт майлининг тусланиши қуйидагичадир:

I. *оқысар мән*, *оқысар биз*, *кәлсәр мән*, *кәлсәр сиз*
II. *оқысар сән*, *оқысар сиз*(*ләр*), *кәлсәр сән*, *кәлсәр сиз*(*ләр*)
III. *оқысар ол*, *оқысар*(*лар*), *кәлсәр*(*ол*), *кәлсәр*(*ләр*).

Мисоллар:

I. ш. *оқысар мән* (Сувр., 6), *кӧрсәр мән* (Сувр., 12), *озғуру умасармн* (U III, 41, 3)
II. ш. *қылсарсен* (U III, 69), *усар сән* (Сувр., 11),
III. ш. *кәлмәсәр* (Сувр., 620);
I. ш. *ӧкўнсәр биз* (ТТ IV, 26-27), *ӧлсәрбиз* (Сувр., 620);
II. ш. *оқысар сиз* (ТТ), *тудсарсизләр* (Сувр., 405);
III. ш. *сӧзсәрләр* (Сувр., 10), *бәгләр болсарлар* (U III., 69, 20) каби.

Шарт формаси билан уюшиб келган икки ёки ундан ортиқ феълларда предикатив аффикси охирги феълга қўшилиб келади: *бирӧк әмты бу әмгәк әмгәнгәли қорқсар аймансәр сән*... [U III, 31; 12-13] каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Шарт майлининг маъноси ва қўлланиши.** Қўшма гап кесимида ифодаланган, лекин бажарилмаган иш-ҳаракатнинг маълум шароитда бажарилиши мумкинлигини англатади. Бунда *-сар, -сәр* билан келган феъл эргаш гапнинг кесими бўлиб, бош гапдаги ҳаракат билан боғланган бўлади: *Бу қағанында бәгләриндә йәриндә сувында адырылмасар түрк будун өзүн әдгү көртәчи ән* 'турк халқи хоннинг, бекларинг, ерингг, сувингдан айрилмасанг, ўзинг эзгу кўрасан (топасан)' (МН., 19); *бирмәдин кәчүрсәрмән ил йанынча түши билә кӧни билүрмән* 'бермасдан кечиктирсам эл одатича фойдаси билан тўғри бераман' (Юр., XXVII, 215); *иг тапа көрсәр сән төрү йавыз* 'касалга дучор бўлсанг бойлик ҳалок бўлади' (ТТ I, 11); *түдүш кириш қылмасар сән өзүнә қамаг адатын озғайсән* 'баҳс қилиб талашмасанг, ўзингни бутун хавф-хатарликдан қутқарасан' (ТТ I, 14) каби.

Шарт феъли ёрдамида сабаб эргаш гапнинг кесими ифодаланади: *бир тодсар, ачсық өтәсән* 'бир тўқ бўлганда, очликни унутасан' [КТм., 28]; *үзә тәнри басмасар, асра йир тәлинмәсәр, түрк будун, илинин төрүнин кәм артаты* 'устингда тангри босмаса, остингда ер тилинмаса, турк халқи, ким (сенинг) давлатингни йўқ қилади' (МН., 69); *йол азсар әв тапмаз* 'йўлдан адашганда, уй топилмас' (ТТ I, 8); *киши сөзләсәр сав алқынур* 'киши беҳуда сўзласа сўздан путур кетади' (ТТ I, 8) каби.

Пайт эргаш гапнинг кесими шарт феъли билан ифодаланади. Бунда эргаш гапда шарт маъно оттенкаси сақланади: *бир киши йаңылсар, уғышы будуны бәтүкинә тәги кыдмаз әрмиш* 'бирор одам адашганда, уни (тутиб) ўз қавмига юбормас эди' (КТм., 28); *мунтаг тисәрмән өтрү ол йәкләр мана ынча тидиләр* 'шундай дегандан сўнг ўша арвоҳлар менга қуйидагиларни айтишдилар' (Сувр., 155); *тағдын йынаққа көрсәрмән, төртә эрклиг қан олурур* 'тоғдан атрофга қараганда, тўрида Эрклик хон ўтирар' (Сувр., 156); *қачон бодиствнин әтезин башы бирмиш йир орунқа тәгдиләр эрсәр* 'қачон бўдисатванинг бутун вужуди берилган ерга етганда' (Сувр., 625); *сув тамыры қурысар йаш йавышғу қурыйур* 'сув қуриганда' яшил барглар қурийди' (ТТ I, 9) каби.

Истак, мақсад, хоҳиш маъноларини англатади: *үчәгу бирлә кна өлсәр биз* '(қани энди) учовимиз бирга ўлсак?' (Сувр., 620); *бу туста тириг әсән қавышсар, өлсәр мәнин өтөзу* '(қани энди) бу тусда тирик омон-эсон бирга бўлсам



www.ziyouz.com kutubxonasi

мен ўзим ўлсам' (Сувр., 623), *азқына кичиги ә әмгәкин бгсәрмән* 'озгина кичкина мушкулига ярасам' [UIII, 31; 11] каби.

Ўрхун-енисей текстларида *-сәр, -сар, -са, -сә* билан ифодаланган шарт эргаш гапнинг кесими бошида ўрни билан *нәң* (Тон., 64), *нәң, нaң* (КТм., 28) каби олмошлар қўлланади. Сўнгроқ *қачон, бирўр, бироқ* кабилар қўллана бошлаган.

Шарт формаси *әр* феълига қўшилиб *әрсәр* элементини ясайди ва бу *әрсәр* бир қатор функцияларга эга: истак, зарурлик каби модал оттенкаларни беришда, эргаш гап билан (кўпинча сабаб англатувчи, тўсиқсиз эргаш гап билан) бош гапни боғловчи элемент сифатида қўлланади.

*кәлир әрсәр, кў әр ўкўлўр, кәлмәз әрсәр тылығ савығ алы олур* '(борди-ю) келса, ботир эр кўпайди, келмаса, турли хабарларни тўпла' (Тон., 63); *Суйда бару сақынчым сӧзин қылычын он тўрлўг суй йазуқ қылтымыз әрсәр, ничә икид игдәдимиз әрсәр, йәмә нәчә игдәйў антықдымыз әрсәр икид киши тонуқы болтумуз әрсәр, йәмә йазуксуз кишиг нәчә сӧзләдимиз әрсәр кӧнўлин билигин артатдымыз әрсәр, йәмә нәчә ўкўш тынлығығ туралығығ ӧлўрдўмўз әрсәр, кўн ай тәнри тапламаз исиг нәчә ишләдимиз әрсәр, йәмә илки ӧзўн бу ӧзун узун тонлуғ урылар ӧз болуп нәчә йазынтымыз йаңылтымыз әрсәр; тәнрим эмти бу он тўрлўг йазуғда босуну ӧтўнўр биз* 'Гумроҳликда юриб сўзимиз ва қилмишимиз билан ўн турли гуноҳ, қанча сохта ҳаракатлар қилган, яна неча ёлғон қасамлар ичган, сохта кишилар (манфаати) учун гувоҳлик берган, яна қанчалаб гуноҳсиз кишиларни таъқиб қилган, яна қанча ёлғон сўзларни ишлатиб, уйдирма ва миш-мишлар тарқатиб кўплаб кишиларни камситган, дилини ва эътиқодини бузган, нечалаб макрона ишлар қилган ва яна кўплаб жонли жониворларни жонсиз қилган, қуёш ва ой тангрига хуш келмас ишларни қанчалаб қилган, яна қўли баланд (узун) бу давр аёлларига вужудимизни топшириб қўйиб, неча адашган ва гуноҳлар қилган, бунча кўп нафасликларни йўқ қилган бўлсак, эй тангрим энди бу ўн турлиг гуноҳларимиз учун тавба қилиб кечирим сўраймиз, ўтинамиз' (Хуаст., 117).

***Бол*** феъли шарт аффиксини қабул қилган феъллар билан келиб ҳар хил модал оттенкаларини кўрсатади: *ўр оғул кӧсәсәр, болтун әд тавар тиләсәр, болтун таптин* 'ботир ўғил тилар бўлдинг, молу мулк тилар бўлдинг, топдинг' (ТТ I, 7).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФЕЪЛНИНГ АНИҚ МАЙЛИ

Ёдномаларда қуйидаги формалар феълнинг ҳозирги, ҳозирги-келаси ва ўтган замон шаклларини ташкил қилади: 1.*-ур, -ўр, -ар, -әр, -ыр, -ир, -йур, -йўр*, 2. *-ғалыр, -гәлир, -қалыр, -кәлир*, 3. *-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи;* 4. *-чы, -чи*; 5. *-ғай, -гәй; -қай, -кәй*, 6. *-ғу, -гў, -ку, -кў;* 7. *-ғулуқ, -гўлўк, -гўлўг, -қулуқ, -кўлўк;* 8. *-турур;* 9. *-мыш әргәй;* 10. *-ти әргәй;* 11. *-сун, -сўн, -зун, -зўн, -әйин, -йин+әрти;* 12. *-д, -т;* 13. *-д, -т әрти;* 14. *-йуқ, -йўк, -йуғ, -йўг;* 15. *-йуқ, -йўқ, -йуғ, -йўг+әрти;* 16. *-дуқ, -дўк, -дуғ, -дўг, -дық, -дик, -дығ, -диг;* 17. *-дуқ, -дўк, -дуғ, -дўг, -дық, -дик, -дығ, -диг, -туқ, -тўг, -туғ, -туг, -тық, -тик, -тығ, -тиг әрди;* 18. *-мыш, -миш, -муш, -мўш;* 19. *-мыш, -миш әрди;* 20. *-мыш, миш әрмиш;* 21. *-ур, -ўр, -ыр, -ир, -ар, -әр, -йур, -йўр әрти;* 22. *-ғай, -қай, -кәй, -гәй әрти;* 23. *-ур, ўр, -ар, -әр, -ыр, -ир, -йур, -йўр әрмиш;* 24. *-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи әрди;* 25. *-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи әрмиш; -д, -т әрмиш* каби.

### ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН

***-ур, -ўр, -ар, -әр, -ыр, -ир, -йур, -йўр.*** Бу замон формаси феъл ўзак-негизларига ***-ур, -ўр, -ар, -әр, -ыр, -ир, -йур, -йўр*** шакллари ва шахс аффиксларини қўшиш орқали пайдо бўлади:

**бирлик**

| | |
|---|---|
| I ш. *қазғанур мән* (баъзан *қазғанур бән*) | *ӧтўнўрмән* |
| II ш. *қазғанур сән* | *ӧтўнўр сән* |
| III ш. *қазғанур* (баъзан *қазғанур ол*) | *ӧтўнўр* (баъзан *ӧтўнўр ол*) |

**кўплик**

| | |
|---|---|
| I ш. *қазғанур биз* | *ӧтўнўр биз* |
| II ш. *қазғанур сиз* (баъзан *қазғанур сизләр*) | *ӧтўнўр сиз* (баъзан *ӧтўнўр-сизләр*) |
| III ш. *қазғанур* (*қазғанурлар*) | *ӧтўнўр* (*ӧтўнўрләр*) |

Мисоллар: I шахс *қазғанур мән* (КТб., 29); *барырман* (ГКн., 83); *йәйўрмән* (ТТ X, 277); *тиләйўрмән* (Сувр., 83); *ишләйўр биз* (Хуаст., 119); *сӧзләйўр биз* (Хуаст., 119); *тәкинўр биз* (ТТ IX, 9) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**II шахс:** *усарсән* (Сувр., 155); *йалтрыйур сән* (Т Т IX, 11); *билирсиз* (КТб., 31); *қачарсизләр* (Сувр., 154) каби.

**III шахс:** *кӧрӱр* (КТм., 27); *олурур ол* (Гкн., 84); *ӱкӱлӱр* (Тон., 63); *қабышыр* (Тон., 61); *барырлар* (ТТ Х, 552); *тӱшәр* (Сувр., 618); *сӧзләшәрләр* (Сувр., 155) каби.

***-ур, -ӱр*** **формаси иш-ҳаракатнинг нутқ моментидан сўнг бажарилишини билдиради:** *йоққышалым! — тир мән* 'йўқотайлик деяман!' (Тон., 61); *алқу қа қадаш оғул қыз әд тавар барча мунта қалып мән адырылип адын ажунқа барыр мн* (U III, 3-4); *бәг әр сықылур иш булмадын* 'иш топмасдан бек сиқиляпти' (Т I, 7), *сизләркә йрлықайур мн* 'сизларга буюряпман' (ТТ II, 75) каби.

**Иш-ҳаракатнинг умумий бажарилиши, ҳаракатнинг давом этишининг доимий белгисини билдиради:** *кимкә илиг қазғанур мән? нә қағанқа исиг кӱчиг бирӱрмән* 'ким учун эл олмоқдаман?...Қайси хоқонга куч- ғайратимни бераман?' (КТб, 29); *йарын кәчә әшурмән* 'эрталаб, кечаси қатнайман' (Гкн., 80); *талуйда йатыпан тапладуқымын тутармән сәбдукимин йийур мән* 'денгизда бўлиб менга ёққан (нарсаларни) тутаман, севганимни ейман' (Гкн., 80); *йәк ичкәк әгирӱр йағы йавлақ алтайур* (ТТ 1,80); *бу йердә мунлуғун интуру басынтуру йоры йурсызлар* (Ман. III, 30); *бу борлуқнын сычысы ӧндӱни Қара Тәмирнинг борлуқ адырар, кӧдӱни йынақ сычысы окән адырар, кидин йынақ сычысы ӧкән ӧк адырар, тағтын сычысы* Сурықа тәмиш борлық адырар (Юр., XIII, 210) каби.

***-ур, -ӱр*** **формаси иш-ҳаракатнинг нутқ моментида бажарилишини кўрсатади:** *ағыр айамақын әсәнгӱләйӱ ӧкӱш кӧнгӱл айыту ыдур биз* 'зўр эҳтиром билан ҳаётидан сўраб, бутун кўнгил билан тилаймиз (Ht VII—182 б.).

**Иш-ҳаракатнинг келажакда бажарилишини билдиради:** *Ил — Тәмиртин бир кӱри кӱнжит алтым кӱз ики кӱри кӱнжит бирӱр мән* (Юр., VII, 208); *кӱз йанида ики бадыр кӱнжид кӧни бирӱрмән бирмәдин кәчӱрсәр мән ил йанынча тӱши бирлә кони бирӱрмән* (Юр., XXVII, 215) *ан кичиги Мғастви тигин тақы тапышу тәгинмәз тиләйӱ тәгинӱрләр* (Сувр., 623); *мн адрылып адын ажунқа барыр мн* (U III, 6;4) каби.

**Ўтмишда бўлган иш-ҳаракатни ҳикоя қилишда қўлланиши мумкин:** *антағ ачығ тарқа әмгәкләринтин озқалы қутрулқалы умағай сәнтиг мунылайу сӧзләшәрләр* (Сувр., 155); *бирисин қабып илтӱр болур* (Сувр., 627).

***әрки*** сўзи билан қўлланиб, модаллик оттенкасига эга бўлади: *булу тәгинӱр әрки* 'балки етар' (U III, 76: 1) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-қалыр, -кәлир, -ғалыр, -гәлир.* Бу аффикс орқали ҳозирги-келаси замон феъли ҳосил қилиниб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради.

*-қалыр, -кәлир, -ғалыр, -гәлир* шакллари ёрдамида ташкил топган ҳозирги-келаси замон феъли камроқ истеъмолда бўлиб, воқеа-ҳодисанинг умуман (умум замон) аниқ ҳозирги замонда ёки келажакда бажарилишини билдиради:

*Йа қуруп от атқалыр,*
*Йалынг қылыч тутуп оқ ўзкәлир,*
*Тыт сӧгўт будықы йўз тўрлўгин титрийўр,*
*Артуч сӧгўт будықы йўз тўрлўгўн ырғалур,*
*бәрклиг йәк ичкәкләр ил тутқалыр.*
*босуч қатғу пг ағрығлар орнағ тутқалыр*
*бәгтин ишитин кәрсәрсн сувқа киркәлирсн*
*илтин қантын кәрсәрсн алқамаққа тўшкәлир сн*

'Ёй қурибоқ отади.
Яланг қилич тутибоқ узади,
Тилоғоч бутоқи минг марта титрайди,
Совур арча бутоқи юз марта қайрилади, титрайди.
Берк руҳлар (демон) элни қўлда тутади,
Қайғу-алам, оғриғ касал (бир) ўриндан силжитмайди.
Бек ва бекач ҳақида сўрасанг, шуҳрат қозонасан,
Эл ва хон ҳақида сўрасанг мақтовга сазовор бўласан'
(ТТ I, 162-171).

*-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи.* Бу сифатдош шакллари шахс аффикслари билан қўшилиб келаси замон феъли ясайди:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I ш. | *қалтачы мән, кәлтәчимән* | *қалтачы, кәлтәчи биз* |
| II ш. | *қалтачы сән, кәлтәчисән* | *қалтачысиз, кәлтәчи сиз* |
| III ш. | *қалтачы* (ол, турур) *кәлтәчи* (ол, турур) | *қалтачы* (*лар*,) *кәлтәчи* (*лар*) |

Мисоллар: *киртәчи сән* (МН., 19); *болтачисән* (МН., 19); *ӧлўртәчи* (Тон., 61); *қамылтачы ол* (U III); *қалтачы биз* (Тон., Хуаст., 119); *йаңылтачысыз* (КТм., Мел., 63); *илинтўртӧчиләр* (ТТ VII, 11) каби.

*-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи* шакллари айрим ўринларда эгалик аффикси билан туташиб келаси замон феъли ҳосил қилади: сән қуруғ қалтачың 'сен қуруқ қоласан' (USp., 24).

Мазкур форманинг бўлишсизлик маъноси асосан *-ма*, баъзан *йоқ* сўзи билан ифода этилади: уйатмадачылар (ТТ



www.ziyouz.com kutubxonasi

VIII, 44); *ол йәкнин ӱстӱн тңри алтын йалнуқта ким әрсәр кучин тыдтачы йоқ* 'осмондаги тангри, ердаги инсон ичида ҳеч ким йўқки, руҳнинг кучини ушлагани' (ТТ X 1,57).

Бу форма иш-ҳаракатнинг келажакда бажарилиши ёки ҳаракатнинг нутқ моментидан кейин аниқ бажарилишини билдиради. Руник обидаларида кўпинча шарт эргаш гапли қўшма гапдаги асосий ҳаракатнинг кесими бўлиб келади: *Ол йиргәрӱ барсар, тӱрк будун, ӧлтәчисән' ӧтӱкән йир олурып, арқыш тиркиш ысар, нән бунуғ йоқ, ӧтӱкән йыш олурсар, бәнгу ил тута олуртачы — сән тӱрк будун тоқ* ўша ерга борсанг турк халқи ўласан. Ўтикан ерда бўлиб (совға учун), карвон юборасан, ҳеч бир ғаминг йўқ, ўтикан халқи орасида қолсанг, мангу эл ратиб қоласан (КТм., 28); *ол әки киши бар әрсәр, сини Табғачығ ӧлӱртәчи, тирмән, онрә Қытанығ олӱртәчи тирмән, бини оғузуғ ӧлӱртәчи ӧк тирмән* 'агар кишн бўлса, сени Табғочни ўлдиради, дейман. Олдида қитангни ўлдиради — дейман. Мени ўғузни, албатта, ўлдиради,—дейман' [Тон., 61]; *анча сақынтым, кӧздә йаш кәлсәр, әтидә кӧнӱлтә сығыт кәлсәр, йантуру сақынтым, қатығды сақынтым: әки шад улайу инийигӱним оғланым бәгләрим будуным кӧзи қашы йаблақ болтачы тип, сақынтым* 'кўп ўйладим, кўзда ёш келса, вужудида йиғи-сиғи келса, яна қайта ўйладим, чуқур хаёлга чулғади. Икки шод ва иним, ўғлим, бекларим, халқимнинг кўзи-қоши ёмон бўлади деб ўйладим' (КТб., 33);

***-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи*** формаси келаси замон маъносида қўлланади: *бӧдкә кӧримә бәгләр гу йаңылтачысиз* 'будга (тахтга) кирган беклар ахир хато қиласиз' (КТм., 28); *ӧнрә қытанда, бәрийә Табғачда қуруйа қурданта, йырайа оғузда, әки ӱч бин сӱмӱз кәлтәчи биз* 'ўнга (шарққа) Қитангга, жанубга, Табғочга, ғарбга, қурданга, шимолга ўғузга, икки уч минг аскаримиз билан келамиз' (Тор., 62).

*Қәйрәдә ӧндин йантачы* 'Қайрадан қайтаман' (ПМК., 34); *улуғ ағыр йӱк тәг тӱшдәчи қамылтачы ол* 'катта оғир юкдек тушади' (ТТ III, 18): *мәнгу орунқа тәгӱрдәчи* 'мангу ўринга олиб боради' [U III, 11,5] каби.

Иш-ҳаракатнинг доимий, турғун белгиларини англатади: *номы уч йавлақ йолта тӱшмиш тынлығларығ ӧрӱ тартып низванилағ йағыдын оз ғурдачы ол* 'Бурхон китобининг (илмининг) қиймати шундаки, уч ёмон йўлга тушган жонликларни юқори кўтариб (қутқариб) Низвони ёвдан қутқаради' [U III, 18; 31-32]; *илиг бәг кӧнӱли ӱкӱш саваг бил-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*тәчи ол* 'Илиг бек кўнгли кўп сўзни билади' [ТТ X, 498] каби.

Эҳтимол, модал маъно оттенкалари *кўк* юкламаси орқали берилади: *айгучысы билгә әрмиш, қач нән әрсәр бл ўртәчи кўк* 'маслаҳатчиси билимли экан, нима бўлса ҳам ғолиб чиқади, шекилли' (Тон., 62); *қач нән әрсәр бизни ӧлўртәчи кўк* 'нима бўлса ҳам бизни ўлдиради шекилли' [Тон.. 63].

***-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи*** формаси ***бол-*** билан келади: бу *қамғ тўрк будун тиринә йазуқ қылтачы болғайлар* 'бу ҳамма турк халқи тангрига гуноҳ қилувчи бўладилар' [ТТ II, 10].

***-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи*** формаси ***әр*** билан келади: *синин ўтўнч ни әригинисни әртәчи әрўрләр* [ТР VIII 69]; *нызваныз ўклиттәчиләр әрўр* (ТТ VIII, 10); *уттачы әрмәзмән* [ТТ VIII, 46] каби.

***-чы, -чи, -мачы, -мәчи.*** Бу шакллар шахс аффикслари билан қўшилиши натижасида ҳозирги-келаси замон феъли ҳосил бўлади. Иш-ҳаракатнинг нутқ моментидан сўнг содир бўлишини билдиради (долженствование оттенкасига эга) *ӧлмәчи йәтмәчи сән* 'қийналасан ўласан (қийналишинг, ўлишинг керак) (ПМК., 36); *бу йолын йорсар, йарамачы* 'бу йўлдан юрсанг ярамайди (Тон., 62); *қачан нән әсўк сӧзләмәчи мән* 'ҳеч қачон ёлғон сўзламайман' (АГ., 116), *ол ада ймә сизләркә тәгмәчи ол* 'бу бало сизларга тегади' (АГ., 116); *булунчы ол* (Ман., III, 11,14) каби.

***-ғай, -қай, -кәй, -гәй.*** Бу форма келаси замон ҳосил қилади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I ш. | *болғай мән, кәлкәй сән* | *болғай биз, келгәй биз* |
| II ш. | *болғайсән, кәлгәй сән* | *болғайсиз, келгәй сиз* |
| III ш. | *болғай (ол), кәлгәй (ол)* | *болғай(лар), кәлгәй(ләр)* |

Бўлишсизлик формаси ***-ма, -мә*** орқали ҳосил қилинади: *болмағай, кәлмәгәй.* Сўроқ юкламаси шахс аффиксидан сўнг ёки олдин келади: *йорықай мун мән* (Юр., I, 202) каби. Учинчи шахс бирлик учун ўрни билан ***ол*** қўлланади: *ӧлгәй ол* (Гкн. 81); *кәткәй ол* (ТТ V, 62) каби.

Бу форма иш-ҳаракатнинг келажакда бажарилишини билдиради. Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг маълум бир моментда содир бўлишини кўрсатмасдан, ҳаракат умуман келажакда рўй беришини англатади. *Мунтада кәзиринч тынлығ болғай му* 'бундан бошқа тубан жонлик бўладими?'



www.ziyouz.com kutubxonasi

(Сувр., 616); *нәгўдә болғай ол* 'қандай қилсин' (Гкн., 82); *бәглик йарағай* (Гкн., 80); *ада әртгәй әдгў кәлгәй* 'адоват ўтади, яхшилик келади' (ТТ I, 9); *аны ўчўн тәнри йирин бўлғайбиз* 'шунинг учун тангри ерини топамиз' (ТТ II, 17); *сиз мини йарлықағай номқа тутғай дындор қылғайсиз* (ТТ II, 39-40); *қанйуда йығышақларғ сартларғ булсар алқуны ӧлўргәй бир тириг ыдмағайлар* (ТТ II, 15-16) каби.

Мазкур формада келган феълнинг семантикаси ва гапнинг контекстига қараб *-ғай, -қай* гумон, тахмин, тилак, мақсад, истак, хоҳиш каби маъноларни англатиши мумкин (Сувр., 620, ПВ., 135; Сувр., 529-30 каби).

Бу давр тилида *-ғай, -қай, -кәй, -гәй* модал маъно оттенкаларини англатиб келмаган. Модал мазмуни **әринч, әрки** каби сўзлар орқали берилган: *қодғай әрки* 'қўяр шекилли' (ТТ X, 259); *булғай әрки биз* (Сувр., 609); *қайу тапағ болғай әрки* [U IV, 77]; *әдгў ном тынлағалыбулғай әрки мән* (U III, 29; 4-5); *ол әрдин бизнә ада туда кәлгәй әрки* [U III, 56; 2-3], *кәнтў билингәй әринч* (КР., 10) каби.

Баъзи ўринда *-ғай, -қай, -кәй, -гәй* шакллари *-ға, -қа, -кә, -гә* кўринишига эга. Буларнинг қайси бири энг қадимги форма деган саволга ҳозирги олимлар орасида бир фикр мавжуд бўлмай, баъзилар даставвал *-ғай, -қай* шакллари бўлиб, булардан *-ға, -қа* пайдо бўлган деб гумон қилишади. Бизнингча бу икки кўриниш қадимги вақтдаги диалектал хусусият билан изоҳланади. Мазкур формалар руник обидалар тилида учрамайди.

***-ғу, -гў, -ку, -кў.*** Бу сифатдош формаси эгалик аффикслари билан тусланиб келаси замон феълини ҳосил қилади. Бўлишсизлик формаси *-ма, -мә* шакллари ва инкор билдирувчи ***йоқ*** сўзи ёрдамида ифодаланади: *қылмақу* (ТТ IV, 18); *барғусы йоқ* (ТТ X, 465) каби.

Текширилган ёдномалар тилида асосан учинчи шахсда қўлланади.

Иш-ҳаракатнинг келажакда бажарилишини билдиради: *мәнин кӧнўлўм йўрәким синтәдә әни кирип барғусы йоқ* 'менинг юрагим, кўнглим сендан ўзгани истамайди' (ТТ X, 465-66) каби.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиши кераклигини, лозимлигини англатади. *Торушта тўдўштә санланғу ол әд йол тиләмәктә ышаеғу ол* 'уруш-жанжалдан сақланиш керак, бойлик, бахт орттиришдан эҳтиётлик керак' (ТТ X, 15).

***-ғулуқ, -гўлўк, -гулук, -қулуқ, -кўлўк.*** Бу сифатдош формаси предикатив функциясида, асосан III шахсда келади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазкур функцияда қўлланиши (эс ки) ўрхун-енисей обидалар тилида қайд этилмаган.

*-ғулуқ, -гўлўк* уйғур, брахми, манихей обидалар тилида кенг истеъмолда бўлган. У иш-ҳаракатнинг бажарилиши кераклигини, лозимлигини, истак, мақсадни англатиб келади:

*кӧнўл ичинтә от кирди*
*қадғу бар бошунғулуғ* —
'кўнгил ичига ўт кирди,
қайғу бор (ундан албатта) қутулиш керак' (ТТ I, 7),

*аш ичкў йоқ ким бу оланурмыш ачбасрығ тигўргўлўк* 'озиқ-овқат йўқки, бу ўлаётган оч барсни тирилтиришга' (Сувр., 610); қаранг: (Сувр., 615, 616, 614, 154, 611, 627 каби); *бу толп сансар ичиьтәки тынғларығ нәчә әмгәкгўлўк толғатғулуқ* бу Сансар ичидаги жониворларни қандай қийнамоқ, тўлғатмоқ керак (бўлади)' (ТТ II, 16) каби.

Ўрни билан III шахс предикатив кўрсаткичи *ол* билан қўшилиб келади: *кузәтгўлўк ол* 'кузатиш керак (бўлади)' (ТТ VIII, 7); *әшигўлўк ол* 'эшитиш керак (бўлади)' (ТТ VIII, 15; яна қаранг: ТТ VIII, 23, 39, 42, 43 каби).

Баъзан бўлишсизлик маъносида *әрмәз* билан қўлланади: *алғулуқум әрмәз* 'ола билмайман' [U III, 59,4]; *айығ қлынчларығ қылғулуқ әрмәз* 'ёмон ишларни қилиш керак эмас' (ТТ VIII, 25); *ада туда тәгўргәли уғулуқ әрмәзләр* (U IV, 259); *нән алынларқа тайаныл оз йигиткўлўк әрмәз* (ТТ VIII, 39, яна қаранг: ТТ VIII, 25, 39, 35, 18 каби).

*турур*. Ёдномаларда *турур* отларга қўшилиб келиб предикатив қўшимча сифатида қўлланади: *ай қызым мини бирлә бир оғушлуғ турур сән* 'эй қизим мен билан бир уруғдансан' (ТТ X, 472); *Таштын бир антағ сав турур* 'ташқарида шундай бир гап -сўз бор' (Сувр., 622); *пусусы әмгәки ўкўш турур* 'қайғу-ғами кўпдир' (Сувр., 623); *ағыр турур* 'оғирдир' (ПВ., 135); *мунчулайу сав турур* 'шундай сўз мавжуддир' (Сувр., 154); *қутрулғум йоқ турур* 'қутулиш иложим йўқдир' (Сувр., 155); *икки әмикләри итиглиғ йаратығлығ турур* (ТТ X, 446); *қоп оғрын илиг бәгнин йарлығын тынлағалы ануқ турур* 'биз ҳар доим Илиг бекнинг буйруғини тинглагали тайёрмиз' [U III, 28; 14; яна қаранг: ТТ I, 8, U III, 43; 11] каби.

*-матын, -мәтин* равишдоши билан келиб ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиш пайтини кўрсатади: *бир қары ӧкўзўг билин бичә қомурсға йимиш қамшайу уматын турур* 'бир қари ҳўкизни майда чумолилар талаб егани учун юра олмаяпти' (Гкн., 82); *ики ӧкўзўг бир боқарсықа кәлмиш қамшайу уматын турур* 'икки ҳўкиз бир арқонга боғлангани



www.ziyouz.com kutubxonasi

учун юра олмаяпти' [Гкн., 82]; *йылқы йэмэ кӧтӳрӳ турур* 'йилқи (от) ҳам кӯтара олмаяпти [ПВ., 135].

***-ып, -ип*** равишдоши билан қӯлланиб, ҳозирги замон давом маъносини англатади: *йана бир қул алқалы мини билэн кэнилэшип турур* 'яна бир қул олиш мақсадида мен билан маслаҳатлашмоқда' [Юр., I, 203]; *тэкип турур* 'тегмоқда' [ТТ IX, 16] каби.

Баъзан ***-гэли, -ғалы*** равишдоши билан келади: *муна эмти балық ичинэ киргэли турур* 'энди шаҳар ичига кирмоқчидир' (ТТ X, 12) *ӧлгэли турур* 'ӯлмоқчидир' (Сувр., 610).

***-у, -ӳ, -а, -э, йу, -йӳ*** равишдоши билан қӯлланади: *этезӳм ӧк кӧзунӳ турур* 'вужудим кӯринмоқда' (ТТ X, 462); *босуш қадғу бэлгӳси энирэ турур* 'қайғу-алам белгисини изламоқда' (ТТ I, 10); *барча йаңқыра турур* 'барча (нарса) янграмоқда' (U II, 24); *ӧтэкларин адырлайу турурлар* 'гуноҳлари билан бир-биридан фарқланмоқда' (Сувр , 156); *сини кӳтэ турурлар* 'сени кутмоқдалар' (Сувр., 155); *қашы қапақы кӧзӳнӳ турур* 'қош-қовоғи кӯринмоқда' (ТТ X,437); *аллығ чэвишлик кишилэр алтайу турур* 'мунофиқ, фирибгар кишилар алданмоқда' (ТТ I, 7); *йыты йыпары бура турур* 'ҳиди бурқимоқда' (ТТ I, 15) каби.

***турур*** эски ёдномаларда ***-йур*** сифатдоши билан ҳам қӯлланиб келади: *йарғун кийикмэн йайлағ тағыма ағыпан йайлайур турур мэн* (Гкн., 64). Бу ҳолат бошқа шахслар учун ҳам қадимда характерли бӯлиши тахмин қилинади.

* * *

Текширилаётган давр тилида яна бир қатор замон формалари мавжудки, буларни санаб ӯтишга тӯғри келади:

Ӯтган замон ***-п эр*** феъли: *айығ қылычымны кэнту ӧкӳнӳп эрти* 'ёмон ишларим ҳақида ӯзим пушаймон қилган эдим' (Сувр., 155).

***-мыш***: *Азу бизин эмрэк ӧкӳмӳмӳз эн кичиги Мғаствиғ ычқынмыш эртэй му биз* (Сувр., 622).

***-д, -ти эр***: *йэклэр тэгирмилэйӳ авлап илтилэр эргэй* (U IV, 232).

***-сун, -сӳн, -зун, зӳн, -эйин, -йин*** (истак майли аффикслари ***-эр***). Бу конструкция ҳақида В. В. Радлов алоҳида тӯхталиб, унинг эски ёдномалар тилида оптатив (истак), бажариб бӯлмайдиган истак маъносини билдирганини қайд қилади:[1] *йарылсун эрти* 'ёрилса эди, лекин ёрилмади', *кирэйин эрти* 'кирсам бӯлар эди, лекин кира олмадим'.

[1] W. Radloff. Alttürkische Studien II, SPb., 1896, S. 222.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Уйғур, брахми ёзувларида мазкур конструкцияни учратамиз: *кӧрмәйин әрти муны тәг улуғ ачығ әмгәкиг* (Сувр. 62ɔ); *йир йарылзун әрти, йиркә кирәйин әрти* (U I, 37), *амрақлартын адырылғулуқ, әмгәк болмазун әрти* (Сувр., 609) каби.

## ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛЛАРИ

***-д, -т***[2]. Бу форма эгалик аффиксларининг қўшилиши билан ҳосил қилинади.

### Бирлик

I ш. ***-сым, -дим, -тым, -тим, -дум, -дӯм, -тум, тӯм, -дым, -дәм, -там, -тәм.***
II ш. ***-дың, -диң, -тың, -тиң, -дуң, -дӯң, -туң, -тӯң.***
III ш. ***-ды, -ди, -ты, -ти.***

### Кўплик

I ш. ***-дымыз, -димиз, -тымыз, -тимиз, -дамаз, -дәмәз, -тамаз, -тәмәз, -тымаз, -дымаз.***
II ш. ***-дыңыз(лар), -диңиз(лар), -тыңыз(лар), -тиңиз(лар), -тығыз(лар).***
III ш. ***-ды, -ты, -дылар, -тылар, -диләр (тиләр).***
Мисоллар:

### Бирлик

I шахс *тоқыдым* (МН., 17); *тутдым* (МН., 18); *йағыладым* (ЕнПТ., 81); *йорыдым* (МН., 17); *йорытдым* (Тон., 63); *ашдым* (Тон., 63); *йайладым* (МК, 36); *йақаладым* (ПМК., 36); *анчуладым* (ПМК., 36); *қобратдым* (КТм., 28); *санчдым* (ПМК., 36); *йаратытдым* (ПМК., 36); *йаратдым* (МН., 19); *азыдым* (ЕнПТ., 81); *қысдым* (Тон., 61); *йандым* (МН., 17); *йолуқдым* (ПМК., 35); *адырындым* (ЕнПТ., 63); *тапдым* (ЕнПТ., 21)); *табдым* (ЕнПТ., 21): *сӯләдим* (МН., 18); *тидим* (ПМК., 35); *итдим* (МН., 16); *битидим* (КТм., 28); *сақынтым* (КТб., 33): *адырылдым* (ЕнПТ., 79);

---

[2] П. М. Мелиоранский Араб-филолог о турецком языке. А. Н. Кононов, Происхождение прошедшего категорического времени в тюркских языках, „Тюркологический сборник," 1, М.—Л., 1951, стр. 112-119. Н. А. Баскаков, Причастие на *-ды* (*-ты*) в тюркских языках, Труды Московского ин-та вос-ня, № 6, 1951, стр. 205-217. Б. О. Орузбоева, Формы прошедшего времени в киргизском языке. Г. И. Рамстедт, Введение в алтайское языкознание.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ағылтым* (ПМК., 64); *олуртым* (МН., 18); *бантым* (ЕнПТ., 17); *йонтым* (ЕнПТ., 19); *ылтым* (ЕнПТ., 39, 51, 80), *қатылтым* (ПМК., 35); *бәдизтим* (КТм., 28); *йүкүнтүртим* (МН., 19); *өлүртим* (ЕнПТ., 17); *сәчилинтим* (ПМК., 68); *тирилтим* (ПМК., 36); *киртим* (ЕнПТ., 57); *сөкүртим* (МН., 19); *сүләтим* (Онг., II, 9); *болтум* (ПМК., 72); *ағтуртум* (Тон., 62); *өлүрдүм* (ЕнПТ., 33); *кәлүртүм* (ЕнПТ., 57); *тәгүртүм* (Тон., 62).

**II шахс**: *бәртиң* (Онг., II, 9); *өлтиң йәтдиң* (ПМК., 36); *үркиттиң* (Гкн., 81), *йигәдтиң бәдутүң* (TT I, 7); *йүгүрдүң* (U III, 31,8).

**III шахс**: *йорыды* (Гкн., 84); *йағды* (Гкн., 84); *турды* (Гкн., 81); *қылычлады*, *санчды* (КТб., 32); *учды* (ПМК., 35); *қысды* (Онг., II, 8); *бишди* (Гкн., 84); *үнди* (Гкн., 81); *ичикди* (МН., 18); *тәди* (ЕнПТ., 84); *боғузланты* (Тон., 62); *қалты* (Гкн., 83); *азты* (Гкн., 81): *йүзти* (МН., 17); *өлүрти* (МН., 18); *бирти* (ПМК., 35) каби.

## Кўплик

**I шахс**: *басдымыз* (КТб., 32); *ташықдымыз* (КТб., 33); *буздымыз* (КТб., 31); *ачдымыз* (Тон., 63); *алқадымыз* (КТб., 53); *бадымыз* (Хуаст., 119); *сүләдимиз* (Тон., 64); *әртүртимиз* (КТб., 33); *адырылтымыз* (ПМК., 45); *йаңылтымыз* (Хусат., 120); *түшүртимиз* (Тон., 62); *болтумуз* (Хуаст., 117); *өлүртүмиз* (Хуаст., 32); *йүкүнтүмүз* (Хуаст., 117); *удунтумуз* (Хуаст., 117).

**II шахс**: *бардыңыз* (Онг., II, 9); *адырылдыңыз* (ЕнПТ., 48); *йоғладыңыз* (ЕнПТ., 77); *түшүртиңиз* (ЕнПТ., 55); *кәлтиңгизләр* (U III, 9,4) каби.

**III шахс**: *кәлти* (КТб., 33) каби.

## БЎЛИШСИЗЛИК ФОРМАДА

**I шахс**: *қылмадым* (ПМК., 36); *йүлмадым* (ПМК., 35); *олурмадым* (КТб. 31); *удымадым* (КТб., 31); *бөкмәдим* (ПМК., ЕнПТ); *өлүрмәдим* (ЕнПТ., 33); *тәгмәдим* (КТм., 27); *көрмәдим* (ЕнПТ., 84); *билинмәдим* (ЕнПТ., 64) каби.

**II шахс**: *қылмадың*, *алмадың* (ЕнПТ., 53) каби.

**III шахс**: *қалмады* (Тон., 61); *сымады* (КТм., 28); *бирмәди* (КТб., 33); *тапламады* (МН., 17); *қалматы* (ПМК., 35); *олурматы* (Тон., 64); *сақынматы* (КТб., 29) каби.

**I шахс**: *бармадымыз* (Хуаст., 119); *бүтмәдимиз* (ЕнПТ., 150); *қорқмадымыз* (Тон., 63) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

II шахс: *кәлмәдиниз* (ЕнПТ., 59); *номлатыныз* (ТТ III,13).

III шахс: *кӧрмәди, ичикмәди* (ПМК.,); *қалматы* (ПМК.); *сымады* (ЕнПТ., ПМК.) каби.

I шахс: *бармадымыз* (Хуаст., 119); *қорқмадымыз* (Тон., 63).

II шахс: *кәлмәдиниз* (ЕнПТ., 59); *бўтмәдиниз* (ЕнПТ.,150).

III шахс: *кӧрмәди* (ЕнПТ., ПМК.)

Ёдномаларда айрим ўринларда эга билан кесим ўртасидаги мослашув ўзига хос характерга эга: *буным йоқ әрдим* 'ғамим йўқ эди' (ЕнПТ., 26), қиёсланг: *кәнтў будуным әрти* (КТб., 32) *биз әки сў болты* 'биз икки қўшин бўлдик' (Тон., 62); қиёсланг: *ӧзўм қары болтым* (Тон., 64) каби.

Ўтган замон *-д, -т* феъли иш-ҳаракатнинг ўтмишда бажарилганлиги, унинг содир бўлишида сўзловчи иштирок этганлиги, ўзи қатнашганлиги, иш-ҳаракатнинг аниқ бажарилганлигини билдиради: *ол суб қоды бардымыз* 'ўша сув бўйига бордик' (Тон., 62); *Алтун әлиг кәшиг бәлимтә бантым* 'олтиндан белбоғ белимга боғладим' (ЕнПТ., 17); *әки ай кўтдим кәлмәди* 'икки ой кутдим келмади' (ПМК., 35); *йўрўн булыт ӧнўп йағмур йағды* 'оқ булут пайдо бўлиб ёмғир ёғди' (ТТ I, 7); *қылынч тўшин уқыттыныз* (ёмон) ишнинг натижасини тушунтирдинг' (ТТ III, 11) каби.

Иш-ҳаракатнинг ўтмишда бажарилганлигини ҳикоя қилиш, айтиб беришда қўлланади: *қамуқ балыққа тәгдим қунладым, алтым суси кәлти* 'ҳамма шаҳарларга ҳужум қилдим, асир олдим, аскари келди '(Онг. II., 9);...*тоқытдым йығдым басдым йайдым* 'енгдим, йиқитдим, босдим; *ҳақаны қырқыз будуны ичикди, йўкўнти, йантымыз* 'уришдик, санчдик, ғолиб чиқдим' (Онг II, 9); *сўнўшдимиз, санчдымыз қанын олуртимиз. Хақанқа қырқыз будуны ичикди йўкўнти, йантымыз* 'уришдик, санчдик, хоқонини ўлдирдик. Хоқонга қирғиз халқи таслим бўлди, қайтдик' (Тон., 63) каби.

Ўтмишда реал рўй бермаган иш-ҳаракатни англатишда қўлланади: *кӧк тәнридә болтум* 'кўк тангрида бўлдим' (ПМК., 72).

*-д, -т* формаси *әрки* сўзи билан қўлланиб иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги модал маъно оттенкаларини билдиради: *мән кәргәк әрдим әрки* 'мен керак эдим шекилли' (U III, 70, 26-27) каби.

***-д, -т әрти.*** Феъл ўзак-негизларига *-д, -т* эгалик кўрсаткичлари *-әрти* феълининг қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Мазкур форма ўрхун-енисей обидалар тилида учрамайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Турфон, манихей, уйғур, ёзув тилида қўлланиши қайд этилади ва иш-ҳаракатнинг узоқ ўтмишда содир бўлганини англатада: *Ил қан адына тойын болуп буйан бирзўн узик бош битиг бириб мини алды әрти йандуру сатқалы алмады әрти* (Юр., I, 203); *тўлўмтә мән бигўлўг көртўм әрти бу бәлгўг. Азығ тишим қонрилуп тушут кәлир болты әрти* [Сувр., 627]; *биз қамағун йылқыларнын өнрә йаланук ажунлардақы айыг қылынглар кўчинтә, бу оғурта йылқы ашуныта торсумуз әрти* [Сувр., 154]; *өкўш тәлим тынлығлар булты әрти* [TT III, 21]; *сөзләдим әрти* [U III, 6,11] каби.

Бўлишсизлик маъноси *әрмәз* орқали ҳам ифодаланади: *пусуқа әмгәккә басытып тәбрәнчсиз болтум әрмәз му* (Сувр., 627) каби.

**-йуқ, йўк, -йуг, йўг.** Бу форма ўтган замон феълини ҳосил қилади. Ўтган замон **-йуқ, -йўк** феъли руник ёдномаларда учрамайди. У сўнгги текстлар тилида қўлланган. Унинг парадигмаси қуйидагичадир:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I ш. | *сақынйуқ мән, кәлйўк мән* | *сақынйуқ биз, кәлйўк биз* |
| II ш. | *сақынйуқ сән, кәлйўк сән* | *сақынйуқсыз, кәлйўксиз* |
| III ш. | *сақынйуқ ол, кәлйўк ол* | *сақын йуқ, кәлйўк* |

Мисоллар:

| | | |
|---|---|---|
| I ш. | *тўшәйўк мән* (U III, 54) | *қарыйуқ биз* (U III, 55) |
| II ш. | *сақынйуқ* [U III, 48] | *орғайуқ сиз* [U III, 48] |
| III ш. | *кәсйук ол* [TT X, 277, U III, 64) | *тўкәмәйук* (TT VIII |

Бу феъл формаси маъно томонидан ўтмишда аниқ бажарилган иш-ҳаракатнинг натижаси мавжудлигини билдиради: *бәгимни төрўсин чызығын ид (т) йукмән* 'бегимнинг йўлйўриғини улоқтирдим' [TT III, 85,7]; *тнри тнриси бурхан ймә төрўсўз тоқусуз әмранмақ тәгинмәкиг артуқрақ йирйўк ол* 'тангриларнинг тангриси Бурхон [Будда] ҳам шариатга хилоф бўлган севги ҳисларини қоралаган [U III, 83, 25-6]; *ол оғурда бу мунтағ тўл тўшәйўк* 'ўша вақтда шундай туш кўрдим' [U III, 54, 13-5]; *мәни алтуқ* 'мени олди' (Юр., I, 203); *башымыз дағы қара сачымыз учы бөлўки қырғылатйуқ ол* 'бошимиз ва қора сочимиз учи оқариб бўлди' [U III, 55, 16]; *оғулын титгәли сана йақын кәл-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*йӯк ол* 'ӯғлини титиб ' ташлагани сенга яқин келди' [U III, 64, 4-5]; *санару йақын кәлйӯк биз* 'сенга яқин келди' [U IV, 21-22]; *барча пок ғатағ байуқ сән* 'бутун (вужудимни) қаттиқ боғладинг' [U III, 83,2; яна қаранг: TT X, 277, 485, 483, 335].

Ўтган замон *-йуқ*, *-йӯк* феъли *әрки* сӯзи билан келиб, модал маъно оттенкасига эга бӯлади: *улуғ илиг нәгу қылғалы оғрайуқ әрки* 'улуғ хоқон нима қилишни истар экан' [U III, 68, 23-4].

*-йуқ*, *-йӯк*, *-йуғ*, *йӯг + әр*. Бу форма иш-ҳаракатнинг узоқ ӯтмишда бажарилганлиги ва унинг натижаси мавжуд бӯлганлигини кӯрсатади: *караза тон кәдйӯк әрди* 'караза (монах) тӯн кийган эди' [U III, 57,7]; *инчип ймә ол упасини аргант сансардын интин йоғуч әртйуә әрди... қылйуғ әрди, алқу қылғулуғ ишләрин алғйуғ әрди* 'шундай қилиб Аргант Упасена аста-секин Сансардан бекинган эди...(иш) қилган эди. Ҳамма қилган ишларини (қилиш керак эмас эди) олган эди' [U III, 88,2-4] каби.

Баъзан *-йуқ*, *-йӯк* феъли *әрмиш* билан ҳам келади: *ан битиг ичинтә сәнин ӧз йаш саны сақышы тақы тукәмәйӯк әрмиш тәг* 'у китобда (ёзилишича) сенинг умр ёшинг гӯё тугамаган экан' (Сувр., 155).

*-дуқ*, *-дӯк*, *дӯғ*, *-дӯг*, *-дық*, *-дик*, *-дығ*, *-диг*. Бу шакллар ӯтган замон феълини ҳосил қилади. Мазкур форманинг характерли хусусияти шахс кӯрсаткичларини олмасдан келишидадир. Учала шахс бирлик ва кӯплик учун ҳам *-дуқ*, *-дӯк*, *-дуғ*, *-дӯг* ишлатилади.

Ўрхун-енисей ёдномаларида ӯтган замон *-дуқ*, *-дӯк* феъли нисбатан кенг истеъмолда бӯлган. У иш-ҳаракатнинг ӯтмишда аниқ бажарилганлиги, сӯзловчининг ӯзи кӯрганлиги, билганлиги ва шу ҳаракат тӯғрисида гувоҳ сифатида хабар берганлигини кӯрсатади: *ӱзә тәнри асра йәр йарылқадуқ учун кӧзин кӧрмәдук кулқақын әшидмәдук* 'юқорида осмон, пастда ер ёрлақагани учун кӯз билан кӯрмадим, қулоқ билан эшитмадим' (МН., 19); *йир сайу бардығ, қоп анта алқынтығ, арылтығ* 'ҳамма томонга борди, ӯшанда жуда ҳориди, чарчади' (КТм., 28); *ыдуқ ӧтӯкән йыш будун бардығ, илгәру барығма бардығ, қурығару барығма бардығ* 'сен (ӯзинг) муқаддас ӯтукан халқи кетдинг. Илгари (шарққа) борувчилар (билан) бординг, ғарбга борувчилар билан бординг' [КТб., 30); *турк будун ӧлтиг* 'турк халқи (сен) ӯлдинг' ]КТм., 28]; *Бӯкәгӯкдә сәкиз оғуз тоқуз татар қалмадуқ* 'Букагукда саккиз ӯғиз, тӯққиз татар қолмади' [ПМК., 35]; *йағру барып ӯкӯш киши ӧлтиг* 'яқин бориб сизлар кӯп кишилар билан ӯлдингиз' (КТм., 28);



www.ziyouz.com kutubxonasi

*оғлын кишисин утузмадуқ* 'ўғлини, хотинини ютқизмади' (Гкн., 82); *әлтәрәс қағанта адырылмадуқ йанылмадуқ* 'Элтереш хоқондан айрилмадик, янглишмадик' (ОнгП., 9); *қамыш ара қалмыш тәнри унамадуқ* 'қамиш орасида қолган тангри кўнмади' (Гкн., 83) каби. Қуйида яна икки мисолда ўтган замон *-д* феъли билан *-дуқ* феълини солиштиринг: *инимә оғлыма анча бтләдим қалйуруп әлтәрәш қағанта адырылмадуқ йанылмадуқ* (Онг., II, 9), *исинә әр кәлти карлуқ исинә кәлмәдук тиди* (ПМК., 36).

Юқорида келтирилган мисоллардан шундай хулоса келиб чиқадики, *-дуқ*, *-дўк*, *-дуғ*, *дўг*, *-дығ*, *-диг*, *дық*, *-дик* формалари руник обидалар тилида кенг истеъмолда бўлган.

Ўтган замон *-дуқ*, *-дўк* (ва бошқалар) феъли ҳақида Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотлари алоҳида диққатга сазовордир. М. Кошғарийнинг хабар беришича ягма, тухси, чигил, арғу, уйғур, то Чингача бўлган қабилалар ўтган замон аниқ феълини ясашда иттифоқдирлар. Ўғузлар, қипчоқларнинг баъзилари, суворинлар ва баъзи арғулар тилида *-дуқ*, *-дўк* шакли ўтган замон аниқ феъли ясайди.[3] Маҳмуд Кошғарий мазкур форманинг қўлланишига мисоллар ҳам берган:

I ш. *мән йа қурдуқ* 'мен ёй қурдим' (МК II, 64)
II ш. *мән мунда турдуқ* 'мен бу ерда турдим' (МК II, 65)
*мән анар тавар бәрдук* 'мен унга мол бердим' (МК II, 65)
II ш. *тапындуғ* 'топиндинг' [МК II, 194]
*сән аны қачурдуғ* 'сен уни қочирдинг' (МК II, 194)
III ш. *ол йа қурдуқ* 'у ёй қурди' (МК II, 64)
*ол аны урдуқ* 'у уни урди' (МК II, 65)
*ол кәлдўк* 'у келди' (МК II, 65)
Бўлишсизлик формадан *бармадуқ* 'бормади' [МК II, 65]
*кәлмәдўк* 'келмади' (МК II, 66)
II ш. *биз йа қурдуқ* 'бизлар ёй қурдик' (МК II, 64)
*биз ағдуқ* 'биз юқори чиқдик' (МК II, 65)
*биз кәлдўк* 'биз келдик' (МК II, 65)
III ш. *олар тағқа ағдуқ* 'улар тоққа чиқдилар' (МК II, 65)
*олар әвкә кирдўк* 'улар уйга кирдилар' (МК II, 65)
каби.

Ўтган замон *-дуқ*, *-дўк* формаси *әринч* сўзи билан ҳам келиб модал маъно оттенкасига эга бўлади: *анта кәсрә*

---

[3] М. Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, Тошкент, 1961, 62—194-бетлар. Девоннинг таржимони ва нашрга тайёрловчиси С. Муталлибов *-дуғ* феълининг бу хусусияти Фарғонанинг айрим районларида сақланган деб, А. Қодирийнинг „Меҳробдан чаён" романидан парча келтиради. Бироқ парчада *-дуғ* аффиксли феъл учрамайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*иниси эгисин тэг қылынмадуқ эринч, еглы қанын тэг қылынмадуқ эринч* 'шундан сўнг иниси акасидек бўлмади шекилли' [КТб., 29] каби.

***-дуқ, -дўк, -дуғ, -дўг, -дық, -дик, -дығ, -диг, -туқ, -тўк, -туғ, -тўг, -тық, -тик, -тығ, -тиг эрди.*** Феъл ўзакларига ***-дуқ, -дўк, -туқ, -тўг*** сифатдош шакллари қўшилиб ва ***эр*** ёрдамчи феълининг аниқ ўтган замон шакли (яъни ***эрди***) орқали ўтган замон феъли ҳосил қилинади. Бу иш-ҳаракатнинг узоқ ўтмишда рўй берганини билдиради: *йабыс бат биз, азығ ўкўшиг кӧртиг эрти* 'ёмонмиз, озни кўп кўрган эдик' (Онг., II, 9) каби.

Ёдномаларда ўтган замон (***-дуқ, -дўк, -туқ, -тўк эрди***) феълининг бўлишсизлик формасига ҳам дуч келдик: *бу одатын озғулуқ йолунг оруқунг кӧзўнмэз инчкўнг бултуқ эмэз* 'бу балодан қутулиш йўлинг кўринмади (сенга) осойишталик ва шодлик топилмади' (ТТ I, 7, 20-2); *эмранмақ нызваны оларда арыты бултуғ эмаз* 'уларда ҳеч қандай севги завқи топилмайди' [ТТ X, 526] каби.

***-мыш, -миш, -муш, -мўш.*** Феъл ўзак-негизларига ***-мыш, -миш, -муш, -мўш***[4] сифатдош шакллари ва шахс кўрсаткичларининг қўшилиши натижасида ўтган замон феъли ясалади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I ш. | *ычқынмыш мэн, итмиш мэн* | *ычқынмыш биз, итмиш биз* |
| II ш. | *ычқынмыш сэн, итмиш сэн* | *ычқынмышсиз, итмишсиз* |
| III ш. | *ычқынмыш (ол, турур) итмиш (ол, турур)* | *ычқынмиш (лар), итмиш (лэр).* |

Мисоллар: *ычқынмыш мэн* (Сувр., 626); *итмиш мэн* (Гкн., 83); *йитўрмиш мэн* (Сувр., 623; ЕнПТ., 29); *тўсэмиш ол* [Сувр., 177]; *кэмишбиз* [ПВ., 135, ЕнПТ., 95]; *қавзатылмышлар* [ТТ VIII, 15]; *тавар болмышлар* [ТТ VIII, 9] каби.

Бўлишсизлик формаси ***-ма, -мэ*** билан ўтган замон феъли қўлланмайди. Айрим мисолларда бўлишсизлик маъноси ***йоқ*** сўзи билан берилади: *бэгим ма мана йавуз йаман қыл-*

---

[4] Бу форма этимологиясининг ҳозирги тиллардаги маъноси ҳақида қаранг: Н. К. Дмитриев, К вопросу о значении османской глагольной формы на ***-мыш***, Записки Коллегии востоковедов при Азиатском музее АН СССР, т. II, вып. 1, А. Н. Кононов, Турецкая глагольная форма на ***-миш***, Ученые записки ЛГУ, серия филология, 20, Ленинград, 1939, стр. 34-39.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*мышы йоқ* 'бегим менга ҳеч бир ёмонлик қилгани йўқ' [Юр., 1, 203] каби.

Мазкур форма эгалик аффикслари билан ҳам предикативлик функциясида қўлланади; *бәш йәгирми йашда алынмышым* 'ўн беш ёшда олиндим' (ЕнПТ., 29); *әрдәм қан Алтуға бәрмиши* 'эрдамли Алту отага бағишланади' (ЕнПТ., 58) каби.

Баъзи ўринда шахс ва эгалик кўрсаткичлари қўлланмайди: *анта ӧтру тургәш қарлуқығ табарын алыб әбин йулып бармыш әбимә тўшмиш* 'ўшандан сўнг қорлуқларнинг мол-мулкини сотиб, уйларини яксон қилдим (ҳамма нарсаларини) уйимга келтирдим' [ПМК., 36]; *қара қум ашмыш* 'қора қумдан ўтдик' (ПМК., 35); *йўкўнўр кўн бәдизмиш* тобинадиган куни ясатдим' (ПМК., 45) каби.

Қадимги ёдномалар тилида **-мыш, -миш** формаси иш-ҳаракатнинг ўтмишда содир бўлганини қайд қилиш, ҳикоя қилиб бериш, ҳаракатнинг бирин-кетин бажарилишини кўрсатиш учун қўлланади: *Табғачғару куны сәнунуг удмыш қытанғару Тонра сәмиг ыдмыш саб анча ыдмыш* 'Табғоч томон куни Сенгунни юборибди. Қитангга Тонгра — Семни юборибди' [Тон., 61); *Анын бармыш, анар йатып, бир атлығ бармыш тийин* 'Ани бўйлаб борган, ўша жойда ётиб, бир отлиқ йўл юрган дебди у' (Тон., 62); *қаш ичинтә тӧрўмиш* 'қош ичида туғилган' ]ТТ III, 115]; *әгўмиз апамыз Бумын қаған тӧрт булуңығ қысмыш, йығмыш йаймыш басмыш ол қан болтуқда кәср әл йитмиш ычғынмыш* 'Отамиз Бумин хоқон тўрт тарафни қисган, йиқитган, ғолиб чиққан шундан сўнг (ўша хон йўқ бўлгандан) кейин халқ (имиз) йўқолди, тарқалди, (Онг., II, 8).

Юқорида келтирилган **-мыш, -миш**[5] билан ҳосил қилинган ўтган замоннинг маънолари руник ёдномалар тилида кенг истеъмолда бўлган. Булар уйғур, турфон, манихей текстларида ҳам кенг истеъмолда бўлган.

Иш-ҳаракат ўтмишда бўлган, лекин сўзловчи ўз кўзи билан кўрмаган: *қанлық сўси аққа унмыш, сағыр ичра элик кийик кирмиш, қан эшигин тутмыш, қара қамығ сўси ӧгирәр, тир* 'хоннинг аскари уйга қайтибди, сағир (тузоҳ) ичига эллик кийик кирибди, хон қўли билан тутибди, халқининг, аскарларининг ҳаммаси севинар дер' (Гкн., 64); *тәнрилиг қуртға йуртда қалмыш* 'тангри йўлидаги (ўлим олдидаги) хотин уйда қолибди' [Гкн., 81] каби.

[5] A von Gabain, Alttürkische Grammatik, S. 114. А. Габэннинг сўнгги асаридаги таъриф ҳақиқатга яқинроқ. A. von Gabain, Das Alttürkische. Philologiae turcicae fundamenta. S. 36.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ўринда *-мыш*, *-миш* замони ҳақида XI аср автори Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотит турк" асаридаги маълумоти диққатга сазовордир. Маҳмуд Кошғарий мазкур формани қуйидагича таърифлайди: (*-мыш*, *-миш*) сифатдошига келсак, бу ҳамма боблар учун бир тартибга эга, яъни буйруқ феълининг охирига *м* (م) билан *ш* (ش) қўшилади. [Масалан] ياقر *йа қур* дейилади, яъни ёй қур [ёйни тузат] сифатдошга айлантириб *қурмыш ёй* ҳам дейилади. Ўзакнинг ҳарфи ўз ҳолича қолиб, унга ўтимли феълларда мана шу икки ҳарф орттирилади: *м* (م) ва *ш* (ش) [*-мыш*, *-миш*]. Керакли ўринда *-мыш*, *-миш* ўтимсиз феъл бўлганда ҳам қўшилади. Масалан: اُفْكَابَرْمِشْ эвкә бармыш, яъни уйга кетибди, лекин мен буни билганим йўқ اُلْ مَنْكَا كَيلْمِشْ *ол маңа кәлмиш* 'у менинг олдимга келибди, лекин мен буни билганим йўқ,' *-мыш*, *-миш* бу ерда بَرْدى *барды*, яъни кетди كَيلْدى кәлди, яъни келди каби феъллардаги دى (*-ды*),—*ди* қўшимчаси ўрнида қўлланади. Бу иккисининг ўртасидаги фарқ шундай: керакли феъллардаги دى (*-ды*) *-ди* қўшимчаси ҳаракатнинг сўзловчининг кўз олдида содир бўлганлигини ва унинг олдида бажарилганлигини билдиради. [Масалан] агар بَرْدى *барды* дейилса, у кетди ва унинг кетганини мен аниқ кўрдим деган маънони билдиради, میشْ *-мыш*, *-миш* эса ҳаракатнинг сўзловчининг йўқлигида содир бўлганини билдиради. [Масалан]: اُلْ بَرمِشْ *ол бармыш* яъни у борибди, у кетибди, мен эса буни билмадим, кўрмадим. اُلْ كَلْمِشْ *ол кәлмиш* 'у келибди, лекин мен уни кўрмадим[6].

Демак, XI аср тилида ҳам гумон, тусмол, шубҳа каби модал маъно оттенкалари мавжуд бўлмаган.

Бу маъно оттенкалари қадимда махсус сўзлар, чунончи ***әринч***, ***әрки*** орқали ифода этилган: *билигсиз қаған олырмыш әринч'* билимсиз хоқон тахтга ўтирган шекилли' [КТб., 29] каби.

---

[6] М. Кошғарий, Девону луғотит турк. Тошкент, 1961, 62—63-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

***-мыш, -миш*** шакли билан ҳосил қилинган феъл формаси ***кәргәк*** сўзи билан қўлланганда ҳаракатнинг содир бўлиши лозимлигини англатади: *мунча сақынмыш кәргәк* 'шундай фикр юритиш керак' (U III, Ман., III, 13); *муны билмиш кәргәк* 'буни билиш керак' [TT II, 16] каби.

Мазкур форма ***болур*** билан қўлланганда иш-ҳаракатнинг ҳозирги-келаси замонда бажарилишини билдиради: *улуғ әдгу қылынчлар қылмыш болур* 'улуғ эзгу ишлар қилишадиган бўлади' [TT II, 18] каби.

***-мыш, -миш әрди.*** Феъл ўзак-негизларига ***-мыш, -миш + әрди*** эгалик аффиксларини қўшиш ёрдамида ўтган замон формаси ясалади ва иш-ҳаракатнинг узоқ ўтмишда содир бўлиб, шу ҳаракатдан сўнг иккинчи бир ҳаракат бажарилган бўлишини, ўтмишда бажарилган ҳаракатни ҳикоя қилишда ишлатилади: *илки сў ташықмыш әрти, экин сў әбдә әрти* 'биринчи отряд жангга кирган эди, иккинчи қўшин уйда эди' [Мн., 17]; *ол öдкә қул қуллығ болмыш, әрти күн кунлиг болмыш әрти* 'ўша вақт қул қул эгаси бўлган, чўри чўрилик бўлган эди' (КТб., 30); *қатун йоқ болмуш әрти* 'хотиним ўлган эди' (Тон., 63); *öткә қанқа сәвитмиш әртин* 'ота-онанг севган эди' [Сувр., 619]; *йити күн әртмиш әрти* 'етти кун ўтган эди' (Сувр., 609); *öтўндиләр ким кәлўрмиш әрдиләр* 'ўтиндиларки, уларни келтиришган эди' [ПВ., 134]; *кәнту öзи öк қылмыш әрди* 'ўзи қилган эди' [U III, 90; 18] каби.

Бўлишсизлик формаси: *сöзләтилмиш әрмәз* (TT VIII, 18); *кўрәтмиш әрмәз* (TT VIII, 9) каби.

***-мыш, -миш*** феъли ***әрўр*** билан қўлланади: *йарық ўзә йарықланмыш әрўр* (TT VIII, 16); *йәг татытығ булмыш әрўр* (TT VIII, 53) каби.

***-мыш, -миш әрмиш.*** Бу замон формаси ёдномаларда тор доирада ишлатилади: *билгә қағанына әрмиш бәрмиш* 'билимнинг хоқонига берган экан' (КТб., 30); *адығлы тоныздлы арт ўзә соқушмыш әрмиш, адығын қарны йарылмыш тонузун азығы сынмыш* 'айиқ билан тўнғиз тоғдан ошадиган жойда дуч келиб тўқнашибди, айиқнинг қорни ёрилибди, тўнғизнинг тиши синибди' (Гкн., 80) каби.

***-ур, -ўр, -ыр, -ир, -ар, -әр, -йур, -йўр әрти.*** Бу феъл формаси феъл ўзак-негизларига ҳозирги-келаси замон сифатдош қўшимчалари ***-ур, ўр, -ыр, -ир, -ар, (-әр, -йур, -йўр)***-ларни қўшиш ва ***әрти*** орттириш орқали ҳосил қилинади. Бўлишсизлик формаси ***-маз, -мәз әрти*** дир. Бу форма маълум бир давр ичида давом қилиб, такрорланиб турган иш-ҳаракатни, воқеа-ҳодиса ўтмишда бўлганини



www.ziyouz.com kutubxonasi

билдиради. Бунда диққат ҳаракатнинг бажарилишида бўлган натижасига эмас, балки воқеа-ҳодисанинг процесс ҳолида эканлигини кўрсатади: *иниси әчисин билмәз әрти, оғлы қаңын билмәз әрти* 'укаси энасини билмас эди, ўғиллари оталарини билмас эди' (КТб., 30); *түрк будун Табғачқа көрүр әрти* 'турк халқи Табғочка бўйсунган эди' [Тон., 61]; *ол суб қоды бардымыз, санағалы түшүртимиз, атығ ықа байур әртимиз ол* 'сув бўйи бордик, отларни дарахтларга боғладик' [Тон., 62]; *Күлтигин ол сүнүшдә отуз йашайур әрти* 'Култегин ўша урушда 30 ёшда эди' [КТб., 32]; *йумшақ савлар сәвләйүр әрди* 'ёқимли сўзлар гапирар эди' (КТб., 54); *оларны барча игитин ағрығынтын ошғурур әнәтүрүр әрти* 'уларнинг барчасини касал оғриғидан даволар, шифолар эди' [Сувр., 586]; *илиг бәг узаты бизни бүртәр әрти қарвайур әрди* [U III, 17, 15-6]; *ким болур әрти* 'ким бўлар эди' (ТТ II, 96).

III шахс кўплик кесимлик кўрсаткичи **-лар, -ләр** асосий феълга қўшилиб келиши мумкин: *көрүрләр әрти сизинә титрү* 'сизга томон (тўғри) қарар эдилар' [ТТ III, 81-82]; *бни барырлар әрди* 'бир-бирига томон боришар эди' [ТТ VIII,27] каби.

***-ур, -үр, -ыр, -ир, -ар, -әр, йур, -йүр*** формаси ***әркән*** билан келганда иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини, вақтини (рус тилидаги „когда, в то время как, пока, между тем как" каби оборотларга тўғри келади) билдиради: *имә алқанур әркән* 'ухлаб ётар экан' (Хуаст., 118]; *йатып удыйур әркән* 'ухлаб ётар эркан' (Сувр. 620]; *бу сав тақы кәчмәз кән* 'бу гап ҳали (орадан) кетмаган' (Сувр., 623); *йатар әркән* 'ётар экан' [Сувр., 620) каби.

***ғай, -қай, -кәй, -гәй, -әрти***. Феъл ўзак-негизларига ***-ғай, -қай, -кәй, -гәй әрти (әрди)*** ларни қўшиш орқали ўтган замон формаси ҳосил қилинади.

Иш-ҳаракатнинг узоқ ўтмишда содир бўлганини билдиради: *нән болмағай әрди қанда әрсәр турдачы* (ТТ VIII, 45); *бу йиркә нән тәгмәгән әрти* [КР., 42]; *бу әмгәкиндин озғалы қутрулғалы уғай әрдин* (Сувр., 11) каби.

Кўпликда қуйидагича бўлиши мумкин: *киркәйләр әрди* [ТТ VIII, 69]. Бу феъл формаси ҳам ***әрки*** сўзи билан келади: *нә ал алтақ қылсар мн тикиләйү тириг бз болғай әртим әрки* (Сувр., 155). каби.

***-р, -ур, -үр, -ар, -әр, -ыр, -ир, -йур, -йүр әрмиш.*** Феъл ўзак-негизларига ***-р, -ур, -үр, -ар, -бр, -ыр, -ир, -йур, -йүр*** ва ***әрмиш***ларнинг қўшилиши билан ҳосил бўлади. Бу феъл иш-ҳаракатнинг ўтмишда бўлганини, тамомланган-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лигини, такрорланганлигини билдиради: *йоқаду барыр эрмиш* 'ўлимга дуч кела бошлаган эди' [КТб., 29]; *анча башғурур эрмиш* 'шундай ўргатар эди' [КТм., 28]; *түрк будун йорыйур эрмиш* 'турк халқи (кўчиб) юрар эди' [Тон., 61]; *билмэз эрмиш* 'билмас эди' (Тон., 61); *көрўр эрмиш мн* 'кўрар эдим' (Сувр., 627); *амты сатар тир эрмиш* 'энди сотаман дер эди' [Юр., I, 203]; *тақы булмас эрмиш* 'яна топмас эди' (Сувр., 621) каби.

***-дачы, -дәчи, -тачи, -тәчи, -эрди.*** Бу феъл формасининг тусланиш парадигмаси қуйидагича:

I ш. *қылтачы эртим* *қилтачы эртимиз (биз)*
II ш. *қылтачы эртин* *қилтачы эртигиз (эртиниз)*
III ш. *қылтачы эрти* *қылтачы эрти(лэр)*

***-дачы, -дәчи, -тачы, -тәчи, эрди (эрти)*** ўтган замон феъл формаси ўтмишда иш-ҳаракатнинг потенциал бажарилишига, унинг содир бўлишига имконият борлигини англатишда қўлланади: *мэн инилигў бунча башлайу қазғанмасар, түрк будун өлтәчи эрти, йоқ болтачы эрти* 'агар мен зўр ҳаракат билан бунча нарсани қўлга киритмасам турк халқи ўлар, йўқ бўлар эди' (Мн., 17); *Күлтегин йоқ эрсэр, коп элтәчи эртиниз* (КТб., 31); *түрк будун адақ қамашды йаблақ болтачы эрти* 'турк халқи чарчаб ёмон аҳволга тушар эди' (Мн., 17);... *тиригu күн болтачы эрти, өлўги йуртда йолта қалтачы эртиниз* 'тириги қул бўлур, ўлиги юртда, йўлда қолур эди' [КТб., 33]; *илтэрэш қаған қазғанмасар, йоқ эрти эрсэр, бэн өзўм билгэ Тонуқуқ қазшанмасар, бэн йоқ эртим эрсэр, қапаған қаған түрк сир будин йиринтэ бод йэмэ, будун йэмэ, киши йэмэ иди йоқ эртэчи эрти* 'Илтереш хоқон қўлга олмаганда эди, йўқ бўлганда эди, мен ўзим билимли Тўнюқуқ қўлга киритмаганимда эди, мен йўқ бўлганимда эди, Қапағон хоқон, турк сир халқи ерида давлат ҳам, халқ ҳам, киши ҳам, бошлиқ ҳам йўқ бўлар эди' [Тон , 64].

***-дачы, -дәчи, [-тачы, -тәчи] эрди*** формалари ***эрки*** сўзи билан келиб модал маъно оттенкасига эга: *ким эрти эрки өлўртәчи, өкўк киам чақсини тэгуртәчи муны тэг пусус қадғу эмгэккэ* 'ким ўлдирар экан сени, азиз ўғлим, ким сени бундек қайғу аламга дучор қилди' (Сувр., 626), *ким эрти эрки бычтачы өкўк киам өтэзин* 'ким кесар экан менинг севимли ўғлимнинг этини (Сувр., 626) каби.

***-дачы, -дәчи, -тәчи, -тәчи эрмиш.*** Бу феъл формаси ёдномаларда кам учрайди: *нэн йэрдэки қағанлық будунқа бўнтўги бар эрсэр, нэ буны бар эртэчи эрмиш. Түрк билгэ қаған илинэ бититдим бэн билгэ Тонуқуқ* 'бирор ерда-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ги хоқонли халқда ишёқмаси бор бўлса, не кулфатга мубтало бўлар эди [не ғами бор бўлар эди]. Турк билимли хоқон элида ёздирдим, мен билимли Тўнюқуқ' [Тон., 64].

## СИФАТДОШ

Сифатдош ҳам феъллик, ҳам сифатлик белгиларига эга бўлиб, маъно ва функциялари билан қадимги обидалар тилида ўзига хос ўрин тутган.

Сифатдош қуйидаги аффикслар орқали ясалади: ***-дук, -дўк, -туқ, -тўк, -туғ, -тўг.*** Бу сифатдош шаклларининг ишлатилишида қатъий бир мунтазамлик сақланмайди: йаңылдуқ, билтүк, болтуқ қылынтуқ, қылындуқ, тәкдүқ, тәктук, каби. Руник обидаларида бу форма унли товуш билан тугаган феъллардан кейин ***-дуқ, -дўк*** шаклларида келади. Уйғур ёзувларида иккала (жарангли ва жарангсиз) вариант қўлланади. Бу уйғур ёзувида жарангли ва жарангсизларнинг ўзаро фарқланмаганидан келиб чиқади.

Мазкур форма кўп функцияларда қўлланади. Ушбу сифатдош отлашиб келиб, от каби кўплик, эгалик қўшимчаларини ўзига қабул қилади, келишиклар билан турланади, шунингдек кўмакчилар билан бирга келади. Бу форманинг субстантивлашган ҳолати текширилган текстларда оз миқдордаги сўзлардагина учрайди: *умдуқ* 'умид' (АГ., 70); *тәгдўкин* 'ҳужумини' (КТб., 31); *билтўкими* 'билганимни' (ПМК., 28); *қазғантуқ* 'ғалаба учун' (Тон., 64); *тәкдўк ўчўн* 'ҳужум, уруш учун' (ЕнПТ., 26); *тәбрәтўк сайу* 'тебратган сайин' (ТТ I, 12); *олуртуқ сайу* 'ўтирган сайин' (ТТ I, 12) каби.

Сифатлашган ҳолда аниқловчи вазифасини ўтайди. ***-дуқ, -дўк*** сифатдошининг аниқловчи функциясида келиши обидалар тилида кенг тарқалган ҳодисадир: *бтўнтўк бтўнчўм* 'қилинган илтимосим' (Тон., 62); *қағанладуқ қағанын* 'ҳукм сурган хоқонини '(Онг., II, 8); *йандуқ йол* 'қайтган йўл' (Тон., 64); *бардуқ йир* 'борган ер' (КТб., 30).

Мазкур функцияда бўлишсизлик аффиксини қабул қилиб келиши мумкин: *ишидмәдўк әткў* 'эшитилмаган сўз' (Тон., 65); *қут булмадуқ мидик тынлығлар* 'бахт кўрмаган содда одамлар' (Сувр., 41) каби.

Шуни ҳам қайд қилиш лозим бўладики, дастлабки қўлланишида ***-дуқ, -дўк*** формаси эгалик аффикслари билан ишлатилмаган, бошқача қилиб айтганда, ҳозирги турк тилида мавжуд бўлган ***-дук*** нинг эгалик аффикси билан келиши яъни benim tanidigim adam 'мен таниган одам' типидаги ҳо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

латлар, вақтлар ўтиши билан, кейинги пайтларда тилнинг тараққиёти ва тил системасининг сўнгги ривожи, такомили натижасида пайдо бўлган.

Текширилган давр тилида *-дуқ, -дўк* қўшма гапнинг кесими бўлиб қўлланади. Обидаларда қўшма гапнинг икки гуруҳи учрайди: бир гуруҳида эгалик аффикслари бор бўлса, иккинчи гуруҳида эгалик аффикслари йўқ. Бироқ эгалик аффикслари бўлмаган қўшма гаплар нисбатан кўп процентни ташкил қилади. Кейинроқ эгалик аффикслари бу хил аффикслари йўқ қўшма гапларда кўпроқ қўллана бошлайди. Бу ҳолат гап структурасида иш-ҳаракатнинг бажарувчисини дифференциация қилиш, грамматик субъектни кучайтириш учун хизмат қилади.

*-дуқ, -дўк* кўмакчиси билан қўшма гап составидаги сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланади: *анта кисрә тәнри билиг бәртўк ўчўн öзум öк қаған қысдым* 'шундан сўнг тангри билим бергани учун, хоқон бўлишни истадим' (Тон., 61); *куч биртў ўчўн, анта санчдым, йандым* (Тангри) куч бергани учун ўша жойда (уларни) санчдим, енгдим' (МН., 17; яна қаранг: МН., 17; Тон., 63; ЕнПТ., 26; Тон., 64; 29-30) каби.

Худди шу функцияда эгалик аффикси билан: *мән öзўм қаған олуртуқым ўчўн түрк будуныг...* 'мен ўзим хоқон бўлганим учун турк халқини' (МН., 17); *тәнри йарлықадуқын ўчўн öзим қутым бар ўчўн* 'тангри мадад қилгани учун, ўзимнинг бахтим бор учун... (КТм., 28; Онг.,II, 9).

*Ўчўн* кўмакчиси билан бирга келган *-дуқ, -дўк* формасининг пайт, ўрин равиш, мақсад ҳоллари вазифасида келиши функциялари руник обидаларда учрамайди. Бу хил синтактик функциялар *-дуқ, -дўк* аффиксининг келишик қўшимчаларини қабул қилиши натижасида берилади. Масалан: *-дуқ, -дўк* аффикси жўналиш келишиги қўшимчаси билан келганда мақсад, пайт ҳоли функцияларини бажаради: *бунча исиг кўчиг биртўкгәрў сақынматы* 'бунча кучининг беришини ўйламади' (КТб., 29); *мән öзим қаған олуртуқыма* (*йир сайу*) *бармыш будун* 'мен хоқон бўлиб ўтирганда ҳар ерга кетган халқ...' (КТб., 31; МН., 16).

Тушум келишигида келганда аниқловчи, тўлдирувчи функцияларини бажаради: *Табладуқымын тутармән сәбдўкимин йийўрмән* 'кўнгилга хуш келган нарсани ов қиламан, севган нарсани еймап' (Гкн.).

Ёдгорликларда *-дуқ, -дўк* ўрин-пайт келишиги аффикси билан қўлланади ва асосан пайт маъносини (баъзан сабаб ҳоли маъносини) англатади. *-дуқ, -дўк* аффиксининг маз-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кур функцияси жуда кенг тарқалган бўлиб, мунтазам характерга эгадир.

*Мағы Қўрған қышладуқта йут болты* 'Мағиқўрғонда қишлаган пайтда офат рўй берди' (МН., 17); *қаным қаған учдуқда, иним Кўлтэгин йити йашда қалты* 'Отам хоқон ўлганда, иним Култегин етти ёшда қолди, (КТб., 31).

Шу нарса диққатга сазоворки, Култегин обидаларида ўрин-пайт келишиги билан *-дуқ, -дўк* ўртасида эгалик аффиксининг келиши учрайди. *Эчим қаған или қамашығ болтуқынта будун...* 'тоғам—хоқоннинг эли қўзғолончи бўлганда, халқ...' (КТб., 32)

Эгалик аффиксининг бу ўринда қўлланишини бошқа обидаларда учратмадик: *ôлўм ôди йағудуқта* 'ўлим вақти келганда...' (U III, 43, 28); *игләмәклиг толы йағмур сизләрни ўзә йағдуғта бир орунқа тәбрәнчсиз йатғуруп...* 'офат ёмғири сизларга тўла ёққанда, бир жойда ҳаракатсиз ётқизиб' (U III, 14, 5-7); *тўкәл билгә тнри тнриси Бурхан кôк қалыгта учуп бардуқта ўч мин* 'тугал билимли тангриларнинг тангриси Бурхон кўкка учиб борганда, уч минг...' (ТТХ, 138) каби.

Пайт маъносини аниқлаш, конкретлаш учун ***қачон, ôтру, кисрэ*** каби сўзлар қўлланади: *ол қан йоқ болтуқда кэсрэ...* 'ухон йўқ бўлгандан сўнг' (Онг., II, 8); *йағру қонтуқда кэсрэ* 'яқин жойлашгандан сўнг' (КТм., 28); *бир эв қабығына илтдўктэ ôтрў ол кôк* 'бир уй эшигига етгандан сўнг, у кўк' (Сувр., 154).

***Қачон*** сўзи гапнинг бошида келади. Унинг гап бошида келиши руник обидалар тилида учрамайди. ***Қачон*** сўзининг пайт маъноли эргаш гапнинг бошида қўлланиши асосан таржима адабиётларда учрайди: *қачан йиркэ тэгдўктэ...* 'қачон ерга етганда...' (Сувр., 616) *қачон барс ўскинўз тэгдўктэ ôтрў ол ôдўн* 'қачон барс олдига етганда' (Сувр., 616) каби.

***-дуқ, -дўк*** замон формаси ясашда қўлланади.

***-йуқ, -йўк.*** Бу сифатдош ўрхун-енисей ёдномалар тилида учрамайди. Мазкур форма манихей, уйғур, брахми, араб ёзув обидаларида қўлланган.

***-йўқ, -йўк*** сифатдоши отлар каби келишик, кўплик, эгалик аффикслари, кўмакчилар билан бирга қўлланиши мумкин: *тилэгў оқ тэгинч болмайуққа* ' ўз тилаги рўёбга чиқмагани учун' (Сувр. 610); *бэглиг бир қўр бор тэгмэйўк ўчўн* 'бир беклик кюр (ўлчов) шароб келтирилмагани учун' (Юр. II, 206); *тэгирмилэйўки йағын* 'қуршаб олинган ёвинг' (ТТ I, 9); *сыйуқ* 'парчаланган нарса' (КР., 54); *бўтмэйўк тэг* 'битмагандек' (U I, 9; 52).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Аниқловчи функциясида келади: ... *йуқ айығ қылынчларығ икиләйу тақы қылмазмән* 'қилмаган ёмон ишларни яна қайта қилмасман' (Сувр., 138); *өвкә көнул өритмәйүк тынлығ мән әрур мән* 'ўпка, жаҳл қилмайдиган жониворман' (U III, 42); *әв ийәси турқару булғанйуқ көнүллүг* 'уй эгаси доимо булғанган кўнгилли...' (ТТ VI, 65-66 ТТ VIII); *ол түкәмәйүк ташығ* 'у тугамаган тошни' (ТТ VIII, 71); *булқанйуқ тынлығлар* 'шов-шув кўтарган жониворлар' (ТТ III, 162); *әдгу титйүк номлуғ* 'эзгу деган китоб' (ТТ III, 108).

***-йуқ, -йүк*** форманинг юқоридаги ***-дуқ, -дүк*** сифатдоши билан ўхшашлиги бор, улар генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқдир. Лекин текшираётган давр тилида бу сифатдошлар ўзаро фарқланади ва икки формани ташкил қилади.

***-йуқ, -йүк*** формаси билан ясалган сифатдошнинг отлашиш, адъектив функцияда келиши учун кенг қўлланмаган.

***-дачы, -дәчи, -тачы, --тәчи, -дажы, -дәжи, -тажы, -тәжи, -дачы.*** Бу сифатдош кенг истеъмолда бўлган. Сифатдошнинг ***-дажы, -дәжи, -тажы, -тәжи, -дачы*** шакллари фақат турфон текстларида (ТТ VIII—IX) келади: *бартажықа* 'борувчига' (ТТ VIII, 38); *суқландажы* 'ҳунар, касб' (ТТ VIII, 39); *тарқардажы* 'тарқатувчи' (ТТ IX, 12). Ёлғиз бир ўринда брахми ёзувида ёзилган ёдномa бўлмиш турфон тексти VIIIда ***дачы*** формасини учратдик: *пўшәрдачы* 'пиширувчи' (ТТ VIII, 67).

***-дажы, -дәжи, -тажы, -тәжи***, шакллар мавжуд бўлган обидаларда булар билан параллел равишда ***-тачы, -тәчи, -дачы, -дәчи*** формалари ҳам қўлланган. Сўнгги шакллар ***-дажы, -дәжи*** га нисбатан кўпроқ учрайди.

Сифатдошнинг мазкур формаси ёдномаларда кенг истеъмолда бўлган. У ёки бу формасининг қўлланишида маълум бир мунтазамлик сақланмайди: *булдачы* (U III 74, 14); *былтачы* (U III, 74, 16) каби.

Мазкур сифатдош отлашиб келади: *удачына* 'кучига' (ЕнПТ.) *бартажықа* 'борувчига' (ТТ VIII, ЕнПТ.); *ишләтәчиг* 'ишловчини' (ТТ VIII, 43); *бардачыларығ* 'борувчиларни' (ТТ VIII, 11); *иратындачынын* 'яратувчининг' (ТТ VIII, 18); *пишрундачынын* 'пиширувчининг' (ТТ VIII, 17); *қылтачысы* 'қилувчиси' (ТТ VIII, 51); *өлтәчиси* 'ўлдирувчиси' (МН.,); *йаратынтачыларығ* 'яратилганларни' (ТТ III, 75); *өлүртәчи* 'қотил' (Сувр., 626); *башладачы* 'раҳбар' (Сувр., 607); *қутрулдачы* 'озод қилувчи' (ТТ IX, 13); *ачтачы* 'очувчи' (ТТ IX, 13) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Руник обидаларида субстантивлашган ҳолатлари саноқли мисолларда (*қушлыдачы* 'овчи', *удачы* 'эрк') учраса, бошқи ёдгорликларда отлашиш ҳоллари жуда кўпдир.

***-дачы, -дәчи*** ёрдамида ясалган сифатдошларнинг негатив, куантатив аффикслар билан ҳам қўлланиши мавжуд: *öлтәчичә* 'ўлимга қадар' (МН., 16); *сарғуртачысыз* (ТТ VIII, 8) каби.

Аниқловчи вазифасида кенг қўлланган: *öлтәчи будуны* 'ўлувчи халқни' (КТб., 31); *игләдәчи иглигләр* 'азобланувчи хасталар' (U III, 45, 17); *öнрә йорыдачы йирчы* 'олдида юрувчи йўл кўрсатувчи' (U III, 57; 11); *қутрулдачы тынлығлар* 'қутулган жонлилар' (U III, 11, 7'); *ўндәчи тил* 'ундовчи тил' (TT I, II); *қатығлантачы қутлуғлар* 'қаттиғланувчи бахтликлар' (TT IV, 47); *сана удрунтачы киши* 'сенга қарши бўлган кишилар' (TT I, 9); *йўлдачы киши* 'йўловчи киши' (Юр. II, 206) каби.

***-мыш, -миш***, баъзан ***-муш, -мўш***[1] ёдномаларда кенг истеъмолда бўлган сифатдош ясовчи аффикслар саналади.

Мазкур кўрсаткич билан ясалган сифатдошлар юқорида келтирилган аффикслар билан ясалган сифатдошлар каби отлашиб, эгалик, кўплик, келишик аффикслари, акуатив формалари, кўмакчи сўзлар билан кенг қўлланган: *тоғмышым* 'қариндошим' (Юр XIII, 210); *асығ қылмышын* 'фойда қилишинг' (TT VIII, 36); *йир тәбрәмишин кöрўп* 'зилзилани кўриб' (Сувр.. 618); *амрашмышыныз* 'муҳаббатингиз' (TT VIII, 8) каби.

Келишикларда келиши: *йимиш* 'мева' (Сувр., 608); *йавалмышларнын бахшиси*, (TT VIII, 45); *йатмышын кöрўп* (Сувр., 625); *қылмышығ кәрўр* (Сувр., 155); *тәгмишин* (Гкн., 84); *бармышығ* (TT VIII, 19); *кәлмишин* (U III, 56; 4); *битимишин* (ЕнПТ., 44); *болмышымқа* (U III, 37,2); *уртулмишләркә* (TT VIII, 11); *адырылмышда* (ПМК, 45); *бирмиштә* (TT X. 435); *йығынмышта* (TT VIII, 7) каби.

Мазкур форма қаратқич, ўрин-пайт, чиқиш келишикларида специфик хусусиятларга эга.

---

[1] Н. К. Дмитриев мазкур сифатдош формасини мўғул тилидаги ***-мал, -мәл*** билан солиштиради Н. К. Дмитриев, К вопросу о значении османской глагольной формы на ***-мыш***. Записки Коллегии и Востоковедов при Азиатском музее АН СССР, т. II, вып. I, Л., 1926, стр. 91—96. Унинг бу этимологияси Г. И. Рамстедт, В. Котвич томонидан такрорланган. W. Kotwisz. Studia nad jezykami altaiskimi S. 277; Г. И. Рамстедт сўнгроқ бошқача тушунтиришга ҳаракат қилган ***-мыш<-м + иш*** бундаги иш предмет, нарсадир. В. Банг ва К. Брокелманн ***-мыш<м+ш*** Räsänen, Materialien zur Morphologie 93.



www.ziyouz.com kutubxonasi

***-мыш, -миш*** аффиксли сўзларнинг қаратқич келишигида келиши руник обидалар тилида учрамайди. Қаратқич келишигидаги ***-мыш, -миш*** нинг аниқловчи функциясида қўлланиши турфон текстида учрайди (ТТ VIII, 45). Бошқа ёдгорликларда бундай ҳолатга дуч келмадик.

Жўналиш келишигида мазкур форма сабаб маъносини англатувчи эргаш гап ҳосил қилади: *мән тирилмишкә сизләр нәгўлўк анча кәд қачарсызлар* 'мен тирилганим учун сизлар нимага бунча тез қочмоқдасизлар' (Сувр., 154); *сән мунча мунча тынлығларығ ӧлўртмишкә ол сәниң исиг ӧз алымчыларның оғурынта аның сәнi алғалы ытдылар* 'сен бунча кўп жонлиларни ўлдирганинг сабабли, у сенинг жонингни олиш учун юборди' (Сувр., 155) каби.

Бажарилиш ҳолатини билдиради: *тимишкә битидим* 'айтиб турганда ёздим' (Юр., II, 206).

***-мыш, -миш*** ўрин-пайт келишидаги пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб қўлланади...*адырылмышда сақынур әртимиз*...'айрилган (ўлган) вақтда биз ғам чекдик' (ПМК., 45); *тынғалы олурмышта, әң улуғы тигин ики иниләринә ынча тип тиди* 'дам олишга ўтирганда, энг улуғи (шаҳзода) икки иниларига шундай деди' (Сувр., 608); *оғлум йақы болмышта ӧгруйгум севән чим аз әрти* иккиқат бўлганимда севинчим оз эди' (Сувр., 623) каби.

***-мыш, -миш*** билан ясалган сўзлар ўрин-пайт келишигида ***кин*** кўмакчиси билан қўлланиб пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади. Ўрин-пайт келишиги чиқиш келишиги маъносига тўғри келади...*бирмиштә кин йәнә инчә тип тигил* 'бергандан сўнг яна шундай дегин' [ТТ]; *аш қылу тўкәмиштә кин он кўн әрмәз кнә* 'ош қилиб тугатгандан кейин ҳам ўн кун ўтмаган эди' (Сувр., 154).

***-мыш, -миш*** билан ясалган сўзлар ***ўчўн*** кўмакчиси билан сабаб маъносини англатади: *будун ара болмышын ўчўн* 'халқ бўлгани учун' (ЕнПТ., 38); *ӧлўрмиш ўчўн ӧкўнўп* 'ўлдиргани учун ўкиниб' (Сувр., 156) каби.

***-мыш, -миш*** акуатив формалари билан келади: *ӧтўнмиш тәг* 'ўтингандек' (Сувр., 157); *ўнмиштәг* 'унгандек' (ТТ VIII, 35); *туғмышығ тәг* 'туққандек' (ТТ VIII, 35).

Айрим ўринда акуатив аффиксидан сўнг предикатив аффикси билан қўлланади: *биз әз ичи ташын тутмыш тәг биз* 'ўзимизни ўзимиз тутгандек қоламиз' (Тон., 61).

Шуни қайд қилиш керакки, ўрхун-енисей обидаларида ***-мыш, -миш*** аффикси билан ясалган сўзларнинг субстантивлашган ҳолатлари кам учрайди. Руник обидаларида отлашган сўзларнинг кўпчилиги III шахс эгалик аффикслари билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланади: *кәлмиши алп* 'келгани алп' (Тон., 63); *анта қалмышы* 'ўша жойда қолгани' (КТб., 28) каби.

*-мыш, -миш* аффиксини қабул қилиб келган сўзларнинг отлашиш ҳолатлари манихей, уйғур, брахми ёзув обидаларида кенг тарқалган ҳодисадир: *қарышмышлар* 'курашчилар' (ТТ VIII, 49); *әлтмишләр* 'элтганлар' (ТТ VIII, 9); *аты кӧтрўлмиш* 'юқори мартабали' (АГ., 37); *ӧгмиш* 'мақтов' (U III, 73; 2) каби.

*-мыш, -миш* аффикси билан келган феъллар аниқловчи вазифасида кенг қўлланиб, предметнинг сифати, белгиси, аломатини билдиради: *бармыш будун* 'борган халқ' (КТб., 31); *кәлмиш сў* 'келган қўшин' (МН., 16); *кәтрўлмиш ном* 'мақталган китоб' (Сувр., 156); *ағзанмыш савын* 'айтилган сўзинг' (ТТ, I, 13); *қылмыш ишин* 'қилган ишинг' (ТТ I, 8); *кӧсәмиш кӧсўшўн* 'истаган истагинг' (ТТ I, 14) каби.

*-мыш, -миш* аффикси билан келган феълларнинг бундай ҳолатларда қўлланиши энг қадимдан бўлгани учун, кўпгина сўзларда аниқланмиш билан қўшилиб, қўшма от ясашда иштирок этади: *Озмыш тигин* 'Ўзмиш — тегин' (ПМК., 35); *Бӧтўрмиз тарқан* 'Битурмиш — тарҳон' (Хуаст., 120); *Қутадмыш барс* 'Қутадмиш — барс (бахтиёр бўлган барс)' (ТТ IX, 40); *Турмуш Тәмур* 'Турмуштемур' (Юр., XIII, 210); *сықтамыш таму* 'йиғлайдиган жой (жаҳаннам)' (АГ., 79); *йәмиш қағун* 'қовун' (ТТ VIII, 61) каби.

*-мыш, -миш* сифатдоши *кәргәк* сўзи билан келиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиши лозимлиги, кераклигини кўрсатади: *мунча сақынмыш әргәк* 'шундай ўйлаш керак [бўлади]' (U III, 4;4) *бу савығ уқмыш кәргәк* 'бу сўзни тушуниш керак' (U III, 24; 9-10).

*-ғма, -гмә, -ығма, -игмә, -уғма, -ўгмә, -ағма, -әгмә.* Бу форма билан ясалган сифатдош руник текстларида истеъмолда бўлиб, уйғур, манихей, турфон текстларида эса арханклашган форма ҳисобланади. Ўрхун-енисей обидалар тилида *-ғма, -гмә* (ва бошқалар) кўпинча аниқловчи функциясида келади: *бӧдкә кӧригмә бәгләр* 'тахтга бўйсунган беглар' (КТм., 28); *сақынығма тўрк бәгләр* 'ғамгин турк беклари' (МН., 16); *кәлигмә бәгләр* 'келган беклар' (Тон., 61); *учуғма тынлығқа* 'учувчи жонликка' (Хуаст., 117); *кәлигмә су* 'келган қўшин' (МН., 17) *ил бириғмә тәңри* 'эл берган тангри' (КТб., 31); *тәңиси оғлы йатығма тағда тәгмиш* 'тенгеси ўлиб ётган тоққа етди (Тон., 64); *бағрын йорығма тынлығқа* 'бағри билан юрган жонликка' [Хуаст. 117]; *учуғма бағрын йорығма тынлығларығ ӧлўргўчи болтумуз* 'учувчи, бағри билан юрувчи жонликларни ўлдир-



www.ziyouz.com kutubxonasi

моқчи бўлдик' (TT IV, 57, 58); *кöктә учуғма қушлар* 'кўкда учувчи қушлар' (TT X, 209); *имәригмә қамағ будунын* 'мавжуд бўлган ҳамма халқни' (Сувр., 607); *кöрÿгмә кÿн тәнри* 'кўрувчи кун тангри' (U III, 79; 3) *учуғма қушлар* (МГ., 4).

Руник ёдномалар тилида (*-ғма, -гмә* ва бошқалар) сифатдошнинг отлашиб келган ҳолатлари ҳам қайд этилади: *öлÿгмә öлти* 'ўлгани ўлди' (МН., 18); *бәдиз йаратығма* 'наққош' (КТб., 43); *йәти йÿз кишиг удызығма* 'етти юз кишини бошқарувчи' (Тон., 61) каби.

Култегин обидасида бир ўринда *-гмә* билан ясалган сифатдошнинг отлашиб келган ҳолатини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак бўлади. Шу отлашиб келган сўздан кейинги сўз икки эгалик аффиксини қабул қилади: *бу битиг битигмә атысы* 'бу хат ёзганнинг оти' (КТм., 28).

*-ғма, -гмә* билан ясалган сифатдошнинг маъно ва функцияларини ўша даврда кенг истеъмолда бўлган *-мыш, -миш, -р, -ур -ÿр* (ва бошқалари), сўнгроқ *-ғлы, -гли* каби сифатдошлар аста-секин сиқиб чиқара бошлаган. Шу сабабли *-ғма, -гмә* аффиксларининг истеъмол доираси чекланган. Текширилаётган давр тилида *-р, -мыш* билан ясалган сифатдошлар билан *-ғма, -гмә* билан ясалган сифатдошлар баъзан синонимик конструкция ҳосил қилади: *каным қағаныг öгÿм қатуныг кöтÿрмиш тәнри, ил биригмә тәнри* 'отамни хоқон, онамни бекач қилиб кўтарган тангри, эл берган тангри' (КТб., 31); *учуғма қуш* 'учар қуш' (TT X, 38) каби.

*-ғучы, -гÿчи, -қучы, -кÿчи.* Бу аффикслар билан ясалган сифатдошнинг маъноси *-дачы, -дәчи* ёрдамида ясалган сифатдошга мос келади. Мазкур сифатдошнинг руник обидаларида истеъмол доираси жуда тор эди: *бидгÿчи әр* 'йиғилган аскар' (ПМК., 36) *айғучи* 'маслаҳатчи' (Тон., 61, 62, 63, 64); *барқ итгÿчи* 'қаср қурувчи' (КТб., 43); *таш итгÿчи* 'тош кесувчи' (КТб., 43) каби.

Турфон, манихей, уйғур ёдгорликларида *-ғучы, -гÿчи* формалари сифатдош ясашда кенг қўлланган.

Отлашиб келади: *қатығланғучылар* 'қаттиқланувчилар' (U III, 46, 66); *қойн öлÿргÿчи* 'қўй ўлдирувчи' (TT IV, 55); *тақығу игидгÿчи* 'товуқ ушловчи' (TT IV, 56); *тавратғучы* 'мажбур қилувчи' (TT II, 92, 93); *сақынғучылар* 'қаровчилар' (TT I, 12).

Аниқловчи вазифасида: *öлÿргÿчи йилқы* 'ўладиган йилқи' (Сувр., 155); *чамлағучы киши* 'баҳсчи' (Юр., XVI, 213); *қолунғучы тынлы* 'тиланувчи жонлик' (U I, 10,5) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-ғулуқ*, *-гӯлӯк*, *-қулуқ*, *-кӯлӯг* баъзан *-ғунуғ*: *болғунӯғ* (ТТ I, 9). Бу сифатдош ясовчи кўрсаткич *-ғу*, *-гӯ*, *қу*, *-кӯ* ва *-луқ*, *-луғ*, *-лӯк*, *-лӯг* аффиксларининг бирикишидан ташкил топган.

Руник обидалар тилида мазкур сифатдош кам учрайди: *йуйқа қалын болсар, топлағулуқ алп эрмиш йингчә йоған болсар, ӯзгӯлӯк алп эрмиш* 'юпқа қалин бўлса тўплаган (тўпловчи) баҳодир бўлади, ингичка йўғон бўлса ўзувчи ўзадиган баҳодир бўлади' (Тон., 62).

Уйғур, турфон, манихей обидалари тилида мазкур формалар билан ясалган сифатдошлар жуда кенг истеъмолда бўлган.

Аниқловчи вазифасида: *асығлығ болғунуғ йолун кӧзӯнмәз инггӯлӯг болғулуғ бәлгӯлӯг бәлгӯрмәз* '(сен учун) фойдали бўлган йўл кўринмас, ранжийдиган белгини бермайди' (ТТ I, 9); *ишләткӯлӯк йонлағулуқ орун* 'ишлатиш, фойдаланиш мумкин бўлган жой' (Сувр., 612); *озғулуқ қутлуғучлуқ ӧдӯмӯз кӯнӯмӯз* 'қутулиш, озод бўлиш вақтимиз, кунимиз' (Сувр., 154); *йығылғулуқ әвимиз* 'йиғиладиган уйимиз' (ТТ VIII, 48).

Отлашиб келади: *сӧзләгӯлӯкӯг* (ТТ VIII, 50); *булқулуқуғ* (ТТ VIII, 32); *уйатқулуқта* (ТТ VIII, 14); *йанқулугун* (ТТ X, 208); *қылғулуқ* (КТм., 31); *умунқулуқ ӯзә* 'умид билан' (ТТ VIII, 14) каби.

Баъзан *-ғулуқ* билан ясалган сифатдош сўз ва форма ўзгартувчи аффиксларни қабул қилади: *ӧз боғағулуқчы* 'ўзини бўғувчи' (ПВ., 136); *оқшатғулуқсуз* 'тенгсиз' (АҒ., 77); *билмәгӯлӯк* 'тушунмаслик' (U III, 43, 31); *әшитмәгулук* 'эшитмаслик' (ТТ VIII, 13); *қылмағулуқ* 'қилмаслик' (ТТ VIII, 43) каби.

*-р*, *-ур*, *-ӯр*, *-ыр*, *-ир*, *-ар*, *-әр*, *-йур*, *-йӯр*. Бу сифатдош ясовчиларнинг у ёки бу формаси қўлланишида қатъий бир мунтазамлик сақланмайди. Ёдномаларда *-ур*, *-ӯр* шакллари қуйидаги феъллар билан қўлланади. Туманда баъзи феъллар берилган: *бир-ӯр, ӯкӯл-ӯр, бил-ӯр, бол-ур, уқыт-ур, қыл-ур, кәл-ӯр, йӯгӯр-ӯр, ӧч-ӯр, ал-ур, кир-ӯр, тик-ӯр, қорқ-ур, ӧч-ӯр, әр-ӯр, тәкин-ӯр, кӧр-ӯр, тур-ур, кӧзӯн-ӯр, ӯнтӯр-ӯр, бил-ӯр, йат-ӯр, айыт-ур, әд-ӯр, қыл-ур, сәбин-ӯр, йалбар-ур, ӯр-ӯр, ӧй-ӯр, башғур-ур, қылын-ур, тәгин-ӯр, сақын-ур, йӯкӯн-ӯр, бат-ур, қазған-ур, әш-ӯр, олур-ур, пусан-ур, пусырқан-ур, кәнрән-ур, йат-ур, ӯләш-ӯр, сақыш-ур, қарыш-ур, йӯкӯн-ӯр, әр-ур, бар-ур, кир-ӯр, кәлӯр-ӯр, қал-ур, әмгәт-ӯр, ӯрӯл-ӯр, тәкзин-ӯр, илт-ӯр ӧл-ӯр, алқан-ур, қал-ур, қол-ур, бил-ӯр, иркәклән-ӯр, чәчәклән-ӯр, ула-ур, ырғал-ур, йараш-ур, қатғлан-тур-ур, қатағ-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*лан-ўр, ўкләш-ўр, алқын-ур, сықыл-ур, талаш-ур, әгир-ўр, ардат-ур, қавыт-ур, санчыт-ур, сачыл-ур* ва бошқалар.

Қуйида **-ар, -әр** шакллари билан келган сифатдошнинг баъзиларини берамиз: *уч-ар, кўй-әр, тис-әр (тиз-әр), йәд-әр, бгир-әр, бас-ар, тўш-әр, сат-ар, бәлгўр-әр, сат-ар, сән-әр, тәг-әр, сәв-әр, адыр-ар, қорқ-ар, оз-ар, йот-ар, кўл-әр, сузләш-әр, бол-ар, сач-ар, ақ-ар, қал-ар, тик-әр, қал-ар* ва шу каби.

Қуйида **-ыр, -ир** шакллари билан келган сифатдошнинг баъзиларини келтирамиз: *кәл*-ир, *қабыш*-ыр, *йағуш*-ыр, *тәг*-ир, *қал*-ыр, *бар*-ыр, *бил*-ир, *әмгәт*-ир, *тикиләш*-ир, *севинт*-ир, *ўркәл*-ир ва шу кабилар.

Қуйида **-р** сифатдош ясовчиси қўшилиб келган феълларнинг баъзиларини келтирамиз: *қаршыла*-р, *тилә*-р, *титрә*-р, *ўртә*-р, *ти-р*, *ақла*-р, *озарла*-р каби.

Қуйида **-йур**, **-йўр** сифатдош ясовчиси қўшилиб келган феълларнинг баъзилари берилади *йоры*-йур, *йи*-йүр, *тилә*-йүр, *йалт*-ра-йур, аға-йур, ишлә-йүр, сөзлә-йүр, титрә-йүр, мәңилә-йүр, тәбрә-йүр, йаңра-йүр, йалтры-йур, сөзлә-йүр, йаша-йүр, көзләти-йүр, йайла-йур, қуры-йур, уғра-йур, үнтә-йүр, тапла-йур, ыдала-йур, ба-йур, уды-йур, алта-йур, булға-йур, өтлә-йүр каби.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, у ёки бу формаларни ишлатишда мунтазам бир тартиб сақланмаган. Ёдномаларда **-ур**, **-ўр** (ундош товушга тамомланган феълларда), **-йур**, **-йўр** (унли товушга тугаган феълларда) жуда кенг, **-ар**, **-әр**, **-ыр**, **-ир** ва **-р** шакллари эса анча кам ўринда қўлланган.

Шуни қайд қилиш лозим бўладики, у ёки бу формани ишлатишда қатъий мунтазамлик сақланилмаганлиги учун бир феъл ўзаги билан турли шаклларнинг қўлланишини учратиш мумкин: болар, бол-ур (ТТ VIII, 57, 12 62); тәгин-үр, тәгин-әр (U II, 80-64) тир, ти-йүр (КТб., ПВ.); тиләр-йүр (ТТ VIII, 13); титрә-р, титрә-йүр (Сувр., ТТ VIII) каби.

Ҳозиргача юқорида келтирилган шаклларнинг қайси бири энг қадимий деган саволга жавоб берилмаган. Эҳтимол, фонетик вариантларнинг кўплиги ва турлилиги эски ёдгорликларда турли диалектларнинг таъсири билан изоҳланар.

Мазкур сифатдошнинг отлашиб келиши руник обидаларида саноқли ўринларда учрайди. *Сабық басар* 'киши оти' (ЕнПТ., 61). Субстантивлашган ҳолатлар сўнгги ёдномалар тилида ҳам кам учрайди: *мана тәгәр алды* 'менга тегишлигини олди' (Юр., XIII); *от ӧчўри* 'ўт ўчириши' (U II, 9; 4);

Мазкур сифатдошнинг келишиклар билан қўлланиши ҳам кам учрайди: *аз нызванықа ағукуп артайу йоқатурурта*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*эмвəдшинлығ бт ўзə ана йўрўнтəг қылтыныз* 'у(лар) оч-кўзлик дардига гирифтор бўлиб, ўлар ҳолатга етган (лар)да, сен(сиз) у(лар)ни ғазаб (Амварарадишн) дориси билан даволадинг(из)' (ТТ III, 28,29) каби.

Акуатив шакли билан келади: *ўнтəйўр тəг* 'чақиргандек' (ТТХ, 282) каби.

*-ур, -ўр* (ва бошқа вариантлар) билан сифатдошлар қадимдан аниқловчи (сифат) функциясида қўлланган: *кӧрўр кӧзим* 'кўрар кўзим' (КТб., 33); *билир билигим* 'билар билимим' (КТб., 33); *қалар əшим* 'қолган дўстларим' (ЕнПТ., 73): *йўкўнўр кўн* 'юкинар кун' (ПМК., 43); *ағып кəлир сағығ сув* 'оқиб келган совуқ сув' (ТТ I, 11) каби.

Бўлишсизлик формаси *-ма* ‖ *мə+р~з.*

*-қан, -кəн, -ған, -гəн, -қын, -кин, -қун, -кўн, ғын, -гин, -ғун, -гўн.* Бу сифатдош ясовчилар ўрхун-енисей обидалар тилида деярли учрамайди[8].

Сўнгги давр тилида отлашиб келган:

*Йазқы булут йашлап кӧкўрəп,*
*йамғурлар му ол йағыдур,*
*йашы кичиг* ***алғанларым,***
*Йашларын му ақыдыр* (Л., 5) каби.

*-кəн* шаклининг *-əр* ёрдамчи феъли билан қўшилган ҳоллари учрайди: *анасы идиз қалығта йатып удыйур əркəн, тўш тўшəди* 'онаси саройда ётиб ухлар экан туш кўрди' (Сувр., 620) каби.

Мазкур сифатдошга акуатив қўшимчаси *-ча, -чə* қўшилиб, равишдош формаси ясалади.

*-ғу, -гў, -қу, -ку.* Сифатдош ясовчи бу формалар руник ёдномаларида кам учрайди. Мазкур форма айниқса уйғур, турфон, манихей текстларида кенг истеъмолда бўлган.

*-ғу, -гў* сифатдошнинг аниқловчи бўлиб келиши ёдномалар учун характерлидир: *барғу йолунуз* 'борадиган йўлингиз' (ТТ II, 24-25); *қутрулқу йол* 'қутулиш йўли' (ТТ III,60); *қутқарқу тынлғларығ* 'қутулиш керак бўлган жониворларни' (ТТ III, 61); *тəнри йиринə барқу кӧни йол* 'тангри ерига борадиган ҳақ йўл' (ТТ III, 72-73) каби.

*-ғу, -гу, -гў, -ку* формадаги сўз жўналиш келишигида қўлланганда иш-ҳаракатнинг бажарилиши лозимлигини, кераклигини билдиради: *тақы илкə қанқа ынанч болғуқа* 'яна элга хонга ишончли бўлишинг керак' (ТТ I, 15); *абам бир адақын сысар ичинтəки татығ тӧкўлгўкə* 'агар бир

---

[8] Айрим феъллар билан қўлланиши тахмин қилинади: И. А. Батманов, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, стр. 93.



www.ziyouz.com kutubxonasi

оёғи синдирилса, ичидаги оши тўкилиши керак' (ТТ I, 15) каби.

Акуатив формаси билан келади. Бунда ***-ғу*** специфик маъно ва функцияга эга: *Ол ӧгрӱнчӱмӱз тӱкәти сӧзләгӱтәг әрмәз* 'ўша шодлигимизни тўла сўзлаб бўлмайди' (ТТ II, 34-55).

***ӱчӱн, ӱзә*** кўмакчилари билан келганда мақсад маъносини англатади: *кӧсәйӱр әрти биргәрӱ кӱнтәмәк тын сизни кӧргӱ ӱчӱн* 'кунда ва доимо сизни кўриши истар эди' (ТТ III, 96); *ӧзғу ӱзә* 'бўшалиш учун' (ТТ III, 142).

***-ғлы, -гли, -ығлы, -игли, -уғлы, ӱгли*** [баъзан ағлы, әгли, — қлы].

Бу аффикс ўрхун-енисей обидалар тилида учрамайди. Бунинг ўрнида ўрхун-енисей ва бошқа руник обидалар тилида ***-ғма, -гмә*** сифатдоши қўлланади[9]. Эски ёдномалардан мазкур форма 'Хуастуанифт'та икки ўринда учрайди: *азғуруғлы йолқа* 'озадиган йўлга' (Хуаст., 117); *қувратқлы* (ўқилиши керак: *қvвратығлы*) *бристилар* 'йиғилган бристилар' (Хуаст., 123). 'Хуастуанифт'да ***-ғлы, -гли*** сифатдоши билан параллел ***-ғма, -гмә*** қўлланган. ***-ғма, -гмә*** кўпроқ қўлланади.

***-Ғлы, -гли*** сифатдош ясовчи аффикслар манихей, уйғур, турфон текстларида отлашади, сифатловчи вазифасида келади: *йаратығлы* 'яратган' (АГ., 71); *әддгу ӧгли* 'дўст, эзгу ниятли' (U III, 7,13); *ӧлӱгӱт тиригл ӱгли бәг* 'ўликларни тирилтирувчи бек' (Ман., 1,24); *оқығлы ӱнтәгли тәнри* 'чақирувчи, жавоб берувчи тангри' (АГ., 76) каби.

***-ғалыр, -гәлир, -қалыр, -кәлир***[10]. Сифатдош ясовчи бу формалар руник обидаларида учрамайди. Мазкур форма уйғур, турфон, манихей текстларида қайд этилган.

***-қалыр, -кәлир*** сифатдош формалари юқорида зикр қилинган обидаларда ҳам истеъмол доираси чекланган аффикс ҳисобланади: *ол оғурда мунун әтӧзинә әмрәнмәк кӧнӱл сәвин тӱркәлир ӱчӱн бир ном шлокин сӧзләдим* 'шу орада бунинг вужудига севгили кўнгилни қувонтириш учун бир

---

[9] С. Малов, Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951, стр. 127.

[10] Проф А. Габэн-***калыр*** формасининг анализига икки асарида тўхталган: W. Bang und A. von Gabain, Türkische Turfan—Texte, Berlin, 1929. S. 26; Alttürkische Grammatik, S. 364. Биринчи китобда Б. Банг ва А. Габэн мазкур формани ***кэл***-ёки ***қал***-феъллари деб изоҳлаган. Сўнгги асарда ҳам бу фикр такрорланган. Бу ўринда бу икки олимнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. А. М. Шчербак буни бошқачароқ тушунтиради: А. М. Щербак Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана, М.—Л., 1961.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шеър сўзлаб бердим' (TT X, 553-554); *анта ӧтрӱ батра қатун илиг бәгкә әтӧзин сәвинткәлир ӱчӱн кӱн кӱнинә тӧзӱн йумшақ савлар сӧзләйӱр әрди* 'шундан сўнг Батра — бегач Илиг—бекнинг кўнглини севинтириш йўлида кунда ёқимли сўзлар эди' (U III, 54; 16); *тутқалыр ӱчӱн* 'тутиш учун' (Сувр., 448); *Қалмашападu илиг мана киртӱ сақынып браманқа алтун йармақ биркәлир ӱчӱн мини мунта ыдты* 'Калмашапади—хоқон менга ишониб брахманларга олтин танга бериш учун мени бунга юборди' (U III, 68,27); *адынлар смнанч киргәлир әркән тыдығ ада қылмазун* 'Смнанч роҳибга киришни истаганларга (кирмоқчи экан) бошқалар йўлида ғов бўлмасинлар' (U III, 77,24).

Бошқа ёдномаларда ҳам учрайди (Ман., III, 37; U, I,41; U II, 92) каби.

*-ма, -мә*. Бу сифатдош ясовчилар саноқли феълларгагина қўшилиб келади: *йәлмә* 'чавандоз' (АГ., 72).

Асосан аниқловчи функциясида учрайди:...*дин бәлгӱртмә браман* ' (ҳар томон)дан пайдо бўлган браманлар' (U III, 12,7); *лаукик титмә йиртинчӱдәки* 'Лаукик дейилган (номланган) ердаги' (U III, 38,23); *барма йыл* 'ўтган йил' (АГ.. 78) каби.

*-сығ, -сиг, -суғ, -сӱг, -сақ, -сәк*. Бу сифатдош ясовчилар руник, уйғур, брахми, манихей ёзув ёдномаларида учрайди ва асосан булар ёрдамида ясалган сифатдошлар отлашиб келади: *кӱн тоғсуқ* 'шарқ' (КТм., 27; ЕнПТ., 84; Ман., III, 9,1); *кун батсық* 'ғарб' (КТм., 27; ЕнПТ, 84, Ман., III, 9,3); *алқансық* 'мақтов' (Хуаст., 96); *тутсық* 'тутадиган' (КТм., 28) *йылсығ* 'бой, бадавлат' (КТб., 28).

Аниқловчи функциясида ишлатилади: *ишләмәсиг иш* 'ишланмаган иш' (Хуаст., 118); *сӧзләмәсик* (Хуаст., 119); *әтӧз қодықарсуғ ед* (Сувр., 190; 23); *тосық* 'тўқ' (TT V, 47); *тапығсақ* (TT VI, 102); *анчуласық кәргәк* (Хуаст., 248) *адынсығ* (TT VI, 195); *ачсық* (TT V, 4) каби.

## РАВИШДОШ

Одатда равишдошга феълнинг шахс, сон ва замонда ўзгармайдиган, асосий иш-ҳаракатга нисбатан бирор қўшимча ҳаракатни билдирадиган ёки шахсли феълларга қўшимча маъно берувчи, маъносини кенгайтирувчи, гапда шахсли феъл формалари ўрнида қўлланувчи, асосий феъл функциясида келиб, ёрдамчи феъл билан бирга вид маъносини ифодалашда хизмат қилувчи феъл формаси деб таъриф берилади. Бу таъриф равишдошнинг энг кенг тарқалган функциясини ўз ичига олади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эски ёдномаларни текшириш асосида юқорида равишдошга нисбатан берилган таъриф мазкур категориянинг ҳамма функцияларини ўз ичига қамраб олади деб бўлмайди. Чунки қадимги ёдгорликларда равишдошнинг яна бошқа бир қатор функциялари ҳам мавжудки, бу билан равишдош номинатив категорияларга яқин туради.

Унинг бу хил функциялари сифатдош каби аниқловчи вазифада келиши, келишиклар аффиксини қабул қилиши, кўмакчи сўз билан қўллана олиши кабиларни кўрсатмоқ мумкин: *бирики будуныг* 'бириккан халқни' (КТб., 27); *кәлипәнин... тутупаныш...* *тийўр* 'келишини тутишини сўзлар' (Ман., II, 12: 2); *кўлчирә йўзин* 'табассумли юзини' (ТТХ, 25, U III, 14); *әрдини бирипә* 'хазина бериб' (ПВ., 135); *муны әшитў бирлә ӧк* 'буни эшитиши биланоқ' (Сувр., 621); *тәнри йәринтән инипәнин* 'тангри еридан тушишини' (Ман., III, 36); *инчә типў йарлықайур* (Ман., II, 9; 4).

Равишдош қуйидаги аффикслар орқали ясалади: 1. **-п, -уп, -ўп, -ып, -ип;** 2. **-пан, -пән, -упан, -ўпӧн, -ыпан, -ипән;** 3. **-у, -ў, -йу, -йў, -ы, -и, -а, -ә;** 4. **-ин, -йин;** 5. **-мады, -мәди, -матын, -мәтин, -мадын, -мәдин;** 6. **галы, гәли, қали, -кәли;** 7. **-гинчә, -ғынча, -қынча, -кинчә.**

**-п, -уп, -ўп, -ып, -ип** баъзан **-ап, -әп;** *барап* (ЕнПТ, 69); *қанап* (U III, 67: 6); *тикиләп* (ТТ I, 8).

Равишдошнинг бу шакллари кенг истеъмолда бўлган. **-п** аффикси унли билан тугаган феъл негизларига [*тәбрәп, анлап*], **-уп, -ўп** шакллари ундош товушга тугаган лабланган ўзакларга [*туруп, ӧндурўп*], **-ып, -ип** шакллари ундош билан тамомланган [*ағытып, бинип*] лабланмаган феъл негизларига қўшилиб келади. Бу ҳол бошқа формаларда ҳам қайд қилинади. Лекин ҳар вақт бу мунтазамлик сақланмайди.

Равишдошнинг **-п** (ва бошқалар) формаси шахсли феъл орқали англашилган ҳаракат ё ҳолат билан бир вақтда рўй берган иш-ҳаракатни билдиради: *йағы болып... йана ичикмиш* 'душман бўлиб яна бўйсунди' (КТб., 29); *ӧгләрин кӧнўлләрин ычқынып, нә қылынмышын арыты билинмәз болтылар* 'эс-ҳушдан кетиб, нима қилишларини билмас эдилар' (Сувр., 625).

Шахсли феъл орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг тамомланишидан аввал содир бўлган ҳаракат ё ҳолатни билдиради: *Ыда ташда қалмышы кубранып йәти йўз болты* 'ўрмонзор, тошлик (жойлар) да қолгани қўшилиб етти юз



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлди' (Тон., 61); *ат бинип тәгди* 'от миниб ҳужум қилди' (КТб., 31); *улуғ йил кәлип, кӧл сувын токын... сув йайылты йай қалты* 'қаттиқ шамол келиб, кўл сувини тоштириб... сув ёйилди, чайқалди' (Сувр., 617); *ал алтағ азун мақларығ шашқарып аддынларқа асығлық ишиг ишләтиниз* 'маккорлик ҳийлагарликни ташлаб, бошқаларга фойдали иш қилдингиз' (ТТ III, 68-69).

Иш-ҳаракатнинг кетма-кет, навбатма навбат алмашилганлигини билдиради: *ол ӧдўн қатун бу савығ әшитип, улуғ пусуста қадғута туруп, ачығы кәлип кӧзинтә толу йашы бирлә тәркин илик бәгкә барып* 'ўша вақт бекач ойим бу сўзни эшитиб, чуқур қайғуга ботиб, аччиғи келиб, кўзида тўла ёш билан Илик бекка тезда бориб' (Сувр., 622); *айлап, билип, қорқуп* 'англаб, билиб, қўрқиб' (ПВ., 135).

Иш-ҳаракатнинг асосий маъносини, шахсли кўмакчи феъл эса ҳаракатнинг турли оттенкаларини англатиб келади: *ўркўп бар—* (ПМК., 37); *тирилип бар—* (МН., 18); *тәзип бар—* (КТб., 31); *ӧлўп бар—* (ТТ II, 16); *ӧнўп бар—* (U III, 10-9); *учуп бар—* (ТТХ, 134); *тирилип кәл—* (МН., 17); *кирип кәл—* (ТТХ, 254); *йанып кәл—* (ПВ., 134) каби.

Айрим ўринларда мустақил ҳолатда қўлланиб шахсли феъл функциясини ўтайди: *ай иниләрим мәнин бўкўнки кўн әртингў қорқум бәлинләгўм кәлип* 'эй иниларим бугун эртаги кун учун қўрқинч келди' (Сувр., 608); *бирлә ки—а ўпўп ўчўкў* 'бирга учовимиз чиқдик' (Сувр., 620).

***-пан, -пән, -упан, -ўпән, -ыпан, -ипән***. Равишдошнинг бу формаси ҳам кенг истеъмолда бўлган. Руник обидалар тилида ҳам маҳсулдор аффикс саналади. Ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаган Култегин ёдномасида кўпгина феълларда учрайди: *сӧкипән* (КТб., 32); *кәлипән* (КТб., 29, 30); *тутыпан* (КТб., 29); *олурыпан* (КТб., 28, 30); сў *сўләпән* (КТб., 29) каби. Руник обидаларида ***-упан, -ўпән*** шаклларини учратмадик. Эски ёдгорликлардан „Ирқ битигда" учрайди.

Бу равишда иш-ҳаракатнинг шахсли феълдан олдин ёки кетма-кет содир бўлганини англатади: *ығач ўзә олурупан, мәниләйўрмән* 'дарахт устида ўтириб севинмоқдаман' (Гкн., 80); *йаш от кӧрўпән, йорыйу барыпан, сув ичипән, йаш йипән ӧлўмдә озмыш* 'кўк ўт кўриб, юриб бориб, сув ичиб, ўт еб, ўлимдан қутулди' (Гкн., 81).

Бу равишдошнинг кўмакчи феъллар билан келиши жуда ҳам кам учрайди: *қопупан бар—* (Гкн., 83).

***-у, -ў, -ы, -и, -а, -ә, -йу, -йў***. Равишдошнинг ***-у, -ў*** шакллари кенг истеъмолда бўлиб ундош товушга тугаган



www.ziyouz.com kutubxonasi

лабланган ва лабланмаган феъл ўзак-негизларига қўшилиб келади. Қуйида мазкур равишдош билан қўлланган феълларнинг баъзилари келтирилади: *йўгўр-ў, удышр-ў, иртир-ў, йандур-у, әшит-ў, қыл-у, йўкўн-ў, бошун-у, йат-у, тур-у, ӧл-ў, адырыл-у, кәз-ў, айыт-у, ычғын-у, йоқад-у, кўй-ў, оқыт-у, уч-у, йалбар-у, йўтўн-ў, тут-у, әбир-ў, бар-у, ӧл-ў, йит-ў, қол-у, қазған-у, итин-ў, йаратун-у, уд-у, олур-у, бар-у, йат-у, бил-ў, таплан-у, кӧтўр-ў, кәгўр-ў, ўнтўр-ў, йантур-у, бўтўр-ў, ӧкўн-ў, қатын-у, қотур-у, ӧдўн-ў, тапын-у, ӧр-ў, тапыш-у, илт-у* каби. Мисоллардан кўриниб турибдики, бу равишдош формаси асосан икки бўғинли феълларга қўшилган.

Равишдош ясовчи **-а, -ә** аффикслар асосан бир ва икки бўғинли феълларга қўшилиб келади: *тик-ә, ӧг-ә, йыв-а, сун-а, кәч-ә, йалвар-а, уч-а, тут-а, йўр-ә, тәз-ә, сўр-ә, ач-а, бат-а, бас-а, ағ-а, йыд-а, кәз-ә, тап-а, бўк-ә, бур-а, ӧгир-ә, сәбин-ә, қықыр-а, тәгил-ә, адыр-а, ӧдур-ә, ӧн-ә, тоғ-а, уқ-а, чӧк-ә, ин-ә, тыд-а, тын-а, кәс-ә, қавыр-а, әнир-ә, тиз-ә, тир-ә, йар-а, сач-а, йан-а, тарт-а* каби.

Равишдошнинг **-ы, -и** шакли жуда тор доирада қўлланилган: *ал-ы, йаз-ы, қод-ы, улат-ы, кәл-и, тәг-и, қод-ы, қал-ы, мәнзәт-и, узат-ы, әрит-и, тўпәт-и* каби. Булардан баъзилари ёрдамчи сўзлар группасига ўтган.

Равишдошнинг **-йу, -йў** шакли феъл ўзаги унли билан тамом бўлганда қўшилиб келади: *мунчула-йу, оила-йу, алта-йу, арқанла-йу, кӧрмә-йў, бити-йў, башла-йу, оқу-йў, отлә-йу, мунyла-йу, йоры-йу, йилби-йў, сығма-йу, бўди-йў, йара-йу, туйурқа-йу, тәбрә-йў, қамша-йу, тәрклә-йў, оғырла-йу, номла-йу, муныла-йу, сўлә-йў, сығда-йу, башла-йу, игдә-йў, бошу-йу, айа-йу, тўшә-йў, сәкри-йў, сынила-йу, тоқы-йу, оқы-йу, тӧки-йў, ағыла-йу, бәлинлә-йў, йалына-йу, булға-йу, қышла-йу* кабилар.

Баъзи тадқиқотларда бу давр тилида **-йы, -йи, -йа, -йә** шакллари мавжудлиги ҳақида маълумот берилади. Ёдгорликларда равишдошнинг бу шаклларига дуч келмадик.

Келтирилган равишдош формалари баъзи феълларда ўзаро алмашинуви мумкин: *аш-а, аш-у, ӧгирә сәбин-ә, ӧгир-ә сәбин-ў, тол-а, тол-ы, тол-у* каби.

**-у, -ў** (ва бошқалар) формалар шахсли феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилишидан аввал содир бўлган ҳаракат ё ҳолатни англатади: *аш қылу тўкәтмишгә* 'ош қилиб тугатганда' (Сувр., 154); *ӧзи йанлуру йана ол арыққа кирип*... 'ўзи қайтиб яна ўша ариққа кириб'... (Сувр., 616).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шахсли феълда ифодаланган иш-ҳаракат билан бир вақтда навбатма-навбат бажарилган ҳаракатни кўрсатади: *кийик йийў, табышған йийў олурур эртимиз* 'кийик еб, қуён еб ўтирар эдик' (Тон, 61); *оларқа йалбару, ынча тип титим* 'уларга ёлбариб шундай дедим' (Сувр., 155); *қылмыш йазуқларын ача йада йалбару этўнў ӧкўпў бошуну кшанти қылтылар* 'қилган гуноҳларини очиб, айтиб бериб, ёлбориб, ўтиниб тобиниб—кшанти қилдилар' (ТТ IV, 6-7); *аны кӧрўп йәкләр бәги вайширвани тәнри йашлығ кӧзин йығлайу атаваки йәкнин ирйан ордусын кӧруп...* 'уни кўриб арвоҳлар беги вайширвани тенгри ёшли кўзи билан атаваки арвоҳнинг ирйан қалъасини кўриб' (ТТ X, 291-301).

Шахсли феъл орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг мақсадини, сабабини билдиради: *энди тәнрим йазуқда бошуну ӧтўнўрбиз* 'энди тангрим гуноҳлардан кечир деб ўтинамиз' (Хуаст., 118); *алы йарлықады* 'олишга буюрди' (ПВ., 135); *кӧрсәтў йарлықады* 'сақлашга буюрди' (Сувр., 156); *қылу кәл* 'қилишга келди' (ТТ III, 106).

Шахсли иш-ҳаракатнинг бажарилиш усулини билдиради: *әгирә тоқыды* 'қувиб ўлтирди' (КТб., 32); *мунчлайу йығлады* 'дод-войлаб йиғлади' (Сувр., 627); *йашын йутуну қатунын ӧтләйў инча тип тади* 'ёшини оқизмай (тўхтатиб), хотинини юпатиб шундай деди' (Сувр., 622).

Бу равишдош формалари синоним ва маънолари бир-бирига зид бўлган ҳаракатнинг жуфт ҳолда келганини кўрсатади: *ӧлу йитў* (КТб., 31); *тирў ӧлў* (КТб., 28); *йитинў йаратуну* (КТб., 29); *ырлайу бўдийў* (ТТ X, 143); *улыйу сығтайу* (Сувр., 625): *тәбрәйў қамшайу* (ТТ X, 210).

Кўмакчи феъллар билан келиб қўшма феъл ясайди: *йўрә кәл-* (ПМК., 35); *уча бар-* (КТб., 30); *адырылу бар-* (ЕнПТ., 56); *алы бәр-* (МН., 19); *қықыра бәр-* (Сувр., 156).

***-ғалы, -гәли, -қалы, -кәли.*** Равишдошнинг ***-ғалы, -гәли*** шакллари кўп, ***-қалы, -кәли*** формалари эса кам учрайди: *йайқалы, сатқалы, тутқалы, ӧриткәли, бититкәли, истәдкәли* каби.

Бу равишдош шахсли феъл томонидан ифодаланган иш-ҳаракатнинг мақсади, сабабини билдиради: *Тўр будун олурғалы, тўрк қаған олурғалы* (Тон., 61); *санчғалы тўшўртимиз* (Тон., 62); *йулғалы барды* (МН., 17); *тынлығлар арасынта издәткәли ытды* 'жониворлар орасидан қидиргани юборди' (Сувр., 156); *қылычын санчғалы оғрады* 'қилич билан санчгани отилди' (ТТ X, 356).

***-ғалы, -гәли, -қалы, -кәли*** равишдоши одатда шахсли феълдан олдин қўлланади. Айрим ўринларда шахсли феъл-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан кейин ҳам келади. Бу ҳол асосан шеърий парчаларда келади: *сини қамағун таплаты бәг қылғалы* 'ҳамма сени бек қилиб сайлади' (ТТ I, 10); *анунтумуз, сизинә асра кӧнӱлин йӱкӱнгәли* 'сенга итоатли кўнгил билан ҳурмат кўрсатгани ҳозирландик' (ТТ III, 3).

***-маты***, ***-мәти***, ***-мады***, ***-мәди***, ***-матын***, ***-мәтин***, ***-мадын***, ***-мәдин***. Бу равишдош шаклларидан ***-маты***, ***-мәти***, ***-мады***, ***-мәди***нинг истеъмол доираси тор, ***-матын***, ***-мәтин***, ***-мадын***, ***-мәдин***нинг истеъмол доираси кенг бўлган.

***-маты***, ***-мәти*** шаклининг маъноси ***-п***, ***-у*** билан ясалган равишдошнинг инкор маъносига тўғри келади: *сәкиз оғуз тоқуз татар қалматы кәлти* 'саккиз ўғуз, тўққиз татар қолмай келди' (ПМК., 35); *тӱн удыматы, кӱнтӱз олурматы* 'тунда ухламай, кундузи ўтирмай' (Тон., 64).

***-матын***, ***-мәтин***, ***-мадын***, ***-мәдин*** формалари ҳам инкор маъносида келади: *сабын алматын... арылтығ* 'сўзига қулоқ солмай ҳоридик (КТм,. 28); *оруқунуз учын булмадын улынчығ сансарта қалтымз* 'сенинг йўлингнинг учини (бошини) топмасдан ўралган Сансарда қолдик' (ТТ III, 46); *йәмә бир қодматын тугәл санаб алтымыз* 'ҳеч нарса қўймасдан тўла санаб олдик' (Юр., II, 206); *тиләп, истәп булматын, йандуру йана кәлип* 'ахтариб, излаб топмай яна қайтиб келиб' (Сувр., 156).

Баъзан қўшма сўз ҳосил қилади: *билип билмәтин* 'билиб билмасдан' (Хуаст., 118).

***-мадын***, ***-мәдин***, ***-матын***, ***-мәтин*** формаларининг фонетик варианти сифатида ***-мәйын***, ***-мәйин*** шакллари ҳам учрайди: *қанын болмайын, Табғачда адрылты* '(Турк халқи) хоқони бўлмай Табғочдан айрилди' (Тон., 61); *қалдурмайын* 'қолдирмай' (USp., 6).

***-ын***, ***-йын***, ***-йин***. Равишдошнинг бу формаси саноқли феълларда учрайди: *туйун* 'билиб' (КТб., 35); *тийин* 'деб' (КТб., 29).

Текстларда тийин лексик элементга айланиб, қўшма гапда бир қатор функцияда қўлланади[11].

***-ғынча***, ***-гинчә***, ***-қынча***, ***-кинчә***. Бу равишдош формалари руник обидалар тилида қўлланмайди Бу равишдош ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради: *кӧзӱг йумуп ачқынча* 'кўз юмиб очгунча' (ТТ VIII, 152); *кӱчи йитгунчә* 'кучи етгунча' (ТТ V, А 73); *тӱгәгинчә* (Сувр., 36); *ынан-*

[11] А. Н. Кононов, О синтаксической функции формы ***тәйин*** | ***тийин***. Сб. „Белек С. Е. Малову", Фрунзе, 1946, стр. 44-46.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*мақынча* 'ишонмагунча' (Сувр., 162); *кэлгинчэ* 'келгунча' (U III, 81); *ынанмағынча* 'инонмагунча' (TT I, 10); *бэргинчэ* 'бергунча' (Юр., XX VII, 215) каби.

## ФЕЪЛ ДАРАЖАЛАРИ

Даража категорияси иш-ҳаракатнинг бажарувчига бўлган муносабатини кўрсатади. Бу муносабат феъл ўзаги ёки феъл ўзагига қўшилган махсус аффикслар орқали ифодаланади. Даража категорияси феълдан феъл ясовчи аффикслар орқали ҳосил бўлади[12].

## БОШ ДАРАЖА

Феълнинг бош даражаси махсус аффиксга эга бўлмай, ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилганлигини ёки бажарилмаганлигини кўрсатади. Феъл ўзаклари орқали ифодаланган маънога қараб феъллар ўтимли ёки ўтимсиз группаларни ташкил этади. Эски ёдгорликларда ўтимли ва ўтимсиз феъллар ҳали тўла шаклланмаган бир ҳолатда бўлган. Ўтимсиз феъллар ўтимли феъллар каби тушум келишиги билан бошқариш хусусиятига эга бўлган. Масалан: *йирчи, йир таңылып боғузланты* 'йўл кўрсатувчи йўлдан адашиб, ўлимга дучор бўлди' (Тон., 62); *билгэ Тоңуқуқ Ӧтӱкэн йэриг қонмыш* 'билимли Тўнюқуқ Ўтикан ерига қонди 'Ўтикан ерни жой қилиб танлади' (Тон., 62); *Кӧгмэн йашығ йорып* 'Кўгман авомига бориб' (КТб., 32).

## ЎЗЛИК ДАРАЖА

Эски ёдгорликларда ўзлик даража феъл ўзаклари унли билан тамом бўлганда *-н* ва феъл ўзаги ундош билан тамом бўлганда *-ун* (*қолун-*), *-ӱн* (*кӧрӱн-*), *-ын* (*қылын-*), *-ин* (*билин-*) қўшимчаси билан ҳосил қилинади. Айрим ўринларда *-л* аффикси ҳам ўзлик даража мазмунини ҳосил қилади.

XI аср тилига бағишланган баъзи тадқиқотларда *-лан* аффикси ўзлик даража ясовчи қўшимчалар қаторига кири-

---

[12] Феъл даражалари тарихи ҳақида қаранг: Э. В. Севортян, Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке, ИВЛ, М., 1962, стр. 448-525.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тилади. Ўзлик даражага *-лан* қўшимчасини киритиб бўлмайди, чунки *-лан* махсус отдан феъл ясовчи аффиксдир[13].

Ўзлик даража аффикси феъл ўзаги орқали англашилган иш-ҳаракатнинг эга томонидан бажарилганлигини ва ҳаракат бажарувчининг ўзига қаратилганини англатади: *öзим сантым* 'ўзим қайғу чекдим' (КТб., 33); *бурхонларқа ынантымыз тайантымыз* (Хуаст., 118); *алтун элиг, кэшиг бэлимтэ бантым* 'олтинли эллик белбоғни белимга боғладим' (ЕнПТ., 17); *эми öкўнўрбиз билинўрбиз* 'энди ўкинамиз, тан оламиз' (ТТ IV, 32).

Иш-ҳаракатнинг доираси чекланганлигини, медиал маънони англатади: *эр оғлы öгирэ сэбинў кэлир* 'эр ўғли қувониб, севиниб келур' (Гкн., 82); *бир балық қапығы кöзўнти* 'бир шаҳар дарвозаси кўринди' (Сувр., 156).

Мазкур маъно айниқса турфон, манихей обидалар тилида тез-тез учраб туради: *ўзкўнгдэ тнридэм қут буйан утмақ йигэдмэк китўн орнанты* 'олдингда тангри бахт-саодати, ютуқ ва ғалаба ўз-ўзидан ўрин олди' (ТТ 192-3); *қатун* 'қошишмоқ' (ТТ I, 15); *öртэн* 'ўртанмоқ' (ТТ IV, 1)

Ўзлик даража мажҳуллик мазмунида: *йазуқда бошунғалы* 'гуноҳдан бўшангани' (Хуаст., 119); *нэ басыналым* 'нима учун енгилайлик' (Тон., 63); *боғинг чуғунг йолунты* 'боғинг талон-торож қилинди' (ТТ I, 7).

Феъл орқали ифодаланган маъно ўзлик даража аффикси қўшилгандан кейин ҳам ўзгармайди: *ағрынмақ* 'оғримоқ' (Сувр., 156); *кўн тэнри кўлўнти чэригинг ўзэ* 'Кунтангри аскарларингдан кулди' (ТТ I, 8).

Ёдгорликларда ўзлик даража аффикси феъл ўзаги орқали ифодаланган семантикани назарга олмаган ҳолда қўшилаверади: *кэнрэн-* 'фарёд қилмоқ'; *алқын-* 'ишдан чиқмоқ, ҳоримоқ' *йазын-* 'гуноҳ қилмоқ'; *öртöн-* 'ўртанмоқ'; *қарған-* 'қарғамоқ'; *билин-* 'ўрганмоқ, билмоқ'; *тапын- табын-* 'топинмоқ'; *қолун-* 'ўзига сўрамоқ, тиланмоқ' каби.

## МАЖҲУЛ ДАРАЖА

Ёдномаларда мажҳул даража *-л* (феъл ўзаги унлига тугалганда), *-ул, -ўл, -ыл, -ил* (феъл ўзаги ундошга тугалганда), *-қ, -к, -сық, -туқ, -тўк* аффикслари орқали яса-

---

[13] XI асрда *-лан* аффиксининг отдан феъл ясашини Маҳмуд Кошғарий ҳам қайд қилади ва бу аффикснинг бир талай маънода феъл ҳосил қилишига мисоллар келтиради: Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, Тошкент, 1961, 163, 170, 174, 185-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лади. Ўрни билан ўзлик даража аффикси ҳам мажҳуллик маъносида келади.

Маълумки, ҳозирги кўпчилик туркий тилларда феъл ўзагида *-л* ёки ўзакнинг сўнгги бўғинида *-л* ундоши бўлганда мажҳул даража *-н* орқали ясалади. Текширилаётган давр ёдгорликларида айрим ўринда *-н*, айрим ўринда *-л* ишлатилган: қылын- (КТб.,); *қылыл-* (ТТ VIII); *алын-* (Сувр.,); *алыл-* (ТТ VIII) каби.

Мажҳул даража аффикслари модал мазмунни ифодалайди: *ачыл-* (ТТ I, 7); *йаңыл-* 'янглишмоқ' (КТб., 28); *ўкўл-* 'кўпаймоқ', (Тон., 63); *йўрәким йарыл-* (Сувр., 625); *йўрәким йарылып* (U III, 18); *бузул-* (Сувр., 613); *тәлин* (ТТ I, 8); *қонрул-* 'ўтмас бўлмоқ, тушиб кетмоқ' (Сувр., 627) каби.

Мажҳуллик маънони англатади: *әтил-* 'қилинмоқ' (ЕнПТ. 73), *сачылып йатур* (Сувр., 625); *йоқару қоды йайылты йайқалты* (Сувр. 617); *әд тавар сачылур* (ТТ I, 10).

Мажҳул даража аффикси ўзлик маънода: *адырылғай* 'айрилгай' (Хуаст., 118); *адырылтым* 'айрилдим' (ЕнПТ., 80); *адырындым* 'айрилдим' (ЕнПТ., 63) каби.

Бу давр обидалар тилида саноқли феъллар билан ***бирлә*** кўмакчили конструкция учрайди. *Табғач будун бирлә түзәлтим* 'Хитой халқи билан қўшилдим' (АТб., 28); *Оғуз будун тоқуз — татар бирлә тирилип кәлти* 'оғуз халқи тўққиз татар билан қўшилиб келди' (МН., 17); *Кәйрә башынта ўч Биркўдә қан сўси бирлә қатылтым* 'Кэйра булоғи бошида уч Биркуда хон лашкари билан қўшилдим' (ПМК); *өг қан бирлә қатылтымыз әрсәр* 'она билан бириксак' (ТТ IV, 35-36).

Мисолларда ***бирлә*** биргалик маъносида келиб, пассив конструкция ҳосил қилмайди. Пассив конструкция ***ўзә*** кўмакчиси ёрдамида ясалади: *булун йынақ барча бўтўрў қарарды қара тўмән ўзә өртўлди* 'бутун ер юзи қорайди, қора туман бирлан қопланди' (Сувр., 617); *йити әнўкләри әмгәк ўзә сықылып* 'еттита болалари қийинчилик билан сиқилиб' (Сувр., 610); *ачығы ўзә тықылып* 'аччиғи билан тиқилиб' (Сувр., 622).

Ёдгорликларда *-қ, -к, -сық, -йық, -дық* (вариантлари) аффиксларнинг истеъмол доираси жуда тор бўлган: *оқын урсуқмыш* 'ўқ билан урилган' (Сувр., 625); *кишикә мў алсықды* 'одам томонидан олинди' (Юр., I, 203); *инчкўн мәнин бултуқмаз* 'тинчлик шодлик (сенга) топилмас' (ТТ I, 7);



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёдгорликларда орттирма даража қуйидаги аффикслар орқали ҳосил қилинади: *-т-*, *-ут-*, *-ӯт-*, *-ыт-*, *-ит-*; *-р-*, *-ур-*, *-ӯр-*, *-ыр-*, *-ир-*, *-тур-*, *-тӯр-*, *-дир-*, *-дур-*, *-дӯр-*; *-ғур-*, *-гӯр-*, *-қур-*; *-з-*, *-тыз-*, *-кит-* *-чир-* каби.

*-т* аффикси асосан унли товуш билан тугаган икки бўғинли феъл ўзакларига қўшилиб келади: *йарат-* 'яратмоқ', *тӯгәт-* 'тугатмоқ', *ағрыт-* 'оғритмоқ', *сӯләт-* 'лашкар тортмоқ', *йорут-* 'юритмоқ', *әксӯт-* 'камайтмоқ', *тартыт-* 'торттирмоқ' (U III, 84-15).

Ёдномаларда унли товуш билан тамом бўлган уч ва ундан ортиқ бўғинли феълларга *-т* орттирилиши характерли эмас. Мазкур форманинг ундош билан тугаган феълларга қўшилиши жуда кам учрайди: *сәвит-*, *басыт-*, *йӯгӯрт-*, *ӧлут-*, *ағыт-* каби.

-р- (вариантлари) аффикси *л*, *г*, *т*, *ш*, *с*, *д*, *й*, *н* каби ундошлар билан тамом бўлган бир ва икки бўғинли феълларга қўшилиб келган: *кәлӯр-*, *ӧлӯр-*, *кӧнӯр-* (TT I, 18): *кӯйӯр-*, *олур-*, *тәгӯр-*, *тӯшӯр-*, *кәчӯр-*, *артур-*, *туғур-* 'туғмоқ' (U III, 21-11); *бӯтӯр-* 'битирмоқ' (TT III, 139); *тоғур-* 'тикламоқ' (TT III, 60) каби. Орттирма даражанинг мазкур формаси асосан ўтимли феълларни ясайди.

*-тур-* (вариантлари) аффикси тарихан *-т-* ва *-р-* шаклларининг бирикишидан ҳосил бўлган. Бу давр ёдгорликларида ушбу аффикснинг истеъмол доираси *-т-* ва *-р-* аффиксларига қараганда торроқ бўлган. Руник ёдномалар тилида *-тур-*, *-тӯр-* вариантлари турфон, уйғур, манихей ёдномаларида *-тур-*, *-тӯр-* ва *-дур-*, *-дӯр-* вариантлари параллел қўлланган: *йӯкӯнтӯр-*, *ӧгләнтӯр-*, *йантур-*, *йандур-*, *әшитдӯр-*, *уртур-*, *ӧнтӯр-*, 'йўқотмоқ' (TT III, 122); *қантур-*, *билтӯр-*, *иринтӯр-* 'ёмон қилмоқ' (TT IV, 17) каби.

*-з-*, *-қур-*, *-ғур-*, *-гӯр-*, *-тыз-*, *-кит-*, *-чир-* каби аффиксларнинг истеъмол доираси бу давр ёдномаларида тор бўлган: *ӯтуз-* 'ютқизмоқ', *тутуз-* 'тутқазмоқ' (U III, 29, TT III, 57); *алтыз-* 'олдирмоқ'; *турқур-* 'турғизмоқ' (TT III, U III); *турғур-* 'турғизмоқ', *тиргӯр-* 'тирилтирмоқ', *бәлгӯр-* 'билдирмоқ', *озқур-* 'бўшатмоқ' (TT III, 47); *кӧркит-* 'кўрсатмоқ' (TT III, 58); *турқур-* (TT V, 8; 55); *йатғур-* 'ётқизмоқ', (U III, 14-7); *азғур-* 'бўшатмоқ' (TT III, 119); *кӯлчир-* 'кулдирмоқ' (U III, 21; 9; TTX, 25) каби.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, баъзи феълларга орттирма даражанинг турли формалари қўшила олади. Бунга яна қуйидаги феълларни кўрсатиш мумкин:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ӧлӱр-, сықыр-, сығур-* 'йиғмоқ' (ТТ III, 100, 119); *кӧркит-, кӧргит-* (ТТ III 58, 73) каби.

Саноқли феълларда бир ўзакка икки орттирма даража аффиксининг қўшилиб келиши ҳам учрайди. Бу ҳолда маъно ўзгармайди: *бәлгӱрт-* (U III 12-7); *кәлӱр,- кәлӱрт-* 'келтирмоқ' (ТТ III, 38, 12-16), *анқыттыр-* 'бўйсундирмоқ' (ТТ III, 78);

Орттирма даража объектга бўлган интенсив йўналишни билдиради. Бу маъно ўтимли ва соф орттирма маъноларни ўз ичига олади. Орттирма даража асосан шу икки маънода келади: *қырқыз қағаның ӧлӱртӱмӱз* (Тон., 63); *тылығ кәлӱрти* 'айғоқчини келтирди' (Тон., 63); *анар адынчығ туркутыңуз* 'унга бошқа тоғни турғаздингиз' (ТТ III, 54); *аны нәгӱлӱк кәлӱртӱңӱзләр* 'нимага уни келтирдингизлар' (Сувр., 156).

Айрим ўринларда орттирма даража аффиксларининг семантикаси ўзлик-мажҳул даража аффикслари ифодалаган маънога тўғри келади: *тәңриләрдә арытдымыз* 'тангрилардан қутулдик' (Хуаст., 118); *әкисиң ӧзи алтызды* 'иккисини ўзи олдирди' (КТб.); *ӧкә қаңқа сәвинтмиш әртиң* 'онанг ва отанг севишар эди' (Сувр., 619); *киши кӱчи қӧрасар йад кишикә басытур* 'киши кучи қуриганда, тамом бўлганда, ёт киши томонидан енгилади' (ТТ I, 9); *бу ырқ кимкә кәлсәр сӱдә әрсәр санчытур* 'бу белги кимга келса (тегса), урушда бўлса санчилади' (ТТ I, 9); *ынағы титир* 'ишончли дейилади' (ТТ IV, 2) каби.

## БИРГАЛИК ДАРАЖА

Биргалик даража *-ш* (*-уш*, *-ӱш*, *-ыш*, *-иш*) аффикси орқали ҳосил бўлади. Бу даражанинг маъноси иш-ҳаракатнинг бир неча шахс ўртасида бўлганини, бирликда бажарилганлигини ва ҳаракатнинг бажарилишида бир неча субъект иштирок қилганини кўрсатади: *Утру ики айлығ киши оғлын соқушмыш* 'сўнгра у икки ойлик болани учратди' (Гкн., 80); *ӧз кӧңӱлләрин — тәки сақынмыш савларын сӧзләшип...* 'ўз кўнгилларидаги ўйлаган сўзларини сўзлашиб'... (Сувр., 609); *биш йәк талашур ӱч ӱзӱт ӧкләшӱр* 'беш жин талашмоқда, уч арвоҳ олишмоқда' (ТТ I, 8).

Ўрхун-енисей обидаларидан сўнгроқ ёзилган ёдномаларда мазкур маънода келган феълларда *-лар*, *-ләр* аффикси қўллана бошлайди: *дындарлар бирлә сӧзләшдиләр* (ТТ, I, 28); *кәңгәштиләр* (ПВ., 135).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Биргалик даража *бирлә, бирлән* кўмакчилари билан ишлатилганда комитатив маънода келади. *Бирлә* кўмакчили биргалик даражанинг конструкцияси қадимдан мавжуддир: *Изгил будун бирлә сӱнӱшдимиз* 'Изгил халқи билан урушдик' (КТб., 32).

Биргалик даража интенсив, медиал маънода келади: *ол сӱг анта йоққышдым* 'қўшинларни ўша ерда йўқ қилдим' (МН., 16). *Икки кӧнӱл қарышды* 'икки кўнгил ранжиди' (ТТ I, 9) каби.

Шуни қайд қилиш керакки, ёдгорликларда бир неча даража кўрсаткичи бир ўзакка қўшилиб келади: *йаратын-* 'яратилмоқ' (ТТ III, 79); *соқлун-* 'суқилмоқ' (ТТ III, 55); *қатрун-* 'қотирмоқ' *йӱрәки қатрунуп* 'юрагини қаттиқ қилиб' (U III 15-10); *йапшын-* 'ёпишмоқ' (U III, 32; 25); *тудултур-* 'асир қилмоқ' (ТТ III, 79).

## ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Феъллар икки йўл билан ясалади: морфологик ва синтактик. Феъл ясашда бу икки усулдан морфологик йўл билан феъл ясаш обидаларда маҳсулдор ҳисобланади.

Морфологик усул билан феъл ясашда аффикслар қатнашиб, улар маҳсулдорлиги, янги феъл ясашда актив иштирок қилиши ёки кам унумлилигига қараб иккига бўлинади.

Қуйидаги аффикслар феъл ясашда иштирок қилади.

***-ла, -лә***: бу аффикс энг актив сўз ясовчилар қаторига киради ва кўпгина маънони англатади: *бошла- сӱлә-* 'қўшин тортмоқ'; *сӧзлә-* 'сўзламоқ'; *бәдизлә-* 'нақшламоқ'.

***-ад, -әд***: *бунад-* 'қийналмоқ'; *йигәд-* 'яхшиламоқ' *қутад-* 'бахтли бўлмоқ, қилмоқ'; *йағыд-* 'душман бўлмоқ'; *кӧкәд-* 'кўкка кўтармоқ'.

***-а, -ә, -ы, -и, -у, -ӱ***: *атан-* 'шуҳрат қозонмоқ'; *аша-* 'емоқ'; *мӱнрәмәк ынчықламақ* (жуфт. Сувр., 12); *ула-* 'уламоқ'; *мӱнрә-* 'дод-вой қилмоқ'; *тилә-* 'истамоқ'; *тӱл тӱшә-* 'туш кўрмоқ'; *сығыта-* -йиғламоқ'; *бошу-* 'бўшалмоқ'; *куру-* 'қўримоқ'; *тару-* 'торaймоқ'; *уйу-* 'ухламоқ'; *ири-* 'иримоқ'; *оқы-*, *оқу-* 'ўқимоқ'; *қаны-*, *қана-* 'қонамоқ'; *кинӱ-* 'кенгаймоқ' каби.

***-қ, -к***: *ташық-* 'тошиқмоқ, ташқарига чиқмоқ'; *антық-* 'онт ичмоқ'; *тағық-* 'тоққа кўтарилмоқ'; *йолық-* 'йўлиқмоқ'; *ичик-* 'бўйсунмоқ, ичкарига кирмоқ' каби.

***-та, -тә, -да, -дә;*** *унтә-* 'ундамоқ'; *истә-* 'изламоқ'; *алта-* 'алдамоқ' каби.

***-ка, -кә, -ға, -гә:*** *иринчкә-* 'марҳамат этмоқ, ғам емоқ';



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қурға-* 'қуримоқ'; *йарлығқа-*, *йарлықа-* 'буюрмоқ'; *кинәш-* 'кенгашмоқ';

*-ғар*, *-гәр*, *-кар*, *-кәр*: *көнӱлкәр-* 'ўйламоқ'; *тӱпкәр-* 'охирига етказмоқ'; *биргәр-* 'бирлаштирмоқ'; *қодықартур-* 'пастлатмоқ'; *чынғар-* 'ростламоқ'; *тӧзкәр-* 'асосламоқ'; *башғар-* 'бошқармоқ'; *ичкәр-* 'ичкарилатмоқ' каби.

*-қыр*, *-кир*, *-қур*, *-кур*, *-ғыр*, *-ғур*, *-гӱр*, *-гир*: *қыйқыр* 'қийқирмоқ', *айқыр-* 'ҳайқирмоқ'; *йаңгур-*, *йаңқыр-*, *йаңқурт-* 'янгратмоқ' каби.

*-л*, *-ал*, *-әл* (<*а*+*л*) *тӱзәл-* 'тузатмоқ'; *онал-* 'яхшиламоқ'; *йоқлун-* 'йўқотмоқ'; *тусул-* 'фойдаланмоқ' каби.

*-са*, *-сә*, *-сы*, *-си*, *-сын*, *-син*: *барығса-* 'бормоқчи бўлмоқ'; *кӧрӱгсә-* 'кўрмоқчи бўлмоқ'; *эрксин-* 'куч касб этмоқ' каби.

*-сыра*, *-сирә*: *ӧгсирә-*, *тынсыра-* 'беҳуш бўлмоқ'; *қағансыра-* 'хоқонсиз бўлмоқ'; *илсирә-* 'элсиз бўлмоқ'; *инчсирә-* 'тинчликни йўқотмоқ'; *татығсира-* 'бирор нарсанинг мазасини йўқотмоқ, тотсизланмоқ' каби.

*-ра*, *-рә*: *кӧкрә-* 'гулдирамоқ'; *кәкрәш-* 'ҳиддатланмоқ' каби.

*-р*: *йаңыр-* 'янгилатмоқ' каби.

*-шӱр*, *-шур*: *кәншӱр-*, *кәкшӱр-* 'уришмоқ, хафа қилмоқ'; *йоншур-* 'гижгижламоқ, олқишламоқ' каби.

*-мсын*, *-мсин*: *қылымсын-* 'қилимсинмоқ'; *бәгимсин-* 'бек бўлишга ҳаракат қилмоқ'; *атақымсын-* 'шуҳрат қозониш учун ҳаракат қилмоқ' каби.

*-лаш*, *-ләш*: *ӧгләш-* 'ўйлашмоқ'; *кәниләш-* 'кенгашмоқ';

*-лан*, *-лән*: *ашлан-* 'банд бўлмоқ, мафтун бўлмоқ'; *йарықлан-* 'чулдур кийим киймоқ' каби.

Ёдномаларда бир группа феъллар мавжудки, булар бажарувчи асосий феълларга қўшимча маъно оттенкаларини бериб қўшма феъллар ҳосил қилади. Етакчи феълга қўшимча маъно оттенкалари қуйидаги кўмакчи феъллар орқали берилади.

*-бир*, *-бәр* 'бермоқ'; *тута бир-* 'қўлламоқ' (КТб., 28); *иши бир-* 'жойлаштирмоқ' (КТб., 28); *қазғану бир-* 'эришмоқ' (Мн., 18); *әшидӱ бир-* 'эшитмоқ' (Тон., 62); *сӱйләйӱ бир-* 'уришиб бермоқ (КТб., 29); *алы бир-* 'олиб бермоқ' (Мн., 19); *қылу бир-* 'тайёрлаб бермоқ' (Мн., 18); *тикә бир-* 'тикламоқ' (Мн. 18); *илтӱ бир-* 'элтиб бермоқ' (ТТХ, 552); *қықыра бир-* 'қичқириб бермоқ' (Сувр., 156); *ача бәр-* 'очмоқ' (Ман., I, 13); *йарлықайу бәр-* 'буюрмоқ' (Ман., III, 25); *сӧзләйӱ бәр-* 'сўзлаб бермоқ' (Тш., 34) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*кәл-* 'келмоқ'; *йорыйу кәл-* 'юриб келмоқ' (ПМК., 35); *йүрә кәл-* 'йўлга тушмоқ' (ПМК.,-35; Мн., 17); *тирилип кәл-* 'тирилмоқ' (Сувр., 154); *илтү кәл-* 'қайтиб келмоқ' (Сувр., 156); *кирип кәл-* 'кириб келмоқ' (ТТХ. 254); *йанып кәл-* 'қайтиб келмоқ' (ПВ., 134); *тәркләйү кәл-* (Гкн., 80); *көрүп кәл-* 'кўриб келмоқ' (ТТХ, 180); *ақып кәл-* 'оқиб кетмоқ' (Сувр., 621) каби.

*бар-* 'бормоқ': *адырылу бар-* 'ажралиб кетмоқ' (ЕнПТ.,38); *уча бар-* 'учиб кетмоқ' (КТб., 30); *үркүп бар-* 'ҳуркиб кетмоқ' (ПМК., 35); *тирилип бар-* 'йиғилиб чиқмоқ' (Мн., 18); *тәзип бар-* 'қочиб кетмоқ' (КТб., 31); *қушлайу бар-* 'овламоқ' (Гкн., 83); *қопупан бар-* (Гкн., 83); *қалыйү бар-* 'қолиб кетмоқ' (Гкн.. 82); *қылыйу бар-* (Гкн., 83); *йүгүру бар-* (Гкн., 83); *йорыйу бар-* 'югуриб кетмоқ' (Гкн., 81); *учуп бар-* 'учиб кетмоқ' (ТТХ, 134); *йорып бар-* 'юриб кетмоқ' (Сувр., 620); *өлүп бар-* 'ўлиб кетмоқ' (ТТ II, 16); *өнүп бар-* 'ташлаб кетмоқ' (U III, 10-9); *өни өни тартып илтип барырлар* 'ҳамма томонга ташлаб кетдилар' (U III, 17-19); *тарықып бар-* 'йўқолиб кетмоқ' (U III, 38, 36); *илтү бар-* 'элтмоқ' (U III, 43, 5) каби.

*ыт-*, *ыд-*, 'юбормоқ': *иртүрү ытымыз-* 'юбордик' (КТб., 32); *ычғыну ыдмыш* 'тушкунликка келтирди' (КТб., 39); *ығчыны ыд* 'ҳайдатмоқ' (Онг. П., 8); *айыту ыд-* 'айттирмоқ' (АГ., 129) каби.

*қал-* 'қолмоқ': *олуру қал-* 'ўтириб қолмоқ' (ЕнПТ., 48, 95); *йату қал-* 'ётиб қолмоқ' (Тон., 62; КТб., 33); *туру қал-* 'туриб қолмоқ' (Сувр., 618); *әртип қал-* (АГ., 129) каби.

*тур-* 'турмоқ': *қолу тур-* 'сўраб турмоқ' (U III, 12; 8); *алтайу тур-* 'алдаб турмоқ' (АГ., 131); *күзәтип тур-*, *көзүнү тур-* 'қараб турмоқ' (U II. 22, 6); *киргәли тур-* каби.

*ал-* 'олмоқ': *қабраты ал-* 'йиғмоқ' (ПМК., 34); *авлап ал-* каби.

*олур-* 'олмоқ': *алы олур-* 'йиғиб олмоқ' (Тон., 63); *чөкүдү олур-* 'чўкиб кетмоқ' каби.

*қод-* 'қўймоқ': *йәп қод-* 'еб қўймоқ' (Сувр., 618); *коплап қод-* (АГ., 131).

*тигин-*: *қылу тигин-* 'қилиб бўлмоқ' (АГ., 130); *тута тәгин* 'сақламоқ' (Сувр., 78); *битийү тәгин-* 'ёзиб чиқмоқ' (U II, 402) каби.

*йарлықа-*: *әшитү йарлықа* 'эшитмоқ' (Сувр., 608); *бәлтүрү йарлықа* 'билдирмоқ' (АГ., 130) каби.

*йүр-*: *йатып йүр-* 'ётиб юрмоқ' (АГ., XI)

*тут*: *күйү тут-* 'сақлаб турмоқ'.

*алқ-*: *қылу алқ-* 'тамомланмоқ'.

*кир-*: *севә кир-* 'севмоқ' каби феъллар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАВИШ

Ёдномалардаги равишлар иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги турли ҳолатларни, ҳолат ва белгининг белгисини билдиришда қўлланади. Равиш категориясига кирган сўзларнинг кўпчилигида равишдош ва келишиклар аффиксини кўриш мумкин. Бу сўзлар тарихан от, феъл категорияларига кирган бўлиб, равишдош, келишик аффикслари билан бирикиб аста-секин равишлашиб кетган.

Равишдош аффиксларини қабул қилиб келган феълларнинг равиш ҳолатига (адвербиализация) ўтганига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: *йантуру*, *йандуру* 'яна, тағин' (Сувр., Юр., I, ТТ VIII); *ичкәрӯ* 'ичкари' (Сувр., 609); *бӯтӯрӯ* 'тўла (Сувр., 156); *анчалайу* 'шундек' (ТТ IX, Сувр., 624); *йана* 'яна' (Сувр., ТТ); *тозу тӯгәти* 'тўла, батафсил' (Сувр., 624); *қоды* 'қуйи' (ПМК., 35); *әмти*, *әмди*, *әмты* 'энди' (Хуаст., 117); *тан ӯнтӯрӯ* 'эрталаб'; *ӧтрӯ* 'сўнгра' (Сувр., 619); *тақы* 'яна' (Сувр., 158); *тӯгәти* 'тўла' (Хуаст., 119); *тӯзӯ* 'тўла' (ТТ IX, 42); *әдгӯти* 'яхшилаб' (Хуаст., 119); *титрӯ титирӯ* 'алоҳида' (ТТХ, 168; Сувр., 612); *толу* 'тўла' (ТТх., 186; Сувр.); *мунчулайу* 'шундай қилиб' (ТТ X, 164); *удышру* 'бирин-кетин' (КТб., 32); *сайу* 'бўйлаб' (КТб., 31); *ан башлайу* 'энг аввал' (Сувр., 154); *ташқару* 'ташқари' (Сувр., 622); *йумқы* 'бирга' (Сувр., 623); *йашуруқы* 'яширин' (ТТ I, 29); *тәгрә* 'атрофдан' (ТТ I, 9); *йантуру* 'орқага' (ТТ I, 11); *арыты* 'тўла' (Сувр., 623, 625); *қидирти* 'орқадан' (ТТ I, 12); *ӧндӯрти* 'олдидан' (ТТ, I,12; 14); *узаты* 'узоқдан' (ТТХ, 445); *иргӯрӯ* 'даставвал' (ТТ I, 14); *таштырты* 'ташқаридан' (Ман. III, 19); *ичкәрӯ* 'ичкари' (U III, 10-12); *ӧрӯ қоды* 'юқори паст' (U III, 31; 8); *икиләйӯ* 'иккинчидан' (ТТ II, 84); *тӯкәти* 'тўла' (ТТ II, 3); *ынчып* 'шундай қилиб' (ПМК., 64); *йанғырды* 'янгидан' (ТТ I, 9);



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қатығты* 'қаттиқ' (Сувр., 208); *ашну* 'аввал, бурун' (Ман., III, 6); *йантуру* 'яна' (ТТ VII, 41); *анчолайу, анчулайу* 'шунингдек' (Ман., I, 17, 24) каби.

Келишиклар аффикслари билан келган айрим сўзларда равишлашиш процесси кўринади. **-н, -ин, -ын:** *йадағын йаланын* 'яёв ва яланг' (КТб., 31); *йақын* 'яқин' (Сувр., 134); *тәркин* 'тезда' (Сувр., 622); *ўстўн* 'устида' (ТТ X, 208); *алтын* 'остида' (ТТ X, 271); *нәчўкин* 'нечук' (U I, 6); *ол өдўн* 'ўша вақтда' (Сувр., 609; U III, 10; 12); *йақын* 'яқин' (USp., 46); *қамағун* 'ҳамма' (Сувр., 623); *тимин* 'аста-секин' (Сувр., 620); *өнин онын* 'ҳар хил' (Сувр.); *тәркин* 'тезда' (Сувр.); *әрксизин* 'хоҳишсиз' (Сувр.); *төрўн тоғун* 'қоидага асосан' (ТТ); *әдгўн* 'яхшиликча'; *төпсўзин* 'асоссиз'; *чынсызын* 'қалбаки' каби.

**-ру, -рў, -ра, -рә, өңрә**: 'олдинга' (ПМК., 34); *биргәрў* 'бирга' (Сувр., 623); *ичрә* 'ичкари' (Гкн., 84); *ташра* 'ташқари' (Сувр.); *ынару бәрў* (Сувр., Ман., I) каби.

**-та, -тә, -да, -дә**: *бунда* 'бу ерда' (Ман., 63); *анта, анда* 'у ерда' (КТм., 28); *мунтада* 'шунда' (U III, 21; 15); *ол оғурда* 'сўнгра' (ТТ X, 553); *антада* 'сўнг' (Ман., II, 7); *анчата* 'сўнгра' (Сувр., 619); *қанта, қайуда* каби.

**-ғару, -қару, -гәру, -кәру, -қа, -кә, -ға, -гә, -йә**: *турқару* 'ҳамма ерда' (Ман., III, 45); *йоқару* 'юқори' (Тон., 62); *йырғару* 'чапга' (КТм., КТб., Ман., ПМК.); *йанғару* 'ён томон' (ТТ I, 10; 75); *бирийа* 'ўнгдан' (КТб., 30); *қурыйа* 'ғарбда' (ПМК., 35); *аднағуқа* 'бошқача' (Ман., III, 21); *нәгә* (КР., 10) каби.

**-туң, -тўн, -дун, -дўн, -тын, -тин, -дын, -дин, -тан, -тән, -дан, -дән**: *қантан* 'қайдан' (КТб.); *өнтўн* 'ўнгдан' (КР., 25); *қайудын* (Сувр., ТТ) каби.

**-ча, -чә**: *мунча* (Хуаст., 117); *анча, бунча, шунча* (КТм., 28; Ман., 17); *нәчә* 'кўп' (Хуаст., 120); *ашнуча* 'даставвал' (Сувр., 155); *антача* 'яқинда' (ПВ., 135); *өзиничә* 'ўзича' (Ман., III, 22); *қанча* 'қаёққа, қаерга' (КР., 28); *йыл йанынча* 'йил янги бўлганча' (USp., 7) каби.

Айрим аффиксларни қабул қилиб келган сўзлар сўзнинг такрорланиши, икки сўзнинг қўшилиши натижасида ҳам равишлар ҳосил бўлган: *кўндўз* 'кундуз' (Сувр., ТТ); *бўкўн, букўн* 'бугун' (Ман., I, 31 ПВ., 135); *әртә кәд* 'аввал' (Сувр., 154); *кин бир* 'бир кун' (Сувр., 154); *толу тўкәл* 'тамоман' (Сувр., 155); *тәсў тўкәл* 'батамом' (Сувр., 154); *әмтықа тәги* 'ҳозиргача' (ТТ II, 40-41); *әртў кич* 'тез орада' (U III, 10-16); *кўнтәмәк* 'ҳар 'куни, кунда' (ТТ III, 96; Ман., III, 22); *кўнтәм* (қиёсланг: *биртәм (әк)* юклама ‖ *ина-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*рӯ бәру* 'у ёққа бу ёққа' (U III, 42; 27); *қалы* 'шундай қилиб' (Хуаст., 118); *бек* 'қаттиқ' (ТТ I, 8); *öни öни* 'аста-секин' (U III, 16-18; 19); *öтрӯ öтрӯ* 'сӯнг' (Сувр., 609); *топ* 'тӯла' (то—р ТТ II, 20) каби.

Юқорида келтирилган мисоллардан кӯриниб турибдики, равиш категориясига кирган сӯзлар иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, ӯрнини, пайтини, даража-миқдорини (*оз, қоп, тәлим öкӯш* каби олмош баҳсига қаранг) англатади.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЎМАКЧИЛАР

Кўмакчилар асосан ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиб, хилма-хил маъноларни англатади. Ёдномадаги кўмакчилар тўртга бўлинади:

1. Соф кўмакчилар
2. Ярим кўмакчилар
3. Кўмакчилашган равиш ва равишдошлар
4. Кўмакчи отлар.

**Соф кўмакчилар**. Соф кўмакчиларга ***бирлә, ўчўн, ўзә (бзә)*** кабилар кириб, булар келишик аффиксларини қабул қилиб келмайди.

***Бирлә*** 'билан'. Бу кўмакчи қуйидаги маъноларда келади. Бирор иш-ҳаракатнинг бажарилишида шахс, предметларнинг биргалигини (комитатив), бирга иштирок этганини, алоқадорлигини, дахлдорлигини билдиради: *Бишинч Әзгәнти Кадазда оғуз бирлә сўнўшдимиз* 'бешинчи марта Эзгенти Кадазда ўғуз билан уришдик' (КТб., 33); *Илик қан ўч оғланы бирлә таштын..* ' ликхон уч ўғли билан ташқаридан' (Сувр., 608); *тапығчылары бирлә қамағун* 'хизматчилари билан бирга' (Сувр., 623); *анчулайу ймә мән Ил тўзмиш бирлә* 'шундай қилиб мен Элтузмиш билан' (ТТ IV, 15-16).

Иш-ҳаракатнинг бажарилишида восита, қуролни билдиради: *бадыр бирлә он ики бадыр кўнжид алдым* 'бодир (ўлчов) билан 12 бодир кунжут олдим' (Юр., XXVII, 215); *Қууш—тәмўр бақшытын узун қары бирлә* 'Қууш—темир бахшидан узун қарич билан' (Юр., II, 206).

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини, пайтини, бир ҳаракатдан кейин иккинчи ҳаракатнинг мавжудлигини ва биринкетин рўй беришини билдиради: *атымны әшидў бирлә* 'отимни эшитиши билан' (Сувр., 156); *муны әшитў бирлә*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ӧк ўркип* 'буни эшитиши биланоқ қўрқиб...'(Сувр., 621); *ӧгләнӱ бирлә ӧк* 'ўзига келиши биланоқ...' (Сувр., 625).

Ҳаракатнинг бажарилишидаги белги, ҳолатни ва унинг таърифини кўрсатади: *кӧзӱнтә толу йашы бирлә барып* 'кўзида тўла ёш билан бориб '(Сувр., 622); *йалын бирлә* 'оташ билан' (ПВ., 135).

Бу давр тилида тушум келишигида келган кўпгина сўзлар билан қўлланишини қайд қилиш лозим: *ики қулын бирлә ӧлти* (ЕнПТ., 61); *қаганын бирлә* (КТб., 32); *Сизни бирлә* (ТТ II, I); *бизни бирлә* (Сувр., 620); *сины бирлә* (U III, 84,5); *йитинч оғушунузларны бирлә* 'еттинчи авлодларингиз билан' (U III, 55; 11-2) каби.

***учун*** 'учун'. Қуйидаги маъноларни билдиради: сабаб, важ, боис; *азу мун ӱчӱн* 'ёки қайғу (бор) учун' (Хуаст., 19); *тӧрт оғлум бар ӱчӱн* 'тўрт ўғлим бор учун' (ЕнПТ., 41); *қутим бар ӱчӱн ӱлӱгим бар ӱчӱн* 'бахтим бор учун, омадим бор учун' (КТб., 31); *нә ӱчӱн* 'нима сабабдан' (TTV III, 40); *нә ӱчӱн тисәр биз тәнри ырлығын адруқ қылмазбиз* 'чунки биз тангри сўзидан чиқмасмиз' (ТТ III, 44).

Иш-ҳаракат бирор шахсга, предметга аталганлигини, йўналганлигини, боғлиқлигини кўрсатади, *әлим ӱчӱн* 'элим учун' (ЕнПТ., 43); *тӱрк будун ӱчӱн* 'турк халқи учун' (КТб., 31); *тынлығлар ӱчӱн* (Сувр., 615); *Мамика қиз ӱчӱн* (ТТХ, 524).

Иш-ҳаракатнинг мақсадини билдиради:

*әрдәм ӱчӱн бардым* 'шон-шавкат учун бордим' (ЕнПТ., 26); *кӧргӱ ӱчӱн* 'кўриш учун' (ТТ III, 96); *нам әшитгӱ ӱчӱн* 'ном эшитиш учун' (TTVIII, 13); *тутқалыр ӱчӱн* 'сақлаш учун' (Сувр., 448).

Қўшма гап структурасида эргаш гапнинг сабабини ва унинг натижасини англатади: *тәнри кӱч биртӱк ӱчӱн...* 'тангри куч бергани учун'... (КТб., 29); *мән ӧзӱм қаған олуртуқым ӱчӱн...* 'Мен хон бўлганим учун' (МН., 17);

***ӱчӱн*** кўмакчиси юқоридаги мисолларда бош келишигида келган сўзлар билан қўлланган. Ёдномаларда тушум, қаратқич, ўрин-пайт, восита келишикларидаги сўзлар билан ҳам келади: *сәкиз адақлығ барымығ ӱчӱн* (ЕнПТ 30); *сизләрни ӱчӱн* (TTV A. 56); *сизләрни ӱчӱн* (ТТ VI., 26); *алты бағ будуным кучлӱгин ӱчӱн* (ЕнПТ., 98); *сәни адақлығ барымығ ӱчӱн* 'саккиз оёқли жонли учун' (ЕнПТ., 30).

Айрим сўзлар ва сўз бирикмалари баъзан бош, баъзан тушум келишигида *ӱчӱн* кўмакчиси билан қўлланади. Бу ҳол айниқса ўрхун-енисей текстларида учрайди: *әр әрдәм*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ўчўн* (ЕнПТ;, 54); *әр әрдәмин ўчўн* (ЕнПТ., 62); *тәңри йарлықадуқ ўчўн* (МН., 17);

***ўзә* (*őзә*).** Бу кўмакчи қуйидаги маъноларни билдиради: иш-ҳаракат предметнинг устки қисмида бўлганлигини билдириб, 'устида' мазмунига тўғри келади: *алтун őргин ўзә олурупан* 'олтин тахт устида ўтириб' (Гкн., 81); *таг ўзә йол суб кőрўп* 'тоғ устида ер сув кўриб' (Орк., 25); *алтунлуғ őргин ўзә олурды* 'олтин тахт устида ўтирди' (ТТ II. 68); *ат узә бинтурә* 'от устига миндириб' (Тон., 62); *ол тőрудә узә әчим қаған олурты* 'у тахтга тоғам хон бўлиб ўтирди' (КТб., 30); *топраг ўзә топраг őнди* 'тупроқ пайдо бўлди' (ТТ I, 13); *тон ўзә тон кәтилти* 'тўн устига тўн кийилди' (ТТ I, 13).

Иш-ҳаракат предметга умуман йўналганлигини билдиради: *тоқуз оғуз будун узә қаған олурты* 'тўққиз ўғуз халқига хон бўлди' (Тон., 61); *ол сőнўк ўзә кәмишип* 'ўша сувакка ташлаб' (Сувр., 619).

Иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги воситани билдиради: *улуғ йрлықанчучы кőнўл ўзә* (*őзә*) 'улуғ кўтаринки руҳ билан' (ТТ III, 18); *őгмәк узә* 'мақтов билан' (U III, 17, 4); *йилбикў ўзә йилбийў* 'елпиғич билан елпиб' (Сувр., 625); *ики илиги ўзә кőкўзин тоқыйу* 'икки қўли билан кўксини уриб' (Сувр., 626); *бириси уруқ ўзә бойнымыз баты* 'бириси арқон билан бўйнимизни боғлади' (Сувр., 154).

Бирор нарсанинг мавжудлигини билдиради: *чәчәк ўзә толу болты* 'чечак билан тўла бўлди' (Сувр., 617); *әд тавар ўзә толу алп* 'бойликда жуда қаҳрамон' (Сувр., 73).

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради: *аш ичқў кәдим орун тушәк ат йана қаңли кőлўк әрдини йинчў, әд тавар ўзә тапынтым* 'ош ичкилик, кийим-кечак, ўрин-тўшак, от яна арава, қимматбаҳо мол, инжу, бойлик учун топиндим' (Сувр., 613); *ол тылтаг ўзә őгә йўкўнурмн* 'шу сабабдан юкунаман' (ТТ IX, 13); *сизни аны ўзә* 'Сизни шу сабабли' (ТТ I, 7).

Иш ҳаракатнинг пайтини, предметнинг белгисини, қай тарзда бажарилишини кўрсатади: *сатыг қылмыш кўн ўзә* 'бозор қилган кунда' (Юр., XIV, 210); *ўркә бәлинләйў ачығы ўзә* 'изтироб, ҳаяжон аламида' (Сувр., 622);

Яна бир қатор маъноларни билдиради: *буларны ўзә* 'булардан' (ТТ VIII, 11); *Сизләрни ўзә* 'сизлардан' (U III, 14, 5); *чәригин ўзә кўлўнти* 'аскарнинг устидан кулди' (ТТ I, 1, 8) каби.

Мисолларда ***ўзә*** кўмакчиси бош [*йил ўзә* 'шамолда у (билан)' ТТ I, 77], қаратқич [*қутун ўзә* 'бахтингга' ТТ, I, 8],



www.ziyouz.com kutubxonasi

тушум [*сизни ўзә* 'сиз орқали' Ман., III, 89], ўрин-пайт [*тӧрўдә ўзә* КТб., 30], чиқиш каби келишиклар билан келган сўзлардан кейин қўлланади.

***кин*<*ки—;*** солиштиринг: кет (***ки*+*т*+*н*** равишдоши). Бу кўмакчи ***кейин, сўнг, сўнгра*** маъносида қўлланади: *анта кин тәңри* 'ундан сўнг тангри' (ТТ II, 30); *аш қылу тӱкәтмиштә кин*'ош қилиб тугатгандан сўнг' (Сувр., 154); *бирмиштә кин* 'бергандан сўнг' (ТТХ, 464); *нәчәтә кин* 'шундан сўнг' (U III, 14—15); *турк бурханларта кин интиниз* 'турк бурхонлардан кейин тушдингиз' (ТТ III, 65-66).

Бу кўмакчи ўзга функцияларда ҳам келади: *аз әмгәки бар, кин йана әдгӱ болур* 'озгина қийинчилиги бор, сўнгра яна эзгу бўлади' (Гкн., 84); *ортуңқы кинки әтӧзләртә* 'ўртадаги орқадаги вужудларида' (Тш., 194; 16).

Мазкур кўмакчининг ***кинин тә, кининдә*** шакли ҳам мавжуд *аз әрти кининдә оғулуғ йитӱрдӱктә* (Сувр., 623); *ән кининтә* 'энг охирида' (Сувр., 514); *кининтә* 'келажакда' (U II 81).

***киз, кәз***. Бу кўмакчининг истеъмол доираси тор бўлган: мунтада киз (кәз) 'бундан сўнг' (Сувр., 618).

***кирӱ, кәрӱ***. Бу кўмакчи ҳам ***орқа, сўнгра, кейин*** каби маъноларни англатади: *анта кәрӱ барып* 'ундан сўнг орқага (ғарб) бориб' (ПМК., 27); *кәрӱ, тәмир қапығқа тәги* 'ғарбга Темир Қапиғгача' (КТб., 29); *илгәрӱ кирӱ аты ишитилмиш* 'атрофга оти эшитилган' (Ман., I, 26, 27).

***тимин*** (<*тим, тәм*>*дам* + *ин* восита келишиги): *анчата тимин* 'анчадан сўнг' (ТТ I, 21); *нәчәтә кин тимин* 'солдан сўнг' (Сувр., 625).

***-сайу*** (<*са* + *йу*). *Йир сайу бармыш* 'бутун ер (юзи) бўйлаб борди' (КТб., 31); *будунын сайу* 'халқи сари' (Тон., 61); *орун орун сайу бардылар* 'ҳар бир ерга бордилар' (Сувр; 622); *тәбрәтӱк сайу* 'тебраган сайин' (ТТ I, 119).

***ийә***. Бу кўмакчи билан маъносини англатади. *Айығ тору ийә әврилӱрләр* 'ёмон одат, истак билан қайтишурлар' (U III, 79, 4); *тап ийә асығ тусу қыл* 'умид билан фойда келтир' (Сувр., 245, 22); *айығ қылынч ийә барып* 'ёмон ишлар, қилмишлар билан бориб' (ТТ II, 195) каби.

**II. Ярим кўмакчилар.** Булар келишик аффиксларини қабул қилиб келишлари мумкин.

***сыңар.*** Бу кўмакчи вазифасида келиб томон, йўналиш каби маъноларни англатади ва бу билан келган сўз чиқиш келишигида қўлланади: *ӧнтӱн сыңар* 'олди томондан'



www.ziyouz.com kutubxonasi

(TT X, 267); *ташдын сынар* 'ташқаридан' (TT IX, 41); *қоптын сынар* 'ҳамма томондан' (U III, 29, 2).

Шуни айтиш керакки, бу кўмакчи тўрт сони билан келганда бу сон ҳам чиқиш келишиги аффиксини қабул қилиб келади: *тörттин сынар* 'тўрт томондан' (Сувр., 607); *тörттин сынар кöруп* 'тўрт томонга қараб' (U III, 58, 7-8).

Баъзан *сынар* ҳам чиқиш келишигида қўлланади: *тöртин сынартын ўзўксўз* 'тўрт томондан чексиз' (U III, 24; 5-9); *тöрт сынардын кәлти* 'тўрт томондан келди' (U III, 12-18).

Бошланиш ўрнини билдиради: *ичтин сынар* 'ичидан тортиб' (U III, 30, 31).

Баъзан *сынарқы* шаклида ҳам келади: *таштын сынарқы* (TT X, 412); *ичтин сынарқы* (TTX, 411).

***йыңақ***. Бу кўмакчи ўз маъно ва функцияси билан юқоридаги кўмакчига синонимдир: *тöртдин йынақ* 'тўрт томондан' (U III, 27, 2); *тöрт йынақтын* (U III, 13, 13); *тöртдин йынақтын* (U III, 11, 11-3); *тағдын йынақ* 'тоғ томонга' (Сувр., 156); *қайулын йынак* 'қайси томондан' (TTX, 82-4); *солтун йынақ* 'чап томондан' (TTX, 159-161); *тöрт йынақ тўзўлти* 'тўрт томон тузилди' (TT I, 22) каби.

***Ара***. Бу кўмакчи ўринни, пайтни билдиради: *ич ара* 'марказида, ичида' (ЕнПТ., 69); *икин ара* 'иккисининг орасида' (КТб.), *тардум шад ара* (Тон., 63); *киши ара* 'кишилар орасида' (TT I, 13); *анын ара* 'шу орада' (U III, 46, 19); *кәчмәдин ара* 'тез орада' (U III, 46; 19); *кичмәдин ара* (U III, 31; 1-2); *айн икин ара* 'шу орада' (Сувр., 155).

***Ара*** эгалик ва ўрин-пайт келишиги аффикслари билан қўлланади: *анын арасынта* 'шу орада' (U III, 41; 2-5); *анын арасынта ики йгрми* 'шу орада 12' (U III, 44; 5); *қалын қуврағ арасынта* 'кўп одамлар орасида' (U II, 23, 18; U III, 53); *мунун ики арасынта* 'шу орада' (U II, 36; 41); *тыллығлар арасынта* (Сувр., 156); *öларнын арасынта* (Сувр., 612).

***Ўскинтә***: *қуврағ ўскинтә бағрын йатып* 'халқи олдида бағрида ётиб' (TT IV, 4; 13); *бодиствлар ускинтә* 'бодиствлар олдида' (U II, 79,51); *анын ўстинтә* 'унинг олдида' (U III, 85, 15); *аллығ чәвишлиг кишиләр алтайу турур ўскўндә* 'алдамчи фирибгар кишилар (сенинг) олдингда алданмоқда' (TT I, 8).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**III. Кўмакчилашган равиш ва равишдошлар.** Булар **кöрӱ, кöрә** (**кöр + ӱ + ә**): *шадын кöрӱ* 'шодлигингга кўра' (USp., 44).

***бәрӱ.*** Бу кўмакчи ***бери, буён*** маъносида ишлатилган: *Кöгмән йышыг бәрӱ кәлтимиз* 'Кёгман ўрмонларидан бери келдик' (Тон.,); *сансарда бәрӱ* (ТТ IV., 19); *иликсиздин бәрӱ* 'бошланғичсизликдан бери' (Сувр., 612); *öнрәдә бәрӱ* 'аввалдан' (U III, 50, 10); *онрәтин бәрӱ* 'аввалдан' (ТТ VIII,7); *барча бәрӱ кәлзӱнләр* 'барча буён келсинлар' (U II, 26, 6); *инәрӱ бәрӱ йорыды* 'у ёққа, бу ёққа юрди' (U IV, 82); *илкитә бәрӱ* 'бошидан' (ТТ III, 43); *илкисизтә бәрӱ* 'азалдан' (ТТ IV, 23).

Баъзан кўмакчилик функциясини ўтамайди: *Бәрӱ сизни әмгәттим* 'ўшандан бери сизни қийнадим' (ТТ II, 37).

***ынару, инәру***: *аз инәру бармыш* 'аз илгарига борган' (Ман. I, 135, 4); *бӱкӱнтә инәрӱ* 'бугундан бошлаб' (U III, 65, 23); *тупрақта инәрӱ* 'тупроқдан нари' (U III, 26; 2).

***ичрә***: *сағыр ичрә әлик кийик кирмиш* 'чайир ичига ёввойи кийик кирган' (Гкн., 84); *супурған ичрә* 'супурған ичида' (Ман., 6; 13).

***кәрӱ***: *анда кәрӱ барып* 'унда орқага (ғарбга) бориб' (ЕТУ 16; 138); *илгәрӱ кәрӱ* 'олдинга орқага' (Ман., 26; 27).

***кисрә.*** (**<ки-с-рә**). Бу кўмакчи ***орқада, сўнгра, ғарбда, ғарб*** каби маъноларни англатади: *анда кисрә* 'ундан сўнгра' (ПМК., 28); *кисрә Тардуш бәги* 'орқада' (ғарбда Тардуш беги) (МН., 18); *йағру қондуқда кисрә* 'яқин жойлашгандан сўнг' (КТм; 28); *кисрә кӱн батысығына тәги* 'орқада кун ботиши томон' (КТб.); *антада кәсрә нә болғай'* ундан сўнг нима бўлади' (Хуаст., 118).

***қоды.*** Бу кўмакчи ***қуйи, паст, бўйлаб, ёқалаб*** каби маъноларни англатади: *ӱкӱши Сәләнә қоды барды* 'кўпи Селенга бўйлаб борди' (ПМК., 35); *ол суб қоды бардымыз* 'ўша сув ёқалаб бордик' (Тон., 62); *тоған қуш тәнридин қоды қалмыш* 'лочин осмондан пастга тушди' (Гкн., 83); *имә йоқару қоды илгәрӱ кирӱ* 'юқорига, пастга, олдинга орқага' (Ман., I, 26-26); *бошларын қоды* 'бошларини қуйи' (ТС, 254-102); *қыдыгдан қоды интим* 'осмондан қуйи тушдим' (Ман., III, 23; 7); *ӱстӱнтән қоды* 'тепадан пастга' (МЕ., 13; 10).

***тәги.*** Бу кўмакчи чегарани билдиради: *Темир Капығгача теги* 'Темир — Капиғгача' (КТб.); *йышқа тәги* 'аввомгача' (Онг., II, 8); *мын йыл тӱмән кәнкә тәги* 'минг йил туман кунгача' (Юр., XVI, 212); *әмтәқатәги* 'ҳозиргача'



www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТТ III, 65); *нәчәкә тәги* 'қанчагача' (Ман., I. 16; 16); *бир көзинә тәги* 'бир кўзигача' (ТТ II, 28); *йарынгатәги* 'эрталабгача' (ТТ II, 59).

Саноқли мисолларда *тәги* кўмакчисининг *дәги* варианти ҳам учрайди: *илиг бәгнин баштын адақынадәги қоду йалғадылар* 'илик бегнинг бошидан оёғигача силадилар, ардоқладилар' (U III, 15, 2).

***Тапа*** (***тап*** + ***а*** равишдош ясовчиси). Бу кўмакчи ҳаракатнинг бирор томонга йўналганлигини кўрсатиб, ***сари***, ***томон*** маъноларига тўғри келади: *йирин тапа барды* '(ўз) ерига томон борди' (ПМК., 37); *атасы оғлы тапа барды* 'отаси ўғли томон борди' (ПМК., 37); *атасы оғлы тапа кәлмиштәк* 'отаси ўғли томон келгандек' (ТТ X, 71); *аны тапа барайын* 'унга қараб борайин' (U III, 53); *бурхан тапа* 'бурхон сари' (ТТ X, 152).

Қарши маъносида: *оғуз будун тапа* 'ўғузларга қарши' (КТб., 31); *Табғач тапа* 'Табғочларга қарши' (КТб., 31).

Мақсад маъносида: *отун сансар тапа тоғмыш тәг му* 'гўё гуноҳли Сансар учун туғилгандекми' (U III, 20; 3) *иг тапа көрәрсән* 'касал тўғрисида сўрасанг' (ТТ I, 10).

***утру*** (***-утур*** + ***-у*** равишдош ясовчиси). Бу кўмакчи ***қарши***, ***тўғри*** каби маъноларда келади: *сән утру йорыдым* 'мен қаршисига юрдим' (ПМК., 36); *қамаг бар тамақ утру кәлир* 'нима бўлса томоққа тўғри келади' (ТТ I, 11;84); *аниқ утру турдачы* 'унинг рўпарасида туради' (U IV, A 286); *йўзўмўз утру* 'бизга қарши' (ТТ II, 6); *йўзўн утру*' юзи олдида' (Ман., 22);

Бу кўмакчи „Ирқ битиг"да ўрта маъносида келади: *кўн утру* (*отру*) *йўтўрўк тўн отру қанта* 'кун ўртасида (тушда) ҳориди, ярим кечаси қонга (бўялади)' (Гкн., 82); *утру (отру*) *йирдә соосушмыш* 'йўл ўртасида учрашди' (Гкн., 83).

Баъзан эгалик, келишик аффиксларини қабул қилиб келади: *утрунда асығ тусу йитәрў кәлти* 'сенга томон етарли фойда келди' (ТТ I, 11),

***өтру***, ***өтўрў*** (***<отур*** + ***ў*** равишдош ясовчи). Бир воқеа, ҳодисадан кейин иккинчисининг бошланганлигини билдиради: *анта өтрў* 'ундан кейин' (Тон., Сувр., ТТХ); *айдуқта өтру...*,' айтгандан сўнг' (ТТ II, 53); *илтдўктә өтрў...* 'элтгандан сўнг...' (Сувр., 154); *тәгдўктә өтрў...* 'элтгандан сўнг' (Сувр., 154); *тәгдўктә өтру...*'теккандан сўнг...' (Сувр., 616).

Бу кўмакчи кўпинча- ***-дўктә***, ***-дуқта*** формасидан кейин келади. Қўшма гап таркибида қўлланиб, ***сўнг***, ***кейин***



www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносидаги боғловчи вазифасини ўтайди: *ӧтру* (қаранг: U III, 5; TT II, 8-9; Сувр., 62).

***ӧткӳрӳ*** (*<ӧткур, ӧтғур + у* равишдош формаси). Бу кўмакчи шакл ва келиб чиқиш жиҳатидан юқорида келтирилган ***ӧтру*** кўмакчисига ўхшаса ҳам лекин маънода фарқланади. Бу кўмакчи ***сабабидан, сабабли, туфайли, орқасида, учун, кўра; натижасида, оқибатида*** каби маъноларни англатади: *навышма-қынгтын ӧткӳрӳ* 'қовушганлиги туфайли' (Сувр., 52); *ол оқ тылтағтын ӧткӳрӳ* 'у асослар, сабаблар орқасида' (Сувр., 118) *кӳчәдтӳкинтә ӧткӳрӳ* 'кучайгани сабабли' (U III, 5).

***баса*** (*<бас + а*) *бу савнын баса соңынта* 'бу сўзнинг охирида' (Сувр., 611).

***ташқару*** (*<ташқар — + у*) *балықтын ташқару ӧнӳп* шаҳардан ташқари чиқиб' (Сувр., 100-22).

***кидин***. Бу кўмакчи ҳам ***орқа, кейин, ғарб*** каби маъноларда ишлатилади: *Сәләнә кидин* 'Селенгадан кейин' (ПМК., 35); *кидин йинақ йӳзләнип байақы тәг* 'сўнг юзланиб боягидек' (TT I, 10; 99); *ӧнтӳн кıдин сатығқа йулуғқа барсар бай олур* 'шарққа, ғарбга савдо-сотиқ қилса, бой бўлади' (PP., 26-1).

Баъзан эгалик, келишик аффиксларини қабул қилади: *анда удуқ баш кидинтә..* 'ўша (жойда) Удуқ бошнинг ғарбида' (ПМК.), *балықнын кидинтә туруп* 'шаҳарнинг орқасида туриб' (U IV, 8-2).

***кидирти***: *кидирти тәбрәмиш* 'орқада тебрамиш' (TT I, 132) ***улайу***- (*<ула + йӳ* равишдош формаси). Бу кўмакчи маъносида қўлланади: *ӧгӳм қатун улайу ӧгләрим әкәләрим...* 'онам — бегим каби оналарим акаларим' (КТб.,33).

***улаты*** (*<улат + ы* равишдош формаси). *Өгли қанлы улаты киши оғул* 'она ва ота шунингдек қиз (хотин) ва ўғил' (Сувр., 554); *ӧлум ӧлӳрмәткә улаты тоқуз кармапутлар* 'ўлимдан бошқа тўққиз Кармапа ха' (TT IV, 11); *йӳз мин тӳмән улаты* 'юз минг туман каби' (TT V, A 67); *улаты* (TT VI, 77) каби.

***башлайу, башлаб*** (*<башла + йу; башла + б*): *қаным қағанқа башлайу* 'хон отам бошчилигида' (КТб., 30); *татабы будун башлайу* 'Татаби халқи бошчилигида' (КТб.,33); *отуз әриг башлайу* '30 эр бошчилигида' (ЕнПТ., 63); *мысыр башлаб* 'мисир бошчилигида' (Юр., II, 206).

***башаду*** (*<башад + у*): *Лисун Тай — Сәнун башаду* 'Лисун — Тай — Сенгун бошчилигида' (Мн., 18).



www.ziyouz.com kutubxonasi

***баша*** ***(<баш + а)***: *анта баша тöрт йиңағтақы* 'ўшандан бошлаб тўрт томондаги' (U III, 54, 5).

***кәчә*** ***(<кәч + ә)***: *йинчӱ öгӱзӱг кәчә тәмир қапығқа тәги сӱләдимиз* 'Инжу дарёсини кечиб Темир Қапиғгача қўшин тортдик' (КТб.).

***аша*** ***(<аш + а)***: *кöгмән аша қырқыз тәги* 'Кёгманни ўтиб қирғиз еригача' (КТб.).

***ашну*** ***(<ашун + у)***: *башда ашну ишләтӱрләр* 'бошидан ишлатадилар' (TT V, 58).

***öңи*** (<öң—и): *Мунтада öни* 'бундан бошқа' (ME., 13, 22); *бурхантын öни* 'бурхандан ўзга' (U II, 32, 63); *тылтағындын öни* 'сабабинг, важингдан бошқа' (TT V, 13, 40).

***ыйын***, ***ийин***, ***ивин*** ***(<ий, ив- + ин)***: *қылмыш ишләрин ыйын* (*ийин*) 'қилган ишларига кўра' (Сувр., 624); *кöнул ийин* 'истагича' (TT II, 13-26); *öд ийин* 'вақтига кўра' (Сувр., 596).

***адын*** (*<ад —*, *+ ын*; солиштиринг: айни, ўзгармоқ, айнимоқ) *мунтадын адын* 'бундан бошқа, ўзга' (Сувр., 627); *әдгӱ қылынчта адын* 'эзгу ишдан ўзга' (U II, 80; 62).

Бу сўз равиш ва сифат вазифасида ҳам қўлланган: *адынта* 'иккинчидан'; *адын киши* 'бошқа киши' (U I, IV).

***тәгрә***, ***тәгирә*** ***(<тәгир-ә)***: *йағымыз тәгрә* 'душманимиз атрофда' (Тон., 61); *әтöзӱн тәгрә* 'вужудингда' (TT I, 219).

Баъзан *-ки* аффиксини қабул қилади *тәгрәни будун* 'атрофдаги халқ' (TT V, 41); *кәнт тәгрәки* 'шаҳар атрофидаги' (TT X, 12); *тәгрәки тапығчылар* 'атрофдаги хизматчилар' (U II, 22; 2); яна: *йоғун тулуқлар тәгрәсиндә.*

***йоқару***, ***йӱгәрӱ*** ***(йоқар + у*** равишдош формаси). Бу сўз равиш, кўмакчи каби функцияларда келади: *кöзи йӱгәрӱ кöрти* 'кўзни юқорига қаратди' (ПМК.); *тиз йоқару биләкәтәги* 'тиззадан юқори билаккача' (TT V, 4, 4); *башын йоқары кöтӱрӱп* 'бошини юқорига кўтариб' (Ман., I, 6; 1).

***ташқару***, ***ташғару*** ***(<ташқар-***, ***ташғар + у)***. *ташғару илинчӱкә* 'ташқари томоша — сайрга' (PP., 17, 1); *балықтын ташғару öнӱп* 'шаҳардан ташқарига чиқиб' (Сувр., 100).

***онгару*** (***онғар + у)***: *ӱч йолы онгәрӱ тәгзинмәк* 'уч марта олдида айланмоқ' (U II, 41; 17).

IV. **Кўмакчи отлар**. Булар ўзларининг мустақил маъноларини ҳам сақлайди, келишиклар билан ҳам турланади.

***башынта***: *бы ырқ башынта аз әмгәки бар* 'бу фол бошида озгина қийинчилиги бор' (Гкн., 84); *кәйрә башынта* 'қайра бошида' (ПМК., 35).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ал*: *қум алына илинсәр* 'қум тагида илинса' (Ман.,37, 4); *алтын ануқын* 'остидаги Ануқ' (U III, 20, 6); *алтын йалнуқ* 'остида инсон' (U IV, 28, 12-3); *орнағлығ орун алынта* 'яхши ер остида' (ТТ I, 12; 130).

*асра*: *кўн тәнри асрасынта ағналым* 'кун тангри бўсағасига (ўзимизни) ташлайлик' (USp., 177; 3); *асра йир* 'пастки ер' (КТб.,); *асра атын* 'тубан отинг' (ТТ I, 7-7).

*йўз*: *йағыз йир йўзи йашарды кӧкләди* 'ер юзи яшарди кўкладн' (ТТ I, 7).

*кўч*: *ол анын кўчинтә* 'шу туфайли' (Сувр., 156).

*оғур*: *ағрығ оғрынта* 'оғриғ туфайли' (Сувр.); *ӧз алымчыларнын оғурынта* 'ўз қасд қилувчиларинг туфайли' (Сувр., 165).

*ичинтә*: *тўргәш әл ичинтә* 'Тургаш халқи ичида' (ЕнПТ., 67). *кӧгмән ичинтә* 'кўчманда' (ПМК., 36); *битиг ичинтә* 'китоб ичида' (Сувр., 155); *тағ ичинтә ики йәк бар* 'тоғда икки арвоҳ бор' (ТТ I, 9); *ол қудуғ ичинтә* (ПВ., 135); *бир бӧк ичинә илтип* 'бир зиндон ичига элтиб' (Сувр., 156); *там ичинтә* 'уйда' (ТТ I, 9); *ичтинсиз* 'ичидан эмас' (ТТ VIII, 8).

*йан*: *ймә кимавант тағ йанынта* 'Гимавант тоғ ёнида' (U III, 30; 21); *бәрў йанисынта* 'бери ёнида' (Сувр., 44; 15).

*йир*: *тағ йиринтә тағ ӧнти* 'тоғ ўрнига тоғ пайдо бўлди, унди' (ТТ I, 8).

*ӧрунта*: *тынқулуқ орунта* 'тирик жанвор ўрнида' (ТТ III, 110).

*ӧдўнтә*: *бурханлар ӧдинтә ном әрдини ӧдўнтә бурсон әрдини ӧдинтә* 'Бурханлар олдида, қимматбаҳо номлар (қонунлар) олдида, қадрли жамоа олдида' (ТТ IV, 16-17); *ўч әрдини ӧдинтә* 'уч қимматбаҳо (нарса) олдида' (ТТ IV, 6).

*уч*: *ичин ташын* 'ичини устини' (Тон., 61); *оруқунуз учы* 'йўлингни учи' (ТТ III, 24); *ичинтә бәкләдиләр* 'ичига солдилар' (Сувр., 110; 21); *балық ичинтә* (РР., 44; 21); *ичтин синар* (Ман., III, 9); *ичтирти* 'ичига' (ТТ V, 8, 54).

*тӧпў*: *кӧк сачын тӧпўсинтә* 'кўк сочини тепасида' (U III, M 84—10).

*ӧң*: *сизин онўнўздә* 'сизнинг олдингизда' (Ман., III, 24, 4).

*ўст*: *сол қолынын ўстинтә базун* 'сўл қўлинг устига боғлансин' (U, 51); *ўстўнки алтыкы таплады* 'устидаги, остидаги розилигини берди' (ТТ I, 12); *ўстўн тәнри* 'устида тангри' (U IV, 28, 12-3); *бироқ ўстўкдән* 'фақат юқоридан' (Ман., III, 23-24).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*соң*: *сон йорыйу* 'сўнг юриб' (Юр., I, 202); *мунта (н) сон* 'бундан кейин' (Юр., I, 202); *анта сон* 'ундан кейин' (Юр., I, 202); *Бу савнын сонынта* 'бу гапнинг охирида' (Сувр., 611).

Кейинги мисолда *сон изофат* сўзи олдидаги сўз билан, эгалик кўрсаткичи билан боғланган.

*оғрынта*: *низванлар оғрынта* 'низванлар таъсирида' (ТТ IV, 11); *алымчыларнын оғурынта* 'олувчилар туфайли' (Сувр., 155).

*ӧтрӱ*: *анта ӧтрӱ* 'шундан сўнг' (Сувр., 607); *анта этру батра қатун* 'шундан сўнг Батра хоним (U III, 54).

*ӧтинтә*: *ӱч әрдини ӧтинтә* 'уч хазина туфайли' (Сувр.).

*тылтақынта*: *кин бир туштa қыз ашы тылтақынта* 'бир кун қиз оши сабабли' (Сувр., 154).

*тоға*: *Кӧгмән йашығ тоға йорып* 'Кёгмен ўрмонига тўғри (қараб) юриб' (ЕТУ, I Д 35; 1, 45).

*арқа*: *арқада* 'орқадан' (Тон., 61); *узун сачын кидин арқасынта итип* 'узун сочини орқасига ташлаб' (U II, 25, 15).

*арт*: *сачларын артларында итдип* 'сочларини орқаларига ташлаб' (U IV, 8; 38).

*орту*: *биргәрӱ кӱн ортусынару* 'жанубда кун ўртасида' (КТм., 37); *кӱн орту* 'тушда' (ГКн., 74); *тӱн орту* 'ярим кечаси' (Гкн., 36); *ол кӧл ортасынта* 'у кўл ўртасида' (ТТ V, 12; 125); *ики ортун эрңәк* 'ўртадаги икки бармоқни (ТТ V, 8; 55).

*таш*: *ичин ташын* 'ичини ташқарисини' (КТб.); *балығ таштын* 'шаҳардан ташқари' (РР., 17, 2); *таштан* 'ташқаридан' (Ман., I, 16; 5); *таштирти* 'ташқарида' (Ман., III, 19; 12); *йалынӱз ташынта* 'ёлғиз ташқарида' (Сувр., 154).

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОҒЛОВЧИЛАР

**Гап бўлаклари ёки қўшма гапнинг қисмларини боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзлар ёдномаларда кичик бир группани ташкил этади.**

***йәмә; йәмә йәмә*** (С. Е. Малов: ещё, также; В. В. Радлов, П. Мелноранский: Все; В. М. Насилов: и, также, ещё).

Бу сўз кўп функцияга эга:

равиш функцияси: *биз йәмә сўләдимиз* 'биз яна уришдик' (Тон. 64); *йәмә илки* 'яна аввалги' (Хуаст., 117); *йылқы йәмә кӧтўрў уматтын турур* 'яна йилқи кўтара олмасдан турибди' (ПВ., 155) каби.

сўнгги воқеа-ҳодисани англатиш учун қўлланади: *бир йәмә* 'биринчи қуйидагидан иборат' (Хуаст.. 117); *бир йигирминч йәмә* 'ўн биринчи қуйидагидан иборат' (Хуаст., 118); *алтынч йәмә* 'олтинчи қуйидагича' (Хуаст., 117) каби.

кучайтириш маъносида: *буйуруқты бәгләри йәмә ӧлти* 'буйруқчиси ва беклари ҳам ўлди' (КТб., 30); *ол йәмә Мағаради* 'ўша мағаради' (Сувр., 607); *қилынч ймә ӧкўш тўрлўг әрўр* 'қилмиш ҳам кўп турли бўлади' (U III, 14);

боғлаш маъносида: *Қол қара энч қора йәмә Мысыр* 'Қўлқора, энг қора ва Мисир' (Юр., II, 206); *сақынчын сӧзин қылынчын йәмә қӧзин кӧрўп* 'фикри, сўзи, қилмиши ва кўзи билан кўриб' (Хуаст., 119); *ӧтўндиләр ймә айқырдылар* 'ўтиндилар ва ҳайқирдилар' (ТТ II, 82); *нә ймә тынлығлар* 'ва агар сувдаги жонлилар' (ТТ IV, 8); *ймә қамағ улуг ймә қунчуйлар тайшылар улуғ атлағлар башлағучы улуғ кичиг қамғ будун той қапғына тәги бардылар* (ТТ II, 64-65) каби.

қиёслаш функциясида: *бурсан қувраглар ймә кшанти бәрдиләр* 'баъзи қубрағлар (община) каби кшанти бердилар' (ТТ IV, 7-8).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Уюшиқ бўлакли гапларнинг кесими инкор маъносини англатиб келганда *ймә ймә* боғловчиси ***на,.. на, ҳам*** функциясини бажаради: *ил йәмә, будун йәмә йоқ әртәчи әрти* 'на давлат, на халқ бор бўлар эди' (Тон., 64); *бод йәмә будун йәмә, киши йәмә иди йоқ әртәчи әрти* 'давлат ҳам, халқ ҳам, инсон ҳам, бошлиқ ҳам йўқ эди' (Тон., 64); *Сансарқа йимә илинмәз нырванқа йимә будулмаз* '(Тангри бадисатва) Сансарга ҳам эгилмайди, Нирванга ҳам букилмади' (Сувр., 373); *улуғ иш кӧдўг ймә ӧгрўнглўг әрмәз кичиг иш кӧтўгләр ймә будун әрмәз* 'улуғ ишлар ҳам севинчли эмас, кичик ишлар ҳам амалга ошмаяпти' (ТТ V, 10) каби.

Уюшиқ гапнинг кесими инкор бўлмаган тақдирда айирувчи маъносини билдиради: *Тўрк будун йәмә булғанч ол, тимиш, оғузы йәмә таркянч ол — тимиш* 'турк халқи васвасада қолди, ўғуз халқи эса тарқалди' (Тон., 62).

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, ***йәнә, ймә ймә, йимә*** боғловчиси отдан (*барс йәмә*; *йолта йәмә*; *онлуқлар йәмә*), олмошдан (*мин йәмә, биз йәмә, ол йәмә*), сондан (*икинти йәмә*; *алтынч йәмә*), феълдан (*ӧтўндиләр йәмә*), равишдан (*бунча йәмә, йана йәмә*) сўнг қўлланади. Баъзан сўзларнинг бошида келиши мумкин: *йәмә игидин* 'яна кўтарилинг' (МН., 19); *йәмә нән ол айығ қылынчнун эмтиқы тәг йавлақ тўшин утлысын билмәмә әртим* (Сувр., 158); *йәмә бироқ қылмадымыз әрсәр* 'ва агар қилмаган бўлсак эди' (ТТ IV, 25) каби.

***-ма, -мә***: *бизмә* 'биз ҳам' (МЕ, 8); *негўкә мә* 'нима учун ҳам' (USp., 12); *бу йәркә ким ким мә* 'бу ерда кимда ким' (Юр., II, 206); *ол битигни ма бәгимкә биртим* 'у хатни ҳам бегимга бердим' (Юр., I, 202); *Тигәй тайшы ма тақы ӧзгә кишиләр* 'Тигай тайши ва бошқа кишилар' (Юр., I, 202) каби.

***азу, азуу, асу***: *Азу бу сабымда игид барғу* 'ахир бу сўзимда хато борми?' (КТм., 28); *азу мун ўчўн азу басу биргәли қызғанып* 'ёки қайғу учун, ёки қурбон беришга қизғаниб (Хуаст, 119); *азу бизин әмрәк ӧкўнўмиз* 'ёхуд бизнинг севикли боламиз' (Сувр., 622); *азу йәмә тиши тынлығқа бутуулмақ йапшынмақ оғырынта* 'ёки аёлларга ёпишганим учун' (Сувр., 102); *азу әзруа тнринин му ӧруньн тиләйўр сн* 'ёки Азруа тангрининг ўрниними истайсан' (U III, 61; 5).

***азу.., азу; азу... йа***: *азу улуғ бачағ кўн азу кичиг бачағ кўнкә* (ТТ II, 13); *азу бағу борлуқы тарығ... йа бәдўк бәргән қатығ қағалын тоқып...* (ТТ IV, 5-7).

***абам агар абам*** *бир адақын сысар* 'агар бир оёқини синдирса' (ТТ I, 15).



www.ziyouz.com kutubxonasi

***ара... ара:*** *ара кӱн тоғмыш бусанч ара мәни кәлмиш* 'гоҳи кун туққанда (эрталаб) қайғу, гоҳи шодлик келганда..' (Гкн., 80).

***та, тә, да, дә:*** *оғлы та қаған болмыш* 'ўғли хоқон бўлган шекилли' (КТб.) *нәчә тә кин тимин бӧгләнип* бир оздан сўнг аста-секин ўзига келиб' (Сувр., 619; 620); *бизни та адын ким болғай* 'биздан яна ўзга ким бўлади' (Сувр., 611); *вжыр да ймә қатығрақ* 'ва яна диамантдан қаттиқроқ' (U III, 26; 13) каби.

· ***-лы, -ли:*** бу боғловчи текширилаётган давр тилида кенг истеъмолда бўлган *инли әчили* 'кичик ука, ини ва ака' (КТб., 29); *бәгли будунлы* 'бек ва халқ' (КТб., 29); *тӱнли кӱнли* 'тун ва кун' (МН., 19); *туруқ буқалы сәмиз буқалы* 'озғин буқа ва семиз буқа' (Тон., 61); *кулсабади хатун лы випулачантра тигин ли булар иккикӱ мәнинләр ол* 'Қумбади хотун ва Випулачантра тигин булар иккови меникидир' (U III, 27; 15-16); *ӧтли, сувлы* 'ўт ва сув' (TT VI, 64); *адығлы тонузлы* 'айиқ ва тўнғиз' (Гкн., 80); *бәгли қатунлы әшитип* 'бек ва унинг хотини эшитиб' (Сувр., 625); *тәрсли онлы әдгӱли айығлы* 'тескари ё ўнг, яхши ё ёмон' (TT VI, 196);

Баъзи ўринда ***-лы, -ли*** қўшимчаларидан сўнг келишик аффикси келиши мумкин: *тәнрили йирлидә* 'осмон ва ерда' (TT VI, 02).

***ким:*** бу боғловчининг функцияси турли синтактик муносабатларни кўрсатишдан иборатдир. ***Ким*** қўшма гап таркибида мустақил гапнинг изоҳлаш, аниқлаш, ўзи орқали муносабатга киришган гапни тобелик ҳолатини кўрсатиш учун ишлатилади.

***Ким*** сўзининг боғловчилик функцияси руник обидалар тилида учрамайди. Мазкур боғловчи сўнгроқ бошқа, чунончи санскрит, хитой, тўхор каби тиллардан қилинган таржима асарлар тилида кенг равишда учрайди. Бу ҳолат эски ёдномалар тилига, айниқса, таржима асарларга юқорида санаб ўтилган тилларнинг бевосита таъсири борлигидан келиб чиқади. Қуйида ***ким*** боғловчиси билан келган мисолларнинг баъзиларини келтирамиз.

*ймә бу тӧрт арығ дындарлар ким тавғач йиринтә әрӱрләр* 'бу тўрт пок диндорларки, Табғоч еридандирлар' (TT II, 12-13); *ол тылтағын ким инчә әшидти* 'шу сабаблики, қуйидагиларни эшитди' (TT II, 31); *ол айағ қылынч йоқ ким биз қылмадымыз әрсәр* 'ҳеч бир ёмон ишлар йўққи, биз қилмасак' (TT IV, 23); *йарынға тәги улуғ ӧгрӱнч огирмәк ким ӧгирди сәвинти* 'эрталабгача катта шодиёна



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлдики, (ҳамма) севинди, қувонди' (ТТ II, 59-60); *Бурхан қуты нәгў болурким ни ўчўн исиг ӧзўнгин ыдалайур сн* 'Бурхон бахти қандай бўлурки, (ўша бахт учун) ўз ҳаётинг-дан кечмоқдасан' (U III, 71; 26-7) каби.

***Ким*** „Олтун ёруқ", манихей, уйғур, турфон текстларида кенг истеъмолда бўлган боғловчи саналади (қаранг: Сувр., 609; 175; 155; 154; ПВ., 134; Хуаст., 117; ТТ VIII, 50, 19; ТТХ, 501 кабилар).

***тақы***: *тангунтан манистан тақы кичиг динтар* 'тангунтан, манистан ва кичик диндор' (Гкн., 85); *тақы ур* 'ва яна ур' (Гкн., 82); *аны кӧрўп тақы артуқрақ* 'уни кўриб ва яна ортиқроқ' (Сувр., 621); *мунтада адын тақы ӧни аш ичкў йоқ* 'бундан ўзга яна бошқа озиқ-овқат йўқ' (Сувр., 610); *тақы йәмә мән кәлтим* 'мен яна ҳам келдим' (ТТ II, 74); *тақы йәмә* 'ва бошқа' (ТТ IV, 33); *бу мунтаг қылынчын ўз ўтўнуз башунмагай тақы дыка дындар кәлгәй* 'бундай қилмиши ўз вужудини озод қилмайди ва диқа диндор келмайди' (ТТ II, 45-46) каби.

Айрим ўринларда ***дағы*** шаклга ҳам эга: ***дағы*** 'ва' (U III, 55).

Ёдномалар тилида боғловчи вазифасида ***ти***- феълидан ясалган равишдошлар ***тип***, ***тәйин***, ***тийин*** кенг истеъмолда бўлган[1].

---

[1] Бу ҳақда қаранг: А. Н. Кононов, О синтаксической функции формы *тәйин* ‖ *тийин*. Сб. „Белек С. Е. Малову", Фрунзе, 1946, стр. 44-46.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## УНДОВЛАР

Ёдномаларда кичик бир гуруҳ сўзлар борки, булар ҳисҳаяжон, туйғу, кишининг турли кечинмалари ва эмоцияларини англатиш учун хизмат қилади. Буларга *ыйу* — эвоҳ: *йыта* — афсус; *а* — эй; *ай* — а — о; *ай* — эй; *у* — эй; *ай* — эй кабилар киради. Мисоллар: *сәкиз оғлум адырылдым ыйу* 'саккиз ўғлимдан айрилдим, эвоҳ' (ЕнПТ., 35. В. В. Радлов *йыу* сўзини равишдош деб изоҳ беради); *адырылтым йыта* 'мен ўлдим, афсус' (ЕнПТ., 55); *күн ай азыдым йыта* 'қуёш ва ойни кўрмас бўлдим, афсус' (ЕнПТ., 80); *йа Күтау* 'эй Кю — тау' (Сувр., 156); *ай эра* 'эй эр, баҳодир' (Сувр., 155); *ай эдгүләрим* 'эй эзгуларим! (Сувр., 155); *ай — а* 'эй!' (ТТ Х, 24); анча-ку (ПВ., 135); *қамаг сингиләрим-а!* 'ҳаммаси сингилларим! (U III, 14;17); *ун аначым—а!* 'эй менинг онажоним' (U III, 9;2) каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮКЛАМАЛАР

Юкламалар тузилиши жиҳатидан иккига бўлинади: соф юкламалар ва аффикс характерига эга бўлган юкламалар. Соф юкламаларга ***нә, ош, чў, кўк*** кабилар киради.

Аффикс характерига эга бўлган ***му, мў; қына, кинә, қыа, кийә, киа, киә, ақ, оқ, агў, кўк*** кабилар.

***нә***; *нә ймә мән Ил Тузмиш бирлә* 'ва мен Элтузмиш билан' (ТТ IV, 19); *бу савыг нә әшитў бирлә* 'бу сўзни эшитиш билан' (Сувр., 155) каби.

***ош*** || ***уш*** кучайтириш юкламаси. Руник обидалар тилида учрамайди.

***кўк***: Бу сўз С. Е. Малов ва А. Габэнларнинг фикрича, ҳаракатнинг бажарилишидаги тахмин ва имкониятни кўрсатади.

В. В. Радлов ***кўк*** сўзини кучайтириш маъносида келади деб таъкидлайди. Бизнингча ҳам ***кўк*** кучайтириш маъносига эга: *қач нән әрсәр ӧлўртәчи кўк* 'нима бўлса ҳам ўлдиради, албатта' (Тон., 62); *қач нән әрсәр бизни ӧлўртәчи кўк* 'нима бўлса ҳам бизни ўлдиради' (Тон., 63); *йандуқ йолта йәмә ӧлти кўк* 'қувланган йўлда ўлди' (Тон., 62) каби.

***Гў***: *Гў йақылтачы сиз* 'ахир сиз янглишасиз' (КТм., 28).

***-му, -мў***: бу юклама отдан [*қаған му, кишикә мў*], феълдан сўнг келиб, сўроқ мазмунини англатади: *бар му нә* 'борми ахир?' (Тон., 62); *Қаған му қысайын* 'хоқонга раҳм қилайми' (Тон., 61); *иринч тынлыг болғай му* 'бахтсиз жонлилар топиладими' (Сувр., 610); *киши кә мў алсықды* 'кишига олдирдими' (Юр., I, 203); *ачыг болур му* 'очиқ, бўлурми' (ТТ I, 14); *алқанмазму* 'йўқолмасми?' (ТТ III, 65).

Сўроқ юкламасидан сўнг баъзан предикативлик аффикслари қўлланади: *ычқынмыш әргәй мў биз* 'йўқотдикми' (Сувр., 622); *анча ймә қутлуг қывлыг әрмәз мў мән* 'ахир мен шундай бахтли ва олқишга сазовор эмасманми' (U III, 85-5).



www.ziyouz.com kutubxonasi

***-қына, -кинә, -ғина, -гинә.*** Бу юклама чегаралаш маъносида келади: *аз қына* 'озгина' (Тон., 61); *илтмәзкина* 'ҳали олиб бормасдан' (Сувр., 154); *он кӯн әртмәз кинә* 'ўн кун ўтмасдан' (Сувр., 154); *ашнуқына* 'ҳозиргина' (TT I, 13); *әмтықына* 'эндигина' (TT I, 13) каби.

***-қыа, -киа, -қыйа, -кийә.*** Бу юклама юқоридаги юкламанинг фонетик вариантидир: *ӯчәгӯ бирлә кийә* 'учови бирла' (Сувр., 620); *азқыйа* 'озгина' (Сувр., 61b); *биркийә* 'биргина' (Кр., 19); *әдгӯкийә* 'яхшигина' (U III, 31; 11) каби.

***оқ, ӧк.*** Бу юклама ёдномалар тилида кенг истеъмолда бўлган ***оқ, ӧк*** юкламасининг асосий семантикаси кучайтириш, айириш, чегаралаш каби маъноларни англатишдан иборат бўлган.

Отлардан сўнг келади: *қуруғ сӧнӯкләри ӧк туру қалты* 'қуруқ суякларгина қолди' (Сувр., 618); *бақшынун оқ* 'бахшини ҳам' (Сувр.).

Олмошлардан сўнг келади: *ол оқ тӯн* 'ўша тун' (Тон., 63); *булар оқ* 'худди булар' (U III, 25; 3); *бу оқ* 'бугина' (U III, 43;11); *кәнтӯ ӧзи ӧк* 'фақат ўзи' (U III, 20;8);

равиш билан: *йәнә ӧк* 'яна' (U III, 12-6); *ырақтын оқ* 'узоқдан' (U III, 70;4); *анта оқ* 'шундан сўнг' (Ū III, 18;4) каби.

Боғловчилар билан: *йәнә ӧк* 'тез орада' (TT IX,).

Сифатдошлар ва феъллар билан: *ӧғузуғ ӧлӯртәчи ӧк* 'ўғузларни ўлдиради' (Тон., 61); *кәлӯртим ӧк* 'келтирдим' (Тон., 62) каби.

Равишдошларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг бирин-кетин, тез орада содир бўлишини кўрсатади: *аны кӧрӯп ӧк* 'уни кўриши билан' (Сувр., 619); *йалын қылыч тутуп оқ ӯзкәлир* 'яланг қилич тушибоқ узади' (TT I, 13) каби.

